

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*Адабий-бадиий, илмий-публицистик журнал*

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 4 (143)

2009 йил, апрел

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

## М У Н Д А Р И Ж А

### НАСР

<b>Эрон ҳикоялари</b> .....	3
Василий ЯН. <b>Кўргон узра гулханлар. Роман</b> .....	29
Бағрат ШИНКУБА. <b>Кетганларнинг сўнгиси. Роман</b> .....	77

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Ризо ТАВФИҚ. <b>Рухимда очилар оппоқ гунчалар</b> .....	22
Хайнрих ХАЙНЕ. <b>Ишқий кўшиқлар</b> .....	68

### ИНСОН ВА ТАБИАТ

Масару ЭМОТО. <b>Сув қуввати. Бади</b> .....	114
--	-----

### МЕРОС

Бурҳониддин РАБҒУЗИЙ. <b>Қиссаси Рабғузий</b> .....	126
---	-----

### АДАБИЙ ЖАРАЁН

Владимир КРУПИН. <b>Мақтаниш керакми ёки тазарру қилиш?</b> .....	143
---	-----

### БИР АСАР ТАРИХИ

Умарали НОРМАТОВ. <b>«Рухлар исёни»нинг нурли толеи</b> .....	147
---	-----

### АДАБИЙ ТАНҚИД

Нилуфар ДИЛМУРОДОВА. <b>Янгиланиш эстетикаси</b> .....	150
--	-----

### ЖУРНАЛХОН МИНБАРИ

Мархабо ҚЎЧҚОРОВА. <b>Романнинг имкониятлари</b> .....	154
--	-----

### КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Нарзулла ЖЎРАЕВ. <b>Тарих қатларига янгича нигоҳ</b> .....	157
--	-----

### САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Сидни ШЕЛДОН. <b>Такдир тегирмони. Роман</b> .....	159
--	-----

ТОШКЕНТ  
АПРЕЛ

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**

Мирпўлат МИРЗО

**Таҳрир ҳайъати:**

Файзи ШОҲИСМОИЛ  
(масъул котиб)  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
Назира ЖЎРАЕВА  
Азиз САИД  
Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН

**Жамоатчилик кенгаши:**

Бобур АЛИМОВ  
Эркин ВОҲИДОВ  
Одил ЁҚУБОВ  
Абдулла ИСМОИЛОВ  
Минҳожиддин МИРЗО  
Абдураҳим МАННОНОВ  
Абдулла ОРИПОВ  
Азимжон ПАРПИЕВ  
Гайрат ШОУМАРОВ  
Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Рустам ҚУРБОНОВ

Навбатчи муҳаррир А.САИДОВ  
Рассом А.БОБРОВ  
Техник муҳаррир У.КИМ  
Мусаҳҳиҳ Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи З.МАННОПОВА

**Жаҳон адабиёти, 4. 2009.**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.

Босишга рухсат этилди 15.04. 2009 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.  
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 2000 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом номидаги НМИУда чоп этилди.  
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© **Жаҳон адабиёти, 2009 й.**

# Эрон ҳикоялари

ХИСРАВ ШОХОНИЙ

## ЭРНИ ҚАНДАЙ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ КЕРАК?

**Х**абибни кўрсангиз таниёлмасдингиз. У билан анчадан бери дўст бўлганимиз учун, қанчалик ўзгармасин, уни дарров танидим.

У олдинлари анча дадил, ҳаракатчан ва улфати жонон бўлиб, овқат ейишни хуш кўрар, хушчақчақ ва ҳазиллашишни ёқтирар — бир сўз билан айтганда, давранинг гули эди. Кўп топарди ва шунга яраша сарфларди. Доимо чиройли кўринарди: думалоқ юзи қип-қизил, қадамлари шахдам. Ҳозир унга бир қараб кўйинг! Худди безгакка чалингандек: юзлари сўлгин, бўздек оқарган, чалишиб юради. Хулласи калом, Ҳабибни таниб бўлмай қолганди.

Мен азалдан бировнинг ишига аралашишни ёқтирмасам-да, ҳозир ўзимни тутолмай, ундан сўрадим:

— Сенга нима бўлди, Ҳабибжон? Таниб бўлмайдиган аҳволга тушибсан!

Унинг жаҳли чиқиб кетди:

— Эр-хотин ва севишганларнинг ишига бурнини суққанларга худонинг лаънати бўлсин!

Ноўрин савол берганимни билдим ва уни тинчлантиришга уриндим:

— Хафа бўлма, Ҳабибжон! Ўзи нима гап, нимадан бунчалик жиғибийронсан?

— Аёллар журналини сотиб олма ва ўқима, деб минг марта айтдим унга! Йўқ, гапимга қулоқ солмади ва мени мана шу аҳволга солиб қўйди-да!

— Сенинг бу аҳволга тушишингга аёллар журналининг нима дахли бор?

Ҳабиб энди менга мўлтайиб қаради:

Рус тилидан  
Илҳом ЗОЙИР  
таржималари

Эрон адабиётининг ёрқин намоёндаларидан ҳисобланган Хисрав Шохоний 1930 йилда Машҳадда туғилган. 1958 йилдан бошлаб Техронда чоп этиладиган “Равшан фикр”, “Қаҳқаҳа”, “Оку қора” журналларида ҳикоялари босила бошлаган. “Қаҳқаҳа”нинг ҳар бир сонида Наматмол (кигиз босувчи) тахаллуси билан фельетонлари эълон қилинган. У ижтимоий-сиёсий, одоб-ахлоқ, маданият масалаларига кўпроқ эътиборини қаратган ва барча замонларда ҳажвчилар учун дастуриламал бўлган қарама-қаршилик, муболаға, шарж, карикатура, пародия сингари усуллардан унумли фойдаланган.

Эрон насрининг яна бир пешқадами Фаридун Тонкабоний 1937 йилда Техронда туғилган. Отаси мактаб директори, онаси эса ўқитувчи эди. Бўлажак адиб 1955 йилда Техрон

– Ҳамма гап аёллар журналида-да, сен буни тушунмайсан! Юр, қаҳвахонага кирайлик, ўша ерда ҳаммасини айтиб бераман.

– Сен мени яхши биласан-ку, – деб ўз ҳикоясини бошлади Ҳабиб жойлашиб ўтиришимиз билан. – Қандай шўҳ ва хушчақчақ эдим. Эслайсанми?

– Эсламай, ўлибманми?

– Энди-чи?.. Бунга ким айбдор деб ўйлайсан?

– Мен қайдан билай?

– Доктор, лаънати доктор Хильдер Гавзер айбдор, лаънат бўлсин унга!

– Тушунмадим, очикроқ гапирсанг-чи!

– Ярим йил олдин хотиним аёллар журналига обуна бўлган эди. Журналда нимани ёзишса, хотиним уни ёд оларди-да, кейин кўнлар устида тажриба ўтказгандай, ўша ўрганганларини менда синаб кўрарди, энди тушундингми?

– Йўқ, ҳеч нарсага тушунмадим!

Ҳабиб чўнтагидан папирос чиқариб, уни тутатди, сўнг менга бир қараб олди-да, давом этди:

– Олти ой бурун ўша доктор – илоҳим соқоли ўсмасин! – журналда талай мақолаларини чоп эттирди. “Аёллар! Эрингизнинг тақдири сизнинг кўлингизда. Унинг соғлом ва бақувват бўлишини истасангиз, мана бу маслаҳатларга амал қилинг!” деб ёзган экан бир мақоласида.

– Хўш?

– Беш ой бурун, уйга кириб, йўлакда тиббиёт тарозиси турганига кўзим тушди. “Бу нима?” деб сўрадим Минадан.

– Унга чиқ, сени ўлчаб қўяман! – деди у жилмайиб.

– Меними?

– Ҳа, сени!

– Нимага?

– “Эркаклар соғлигининг энг асосий омилларидан бири – вазнини меъериди сақлаш!” деб ёзибди доктор Хильдер Гавзер.

Шундан бери бу хотин эрталаб, пешинда, кечаси, ухлашдан олдин, овқатгача, овқатдан кейин бир қоп шолғомдай кунига олти марта мени тарозига чиқариб қўйиб ўлчайди. Агар вазним камайса – дарров ўтиргизиб қўйиб, мажбурлаб овқатлантиради, агар вазним кўпайса – лаънати доктор Хильдер Гавзер маслаҳатига биноан кийимсиз югуришга мажбур қилади.

– Нега энди кийимсиз?

– Доктор Хильдер Гавзер, бунақа пайтда бутун тана эркин нафас олиши керак, деб маслаҳат берганмиш.

– Хўш, яна нима гап?

– Бу лаънати доктор, аёл эрини ойига бир марта барча тиббий текшириш бўйича шифокор кўригидан ўтказиб туриши шартлигини ўқтиради, мабодо, шифокор қандайдир нуқсон топса, унга ўз вақтида чора кўриш керакмиш. Шундай қилиб, олти ойдан буён бу хотин менинг соғлиғимни ўйлайди...

университетининг адабиёт факультетига ўқишга кирган ва ўқиш билан бирга ўрта мактабда ўқитувчилик қилган. Унинг илк ҳикоялар тўплами “Ер асири” номи билан 1962 йилда чоп этилган бўлса, кейин бирин-кетин “Пиёда” (1965), “Тунги юлдузлар” (1968), “Шовқинли шаҳар хотиралари” (1969) китоблари нашр этилган.

Муҳаммад Али Жамолзода аслида Эрон адабиётида ҳажвиёт асосчиси ҳисобланади. Ўтган асрнинг 40–50-йилларида унинг ижоди юқори чўққига кўтарилди. “Жиннихона” (1942), “Кўрқинчли ҳукм водийси” (1944), “Тарнов ҳақида қисса” (1947), “Аччиқ ва ширин” (1955), “Эски ва янги” (1959), “Оллоҳдан бошқа ҳеч ким йўқ” (1961), “Турлитуман одамлар” (1965) китоблари ёзувчига зўр шуҳрат келтирган.

– Демак, хотининг сени яхши кўраркан, Ҳабибжон! – кўнглини кўтарган бўлдим.

– ...поликлиникага олиб боради мени, – менинг гапимга эътибор бермай, давом этди Ҳабиб. – Бир куни кўз дўхтирига, иккинчи куни – тиш дўхтирига, учинчи, тўртинчи, бешинчи кунлари – терапевтга, жарроҳга, онкологга ва яна ким-кимларга олиб боради... Жонимдан тўйиб кетдим!

– Асабийлашма, Ҳабибжон! – таскин бердим мен. – Демак, Минахоним сени севади, кўр бўлиб қолишингдан ёки ошқозонингда яра пайдо бўлишидан хавотирланади-да.

– Яна бу доктор Хильдер Гавзер хотинларга эркаклар ўз меҳнат қобилиятини узоқ сақлаб қолишлари учун уларни эрталаб ва кечқурун бадантарбия билан шуғулланишга мажбур қилишни маслаҳат беради!.. Хотиним менга иккита саккиз килолик тош, яна буқанинг бўйинини синдирадиган штанга ҳам сотиб олди. Тош кўтарганда, ўйлаб қоламан, нега мен майиб бўлмайман деб? Менда куч ҳам қолмади, тоқат ҳам!

– Иш нима бўляпти, иш, Ҳабибжон?

– Қанақа иш? Ишлайдиган вақтлар ўтмишда қолди! Ҳар куни кечаси соат саккизда болаларни ухлатади, кейин мени кўрпага ўрайди ва “ўқиб дам ол” деб, олдимга бир олам китоб-журналларни уйиб ташлайди.

– Нимага?

– Нима “нимага”? Буни доктор Хильдер Гавзер маслаҳат берган, дейди хотиним. Сенга, – яъни менга, – дам олишинг, ўқишинг ва ухлашинг учун тинчлик керак, дейди.

Мен маҳбус ёки мохов эмасман, бунақада жинни бўлиб қоламан, дедим унга. Доктор Хильдер Гавзер шундай деган, мен бошқасини билмайман, дейди хотиним. Бу доктор Хильдер Гавзер менинг тинчлигимни, бахтли ҳаёт кечиришимни бунча истамаса? Бурунлари ишдан келиб, кечалари болаларим билан бирга телевизор кўрардим, уларга эртақлар айтиб берардим, ўйнатардим, қулдирардим. Соат ўн иккида ухлардим, эрталаб мени тўп отиб ҳам уйғотиб бўлмасди, энди эса ирғиб тураман.

– Нимага, Ҳабибжон?

– Кечаси, доктор Хильдер Гавзернинг маслаҳати билан, – дўзахда қўйиб қул бўлмаса рози эмасман! – ошқозонга оғир ботмаслиги ва яхши ухлаб туш кўришим учун қотган нон билан қирғичдан ўтказилган сабзидан тайёрланган ёвғон шўрва ичаман. Ўзинг биласан, олдинлари нонуштада бир жуфт қўй тилини, тўртга оёғини иккита нон билан еб ташлардим. Бундан ташқари, хотиним кечалари устимга ўн марта кўрпа ташлаб, ўн марта очиб ташлайди.

– Нима учун, Ҳабибжон?

– Ҳаммаси доктор... доктор Хильдер Гавзер шундай маслаҳат беради. Биласанми? “Эрингизга қараб турунг, ухлаганда усти очилиб қолмасин – шамоллаши мумкин, яна кўрпа тагида димиқиб қолмасин – бўғилиши мумкин”, деб ёзганмиш. Энди тушундингми?

– Бир нималарни тушунгандай бўляпман! Кейин-чи?

– Ишдан келиб, кийимларимни алмаштирмасимдан туриб, Мина мени саволга тутуди:

– Чарчамадингми, Ҳабибжон?

– Йўқ!

– Бошлигинг билан жиқиллашмадингми?

– Йўқ!

– Эҳтимол, жиқиллашгандирсан, менга тўғриси айт.

- Айтдим-ку, жиқиллашмадим деб!
  - Эҳтимол, бошқа биров билан жанжаллашгандирсан?
  - Нега жанжаллашарканман?
  - Мен биламан, жанжаллашгансан, фақат менга айтгинг келмаяпти. Мана, доктор Хильдер Гавзер “эрлар ўз тинчликларини ўйласалар, қувонч-ташвишларини хотинлари билан бирга баҳам кўришлари керак”, дебди. Шунинг учун, азизим, менга тўғриси айт, бугун бирор киши билан жанжаллашдингми?
  - Сенинг номинг билан қасам ичаман, жанжаллашмадим!
  - Эҳтимол, ҳеч нарсдан-ҳеч нарса йўқ полиция сенга хиралик қилгандир?
  - Йўқ!
  - Ёки ишхонангда сенга ҳайфсан беришдими?
- Шу пайт Ҳабиб қўлини кўтариб, менга илтижо қилди, гўё ҳозир қаршисида мен эмас, гўё хотини Мина тургандек, наъра тортиб юборди:
- Қиблага қараб қасам ичаман, йўқ! Йўқ! Йўқ! Ҳеч ким билан гижиллашмадим, ҳеч ким билан жанжаллашмадим! Ишхонамда менга ҳайфсан беришмади! Полиция менга хиралик қилгани йўқ! Мени тинч қўй, жонимга тегди, қийналиб кетдим!
  - Ҳабибнинг овозини эшитган официант бизга яқинлашди:
  - Нима бўлди, ога? Илтимос, шовқин кўтарманг.
  - Ҳеч нима, ҳеч нима. Биз шунчаки очиқчасига гаплашяпмиз, – дедик иккаламиз бараварига.
  - Бундан кейин, биласанми, хотиним нима қилди? – официантга эътибор қилмай давом этди Ҳабиб. – Асабим чарчаган экан, бунақа пайтда доктор Хильдер Гавзернинг маслаҳатига кўра... Айтишга уяласан киши!
  - Гапир, гапир, Ҳабибжон, уялма.
  - Ҳуқна қилади, дори беради ёки оғзимга томизғи томизади! Мен олдинлари зарур ишим бўлмаса, эрталаб соат етти, саккиз, тўққизда турардим. Энди лаънати доктор Хильдер Гавзернинг кўрсатмаси бўйича: “Тур ўрнингдан, бўлмаса нонушта қилишга улгурмайсан, бадангарбия қилолмайсан, муолажалар учун вақт қолмайди, ҳуқна қилиш керак”, деб хотиним соат олтида уйғотиб олади. Мен тушунолмай қолдим, бу хотин меникими ёки доктор Хильдер Гавзерникими? Мени гўр ёқасига олиб боришининг нима кераги бор унга?
  - Албатта, бу сенинг хотининг, Ҳабибжон! – дедим унга.
  - Унда нима учун мени бу аҳволга солиб қўйди?
  - Менимча, у сени севади!
  - Ҳабиб тишини шунақанги гижирлатдики, мен стулнинг тўртта оёғи баравар синди, деб ўйлабман.
  - У мени севадими ёки ўзиними?
  - Албатта, сени, Ҳабибжон, шунинг учун шундай қилади-да...
  - Официант ҳисоб-китоб варақасини келтирганда, мен тўлайман десам, Ҳабиб унамади.

## **БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН КИШИ**

Қосим билан кўришмаганимга ҳам икки йилдан ошибди. Уни Техрондаги Шопур кўчасида яшашини билардим, лекин ташвиш билан бўлиб, ундан хабар олишга имкон тополмасдим. Бир куни телевизор кўриб ўтирсам, бирдан экранда унинг сурати пайдо бўлиб қолди. Бошловчи мунгли овоз билан эълонни ўқиди: “Бедарак

йўқолганлар! Ушбу суратда акс этган кишининг исм-фамилияси Қосим Меҳнатободий, элик икки ёшда, бедарак йўқолган. Яқинлари уни бир ойдан бери излайдилар. Уни қўрган ёки у ҳақда бирор маълумотга эга бўлган кишилар ушбу манзилга хабар қилишларини сўраймиз. Суюнчиси бор”.

Вужудимни ваҳима қоплади. Бу нимаси? Кап-катта одам ҳеч нарсдан-ҳеч нарса йўқ йўқолиб кетиши мумкинми? Ўзимча турли хаёлларга бордим. Ўз жонига қасд қилдимикан? Ёки бирор оғир жиноятни содир этиб, яшириниб юрганмикан? Эҳтимол, автоҳалокатга учраб, машина остига тушиб қолмадимикан? Агар унинг жонига қасд қилишган бўлишса-чи?

Унинг бола-чақаси йўқлигини, хотини билан ажрашиб кетганини билардим. Тўхта, унинг қариндошлари бормиди? Бўлса, нега уни қидириб топиш ҳеч бирининг хаёлига келмайди? Нимага? Мен-чи, мен! Анчадан бери уни кўргани бормадим, ҳатто унинг йўқолганини телевизор орқали билиб ўтирибман-а!

Хуллас, кечаси билан тўлғониб чиқдим. Қосим ҳақидаги хаёллар ҳеч тинчлик бермади.

Эрталаб туриб, биринчи қилган ишим шу бўлдики, таксига ўтириб, бундан икки йил олдин Қосимнинг ўзи берган манзил бўйича уйини қидириб бордим. Эшикни чодралаи аёл очди. Ундан Қосимни сўрадим.

– Биз бу уйни олти ой бурун ижарага олганмиз, унақа кишини билмаймиз, – деди аёл.

Уй атрофини роса айландим, кейин эҳтимол, шулар бир нимани билар, деган мақсадда, Қосим доимо кириб-чиқадиган дўконга мўраладим.

– Олти ой бўлди, дўконга кирмай қўйди, – деди дўкон хўжайини. – Унинг бу ердан кетиб қолганини ҳеч ким билмайди. Бир куни кириб, қарзларини тўлади ва хайрлашди. Шундан кейин уни кўрмадик. Ўзи нима гап?

– Ҳеч гап эмас, – дедим. – Шунчаки у билан кўришмоқчи эдим. Начора, кўришиш насиб қилмаган экан.

Тўғриси, кеча телевизорда Қосимнинг бедарак йўқолганини, унинг суратини кўрсатишганини айтишга қўрқдим.

Мен дўкондан чиқарканман, дўкон хўжайини эсладими, қўшиб қўйди:

– Хайрлашаётганида, ундан қаерга кўчаётгани билан қизиққан эдим. У Юсуфободга дегандай бўлди, бошқа ҳеч нима демади.

Мен яна такси ёллаб, Юсуфободга бордим. Сиз ўйлашингиз мумкин: манзили номаълум одамни Техрондай жойдан излаш ақлга сизмайди, деб. Тўғри! Мен барча савдо расталарини айланиб, ишни Қосимни суриштиришдан бошладим. Бу ишим, албатта, ўз натижасини берди.

– Ҳа, бунақа одам ҳўв анави муюлишдаги уйда яшаган, – дея эслади бир сотувчи. – Лекин бир куни кечаси бирдан йўқолиб қолди, шундан кейин уни ҳеч ким кўрмади. Эҳтимол, у ҳақда полиция кўпроқ маълумотга эгадир?..

Маҳкамага кириб, Қосимнинг юз тузилишини таърифлаб бердим. Навбатчи зобит, – худо хайрини берсин, инсофли одам экан, – бир дафтарни варақлади, Қосимнинг Алишоҳ Сафи кўчасида яшаган-яшамаганлигини, бу ердан кўчиб кетган бўлса, қачондан бери кўринмаслигини иккита сержант билан маслаҳатлашиб, менга маслаҳат берди.

Яна такси ёллаб Алишоҳ Сафи кўчасини айланиб чиқдим, кейин Делгоша кўчасига ўтдим, ундан Салсабил кўчасига, ундан

Султонободга бордим. Хуллас, куни билан излаб, охири Қосимни Памерал кўчасига яқин муюлишдаги пастқамгина ҳовличадан топдим.

Эшик секингина қиялаб очилиб, Қосимнинг қораси кўринди. Уни кўриб, рости таниёлмай қолдим. У шу икки йил ичида шунақанги қарибдики, асти қўяверинг. Кучоқлашиб, ялаб-юлқлашиб кўришдик.

– Бир ўзингмисан ёки миршаб биланми? – дея муюлиш томонга хавотир билан қаради у.

– Бир ўзим. Нима эди?

– Кир ичкарига!

Торгина йўлақдан ўтиб, кичкинагина уйчага кирдик.

– Нима иш қилиб қўйдинг? – деб сўрадим курсига ўтиришим билан. – Нега ҳар ойда яшаш жойингни ўзгартириб юрибсан? Бирорта кишини ўлдириб қўйдингми? Ёки қорадори олди-соттиси билан шуғуланасанми? Нима гап?

– Ўзинг нима учун бирдан мени эслаб қолдинг? – жавоб бериш ўрнига мени сўроққа тутди. Унинг хириллаб гапиришидан, овози гўё қудуқ тубидан чиқаётгандек эди.

– Биласанми, кеча кечқурун суратингни телевизорда кўриб қолиб...

– Худо жазосини берсин! Соқолсиз қолсин! – гапимни бўлди Қосим.

– Кимни қарғаяпсан бунча?

– Амриллони! Менинг бу ҳолга тушишимга фақат у сабабчи! Қийнаб юборди мени! Икки йилдирки қонимни сўради. Уни деб ана шу кунга тушиб қолдим! Лаънати қонхўр, суратимни телевизорга берибди-да. Нима қилсам бўлади буни?

– Сен аввал нима гаплигини менга айт, кейин ўйлашиб кўрамиз. Ким у Амрилло деганинг? Ҳукумат раҳбарими? Миршабми? Терговчими? Ким у?

– Йўқ, йўқ, йўқ! – қичқирди Қосим. – Амрилло дегани менинг ношукр хизматкорим!

– Ҳали ўша сени шу аҳволга солиб қўйдими?

– Худди шундай!

Қосимнинг бирор жиноят қилмаганига амин бўлдим-у, сигарет чекатуриб давом этдим:

– Энди, – дедим тутун қайтариб, – менга бир бошдан гапириб бер-чи.

У хўрсиниб олиб, ҳикоясини бошлади:

– Хотиним билан ажрашгандан кейин Шопур кўчасидан ижарага уй олганимни эслайсанми?

– Ҳа, икки йил бурун шундай бўлган эди.

– Ҳа, ўлма! Бу хотин билан ажрашиб, анча тинчиб қолгандим.

Орадан икки ой ўтгач, ёлғизликда яшаш менга тўғри келмаслигини билдим. Дўконма-дўкон изғиб юриш, овқат пишириш, идиш-товоқ ювиш ва бошқа икир-чикирларни ўзим бажаришимга тўғри келди. Бу ишлар билан бўлиб, бошқа ишга вақт етмай қоларди. Улда-жўлда овқатланиш эриш туйилди менга. Битта хизматкор топиб беринглар, деб ҳамма танишларга айтиб чиқдим. Улар маслаҳатлашиб, бу уйда аёл хизматкор сақлаш ноқулайлигини, аёл киши мендек қариянинг барча хизматларини қила олмаслигини айтиб, ана шу Амриллони топиб беришди. (Бу Амрилло эмас – иблиснинг ўзи!) Хуллас, йигирма тўрт ёшли, ҳарбийда хизмат қилган, фаросатли, фақир бир йигит уйимга кириб келди. Дастлабки икки ойда унинг хизматларидан кўнглим тўлди. Уйни тамоман унга топширдим, ҳатто танга-



чақаларни ўзимда қолдириб, бошқа пулларни қўлига бердим. Биз хўжайин ва хизматкор эмас, гўё икки дўст эдик. Уйда бўлган кунларим у билан нарда ўйнардим. Уни едирдим-кийинтирдим. Бўйнига галстук тақди, соч ўстирди, қўй-чи, одамшаванда бўлди-қолди.

Шу орада мен бир неча ҳамкасблар билан дўстлашдим. Бўйдоқ эмасманми, кечаларни улар билан қувноқ ўтказишга ҳаракат қилдим. Бир куни бирга ишлайдиган жувонни уйимга таклиф этдим. Томоша шундан бошланди. Амрилло уни шунақанги мақтадики, мен жувоннинг олдида хижолат тортиб қолдим. Лаънати, мақтовини борган сари ошираверди. Шунда Амрилло енгил кийимда эшикдан кириб, жувоннинг олдига бир қути ширинликни қўйди-да, ўзи иккимизнинг ўртамизда ўтириб олди. Фалати бўлиб кетдим, лекин тишимни-тишимга қўйиб ўтирдим. Амрилло қўярда-қўймай мени, жувонни ширинлик олиб ейишга қисташ билан бирга жувонга хушомадлар қилди. Қарта ўйинини бошлаганимизда, у пулга ўйнашни таклиф қилди.

Шубҳасиз, мен рад этишга ҳаракат қилдим, жувон эса рози бўлди. Нима дейишимни билмадим. Учаламиз қарта ўйнадик. Кечаси ўн бирларда жувон кетиши билан ўзимни тута олмай, Амриллони уришиб бердим.

— Сизга нима бўлди, хўжайин! Нега бунча тутақасиз? Сусанхонимга айтинг, кейинги сафар келишида битта дугонасини ҳам эргаштириб келсин. Тўрт кишилаб қарта ўйнаш жуда зўр бўлади-да, — дейди лаънати.

“А-ҳа! — дедим ичимда. — Бунақаси кетмайди! У ўзидан кетяпти, бу уйда ким хўжайину, ким хизматкор эканлигини унутган! Қўйиб берсам, эртага кўнгли нималарни тусамайди дейсиз! Вақтида ашқол-дашқолини кўтариб, бу уйни бўшатиб қўйсин!”

Эртаси эрталаб унга бу уйда қорасини бошқа кўрмаслигимни айтдим:

— Менга хизматкор керак, жазманчиликка шерик эмас! Ҳақингни ол-да, кет!

— Бу ишни шунчалар осон деб ўйлайсанми, — деди у сенсираб. — Мени шунчаки кўчага улоқтирмоқчимисан? Бекорларни айтибсан! Мен меҳнат вазирлигига арз қиламан, улар сенга меҳнат қонунларига ҳурматсизлик қандай бўлишини кўрсатиб қўйишади!

— Уят эмасми, Амриллохон! Сени ишга олганимда, мен меҳнат вазирлигига мурожаат қилганим йўқ эди-ку! Олти ой давомида бу уйда яшадинг, единг-ичдинг, хоҳлаганингни қилдинг, энди тўполон кўтармоқчимисан?

— Сени маҳкамага олиб бораман! — деди аблаҳ уялмай. — Дунёда қонун йўқ деб ўйлайсанми? Сен учун шундай қонун топилади, хотиржам бўл! Хизматкорга қулдек муносабатда бўлган замонлар ўтиб кетган! Ҳозир уларни қонун ўз ҳимоясига олган.

Унинг овозини эшитиб, қўшнилари, бизга яқин дўконнинг ишбошқарувчиси кириб келди.

— Яхши! Сенингни, мен нима қилишим керак? — деб сўрадим Амриллодан.

— Олдиндан икки ойлик маошимни тўлаб қўясан!

— Розиман!

— Охирги йигирма кунни бир ойга ҳисоблайсан!

— Бунга ҳам розиман!

— Битта янги костюмингни совға қиласан!

— Бўпти, совға қиламан!

— Яна битта гиламча ҳам берасан!

Унинг ҳамма шартларига кўндим. У кетди, мен эркин нафас ола бошладим.

Орадан бир ҳафта ўтиб, эрталабдан эшик қўнғироғи чалинди. Эшикни очсам, остонада Амрилло, миршаб ва яна бир папка қўлтиқлаб олган киши билан турибди.

– Сизларга нима керак? – деб сўрадим.

– Мен аҳолини ишга жойлаштириш Бош бошқармасининг вакилиман, – ўзини таништирди папкали киши. – Мана бу жаноб сизникида ишлаган экан, шундайми?

– Хўш!

– Нимага уни ҳайдадингиз?

– Чунки менга хизматкор керак эди, хўжайин эмас.

– Нима гап ўзи? Мамлакатда қонун йўқми? Қайси қонунга асосланиб, ишлаб турган хизматкорни ишдан бўшатдингиз? – деди папкали киши ва қўлимга бир варақ қоғоз тутқазди. – Мана сизга суднинг чақирув қоғози. Мени тушундингизми? Ё бу жаноб билан муроасага келинг ёки аҳолини ишга жойлаштириш Бош бошқармасига марҳамат қилинг!

Амрилло мўлтираб менга қаради-да:

– Ана шунақа, хўжайин! Нима, сенга қарши қонун йўқ деб ўйлаганмидинг? Ҳамма ўзбошимчалик қилаверса нима бўлади? Мамлакатда қонун бор!– деди.

– Мен сизга айтсам, – тушунтирдим папкали вакилга, – менга ҳозирги кунда хизматкор керак эмас. Бу одам билан ҳисоб-китоб қилганман, олдиндан икки ойлик ҳақини тўладим, янги костюм совға қилдим, унинг билан бошқа олди-бердим йўқ.

– Кўрдингизми, бу одам қонунга бўйсунмайди! – деди келганидан бери жим турган миршаб. – Уни керакли жойга олиб боришимизга тўғри келади. У ерда тезда тил топишамиз!

– Мени қаерга олиб бормоқчисиз? – деб сўрадим.

– Маҳкамага! – деди полициячи.

– Мендан нима истайсиз ўзи? Нима қилишим керак? – дея хавотирландим.

– Биз ҳозиргина айтдик-ку. Сен бу жанобни ишга тиклашинг керак!

Кўриб турибман, бошқа иложим йўқ. Маҳкамага боришдан худонинг ўзи сақласин, ҳамма қонунлар уларнинг қўлида...

– Марҳамат, киринг, Амриллохон! – дедим Амриллони ичкарига таклиф қилиб.

Амрилло уйга кирди ва бу аблаҳ билан яна бир том остида яшай бошладик. Тўғри, у билан жиддий гаплашиб олдим, у бундан кейин менинг шахсий ҳаётимга аралашмасликка сўз берди.

Орадан икки ҳафта ўтди. Бир куни ишдан қайтсам, меҳмонхонада икки кишининг гаплашаётганини йўлак бошида туриб эшитдим...

Қосим чуқур нафас олиб, қўли билан юзини силади.

– Ишонмайсан, – давом этди у, – мен бу лаънатидан нима яхшилик кўрдим? Қийнаб юборди мени, бу аблаҳ! Бошқа иложим қолмади!

– Гапиравер, кейин-чи? – дедим мен.

– Меҳмонхона эшигидан мўраласам, Амрилло диванда ўтириб олиб, бир дўндикчани эзгиляпти. “Шуниси етмай турганди!” – деб ўйладим ва келганимни билиб, ишни бас қилсин, деган маънода бир неча бор йўталдим.

Амрилло югуриб олдимга чиқди:

– Киринг, уялманг, – деди менга, – танишим меҳмонга келиб эди, гаплашиб ўтирибмиз. Исми Зари, қўшнимиз жаноб полковникнинг уйида хизмат қилади, жуда ақли қиз... Сиз уни танимайсизми?

– Йўқ, унга ишим тушмаган!

Қиз кетгач, Амриллога дедим:

– Азизим Амрилло, биласан, сенинг ҳамма шартларингга қўндим, бунинг эвазига мени қўшнилар олдида шарманда қилмагин-да энди! Мен жаноб полковник билан орамиздаги муносабатларнинг бузилишини истамайман.

Амрилло бундан кейин бу иш такрорланмаслигига сўз берди.

Орадан ўн-ўн икки кун ўтди, эрталаб миршаб келиб, мени маҳкамасига таклиф этди. Кийиниб бордим. Хонада навбатчи капитан олдида қўшним – полковник жаҳли чиққанидан узун мўйловининг учини тишлаб ўтирибди.

Уни кўрдим-у, бу Амриллонинг иши эканини сездим.

– Хизматингизга тайёрман, жаноб капитан, – таъзим қилдим мен.

– Жаноб полковник шикоят билан келибдилар, – деди капитан, – нега у кишининг хизматкорини йўлдан урдингиз? Ҳозир у ҳомиладор экан.

Бу гапни эшитиб, бутун вужудим музлаб қолди.

– Сизни тушунмадим, жаноб капитан? Уни сен йўлдан ургансан, демоқчимисиз?

– Мен эмас, албатта? – деди капитан ва полковникка қараб маъноли жилмайиб қўйди.

... Қосим қўлидаги сигаретини кулдонда эзгилаб, гапида давом этди:

– Энди тушунгандирсан, мени нега қочиб юрганимни? Қанақа кўрсатмалар бермадим миршабга! Полковник ва унинг ёрдамчисидан қочиб, неча кеча-кундузни қўрқувда ўтказмадим, уларнинг дағдағасидан ҳатто уйда ётмадим, кўчаларда тентираб чиқдим! Э, айтаверсам гапим адо бўлмайди... Бу азобларнинг натижаси ўлароқ, Амрилло Зарига уйланди ва уни ҳам менинг уйимга олиб кирди. Ноқулай вазиятда қолдим: Амриллони меҳнат қонунлари, Зарини эса оила ва никоҳ қонунлари ҳимоя қилади, мени эса ҳеч ким ҳимоясига олмайди. Мен ўзимни ўйлашим керакми! Биринчи навбатда Амрилло мени топиб олмасин деб, ишдан бўшадим ва бошқа ишга жойлашдим. Кейин Юсуфободдан ижарага уй топдим, унча катта бўлмаган жамғармамга уй жиҳозлари сотиб олиб, уч хонанинг бирига жойлаштирдим. Ва ниҳоят, бир куни эрталаб Шопур кўчасидаги уйда нима бўлса ҳаммасини тўй совғаси сифатида янги келин-куёвга ташлаб, чиқиб кетдим.

Бир қанча вақт Юсуфободда яшадим. Бир куни кечаси газета варақлаб туриб, охириги саҳифадаги таниш суратга қўзим тушди ва дарров ўзимни таниб олдим. Сурат тепасида “Бедарак йўқолган кимса”, тагида: “Қосим Меҳнатободий қирқ кун олдин уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган. У ҳақда билганлар кўрсатилган манзилга хабар берсин. Суюнчиси бор”, деган сўзлар ёзилган.

Эй, худойим, энди нима қилиш керак? Қаёққа қочиб яшириниш керак?

Эрталабгача мижжа қоқмай чиқдим. Кейин янги жой излаб кетдим. Уйга қуруқ қайтиб, тушлик қилиб ўтирсам, эшик қўнғироғи чалинди. Эшикни очсам, остонада Амрилло, хотини Зари ва миршаб турибди.

– Сизга каттадан-катта раҳмат, жаноб сержант, – мени кўриб, миршабга миннатдорчилик билдирди Амрилло. – Бу худди ўша киши. Ёрдамнингиз учун яна бир марта раҳмат! Энди кетишингиз мумкин.

– Амрилло!.. Қандай қилиб мени топдинг? – ҳайрон бўлиб сўрадим ундан.

– Миршаб ёрдамида, – деди у. – Ҳукумат билан ҳазиллашиб бўлмайди. Ҳар бир полиция маҳкамасида фуқароларнинг манзили ва сурати бўлади.

– Мендан яна нима истайсан?

– Айтарли ҳеч нарса, жаноб, фақат сизсиз яшай олмаймиз. Ижара пули, сув, чироқ, телефон ҳақини тўлаш керак. Мен билан Зарига емак керак. Буларга қаердан пул оламиз?

Хуллас, мен ташлаб келган нарсаларни бу ерга олиб келишди ва бўш ётган хоналарга жойлашишди. Биз яна бир уйда яшай бошладик. Бора-бора, мен бу дайдилар билан бошқа яшай олмаслигимни сездим. Менда куч қолмаган эди, улар икки киши бўлса, яқинда учта бўлишлари эҳтимолдан холи эмасди...

Қосим қайғули бир хулоса ясади:

– Менимча, биздаги қонунлар Амрилло ва унинг хотинини ҳимояси учун яратилгандек, полициянинг эса мени қидириб топиб, яна ўшаларнинг қўлига топширишдан бошқа иши қолмаган.

Қосим каравот тагидан бир даста газета-журналларни олиб кўрсатди.

– Қара, буларнинг барчасида менинг суратим ва устида “Бедарак йўқолган кимса” деган ёзуви бор. Лаънати Амрилло яшириндим дегунча, буларни эълон қилади. Бирор сафар йўқки, миршаб мени тополмаган ва уларнинг қўлига топширмаган бўлсин. Бугун эса, орадан икки йил ўтиб, мени кўргани келдинг ва кеча кечаси суратимни телевизорда кўрсатган хабарини етказдинг. Энди мен нима қилишим керак? Қаёққа қочсам экан? Кимга арз қилсам экан?

– Ҳа, бу жуда ачинарли ҳол, – дедим Қосимнинг ҳолига ачиниб.

– Лекин сен ғам ема, худо бор, бу ишлар бир ёқлик...

Гапим оғзимда қолиб, эшик кўнғироғи жиринглади. Қосим менга кўрқув ва таҳлика тўла кўзларини тикиб, тошдек қотиб қолди.

## ФАРИДУН ТОНКАБОНИЙ

### ЯШАСИН, ТАНБАЛЛИК!

Одамзоддан танбали бўлмайди. У тўрт оёқлаб юришни хоҳламагани учун икки оёқлаб юришни афзал кўрган. Чунки тўрт оёқда юрганда бўйнини чўзиши, бошини кўтариб туриши, юрганда қўлини силкитиши ноқулай бўларди. Икки оёқда юриши эса, бошини тик тутиб, бошқа жонзотлардан ўзининг устунлигини кўрсатиб қўйиш учун имконият яратди.

Инсон ҳайвонларни, масалан, отни қўлга ўргатишининг сабаби — у шунчаки яёв юришга эринганидан эди. Отда юриш яхши-да. Хўш, инсон қайиқ ва кемани нима учун ихтиро қилган? Албатта, ўзи сузишни истамагани учун. Ялқовлиги сузишга халақит берган-да. Кейин десангиз, унга эшкак эшиш ҳам малол келган ва у елканли қайиқни яратиб, мовий тўлқинлар қўйнида, қуёшнинг заррин нурларида товланиб туриб яна ўйлаган: шу елканни кўтариб-тушириш ҳам бир даҳмаза. У шу заҳоти моторли қайиқни ихтиро қилиб юборган-у, бирпас ўтиб яна ялқовлиги туган, чунки бандаргоҳга кириб, ёқилги олишга навбатда туришга эриниб, ўзининг тинчлигини ўйлаб, юрадиган машина кашф қилган.

Эгарда лўкиллаб юрганда бўғимлари, файтонда юрганда бели

оғриган ва эринчоғлик билан автомобиль билан темир йўлни ўйлаб топган. Кейин ўнқир-чўнқир йўлларда автомобилда соатлаб юриш, автомобилга ёқилги қуйиш, мой меъёрини текшириш, филдиракларни алмаштириш, тасмани, амортизаторни созлаш ва бошқа ишларни бажаришдан эриниб, самолётни яратган.

Самолётга ҳам қаноат қилмаган. Уни учиш йўлакчасига тўғрилаш, ҳавога кўтарилгандан кейин қўниш учун аэродром қидириш, аэродром топилгач, қўнишга рухсат теккунча унинг устида айланиб юришга эриниб, вертолётни ясаган ва бу унинг танбаллигига жуда ҳам мос тушган. Чунки учувчи хоҳласа — жойидан учиб кетади, хоҳласа, жойига қўнади.

Самолётнинг юмшоқ ўриндиғида ўтириб, унга ичимлик, хоҳишига кўра китоб, газета, журнал беришди, мусиқа қўйишди, кино кўрсатишди. Энг асосийси — масофа, пиёда бир йилда етадиган манзилени бир неча соатда босиб ўтади. У шу соатларга ҳам қаноат қилмади, танбаллиги тутди. Энди у овоз тезлигида учадиган самолёт ихтиро қилди. Ана, кўрдингизми, бу оламда одамзоддан танбал ва чидамсиз жонзот йўқ.

Ҳар қандай бошқа ихтироларни олинг, у хоҳ катта, хоҳ кичик бўладими, бари инсон танбаллигининг маҳсулидир. Кир ва идиш-товоқ ювиш машиналари, кимёвий қўйлак, бир марта фойдаланиладиган ликопчалар, қоғоз қадаҳча ва дастрўмолча, лифт. Ҳа, ҳа, энг ишончли мисол, бу — лифт. У лифтни зинапоялар орқали юқорига кўтарилишга эрингани учун кашф қилган. Ахир, танбалликнинг чегараси бордир? Хўп, лифтда юқорига кўтарилди, энди қаёққа боради? У шундай ишққмаски, қаранг, пастга ҳам лифтда туша бошлади.

Сиз нима деб ўйлайсиз, инсонга энг зўр лаззат ва қувонч берадиган машғулот нима? Ейишми? Ҳа, тўғри — ейиш! Инсон бу соҳада ҳам танбаллигидан воз кечмади. Ўзига овқат тайёрлашга эринчоғлиги сабаб, ресторанны ўйлаб топди. Энди буни қарангки, олдига келтириб қўйилган овқатни пичоқ, санчқи, қошиқ ёрдамида ейишга эриниб, бутербродни яратди. Тўғри, бутерброднинг ролини камситмаслик керак, чунки у инсониятнинг энг буюк кашфиётидир.

Инсон шундай зотки, ўрнидан туришга, бир-икки қадам юришга, дўстлари билан суҳбатлашишга, ўз ишларини тартибга келтиришга эринади. Бунинг учун у хат билан почтани яратди. Бу нарсаларни яратишга яратиб қўйди-ю, яна танбаллиги тутди. Энди у хат ёзиб, почтага бориб марка олиши, уни ҳўллаб хатжилдга ёпиштириши (тўғри, кейинчалик у маркали хатжилдлар ихтиро қилди) ва хатни почта қутисига ташлаши керак эди. Бу юмушларни бажаришга эринчоғлиги тутиб, телефонни бунёд этди. Телефони борлар, албатта, хат ёзмаслиги, ўтирган жойидан хоҳлаган киши билан гаплашиши мумкин-да. Бора-бора телефон орқали савдони йўлга қўйди, сотиб олиш, сотиш, ўқиш, ўқитиш, ҳатто телефон орқали севиш ва никоҳдан ўтишни амалга оширди. Ҳа, ҳа, дунёда энг танбал жонзот севгидан оладиган лаззатни ялқовликдан устун қўяолмади. Севгилиси билан учрашмагани етмагандай, унга хат ҳам ёзмади ва шунчаки телефон қилиб қўяқолди. Очиқ гап-да, мен бир нарсага ҳайрон бўламан, баъзи бир одамлар ўзларининг танбалликлари билан табиатни ҳам алдамоқчи бўладилар. Масалан, ҳар бир болани алоҳида туғишга, алоҳида тер тўкишга эриниб, бир йўла иккита, учта, ҳатто бешталаб туғишади. Айтинг, бу танбаллик бўлмай, нима?

Қаёққа қараманг, танбаллик билан бекорчиликка кўзингиз тушади. Олдийгина ўзингизнинг иш столингизга қаранг. Инсон ручкани

сиёҳдонга ботиришга эриниб, ўзи ёзар ручка яратди. Кейин бу ручкани сиёҳга тўлдиришга сабри чидамай, шарикли ручкани кашф этди. Бу ручкада ёзилган хати кўзига хунук кўриниб, ёзув машинкасини ўйлаб топди. Бу ҳам унга ёқмади, тугмачаларни бир-бир босишга эринчоқлиги тутди. Шунда у аввал электр ёзув машинкасини, кейин бармоқларига кўпроқ дам бериш учун электрон ёзув машинкасини яратди. Битта матнни икки-уч марта қайта ёзишга эриниб, кофирка қоғозни ихтиро қилганига нима дейсиз?

Танбаллик қурсин, инсон у ёқ-бу ёққа юриб янгиликлардан хабардор бўлишга эринди. Шунда у газетани ўйлаб топди. Газета – бу инсон энг ялқов пайтларида яратган кашфиётларидан биттаси. Чунки шинамгина уйда, диванда чўзилиб ётиб, бир неча варақ қоғозни варақлаб, дунёда бўлаётган янгиликлардан хабардор бўлиш яхши-да. Лекин инсон учун бу ҳам ёқмади ва радиони яратиш қўйди.

Радио – одамни янада танбалга айлантди. Газета ўқишда бир озгина ҳаракат бор эди, радио эшитишда-чи, йўқ, чўзилиб ётаверади. Ҳа, чўзилиб олиб, овоз чиқадиган қутига термулиш ҳам жонга тегаркан. Лекин зерикканда ўриндан туриш, кийиниб ташқарига чиқиш, қайсидир автобусга осилиш, навбатда туриб чипта сотиб олиш ва кинотеатрга кириб кино кўриш ҳам эриш туйиларкан одамга. Шунда инсон бунинг ҳам йўлини топди ва телевизорни яратди.

Телевизор ўзининг одатий хизматидан ташқари ота-она, буви ва бува ролини ҳам бажарди. Телевизор – ўқитувчи, энг яқин дўст, ўйинда шерик ёки рақиб, у қизиқчи ва олабўжи эди. Агар одамлар бирор муаммо устида бош қотиришга қўллари тегмай, тўғриси, танбалликлари тутса, телевизор дарров бу мавзуда қизиқарли суҳбат уюштириб бера оларди. Баъзида одамлар тили учиде турган гапни айтиб ҳам қолар, баъзида аравани қуруқ олиб қочиб, зериктирарди ҳам. Шунга ҳам шукр қилмоқ керак. Чунки инсон учун энг оғир юмуш – бу фикр қилмоқ. Фикрлаш, ўйлаш – бу танбалликнинг энг олий белгиси. Телевизор эса одамни ўйлашдан, фикрлашдан қутқарди.

Масалан, ўнга тугмани ўтказиш ва ечиш – бу игна билан қудуқ қазишдай гап-ку. Лекин буни бир тугма босиш билан саранжомлаш мумкин. Асосан шошиб турганда бу жуда қўл келади. Бу, шошқалоқлик, шошқалоқлик эса танбаллик билан чиқишолмайди, дейишингиз мумкин. Лекин мен шошқалоқликнинг зарурий томонларини назарда тутиб айтяпман. Масалан, табиат қўйнига чиқишга шошаётган бўлсангиз, тугмаларни бир-бир ўтказишда қўлингиз титрайди ёки тойиб кетаверади. Шу пайтда “занжирли ёпқич” сиз учун мўъжиза кўрсатади. Бошқа соҳаларда ҳам танбаллик намуналарини кўриш мумкин.

Тарихни олиб кўрайлик. Инсон ўтган замонларда ҳам танбал бўлган. Оддий садоқдан пайконни олиб камонга қўйишга, кейин камон ипини тортишга, найза отишга ёки душман боши узра қилич ўйнатишга эриниб, милтиқни ихтиро қилган. Лекин ҳар отгандан сўнг милтиқни яна ўқлаш жонига тегиб, автомат ва пулемётни ўйлаб топган. Энди душманларини битта-битта ўлдиришга сабри чидамаган, нимагаки, бунинг учун кўп вақт ва кўп ҳаракат сарфланади. Қаранг, бунинг ҳам йўлини топиб, заҳарли газ билан бомбани яратди.

Энди иқтисодиётга бир назар ташласак. Тўғри, инсон ҳамма ишни қилишга эринади. Экиш, ўриш, пишириш, тикиш, қуриш ва бошқа қилиниши керак бўлган минг бир ишларни бажариш осонми? Шунда одамлар бир жойда йиғилишди ва уларнинг орасидан бир танбали чиқиб, деди: “Келинлар, бундай қиламиз: сен нон ёпасан, сен пойафзал

тикасан, сен темир эритасан, сен дарахт кесасан, сен уй қурасан. Мен эса сизлар қилган ишларнинг ҳисоб-китобини юритаман. Сен яхши ишларнинг, сен ёмон ишларнинг, деб ажрим чиқараман”.

Шу йўсин инсоният тарихида меҳнат тақсимооти деган буюк инқилоб юз берди ва у ривожланиб-ривожланиб... ҳозир эса тўхтаб қолган. Лекин танбаллик ҳаминша йўл топган ва топади.

Шу тариқа автоматлаштириш юзага келди.

Сиёсат оламига мўралайлик, кейин сиёсатчилар биздан нолиб юришмасин. Инсон жамоат ишларини бажаришга ялқовлиги тутиб, шахсий ишларини тартибга келтириш мақсадида вакиллар танлади. Вакил дегани ҳам одам, демак, у ҳам танбаллар сирасига киради. Улар бир неча одамни йиғиб, жамоат ишларини амалга оширишни буюришди. Лекин ўша бир неча одам ҳам танбал эмасми, ўз елкаларидаги юкни битта одамнинг бўйнига юклашни ўйлаб топди. У одам хоҳлайдими-йўқми, кўпчиликнинг хоҳишини бажариши шарт. Турган гап, у одам чарчайди ва бу ишдан бош тортади, кези келганда қочади. Одамлар уни алдади, ҳа, ҳа, алдади, хоҳлаганда жинни ҳам қилишди (Ёмон нарсаларни ўйламанг! У пайтларда газетда “тасодифий ҳодисалар” рукни йўқ эди!).

Келинлар, энди омад ва омадсизликка тўла сиёсатни тинч кўяйлик-да, кўнгилхушлик оламига саёҳат қилайлик.

Инсоннинг энг яхши кўрадиган эрмаги нима деб ўйлайсиз? Албатта, ичиш! Одам янги қитъаларни очишни, ёввойи ва хавфли ўрмонларда сайр этишни, чўққиларни забт этиб, бундан завқ олишни ёқтиради, лекин бунга танбаллиги халақит беради. У бу нарсалардан оладиган завқини уйида ўтириб олишни афзал кўрди ва майни кашф этди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, май инсониятнинг энг омадли кашфиёти ҳисобланади. Сен ҳеч нарса қилмайсан, майнинг ўзи сен учун ҳамма ишни қилади. У соатлаб юришингга, рақс тушишингга, кулиш, йиғлаш, бақаришингга куч беради, хаёлингга нима келса шуни бажаришингга кўмаклашади. Кейин тушқунликка тушмаслигинг учун сени бўшаштиради, тинчлантиради ва турган гапки, ухлатади (о, бунақа ҳолатни инсон қанчалар яхши кўради!).

Айтганча, ҳозиргина эсимга тушди! Агар инсон танбал бўлмаса, нима учун уйқу дорини ўйлаб топди? Нимагаки, ухлаганида у ёнидан-бу ёнига ағдарилишга эрингани учун шу дорини кашф этган.

Гапдан чалғидик, ахир гап кўнгилхушлик ҳақида бораётган эди-ку. Ҳўш, инсон нимадан кўпроқ лаззат олади? Ҳеч кимга сир эмас, спорт инсонга жуда катта лаззат бағишлайди. Спортчилар инсониятнинг энг чаққон ва абжир вакиллари ҳисобланади. Ўзи спорт билан танбаллик бир-бирига зид-ку, дейишингиз мумкин. Лекин биз мутлақо бошқа нарсани назарда тутмоқдамиз. Менимча, спортчи энг танбал киши. Агар у танбал бўлмаса, нимага тоғларга чиқиш учун кўтариб-туширадиган мосламалар, арқон йўллар ва бошқа ускуналарни ўйлаб топди?

Ҳа, мен айтмоқчи эдимки, инсон шунчалар ялқовки, агар у бирор ишни қилишни истамаса, ўша заҳотиёқ шу ишни қилмайди, агар бирор ишни қилишни хоҳласа, бу ишни қилиш учун ўзига бирор қулайлик яратишни ўйлаб топади. Сухбат спорт ҳақида кетяптими, бир мисол келтирай. Сиз ҳар куни эрталаб бадантарбия билан шуғуланасиз, тўғрими? Ажойиб кунларнинг бирида ўрнингиздан туриб, ўзингизга ўзингиз шундай дейсиз: “Бугун бадантарбия қилишга кеч бўлди”. Эртаси куни эса ўйлайсиз: “Бугун нимагадир кайфиятим йўқроқ, яхшиси бадантарбия қилмай кўяқолай”. Индини яна баҳона

бор: “Кеча кечқурун озгина отган эдим, бугун бадантарбия қилишга хушим йўқроқ”. Шу йўсин, сиз эрталабки бадантарбиядан воз кечасиз.

Агар сиз спорт билан шуғуланмайдиган бўлсангиз-у, лекин бирдан унга хоҳиш туғилиб қолса: “Яхши, бугун жума — ҳафтанинг охири, душанбадан бошлайман”, деб ўзингизни юпатасиз.

Агар сиз дутор чалишни ўрганмоқчи ёки математика билан шуғуланмоқчи бўлсангиз, ўзингиз бирор муддатни белгилаб олинг: “Ой бошидан бошлайман!” денг. Қиш бўлса, “Баҳорда бошлайман!” денг.

Хўш, энди фалсафа томонга ҳам бир қиё боқайлик-да, кейин ўзимиз ҳам сафсата сотишни бас қилайлик (давом эттириш менга ҳам ёқмаяпти).

## МУҲАММАД АЛИ ЖАМОЛЗОДА

### НАСИҲАТГҶЙ

Унинг одоб-ахлоқ борасидаги маърузаларини тинглаган кишилар унга “Насиҳатгўй” деган тахаллусни беришган. Жаноб Насиҳатгўй мамлакатдаги энг нуфузли эркаклардан бири бўлиб, уни ҳамма бирдек ҳурмат қилар ва ҳукумат доирасидаги киши деб биларди. Унга яхшигина мерос қолган ва у бу меросни тезда кўпайтириб олган (қандай кўпайтирганини фақат Оллоҳ билади, холос).

Ёрдам сўраб келувчиларга, ишбилармонларга ва бошқа меҳмонларга унинг эшиги доимо очиқ. Вазирларни мансабга тайинлаш, парламентга номзод кўрсатиш каби юзлаб муҳим масалалар фақат унинг уйида ва кўмагида ҳал бўлади. Жуда муҳим шартномалар, қарорлар ҳам худди вазирликдагидек унинг уйида қабул қилинади. Бу каби ишлар унга шон-шараф ва обрў-эътибор олиб келиш билан бирга бойлигига бойлик қўшади.

Албатта, уни бекорга Насиҳатгўй дейишмайди. У “одоб” сўзини бекорга тилга олмайди, қайси мавзуда суҳбат қурмасин, бу сўзни тилга олади ва бу сўзни таъкидлашдан чарчамайди, чунки кўпгина жамиятлар одоб-ахлоқ асосига қурилганини у жуда яхши билади. Ҳар бир диннинг мазмун-моҳиятини ҳам одоб-ахлоқ ташкил этади-да.

У бир неча мумтоз шоирларнинг одоб-ахлоққа бағишланган шеърларини ёдлаб олган ва мавзуга тўғри келадими-йўқми, шариллатиб айтаверади. Айниқса, Саъдийнинг: “Диёнат — халққа хизмат қилишдан бошқа нарса эмас”, деган гапини мудом такрорлаб туради. Намоз ўқиш ўрнига бир байт шеър айтишни афзал кўргани учун баъзи бир ҳазилкашлар унинг орқасидан кулиб юради.

Унинг дарвозаси пештоқига “Яшаш — яхшилик қилиш демакдир!” деган сўзлар босма ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Ичкаридаги эшик ва деворларга эса Қуръони карим суралари ва таниқли шоирларнинг ҳикматга айланган сатрлари чиройли чорчўпларга солиб, осиб қўйилган. Бу ёзувларнинг бари одоб-ахлоқ қонун-қоидаларига мос тушади:

“Инсонийлик ҳамма нарсадан устун туради”;

“Яхшилик қил ва уни тезда унут”;

“Чумолига ҳам озор берма”...

Яхши эслайман, жаноб Насиҳатгўйнинг уйига меҳмонга борганимда, унинг ўн-ўн бир ёшлардаги ўғилчаси биз ўтирган хонага кириб, хизматкор билан кинога бориб-келишини сўраганида, у меҳмонларни ҳам унутиб, чуқур ўйга ботганча:

— Кўрадиган фильмларинг одоб-ахлоқ қоидаларига тўғри келадими? — деб сўраган.



– Албатта, отажон, – деган ўғил, – айтишларича, фильм воқеалари бошдан-оёқ одоб-ахлоқ асосида яратилган экан.

Хизматкорларидан бири Насиҳатгўйнинг насиҳатларидан тўйиб, “Жаноб, мен бу ерга ишлагани келганман. Агар насиҳат эшитадиган бўлсам, тўғри мачитга борган бўлардим”, деган экан.

Унинг исфаҳонлик бир хизматкори бор эди. Мен қачон Насиҳатгўйникига борсам, у мени ўзига яқин олиб, хизматимни қилар, ботинкамни артар, ҳасса тутар, елкамга қоқиб қўяр, иссиқ-иссиқ чой тутарди. Ўттиз ёшлардаги келишган бу йигит ўта зийрак ва камтар эди. Унинг ҳуснини фақат қандайдир ярадан қолган чандиқ бузиб турарди, холос. (Назаримда, ўша чандиқ ҳам унга зеб бериб турарди). Исми Фулом Али. Унга бошқа хизматкорлар кўп тегишар, исфаҳонлиги учун устидан кулишарди. У билан суҳбатлашиш менга ҳузур бағишларди.

Бир куни Насиҳатгўйнинг уйига таксида борибман-у, ҳамёнимни уйда унутиб қолдирибман. Шунда Фулом Алидан қарз олишимга тўғри келди. У дарров чўнтагидан учта беш туманлик пул чиқариб бераркан:

– Олинг, қайтариш ҳақида ўйламанг, – деди. – Бизнинг шаҳарларга йўлингиз тушса – берарсиз...

– Эсимдан чиқиб кетса-чи? – дедим ҳазиллашиб.

– Ҳечқиси йўқ, – дея кулди у ҳам. – Бу гапиришга арзимайди. Сизга ёрдамим текканидан хурсандман.

Тўғриси, у мени шунчалар тўлқинлантириб юбордики, Насиҳатгўйнинг уйи деворидаги байтларни ўқиб ҳам бунчалик завқ олмаганман.

Бу яқин орада жаноб Насиҳатгўйникига йўлим тушмай қолди. Аввалига қарзни бировдан бериб юбормоқчи эдим, кейин бу фикримдан қайтдим. Ўзим олиб бориб, унга раҳмат ҳам демоқчи бўлдим. Ва бир куни жаноб Насиҳатгўй саккизинчи имом мақбараси зиёратига бориб, тоби қочиб келганини эшитиб қолдим. Шунда уни кўргани бориб, бир йўла қарзни ҳам бериб қайтмоқчи бўлиб йўлга тушдим.

Бахтга қарши, эшикни бошқа хизматкор очди. Мен қабулхонада ўтирганимда, у менга чой берди, кетар чоғимда, ундан сўрадим:

– Фулом Али кўринмайди?

Хизматкор қўрқув билан атрофга аланглади ва ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, секин шипшиди:

– Уни қамашди.

– Нима учун? – деб сўрадим ҳайратим ошиб.

– Ёлғиз Оллоҳ билади.

– Сен-чи?

– Сизга нима десам экан? – каловланди у.

– Эҳтимол, хўжайинга ёқмайдиган бирор иш қилгандир?

– Анигини Оллоҳ билади.

– Қайси қамоқхонада у?

– “Қаср” қамоқхонасида бўлса керак, яна Оллоҳ билгувчидир.

Билдимки, у баҳор шабадасида титраётган япроқдек қалтирамоқда, зўрлаб ҳам ундан бошқа гап олиб бўлмайди.

Эртасига Фулом Али ҳақида билиш учун тўғри қамоқхонага бордим. Барча расмиятчиликдан кейин у билан учрашувга рухсат беришди. Йигитнинг қай аҳволга тушиб қолганини айтиб ўтирмай. Гапирсам, юрак уришдан тўхтади.

– Қайси айбинг учун бу ерга тушиб қолдинг? – деб сўрадим ундан.

– Насиҳатгўйнинг жазосини Худонинг ўзи берсин, – деди Фулом Али йиғламсираб. – Ҳатто ваҳший ҳайвон ҳам бундай қилмайди. Мени бу ерга ким ташлади, энди ҳеч ким мендан хабар олмаяпти ҳам. Оллоҳ менинг тилимни кесиб олсин-ку, лекин қани унинг

меҳрибонлиги, қани адолат?.. Тўғриси, бу дунёнинг хўжайини йўқ экан! Бировнинг биров билан иши ҳам йўқ экан!..

– Оллоҳ гувоҳ, – дея уни юпатдим, – бу ердалигингни бугун билдим. Билсам, сени бу кўйга ташлаб қўярмидим? Тушунтириб бер ахир, нима бўлди ўзи? Эҳтимол, бирор ёрдамим тегар?

– Оллоҳ умрингизни зиёда қилсин! Мен ким бўлибманки, сизнинг меҳрибончилигингизга арзисам. Э, худо, мен сизга арз-дод қилгандан кўра, ўлганим яхши эмасми!.. Йўқ... Йўқ...

Мен уни юпатганимча у яна анча жавради ва кўз ёшларини кўли билан сидириб:

– Сиз унинг кимлигини билганингизда, уйига яқинлашмасдингиз, – деди.

– Тинчлан, – дедим, – унинг кимлиги маълум. Унга ишим тушмаганида номини ҳам тилга олмасдим. Буни кўй, сен яхшиси, ораларингдан нима гап ўтганини гапир.

– Йўқ, жаноб, бу шаҳарда унинг кимлигини биладиган кам. У кўй терисини ёпинган бўри. Унинг юрагида на шафқат, на олийжаноблик бор. Бунақа аблаҳлар виждон нима, адолат нима – билишмайди. Бу ваҳшийнинг қалбига нигоҳ ташласангиз, даҳшатдан тош қотиб қоласиз!.. Мен уни билдим ва жирканч башарасини кўрмаслик учун ёмон бўлса ҳам бошқа жой изламоқчи эдим.

Вақт ўтиб борар, қарасам, назоратчи келяпти, демак, учрашув тугаяпти.

– Биродар, – дедим Фулом Алига, – унга эътибор берма, тезроқ нима бўлганини айт.

– Яхши, – деди Фулом Али, – эшитинг. Бундан ўн бир кун олдин у мени қизининг хонасига чақириб, суҳбатимизни ҳеч ким эшитмаслиги учун эшикни маҳкам ёпди ва паст овозда: “Фулом Али, сен яхши биласан, мен одоб-ахлоқни ҳамма нарсадан устун қўяман...” деди. Мен индамадим. У кўзимга қараб олди ва йўталганча давом этди: “Ҳа, бу дунёнинг устун одоб-ахлоқ, қолгани – қуруқ сафсата...” Мен яна ҳеч нарса демадим. “Нега жимсан?” – деб сўради у. “Мен нима дейишим мумкин? – дедим. – Ўзингиз биласиз, арзимаган чой-чақа учун бу ерда эртадан-кечгача ишлайман. Ҳатто бу ердаги хизматкорлардан ҳам кам ҳақ оламан. Қорним тўйиб овқат емайман. Сизнинг дастурхонингизда қолган овқатлардан менга беришмайди. Мен бундан ҳеч нолимайман, нолисам, исфаҳонлик ношукр ва тили узун деб устимдан кулишади”.

“Ҳақсан, – деди хўжайин, – буни яхши биламан, лекин сени мендек ҳеч ким қадрламайди. Назаримда, нимадандир норозисан?” – “Сиз биласиз, саккиз ой-у ўн уч кундан бери уйингизда ишлайман. Мен тўрт ойдан бери ҳақ олмайман. Буни бир неча марта сизга айтмоқчи бўлдим, лекин...” – “Сени ўз ўғлимдай кўраман, – гапимни бўлди у, – сен бўлсанг аллақандай майда-чуйдалар ҳақида гапиряпсан”. – “Агар ҳамма гап менда бўлса эди! Оллоҳ гувоҳ, ўн етти ойдирки, акам Аминулло касал ётибди – янчиш машинаси остига тушиб, оёқ-қўли синган. Агар у менинг уйимда ётмаганида, мен буни сизга айтмаган ва сизни безовта қилмаган бўлардим...”

“Эшит, биродар, – деди хўжайин, – мен нимани ўйладим. Мен сени яхши кўраман ва сени бахтли, бекаму кўст ҳаёт кечиришингни хоҳлайман”. – “Давлатингиз зиёда бўлсин”, – деб алқадим ва ўзимча ўйладим: “Бу нега менга аридек ёпишиб олди?” – “Сен билсанг, – давом этди хўжайин, – бу дунёда мен яхшилик деб яшайман”, – кейин юзта қаср қуришдан кўра, ўзингдан яхши

ном қолдиришни мадҳ этувчи бир байт айтди. Хуллас, у Гулсумга уйланишимни сўради.

– Қайси Гулсум? – сўрадим мен.

– Чўрига, ўн тўрт-ўн беш ёшли қишлоқ қизига. Унинг хўжайиндан ҳомиладор эканлигини ҳамма билади. У ўз гуноҳларини бўйнимга, қизни менга ёпиштирмоқчи.

– А-ҳа! Сен унга нима дединг? – қизиқсиниб сўрадим.

– Аввалига ҳайрон бўлдим, нима дейишимни билмадим. Кейин: “Албатта, жаноб, сиз нима десангиз – шу, лекин мен ўзимни зўрга боқаман, уйланишга йўл бўлсин”. – “Бу томонини ўйлама, – деди у. – Сенда ҳамма нарса бўлади: овқат, кийим, уй”. У мени кўндиришга уринди. Шунда жаҳлим чиқиб, бақриб юбордим: “Мени ўлдиришингиз мумкин, лекин сизнинг гуноҳингизни бўйнимга ололмайман!..” – дея хонадан чиқиб кетдим.

– Кейин нима бўлди? – қизиқишим янада ортди.

– Орадан икки соат ўтмай, эшигимни иккита миршаб тақиллатди ва ўзлари билан маҳкамага боришимни сўрашди. Маълум бўлишича, хўжайин таҳорат олаётганда ҳовуз бўйида тилла соатини қолдириб кетган экан-у, соат йўқолиб қолибди, шунини мендан кўришибди. Қанча ялнмай, худони ўртага қўйиб қасам ичмай, гапимга қулоқ солишмади. Улар айбни бўйнимга қўйиш учун роса калтаклашди. Қарасаларки, бўйнимга олмаяпман, сўнг мени бу ерга олиб келиб тиқишди. Энди умидим Оллоҳдан ...

Фулом Алини қанча тинчлантирмай, унга ҳеч қандай ёрдам беролмадим. Кўз ёшлари шашқатор оқиб, юзини юварди. Миршаб келиб, учрашув вақти тугаганини айтди. Мен зўрга:

– Ноумид бўлма! Сени бу ердан чиқариб олиш учун қўлимдан келганича ҳаракат қиламан, – деган гапни айтишга улгурдим.

Уйга келиб ўйга чўмдим: “Худо кўтарсин бу дунёни! Минг марта парчаланиб кетсин бу лаънати ер, шунда у яхши бўлар. Шунақа одамлар ҳам бўладими? Бу замин йиртқич ҳайвонлар ва одамхўрлар яшайдиган тўқайзорга айланган... Ҳатто бу виждонсиз Насиҳатгўй билан қандай тил топишишни билмайсан. У бой, ундан ҳамма қўрқади. У билан курашиш осон эмас, ҳатто хавfli ҳам; бошингни қайси деворга урма – бефойда”. Бир неча марта гувоҳи бўлганман, инсон адолатсизлик ва зўравонликка чидай олмайди.

Кечаси билан мижа қоқмадим. Кўз олдимга кўз ёшлари шашқатор йигит, ноҳақ хўрланган инсон келаверди, мен азиз авлиёлардан унга мадад сўрадим.

Эртаси куни эрталаб тўғри маҳкамага бордим. Уларнинг мен билан гаплашгилари ҳам келмади. Тўғридан-тўғри: “Жаноб Насиҳатгўйнинг ёлгон гапирмаслиги ҳаммага маълум. Унинг одоб-ахлоқ масаласида инжиқлигини бутун шаҳар билади. У ҳатто чумолига ҳам озор бермайди”, дейишди.

Мен тўполон қилишга ҳаракат қилдим, лекин қулоқ солишмади, бари бефойда эканлигини айтишди. Бошқа эшикларни ҳам тақиллатдим – очилмади. Насиҳатгўйнинг исмини эшитган борки, қар ва соқовга айланаверди. “У билан юзма-юз гаплашсаммикан”, дедим ва шу заҳоти бу фикримдан қайтдим. Унга ялиниш – бўридан шафқат тилагандай гап. Фулом Алига қиладиган ёрдамим – ундан хабар олиб туришим, кўнглини кўтариб, келажакка умид уйғотишим мумкин.

Ҳар куни бу мамлакатдаги зўрлик ва бойликка қарши курашдим, урсалар ҳам, сўксалар ҳам ўз мақсадимдан қайтмадим.

Орадан ойлар ўтди. Бир куни ишим ўнгидан келди. Қарасам, эшигим олдида Фулом Али турибди. Кўриниши афтодаҳол, териси суягига ёпишган. Уни кучоқлаб уйга киритдим, эски кийимларимни кийдириб ҳаммомга олиб бордим.

Ҳаммомдан келгач, у ўз бошидан ўтказганларини сўзлаб берди.

Бир куни Гулсум жаноб Насиҳатгўйнинг ўрнини йиғиштираётиб, ёстиги тагидан тилла соат топибди ва хурсанд бўлиб кетганидан уни бекага олиб бориб берибди. Уйдагилар ҳайрон. Буни, хўжайиннинг ўзи атайин яширгани маълум бўлади. Бундан хабар топган Насиҳатгўй газабланади, ҳаммани сўкади, хотинини шунақанги урадики, бечоранинг қўли синиб касалхонага тушади. Ўз-ўзидан маълумки, бу гавғонинг барини Гулсумнинг бўйнига қўйишади. Хўжайин бундан фойдаланади. Аввал Гулсумнинг нарсаларини кўчага улоқтиради, кейин унинг қорнига тепиб, уйдан ҳайдаб чиқаради...

— Энди нима қилмоқчисан? — деб сўрадим мен.

— Мен у аблаҳнинг шундай таъзирини берайки...

— Биродар, — дедим мен, — кучингни бекорга сарфлама. Бу муттаҳам ўзининг одоб-ахлоқ ҳақидаги сафсаталари билан бутун шаҳарни ўзига қаратиб олган, уни ҳеч бир куч билан енгиб бўлмайди. Жонсиз деворга мушт уришдан нима фойда, фақат қўлингнинг сингани қолади, холос. Худого сол, жазосини ўзи берсин. Гулсумнинг соатни топгани, сенинг бегуноҳлигингни исботи эмасми?

— Ҳа, тўғри, — деди Фулом Али. — Лекин, биринчидан, қасос оламан, иккинчидан, мен ундан ўз ҳақимни ундириб олишим керак. У миллионерга арзимас чақамни бериб қўймайман. Ўз ҳақимни ололмасам, отамнинг ўғли эмасман!

Эртаси куни Фулом Али кийиниб, жаноб Насиҳатгўйникига йўл олди. Мен қизиқиш билан унинг қайтишини кутдим. Пешинда у қайтиб келди ва чўнтагидан бир даста пул чиқариб кўрсатди.

— Мен сизга айтмаганмидим, ўз ҳақимни бу муттаҳамдан оламан, деб! — деди Фулом Али. — Энди Гулсумни топишим керак. Бечора қиз бу шаҳарда йўқолиб кетади. Унинг қариндошлари буғдой бозориди савдо қилади. Уларнинг олдига бориб сўрай-чи, Гулсум ҳақида бирор нарса билишар.

— Сен ҳали қувватга кирганинг йўқ. Бир неча кун сабр қилсанг бўлмайдимми? Кучга кирсанг, ана ундан кейин уни қидириб топарсан.

— Сиз ҳақсиз, — рози бўлгандай бўлди Фулом Али, — лекин инсон ўзидан кўра, ўз биродарлари ҳақида кўпроқ қайғуриши керак. Шундай экан, рухсат беринг, мен ҳозирдан у бахтсиз қизни қидириб толай.

— Майли, омадингни берсин! Бор, уни қидириб топ. Бу уйнинг эшиги сен учун доимо очиқ. Гулсумни топсанг, уни ҳам бу ерга бошлаб кел!

Фулом Али мендан миннатдор бўлиб кетди ва тезда Гулсум билан қайтиб келди. Уни ўн тўрт ёшли қизча дейишган эди, лекин кўринишидан ўн-ўн бир ёшдаги қизчага ўхшарди. Мен Гулсумни ичкарига, аёллар хонасига киритдим.

— У ҳали бола-ку, — дедим мен. — Ҳомиладорликни қандай кўтаради? Эҳтимол, уни шифокорга кўрсатиш керакдир?

— Икки куң дамани олсин, қолгани кейин маълум бўлар, — деди Фулом Али. — Ўзи бола, яна қўлида бола... уни қандай тақдир кутяпти, тасаввур қилолмаёпман...

— Оллоҳ марҳаматли! Тиш берибдими, ризқини ҳам беради!

Бир неча кундан кейин Фулом Али ўзига иш ахтарди. Уйимиз яқинида бир дўконча бор эди. Оиламиз билан унга ёрдам бердик, у

шу дўкончани ижарага олиб таъмирлади, тартибга келтирди ва сабзавот сота бошлади. Тез кунда иши юришиб кетди.

– Энди мен ўзимга хўжайинман! – деди хурсанд бўлиб. – Исфаҳондаги акамга пул жўната оламан.

Бир ҳафтадан кейин Гулсум ўзини яхши ҳис эта бошлади. Биз уни ишга жойлаштирмакчи эдик, Фулом Али қаршилиқ қилди.

– Жаноб, – деди у хижолат бўлиб, – агар ҳомиладор қизни яна бегонанинг қўлига берсак, бу ишимиз Оллоҳга хуш келмайди. Мен узоқ ўйладим: бу қизни тақдир қўлига ташлаб қўймайман. Унга уйланмоқчиман... Худо раҳмдил, амаллаб бир кунимизни кўрармиз. Мен ёшман, бир бурда нонимизни топарман. Дўкон чеккасида бир уйча бор, тўғри, у қоронғи ва дим, лекин озгина тартибга келтирилса, яшаса бўлади. Мен ҳозирча ўша ерда яшаб турарман. Агар сиз Гулсумни шу ерда яшаб туришига рухсат берсангиз, бу вақт ичида бирорта уйча топишга ҳаракат қиламан. У ерда тўй қиламиз. Ожиза аёлни кўчага ташлаб қўйиш инсофдан бўлмас.

– Эй, йигит, кел, сени бир бағримга босай! – дедим бағримни очиб. – Сен мени инсонларда ҳали ҳам инсоф-диёнат борлигига яна ишонтиряпсан. Худога шукр, бу мамлакатда ҳали меҳрибон ва виждонли одамлар бор экан! Сен кабилар кўпаяверсин! Менга суянишинг мумкин. Сенга ишонаман, ишинг юришиб, қадингни тик тутиб оласан. Бир нарса мени ўйга толдиради, бола нима бўлади? Сен Гулсум кимдан ҳомиладор бўлганини биласан-ку!

– Биладан, ҳаммасини биладан, – деди Фулом Али энсасини қашиб. – Биладан, у аблаҳдан ўз боласига ёрдам беришини сўрасанг, жанжал қилишдан ҳам тоймайди. Мен бахтсиз етимликдан кўрқаман. Бечора болада айб йўқ, ахир биз бир эътиқоддаги одамлармиз-ку! Мен уни ўз болам деб, унга исминни берсам, ҳеч ким айб қилмас. Майли, у ноқонуний бўлсин, ахир у ҳам кимдандир меҳр-мурувват кўриши керак эмасми? Уни ўз урф-одатларимизга кўра тарбиялайман. Шундай қилиб, мен Гулсумга уйланиб, боласини тарбиялашга қарор қилдим.

– Фулом Али, – хитоб қилдим мен, – агар сен ўша пайтда болани ўзимники деганингда, жаноб Насиҳатгўй сени зарга ўрарди-ку. Сен бўлсанг бунга рози бўлмай, қамоқни танладинг. Энди қанча сарсон ва азоблардан кейин нафақат болага оталиқ қилиш, балки унинг онасига ҳам уйланишга розилиқ билдираяпсан.

– Ўшанда, – деди у, – бунга қуч билан мажбур қилишган эди, лекин тўғри одамни ҳеч нарса билан букиб бўлмайди...

Гулсум ўлик бола туғди ва ўзи ҳам туғиш вақтида вафот этди. Биз уйимизда аза очдик. Фулом Али мулла ёллади, мулла кун бўйи Гулсумнинг қабри тепасида Қуръон тиловат қилди.

Жаноб Насиҳатгўй эса ҳаёт ва ҳеч нарса бўлмагандек, кундан-кунга семириб, нуфузи, бойлиги ошиб боряпти. Тўғрисини айтсам, бу дунёда адолат борлигига ишонмай қўйдим.



Ризо ТАВФИҚ

## Руҳимда очилар оппоқ гунчалар

### УЧИНГ, ҚУШЛАР

**Э**й қушлар, учинг мен туғилган ерга –  
Энди у тоғларда гуж сунбул бордир.  
Ўрмонлар қўйнида сап-салқин дара,  
Тиканлар ичида сариқ гул бордир.

Сой оғир оқадир, тўлғунми, билмам,  
Ой оғир хастами, сўлғунми, билмам,  
Бахтсиз бир келиндай маҳзунми, билмам,  
Тоғларин бошида қора тул<sup>1</sup> бордир.

У ерда энг гўзал чоғ ўтди, дейман,  
Эслаб у кунларни бугун инглайман,  
Умрим достонини ўқиб, тинглайман,  
Ичимда у ерлик бир булбул бордир.

Учинг, қушлар, учинг! Бунда вафо йўқ!  
Ундай оқар сувлар, ундай ҳаво йўқ!  
Фарёдимга қарши акси садо йўқ,  
Бу ёнғин еринда совуқ кул бордир.

Эй Ризо, дард-қайғинг бошингдан ошқин,  
Айтсанг, туганмайдир алами ишқинг,  
Сенда денгиз каби ҳар доим тошқин,  
Ҳар чоғ тўлқин урган бир кўнгул бордир.

---

<sup>1</sup> Тул – парда.

---

### ТАРЖИМОНДАН

Туркчадан  
Тоҳир ҚАҲҲОР  
таржималари

Турк адабиётининг йирик вакили Ризо Тавфиқ 1869 йилда Эдирнадаги Жисри Мустафопошо қасабасида туғилган. Отаси ўқитувчи Меҳмет афанди, онаси Кавказ черкасларидан Мунира хонимдир.

Талабаликдан ижтимоий ҳаётга фаол аралашган Ризо Тавфиқ 1907 йилдан яширин ҳаракатдаги «Иттиҳод ва тараққий» жамиятига киради. Иккинчи Машрутият (конститутция, 1908) эълони кунларида майдонлардаги нутқлари билан Истанбул халқига танилади, сайловда Эдирнадан миллат вакили этиб сайланади ва Миллат Мажлисида фаолият кўрсатади.

## АНАТЎЛУ

Анатўлу-Султон Усмон ўсган юрт,  
Туғрулбекнинг қўноғидир у эллар.  
Миллатимиз шунда униб, топди қут,  
Бизга она қучоғидир у эллар.

Усмонлилар унутмасин сўйи<sup>1</sup>ни  
Бу ўлкада ошдик ҳудуд бўйини,  
Бунда бўлди урушлар-ўт ўйини,  
Оталарнинг ўчоғидир у эллар.

Бу давлатга унда тамал отилди,  
У майдонда жон олиниб-сотилди;  
Милтиғу тўп отиб, йўллар ўтилди,  
Қаҳрамонлар ўртоғидир у эллар.

Бир замонлар қироллардан тож олдик,  
Учган қушдан, оққан сувдан бож олдик,  
Қанча қирриқ, ёвуз ёвдан ўч олдик-  
Бу куч-қувват булоғидир у эллар.

Қанча гозий бунда келиб-кечдилар,  
У сойлардан обдаст олиб<sup>2</sup>, ичдилар,  
Мамлакатлар фатҳ этдилар, қўчдилар,  
Эранларнинг туроғидир у эллар.

Ҳар вайрони узра бир эр-аскар бор,  
Мақбаралар ичра неча сарвар бор;  
Билмам, қайда бундай бахтли бир ер бор?  
Улуғ Каъба тупроғидир у эллар.

Ўрмонида турли қушлар сайрайдир,  
Яйлоғида қўй-қўчқорлар яйрайдир,  
Далаларда олтин бошоқ қайнайди,  
Кўнгилларнинг овлоғидир у эллар.

<sup>1</sup> С ў й – ирқ, сулола.

<sup>2</sup> О б д а с т о л м о қ – таҳорат қилмоқ. (Тарж.)

У асосан донишманд, файласуф шоир сифатида танилган. Бунда унинг инглиз, француз, иброний (иврит), форс, араб, испан, рум-юнон, армани каби қатор тилларни чуқур билиши, кўп фанлардан теран хабардорлиги муҳим ўрин тутган. Шарқ ва Ғарб маданиятини бирдай кенг эгаллаган. У ўсмирлигидаёқ илк шеърларини арузда битган. Турк халқ адабиётини севиб ўрганган, фольклор мавзусида кўплаб тадқиқотлар яратган, шунинг учунми, бармоқ вазнидаги асарларида бахшиларча жўшқин оҳанглар бўртиб туради. У ижодининг бошланишида Тавфиқ Фикрат ва Абдулҳақ Ҳамид таъсирига берилади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: «Айниқса, Ҳамиднинг сеҳри таъсирига тутилдим. Баъзи асарларини шиддат-ла танқид этганим ҳолда шоир ўлароқ уни барчадан устун кўрардим».

Шоирнинг Навзот Кўсуғли тарафидан нашр этилган 12 жилдлик «Буюк турк классиклари антологияси»га кирган, профессор Шариф Оқтош тайёрлаган айрим шеърлари таржимаси илк бор ўқувчиларга тақдим этилмокда.

У ерларда асл туркнинг аймоғи,  
 Жавоҳирдир бутун тоши-тупроғи,  
 Чечак исли кумуш оққан ирмоғи,  
 Бойлик кони – ётоғидир у эллар.

Юртсеварлик ҳар туркнинг ишқ савдоси,  
 Мамлакатдир кеча-кундуз рўёси,  
 Аскарларнинг келин-куёв сарпоси,  
 Севишганлар чорбоғидир у эллар.

Ризо! Бунда ҳар ким қурбон бўлгандир,  
 Тупроқ ичра ётган онанг, отангдир...  
 Анатўлу асил эски ватандир,  
 Онамизнинг кучоғидир у эллар.

### ТАВФИҚ ФИКРАТ РУҲИГА

Эшитдим – қаровсиз мазоринг чўкиб,  
 Ўт-ўлан босибдир, қўргани келдим.  
 Бу жаннат боғида дуолар ўқиб,  
 Хокингга юзимни сургани келдим.

Эшитдим – сенга ким кўнгил боғласа,  
 Қабрингда тиз чўкиб, бир дам йиғласа,  
 Муродга етармиш... Мен ҳам бир лаҳза  
 Йиғлаб, муродимни сўргани келдим.

Шу ҳижрон йилининг сўнг баҳорида,  
 Шудринглар титраркан чаманзориди,  
 Кун чиқмасдан олдин, дўст мазориди,  
 Мотам чечакларин тергани келдим...

Эшлашдик сени ғам чекканлар билан,  
 Ишқу ҳақ учун ёш тўкканлар билан.  
 Шу сариқ гунчали тиканлар билан  
 Тошдан бир гулчамбар қургани келдим.

Ёдинг ўлим каби бир сирри мубҳам!..  
 Севмоқ нашъасими бу ҳисси алам?..  
 Руҳимга не афсун айладинг, билмам...  
 Бу кун сенга кўнгил бергани келдим!..

### ҚАЛАНДАРИЙ

Харобот аҳлимиз. Бу бир оламдир.  
 Шавқ ила унда дам сурганларданмиз.  
 Ҳисоб сўрма биздан, биз ҳайли дамдир,  
 Дафтари аъмоли турган<sup>1</sup>ларданмиз.

Юрак қонин ичдик базми сафода,  
 Жовидон завқини топдик ризода,  
 Аҳдга содиқ туриб вақти балода,  
 Кўксин қаҳр ўқиға керганларданмиз.

<sup>1</sup> Т у р г а н – тўхтаган маъносида. (Тарж.)



Тўймас нафсимизни осдик шу дорга,  
Жилмайиб сар бердик Улуғ Сардорга,  
Бир ғамза йўлида дийдори ёрга  
Жону бош, кўнгилни берганларданмиз.

Дарс олиб жононнинг фаттон кўзундан,  
Шеърлар машқ айладик ширин сўзундан,  
Яширин бир йўлдан-ботин юзундан  
Каъбаи мақсудга кирганларданмиз

Ишқ нури инаркан дили огоҳга,  
Руҳ қушин учирдик ул қурбгоҳга!..  
Ота ўчоғидир, биз у даргоҳга  
Дастурсиз кирганча юрганларданмиз.

Таважжуҳ қилмадик боби ниёзга,  
Ирфон-ла эришдик рутбаи нозга;  
Биз ҳам ошиномиз шабадабозга,  
Парданинг ортини кўрганларданмиз.

Ориф бўлсанг агар, комилга эгил,  
Илминг-ла овунма! Сен ўзингни бил.  
Маърифат боғидан нафақат бир гул,  
Дафта-дафта чечак терганларданмиз.

Ҳей, Ризо! Орифмиз, дарвишниҳодмиз,  
Барча боғловлардан узилдик, шодмиз!  
Ўзида йўқ мастмиз, ғамдан озодмиз,  
Бошни майхонага урганларданмиз!..

### ҒАРИБ ҲОЛАТ

Ҳасратинг алами кўнглимдан тошар,  
Ҳижрон оғусига тўлган чоғимда.  
Ситамдийда руҳим сенинг-ла яшар,  
Йиғлаб, сукутларга толган чоғимда.

Гоҳ ёдинг тиф каби зеҳнимни тилар,  
Хоин ишқ қалбимга урар панжалар,  
Руҳимда очилар оппоқ гунчалар  
Дудоғинг муштоғи бўлган чоғимда.

Сенга, эй, вафосиз, эрка севгилим,  
Арзи ҳол этмоқдир тотли амалим,  
Бироқ ҳузурингда тутилар тилим,  
Кўзингга термулиб қолган чоғимда.

### ТАНИШ ГЎЗАЛ

Отини билмасдим, фақат танирдим —  
На нозли бир чечак тақиши борди!  
Қизғиш сочларини оловми дердим,  
Кўёш нури каби ёқиши борди.

Кунботар шафағи байроқ тикаркан,  
Кўлларга кўлкалар кўркам чўкаркан,

Сочбоғини ечиб, ёйиб-тўқаркан,  
Сочин тўлқин-тўлқин оқиши борди.

Ҳуснида бир адо борки, осийди,  
Мени хароб этган у адосийди!..  
У шоир кўнглимнинг ошиносийди —  
Юзимга бир шеърдай боқиши борди...

### ШОМИ ҒАРИБОН

Бир оқшом овора кезаркан қирда,  
Бу ер парилар-ла маскун деб билдим;  
Ҳайрат-ла боқаркан, бу ваҳшатзорда  
Ҳуснининг асрори тўлғун деб билдим.

Юраркан, мен билан тоғ-тош юрарди,  
Ҳар оғоч кўлкаси ёндош турарди,  
Инондимки —мени ҳар не кўрарди,  
Ҳузурим-ла олам мамнун деб билдим.

Азалдан беридир бу хилват ҳужра,  
Аллалар айтилган бу салқин дара,  
Сирини менга ҳам очди шажара-  
Ёшлигим шу ерда мадфун деб билдим.

Арчалар — қанотин керган ҳумодай,  
Ўтлоқлар —юлдузлар тўла самодай,  
Чечаклар — ажойиб бир муаммодай!..  
Не кўрсам, лол қолдим, афсун деб билдим.

Ошиқ булбул эрдим, дил сайрар эрди,  
Сарвистон ичинда кимдир куларди,  
Чечаклар қушлардан ўпич тиларди,  
Коинот ишқ ичра мажнун деб билдим.

Йилнинг тугаётган куз фасли эрди,  
Булут, япроқ-тупроқ нафасли эрди,  
Сарвилар қорайган, қафасли эрди,  
Ўйчан қояларни маҳзун деб билдим.

Мағрибий ёқмишдир фурқат оташин,  
Боғлар фарёд уриб чорларкан қушин,  
Тоғларга суянган даврон қуёшин  
Ярадор бир хаста, ҳорғин деб билдим.

Ичдим ул қуёшнинг оққан рангини,  
Рухимни гулхандай ёққан рангини,  
Уфқда кўраркан ол қон рангини,  
Фалаклар мен каби дилхун деб билдим.

Тоғлар кўм-кўк эди, сувлар қирмизи,  
Булоқлар бошида бир пари қизи...  
Юзиндан ўпаркан оқшом юлдузи,  
Мовий кўзларига мафтун деб билдим.

Чўлларда ёнган ўт-наъралар бордир,  
Кўллар қирғоғида лолалар бордир,  
Узоқдан келгувчи нолалар бордир,  
Ярадор бир оҳу сургун деб билдим.

Куннинг жон талашган сўлгин лабидан  
Гўзаллик рангини ичар Ой, чаман...  
У кеча борлиқни жонда кўраркан,  
У ернинг моҳтобин гулгун деб билдим...

### КЕЛ, ДАРВЕШ

Кел, дарвеш, бери кел, ёбонга кетма,  
Ҳар неки ахтарсанг, инон, сендадир.  
Нафсинга беҳуда азият этма,  
Мақсуд Каъба эрса, Раҳмон сендадир.

Чўлларда тентираб, саробга боқма,  
Оллоҳ деб булутга – саҳобга боқма,  
Толиби ҳақ эрсанг, китобга боқма,  
Ўқишни билолсанг, Қуръон сендадир.

Илминг-ла бир қилни сен қирқ ёрарсан,  
Кўрганинг ҳар тушда бир ўзинг борсан,  
Атрофдан не излаб, кимга қарарсан?  
Бу фоний қуббани қурғон сендадир.

Қилни қирқ ёришни илм-ирфон дема,  
Униси яхшидир, бу ёмон дема,  
Шуниси тўғридир, бу ёлғон дема,  
Ҳеч бирин асли йўқ, ёлғон сендадир.

Айри маъно берма куфр ила динга,  
Бориб-келаверма шакку яқинга,  
Ҳар ориф огоҳдир сирри муъбинга,  
Васвасанг куфурдир, имон сендадир.

Қир қўнгил шаҳрига, айлан бир карра,  
Қиёс эт-не эрур қуёшу зарра,  
Эзгулик, ёвузлик илкингда, қара,  
Ёмонлик истасанг, шайтон сендадир.

Жилва этсин десанг камол ила ҳақ,  
Манманликдан кечиб, бир ўзинга боқ,  
“Аналҳақ” сўзини тилдан тут йироқ,  
Лофга қулоқ тутма, ирфон сендадир.

Авалло нафсингни чиқар орадан,  
Бир рангга бўянма оқу қорадан,  
Кўнглингда яратган нури бор-нурлан!  
Зулматда изғима, Яздон сендадир.

Эшитдим, отасиз бир ўғилмишсан,  
Жаннатда туғилиб ҳам қувилмишсан,

Касрат-кўплик истаб, кўп бўғилмишсан,  
Оллоҳнинг айби не? Исён сендадир.

Ғайридан изларсан дардингга чора,  
Қурт-қушга бердингми дон-дун бир бора?  
Жаннатдан чиқдингу кездинг овора,  
Ҳаввони алдатган илон сендадир.

Шонинг кўп юксақдир, нетар паст бўлсанг?  
Ҳар нега топингунг бутпараст бўлсанг.  
Бодайи ишқ ила агар маст бўлсанг,  
Ўзингга кел, ошиқ, жонон сендадир.

Жоҳил жозибага ҳақ дея боқар,  
Кўрқиб ҳар инс-жинсга шамчироғ ёқар,  
Бу сайли ҳаводис тўхтамай оқар,  
Илалабад боқий қолгон сендадир.

Манбаи сендадир файзи ҳаётнинг,  
Келиб-кетган жонлар у нафоҳатнинг,  
Ҳайрон бўлаверма, бу коинотнинг  
Бори бир қатрадир, уммон сендадир!..

Ҳар ненинг борлиғи сенинг ўзингдир,  
Ўзингни бут кўрган ички кўзингдир,  
Бу мулкка ҳукм этган сенинг сўзингдир,  
Дилинг бир тахт эрур, султон сендадир.

Ҳей Ризо, тоқат йўқ ҳақ инкорига,  
Сен маҳрам эмишсан ёр дийдорига,  
Энди огоҳдирсан сир-асрорига:  
Оламни яратган виждон сендадир.



Василий ЯН

# Кўрғон узра гулханлар

БИРИНЧИ ҚИСМ

## ИСКАНДАР ОҚСОЧ ТОҒЛАР ВОДИЙСИДА

### ДОВОНДАГИ МАКЕДОН ҚЎРИҚЧИЛАРИ

**Б**адқовоқ Оқсоч тоғ<sup>1</sup> тизмалари бағридаги “Муқаддас қадамжой” деб ном олган тор дара оғзидаги каклик чашмаси яқинига, қирралари ўткир кулранг қоя тошлар ёнига ярим доира қилиб чарм чодирлар тикилган. Қуёшда куйиб кетган чодир этакларини шамол тинимсиз тортқилайди.

Куруқ шох-шабба қаланган гулхан гуриллаб ёнади. Совуқ шамол куюқ тутунни аллақарларга учириб кетади. Сариқ гулли ингичка буталарни юлқийди. Чайир томирлари билан тошлоқ ерни маҳкам чангаллаб ўсган писта барглари пилдиратиб учиради, енгил пуфакчага ўхшаб қолган туяқорин пояларини думалатиб ўйнайди. Художўй одамлар дарахт шохларига ирим қилиб ранг-баранг латталарни боғлаб кетишган. Улар горларни макон қилган тоғ руҳига биронта назру ниёз қолдириб кетилмаса, руҳларнинг қаҳри келиб юқоридан тош думалатади, касаллик юборади ёки отнинг оёғини абгор қилиб ўч олади ва йўловчи она юртига ета олмай бу жойларда сарсон-саргардон қолиб кетади, деб қаттиқ ишонадилар.

Гулхан атрофида ранги ўчган жун чакмонларга ўраниб олган серсоқол сипоҳилар қизил саҳтиён теридан тикилган сандал кийган бақувват сержун оёқларини гулхан томонга узатиб ўтиришарди. Сандал тасмаси тиззаларигача ўралган. Қаншаригача сурилиб тушган бринч дубулгалари эскириб, қорайиб кетган; уларда кўплаб зарбалар изи

<sup>1</sup> Оқсоч тоғлар (Сафед-кўх) – Афғонистоннинг Кобул водийси жанубидаги тоғ тизмаси.

Рус тилидан  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,  
Шаҳзода  
ХУДОЙБЕРДИЕВА  
таржимаси

Василий Григорьевич ЯН (ЯНЧЕВЕЦКИЙ) – (1875–1954) атоқли рус ёзувчиси. Ўрта Осиё халқларининг бой ўтмиши ва уларнинг чет эл босқинчиларига қарши мардона кураши ҳаққоний тасвирланган машҳур роман ва қиссалар муаллифи. Шу кунгача адиб асарларининг бутун дунёда чоп этилган умумий нусхалари 20 миллиондан ошиб кетди. Ёзувчига катта шухрат келтирган «Чингизхон» ва «Ботухон» романлари 30 дан ортиқ мамлакатда қайта-қайта нашр этилган. «Кўрғон узра гулханлар» романида жаҳонгир Искандар ва буюк ватандошимиз Спитаменнинг жасур сиймолари юксак бадиият билан тасвирланган.

аниқ кўриниб туради. Шамол ялаган юзлари чанг ва иссиқдан қорайиб кетган. Аччиқ тутун кўз очишга қўймайди.

– Лаънати жой!...– улардан бири тўнғиллади . – Манави тешиқдан совуқ шамол темирчининг босқонидан чиқадиған дамга ўхшаб киради-я.

– Ана, ана!– бошқа сипоҳ ҳам унга қўшилди. Геракл номи билан қасам ичаманки, бу лаънати доводда ҳатто отлар ҳам фойда бермайди.

Саккизта от тўрт қатор қилиб қозиққа боғланган. Иккита тулпор бир-бирига интилиб, гоҳ кишнайди, гоҳ депсинади.

Сипоҳ уларга қараб дўқ урди. Бир нечта беда боғини олиб, тинчланиб қолган отлар олдиға ташлади.

Аристоник ҳеч қачон отларнинг ташвишини қилмайди. Бирорта қояға ўтириб олиб, қўшиғини минғиллаб ўтиргандир.

– Тўхта!– қоялар орасидан кимдир бақирди. – Тўхта, дайди, бўлмаса қорнингдан дарча очиб қўяман!

Уччала сипоҳ ҳам сакраб туриб, найзаларига ёпишдилар.

– Аристоник эснаб ўтиргани йўқ! Кимдир кўриқчилар ёнидан писиб ўтмоқчи. Уни ушлаш керак.

– Қаёққа кетаяпсан? – юқоридан форсча қичқириқ эшитилди ва харсанг тошлар орасида хипча белли қотма одам кўринди.

У қўлларини силтаб, чакмони этақларини кўршапалакнинг қанотига ўхшатиб, кенг ёйганича тошдан-тошга чаққон сакраб, пастга қараб қоча бошлади. Кўриқчиликда турган жангчилар унинг олдидан тўсиш учун югурдилар.

Йўловчи бир неча марта сакраб, гулхан ёниға етиб келди ва ерга ўтирди.

Бу инсон туғилгандан буён ювинмаган, соч-соқолини олдирмаганга ўхшарди. Бошидаги ҳурпайган узун сочлари елкалари оша ерга тегай дерди. Тароқ тегмаган сочлар бир неча ўрим қилинган бўлиб, бир-бириға ёпишиб, чигал бўлиб кетганди. Жингалак кўнғир соқоли икки томонға ажралиб, кўкрагигача тушган эди. Паҳмоқ қошлари остидаги кўзлари ҳадик, ишончсизлик билан ваҳшиёна боқарди. Ярим яланғоч, қоп-қора озғин танасини турли рангдаги лахтақлар билан ямалган йиртиқ чакмони ўраб турарди. У белиға бир нечта чилвир боғлаб олганди,<sup>1</sup> чилвирда қийшиқ темир пичоқлар, оташкурақлар, парма, қуритилган илон, калтакесак пўсти солинган табибчилик ашёлари осилган эди. Яланг оёқларига ёпишган лой қотиб қолганди. Дастасида бўш қовоқ осилиб турган узун ҳасса ушлаган эди.

– Кимсан? Қаёққа кетаяпсан? – сўради сипоҳийлар.

– Зобул<sup>2</sup>ға кетаяпман,– у шимол томонға қараб қўл силтади.– Мен қашшоқ атраван<sup>3</sup>ман. Дунё кезиб, одамларни даҳшатли Аҳраман йўллаган ёвуз девдан асрайман.

– Нима учун тўғри йўлдан кетавермай, тоғда яшириниб юрибсан? Демак, қандайдир ёвуз ниятинг бор. Нега яширинасан?

Атраван қоқсуяк, узун қўлларини кўкка кўтарди:

– Самода буюк яратган томонидан битилган ёзувларни кўряпман. Кўп қон тўкилади, ҳамма уйига қайтавермайди...

– Бунини сенсиз ҳам биламиз. Шу ерда ўтир, тиланчи! Қанча пул йиғдинг? Айт! – Сипоҳ найзасини силкитди.

<sup>1</sup> Белға боғланган ранг-баранг чилвирлар оташпарастрларнинг белгиси эди.

<sup>2</sup> З а б у л – Қобулнинг эски номи.

<sup>3</sup> Атраван оташпарастрлар коҳини.

Атраван ўзини ерга ташлаб кўз ёши қила бошлади:

– Ўлдирманглар! Муҳим гап айтаман! Бошлигинглар ким? Фақат бошлиққа айтаман.

– Аристоник, бу ёққа кел! Дайди бошлиқни сўрапти. Алдамоқчи, шекилли. Пачакилашиб ўтирмаслик учун уни қоядан дара тубига улоқтирамиз...

Қоядан жун қалпоқ кийиб, наMAT чакмонга ўралган ёш сипоҳ тушиб келди. У қўлида кифара<sup>1</sup> ушлаган, бармоқлари тор чалишга шайлангандек симларни пайпасларди.

– Ким бу? – керишиб, эснаганча сўради у.

– Тиланчи. Бундайлар ҳамма ерда дайдиб, ҳамма нарсани кузатиб юришади. Бу – шубҳали дайди. Уни гум қилиш керак.

Жулдур кийинган ғалати одам йиртиқ чакмонининг этагини ушлаб, сап-сарик тишлари билан ундаги пуштиранг ямоқни торта бошлади. У ердан бир парча кумуш танга олиб, қоп-қора кафтини олдинга узатди.

Аристоник танга бўлагини олиб диққат билан кўздан кечирди ва сипоҳийга:

– Берда, бу – керакли одам, – деди. Тангага ҳукмдоримизнинг тасвири туширилган. Бу – махфий нишон. Уни тўппа-тўғри бош девонхонага экзитазис<sup>2</sup> ёнига олиб бор. Унга бошинг билан жавоб берасан... Ўтир! – у гулхан ёнидан жой кўрсатди.

Дара ичкарисидан қаттиқ қичқирди эшитилди. Тоғ ёнбағридан чиқиб келган чангга ботган чавандоз, юк ортилган туялар, эшаклар, уларнинг ёнида узун қамчи кўтарган извошчилар яқинлаша бошлади. Карвон олдида устига сават ўрнатилган баҳайбат кулранг фил келарди. У улғворлик билан бир маромда қадам ташлар, йўғон хартуми чайқаларди.

– Тўхтанглар! Геракл адабингизни берсин сизларнинг! – сипоҳийлар найзаларини бир-бирига чалиштирдилар.

Карвон тўхтади. Чарм чодирдан қисм бошлиғи чиқди. У келганларнинг атрофида айланиб, сўраб-суриштира бошлади. Унинг ёнида оқ жундан думалоқ қалпоқ кийган тилмоч ҳам бор эди.

Қизил чакмон ва ярқироқ дубулга кийиб мағрур турган бир неча чавандоз совуқ оҳангда дона-дона қилиб:

– Афинадан элчилар<sup>3</sup>. Биз тўрт кишимиз, бешинчимиз хизматкор. Форс элидан бемалол ўтиш учун Экбат ҳокими Парменион<sup>4</sup> имзолаган рухсатномамиз бор, – дейишди.

– Кутиб туриглар!

Олақуроқ кийинган сайёҳлар эшак миниб олишганди. Улар бир овоздан:

– Шавкатли, енгилмас жангчилар дори-дармон, устара, хушбўй малҳамларга муҳтожлигини биламиз, – дея қичқирди. – Биз шундай буюмларни сотамиз ёки бошқасига алмаштирамиз.

– Шу ерда туриглар! Қопларингизни кўздан кечиршимиз зарур!

<sup>1</sup> К и ф а р а – торли мусиқа асбоби.

<sup>2</sup> Э к з и т а з и с – айғоқчиларнинг хабарларини йиғувчи.

<sup>3</sup> Афиналиклар македонияликларга душман бўлиб, бир неча марта Искандарга очиқ қарши чиқшган.

<sup>4</sup> Искандарнинг қўл остидаги энг кекса ҳарбий бошлиқлардан бири. Муҳим алоқа бўғини ҳисобланган Экбатандаги захира қисмлари билан бирга Искандарни Ватанига боғлаб турувчи карвон йўлларини қўриқлар эди.

– Оҳ, яна кутамизми? – нола қила бошлади савдогарлар. – Ҳар тўхтаганимизда қопларимиз енгиллашиб боряпти.

Йўл-йўл фаройиб чакмон кийиб, тилларанг салла ўраган, хачир минган кекса сайёҳ яқинроқ келди.

– Ливия<sup>1</sup> қирғоғидаги эркин шаҳар Корт-Хадашт<sup>2</sup> элчисиман. Мен билан бирга бешта хизматкор ўнта хачирда шавкатли Искандар шоҳга совға-салом олиб кетяпмиз.

– Нима деб гўлдираяпсан? Шоҳимиз эндиликда фақат Македониянинг эмас, балки бутун Осиёнинг ҳукмдоридир.

– Шоҳлар шоҳини муборакбод этишдан бахтиёрман. Шунинг учун узундан-узун йўл босиб келдим.

– Кутиб турасан! Буниси яна ким бўлди?

Жангчиларнинг олдида ранг-баранг қуроқ тўн кийган қария чир айланиб, ўйнай бошлади. Бошидаги учи чўққи қалпоғи юлдузчалар билан безатилган. Елкасига миниб олган маймун тишларини иржайтириб, атрофга сергак назар солади.

Ўйин тушаётган қария бидирлаб: – Фаройиб мўъжизалар кўрсатаман: олийжаноб инсонларнинг руҳини чақираман, ёвузларникини қувиб юбораман. Машҳур раққосалар Тир ва Сидонни, соҳибжамол Анашторетни олиб келаяпман. Улар Улуғ Осиёни забт этувчига ва енгилмас аскарларга ўз санъатларини намойиш этиш учун келмоқдалар, – деди.

Машҳур раққоса дегани нозиккина, озгин, рангдор чойшабга ўрилиб олган қиз экан. У хилма-хил тасмалар боғланган эшакда ўтирарди. Чойшаб тирқишидан кўзлари қувноқ ялтираб кўринарди.

– Қани, кўшиқ айтиб, рақс тушиб берсин, қанақа раққосалигини кўрайлик! – шовқин солишди аскарлар.

Анашторет жилмайганича, чодрани улоқтириб ташлаб, доирасини чалиб, эллингча кўшиқ куйлай бошлади:

Дор устида рақс тушаман,  
Кўрган одам борки ҳайратда.  
Қувноқ қулиб, бўса йўллайман,  
Қип-қизил лабларим учида.

Илон каби эшилиб чунон  
Рақс тушсам гар қилич тиғида.  
Кулгуларим, табассумларим  
Темирда ҳам акс этар, инон.<sup>3</sup>

Қиз доирасини тишлаб, эшак устидаги гиламчани тортиб олди ва унинг устида, оёқларини чаённинг думи сингари гажак қилиб, боши узра кўтарди, сўнг озгин ва эпчил қўллари билан юра бошлади. Шу тариқа бир-икки ҳунарини намойиш қилгач, яна эшак устида пайдо бўлди. Кейин тик туриб, ерга сакради.

– Қойил! – олқишлашди аскарлар.

<sup>1</sup> Қадимда бутун Африка Ливия деб аталган.

<sup>2</sup> К о р т - Х а д а ш т – Африканинг шимолий қирғоғида яшовчи финикияликларга қарашли бой Карфаген шаҳри.

<sup>3</sup> Шеър эркин таржима қилинди. – *Тахририят*.



– Бу ерда сизлар қиладиган иш йўқ, изларингга қайтинглар, – деди қўриқчилар бошлиғи жаҳл билан.

– Ака! – хитоб қилди қиз. – Наҳотки ватанингиз қўшиқларини эшитгингиз келмаса? Мен македонча ва эллинча қўшиқлар куйлайман.

– Грабос, уларни ўтказиб юбор! – аралашди Аристоник. – Ҳукмдоримиз қўшиқ тинглашни ва раққосаларнинг ўткир қиличлар орасида жозибали рақс тушишини яхши кўради.

Бошлиқ қўл силтаб, ўгирилди.

Аристоник қизга шивирлади:

– Ҳеч нарсадан қўрқманглар! Шаҳарга бораверинглар!

– Умринг узоқ бўлсин! – эшагига осонгина миниб олган қиз жилмайди.

Йўловчилар ҳаракатга келдилар. Дарадан эса бошқа тўданинг қичқириви эшитилди.

– Эҳтиёт бўл, эҳтиёт! Чопарга йўл беринглар!

Учта бир ўрқачли кулранг туя лўкиллаганича, бир-бирининг биқинига урилиб, дара бўйлаб чошиб келарди. Олдиндаги иккитасига юзларини ўраб олган, гулдор кўйлак кийган форслар миниб олишган, учинчисида қимматбаҳо қирмизи чакмон, чарм қалпоқ кийган ўрта ёшли македониялик ўтирарди.

Форслар жониворларни йўғон дарра билан савалашар, туялар узун бўйинларини чўзиб, югуришарди. Энг орқада жигарранг чакмонга ўралган юнон чавандозларининг отлари йўртиб келарди.

– Ҳукмдоримиз номи билан, тўхтанглар!

Туя минган македониялик ўкирди:

– Нодонлар, шоҳ чопарини тўхтатишга қандай ҳаддинглар сиғди? Тўхта! Грабос эмасми? Бу ерга қаердан келиб қолдинг? Наҳотки сен, бизнинг шавкатли шоҳимиз Филиппга хизмат қилган кекса фаҳрий, мағлуб форс вилоятларидан биронтасининг ҳоқими бўлиш ўрнига ҳалиям юзбоши бўлиб, юрибсанми? Бизнинг Пелледа<sup>1</sup> абжир ва довьорак Искандар билан Осиёни забт этиш учун отланган оддий отбоқар ҳам ҳеч бўлмаганда подшонинг хазиначиси бўлганига ишонади.

Қўриқчилар бошлиғи туяга яқинлашиб, қўлларини чўзди:

– Қаердан келаяпсан, Никомандр?

– Тўппа-тўғри Пелладан. – Чопар энгашиб, овозини пасайтирди: – Ўз кўлим билан малика – она Олимпиаданинг мактубини шаҳаншоҳ ўғлига олиб келаяпман, кўп йиллар соғ-саломат яшасин у! Шогирдимни кўриб келмоқчиман. Мен уни қайсар ва кўрс болалик пайтидан эслайман. Унинг оти Буцефал тирикмикин?<sup>2</sup>

– Буцефал семириб оёқларида қувват қолмаган. Базилевс уни минмай кўйган, эски хотиралар туфайли арғумоқлари билан ёнма-ён олиб юради.

– Шогирдим Искандар бу йиллар давомида катта муваффақиятларга эришди, тўғрими? Бутун Македониямиз шу водийдан сал каттароқ. Бугуноқ ундан ҳамма нарсани сўраб билиб, сени шундай кичкина лавозимда қолдиргани учун койийман. Йўлда жуда кўп тартибсизликларни кўрдим. Нодонларни бошқариш тўғрисида унга фойда-

<sup>1</sup> П е л л е – Македониянинг пойтахти.

<sup>2</sup> Плутархнинг ёзишича, Буцефал лақабли от Искандарни сафарларда олиб юрган ва Ҳиндистонда ҳалок бўлган. Унинг шарафига Буцефалия шаҳрига асос солинган.

ли маслаҳатлар бермоқчиман. У ҳали ёш, бизга, тажрибали катталарнинг гапларига қулоқ тутиши керак. Ҳозир ҳукмдор қарда?

— Анави ёққа қара! — Грабос қўли билан шимол томонни кўрсатди.

Довондан гуллаб-яшнаб ётган водийнинг гўзал манзараси яққол кўзга ташланарди. Ўсиб кетган дарахтлар ва буталар, ўтлоқлар орасида учта дарё оролчалар ҳосил қилиб оқаёттир. Сон-саноқсиз яшил майдончаларга бўлинган далалар ўлканинг бойлиги ва серҳосиллигидан нишона. Узоқда, тонгги хира туманлар ортида бир-бирига тақаб қурилган паҳса деворли уйлар — шаҳар кўзга ташланади. Чўққиларини қор босган тоғлар водийни кўм-кўк узукдек ўраб олган.

— Маҳаллий аҳоли Зобул деб атовчи асосий шаҳар Ортоспан мана шу. Бу ерда анчадан буён ҳукмдорнинг лагери ҳаракатсиз турибди. Бирортамиз у олға юрадимиз ё ортга қайтадимиз, буни билмаймиз. Унинг ўзи шаҳарда яшамайди. Анави томонда бир текис қурилган чодирларни кўряпсанми? У ерга Филотанинг, ҳукмдорнинг эмишган укасини эслайсан-а, ўшанинг отлиқ аскарлари жойлашган. Ундан нарида қалин, ям-яшил боғлар кўриниб турибди. Ҳукмдорнинг қароргоҳи ана шу ерда... — У шивирлаб, гапида давом этди. — Искандар тор, ифлос кўчалари чалкашиб кетган шаҳарга ишонмайди... Аҳоли, агар аскарлар уйларида тунашни хоҳлаб қолишса, уларни битта-битталаб бўғиб ўлдириши мумкин. Ахир битта Зобул аҳолисининг ўзи сон-саноқсиз-да.

— Нима деб валақлаяпсан? Ҳали аҳоли шундай ақлли ва ажойиб шоҳлари борлигидан хурсанд эмасми?

— Э, бу ер тушунтириб ўтирадиган жой эмас... Тез орада ўзинг ҳаммасини кўриб-билиб оласан. Қара, Никомандр, мени мана бу совуқ доvon йўлини кўриқлашдан кўра тузукроқ ишга ўтказишини ҳукмдордан сўрайман деганинг эсингдан чиқмасин.

— Хайретэ! — дея қичқирди македониялик ва ўзини кузатиб келаётган форсларга имо қилди.

Қамчилар қарсиллади, туялар зорланиб инграганича, тошлоқ йўлдан пастга қараб чопиб кетишди. Уларнинг ортидан мис аслаҳаларини ялтиратиб, найзаларини олдинга энгаштирганича, қўриқчи чавандозлар йўлга тушишди.

Карвон қўзғалиб, дара бўйлаб аста-секин йўлга тушди. Иккита аскар отларини ечиб, ёпқич устига сакраб минишди<sup>2</sup>.

Чавандозлар орасида атрофга газаб билан назар ташлаганича, жи-гарранг жулдур чопонига ўралган дайди атраванлик борарди.

Аристоник гулхан ёнига ўтириб, чилторини созлади ва қўшиқ бошлади:

Арбелаҳдаги жангдан кейин,  
Буюк Искандар шу замон,  
Доронинг барча подшоҳлигини  
Қўлга олди...

<sup>1</sup> Х а й р е т э — юнонча саломлашиш, “Хурсанд бўл!” маъносиди.

<sup>2</sup> У пайтларда эгар бўлмаган, чавандозлар от устига ёпилиб, камар билан боғланган ёпқич, жабдуқларда ўтирган.

## ҲУКМДОР ҚАБУЛИДА

Маҳаллий ҳокимнинг шаҳар ташқарисидаги саройи. Тор залга даҳшатли ҳукмдорни кўришни хоҳловчилар йиғилишган. Олдинда Юнонистон ва олис Карфагендан келган элчилар. Уларнинг ортида хизматидан жудо бўлган собиқ форс амалдорлари ва Искандар армиясининг айрим ҳарбий қисмлари бошлиқлари сиқилишиб туришибди.

Никомандр шошилмасдан эғнидаги оқ гиматий<sup>1</sup>сининг бурмаларини тўғрилаганича, ёнида турган Афина элчисига паст овозда деди:

– Ҳозир уни кўраман. Кўрай-чи, қувноқ, тиришқоқ, ёқимтой йигитча ўзгардимикин-йўқмикин. Чиниқдимикин ёки форсларнинг бойлиги тантиқ, нозик табиатли қилиб қўйдимикин? Аввалгидек қилични моҳирлик билан ишлата олармикин? Жангларда мен унга қанча зўр усулларни кўрсатган эдим! Битта аъло усулни ўрганишга у анча уринганди. Бу зарба, “бешинчи уришдаги чақмоқ” деб аталади. Уни ўргангунча Искандар узоқ машқ қилганди. Ҳа, ана, чамаси, келаяпти...

– Уни таний оласанми?

– Мен танимасам... Ҳазилкаш экансан...

Ҳарам оғаси семиз қўли билан эшикни ёпиб турган гулдор қалин ипак пардани очди ва тиз чўкиб, мутеларча бош эгди.

Ҳамма жим бўлиб, қаддини ростлади. Ялтиратиб тозаланган совут ва дубулга кийган, фақат махсус тешикчадан кўзлари кўриниб турган аскар оғир қадамлар билан кириб, эшик ёнида тик турди. Учи ўткир найзасини оёқлари ёнига қўйиб, гўё ҳайкалдек қотиб қолди. Шаҳдам қадамлар билан тўрт киши кириб келди. Ҳаммаси бирдек навқирон, тахминан тенгқур, куч-қувват ва ёшлик шижоати барқ уриб турибди. Улар бир-бирларига жуда ўхшар эдилар. Оқ дазмолланган гиматийларини афиналиклар одати бўйича баданларига ўраб, этагини чап елкаларидан ошириб орқага ташлаб қўйишган, соқол-мўйловлари яхшилаб қирилган, жингалакка мойил сочлари елкага тушмаган, лекин юзларини ўраб, ёйилиб турибди. Тўрттовининг ҳам бўйни ва яланғоч ўнг қўлларидаги мушаклари ўйнайди. Тиззагача етадиган тасмали этиклари ҳам афиналикларникига ўхшатиб тикилган.

Никомандр олдинга отилиш учун беихтиёр бир қадам ташлади-ю, кўзларини ҳайрат билан очиб, тўхтаб қолди.

Афиналик элчилар ва карфагенликлар қўлларини олдинга чўзганларича, эгилиб таъзим қилдилар. Бинафшаранг гуллар қадалган қирмизи кийим кийган бир неча таниқли форслар садоқат рамзи сифатида ўзларини ерга ташлаб, уни ўпдилар ва мутелиklarини намоийш қилганларича, шу қўйи ётавердилар.

Кириб келган тўрт йигит атрофдагиларга бепарво назар ташлаган ҳолда бир неча сония жим турдилар. Улардан бири, бўйи сал пастроғи:

– Никомандр, нега мен билан саломлашмаяпсан? – деб сўради.

– Бу сенмисан, ҳукмдоримиз Искандар? Ё қувончдан кўзларим қамашиб кетяптими? – Олдимда тўртта Искандарни кўриб тургандекман!

<sup>1</sup> Г и м а т и й – жун чакмон.

Гапирган йигитнинг юзида билинар-билимас табассум пайдо бўлди. У ҳаммага кўз югуртириб, умумий тарзда саломлашди:

– Хайрегэ!

Никомандр диққат билан тикилганича, лол бўлиб, ҳаракатсиз турарди. Кенг пешонали ва тўғри бурунли, юзида мардлик акс этиб турган, таниш чеҳранинг Эротникидек<sup>1</sup> ёйсимон эгилган лаблари қимтиниб, икки чеккасида кескин, шафқатсиз тугунлар пайдо бўлди. Лекин бу қарияни ҳайрон қолдирмади. Унга шишадек совуқ, билиб бўлмайдиган сирли нигоҳ қадалиб турарди. “Бу одам ана шу туришида мени эркалатиши ҳам, бемалол янчиб ташлаши ҳам мумкин”, деб ўйлади Никомандр. Аввалги қувноқ, тиришқоқ, машгулотлар пайтида ўтмас қилич билан ўз елкасига уриб қўядиган йигитчадан асар ҳам қолмаган, қаршисида ўзига бино қўйган, мағрур, ярим дунёни кезиб, ортидан сон-саноксиз вайроналар, кўз ёши ва азоб-уқубат дарёларини қолдирган шафқатсиз инсон турарди.

Никомандр эсанкираганича Искандарнинг истиқболига отилди. У устозига ёноғидан ўпиши учун изн берди, ўзи ҳам унинг юзини ўпаётгандек, лабларини қимирлатиб қўйди.

Семиз, кекса ҳарам оғаси қизил гилам устига оппоқ йиғма стулни ўрнатди. Искандар этик тасмалари боғланган чиройли оёқларини чалиштириб ўтирди. Унинг яланғоч тиззалари қуёшда қорайиб, пишиб кетган эди.

Искандар бошқаларга эътибор бермай, Никомандрга мурожаат қилди:

– Шогирдим яхши курашяпти, деб ҳисоблайсанми? Каштанлар остидаги кулбангда ўтириб, енгилмас Искандарнинг зафарлари ҳақида эшитдингми?

Никомандр ҳаяжонланиб кулди, аввалгилардек шогирдининг елкаларини силаш учун узатилган қўлларини аранг тўхтатди.

– Эшитмай бўладими? Ҳозир Пеллада ҳамма фақат ёш ҳукмдоримизнинг қандай жанг қилаётгани, чаққонликда шавкатли Ахиллесдан кам эмаслиги ҳақида гапирадилар.

Хонада турганлардан бири хитоб қилди:

– Нафақат Ахиллес – ҳукмдоримиз аллақачон барча аждоларидан ўзиб кетган! Шоҳимизни фақат енгилмас, илоҳий Геракл билан тенглаштириш мумкин.

Бошқа овоз унинг гапини бўлди:

– Гераклнинг жасоратлари нима экан? У ер юзини кўп кезган, аммо ватанига катта наф келтирмаган. Бизнинг ҳукмдоримиз эса ваҳшийларнинг бутун бошли давлатини мағлуб этиб, уларни эллин худоларига сифинишга мажбур қилди.

Искандар сакраб туриб, хона бўйлаб шахдам юра бошлади:

– Тўғри! Мен Геракл босиб ўтган йўллардан ҳам нарига бормоқчиман. Жангчиларимни дунёнинг охиригача, одам оёғи етмаган саҳролар ёввойилар билан тўлган, денгиз заминнинг энг чеккасини юваётган нуқтагача олиб бораман. Бу йўлда ҳеч ким ва ҳеч нарса менга тўсиқ бўла олмайди!

– Сен ғолиб бўласан, бутун дунёни эгаллайсан! – деган хитоблар эшитилди.

<sup>1</sup> Э р о т – севги худоси. Юнонлар уни ўқ-ёй кўтарган ёш бола қиёфасида тасаввур қилганлар.

– Афинада нималар дейишяпти? Сен бу вайсақи, шуҳратпараст одамлар шаҳрида бўлдингми?

– Йўл-йўлакай кемамиз Пирей<sup>1</sup>га кирди, – деди Никомандр, – ва мен Афинани бориб кўрдим. Шу куни у ерда сен гўё олис форс диёрида ўлганинг ҳақида гап тарқалган экан. Барча гапдонлар безовта бўлган товуклардек қақоғлашар эди. Ҳамма Агор<sup>2</sup>га югурди. У ерда маҳмадоналар нутқ сўзлаб, зудлик билан Македонияга қарши уруш бошлашни талаб қилдилар. Фақат Фокион<sup>3</sup>гина: “Нима учун уруш бошлашга шошиласизлар? Кутамиз. Агар Искандар ўлган бўлса, у эртага ҳам, индинга ҳам ўлик бўлади. Аввал бу миш-мишни текшириб кўриш, кейин уруш бошлаш керак”, – деди.

– Искандар ҳаёт ва ҳамиша барҳаёт бўлади! – деган овозлар эшитилди.

– О, ҳали мен бу маккор шаҳар одамларига кимлигимни кўрсатаман! Бизни Элададан минг фарсангдан ортиқ масофа ажратиб турган бўлса ҳам, вақт келадикки, мақтанчоқ афиналикларга қаҳр-газабим қай даражада даҳшатли эканини кўрсатиб қўяман!

Никомандр гиматияси бурмалари орасидан ипига муҳр осилган чарм-найчани олиб, эҳтиром билан олдинга узатди:

– Эпир маликаси Олимпиададан мактуб!

Искандар найчани юлиб олди. Чиройли юзида ташвиш излари кўринди. Қайрилма қошлари чимирилди.

– Эпир маликасига шон-шараф ва омадлар! – деди у ўйчан. – Уйда нима гаплар бўлаётганини кейин батафсил гапириб берасан. Гефестион, бу мактубни асраб қўй.

Искандарнинг болалик дўсти – Гефестион – бўйи ундан салгина баланд, чиройли, осойишта юзли йигит чарм найчани икки қўллаб, эҳтиром билан олди, гўё қимматбаҳо буюмдек унга лабларини текизиб, ортга тисланди.

Никомандрдан кейин Искандар карфагенлик элчи олдига тез юриб борди ва унинг кўзларига тикилиб:

– Ўз ихтиёринг билан келдингми ё сени давлатинг ёллаб юбордимми? – деб сўради.

Карфагенлик қўлларини ёйди:

– Агар музокараларда омадим келса, демак, фуқароларим томонидан юборилганман. Омадим келмаса, унда ўзим келганман.

Ҳукмдор жилмайиб, ўйга толди, кейин чап кўзини қисиб сўради:

– Карфагенга қўшинларим билан қандай борганим маъқул? Кемалардами ё Ливия қирғоқлари бўйлаб қуруқликданми?

Финикиялик қора кўзларини ердан кўтариб, бир лаҳза Искандарнинг бўй-бастини чамалагандек боқди, сўнгра эҳтиром билан жавоб берди:

– Қуруқликдан ё денгиз йўлидан борасанми – фарқи йўқ. Ҳамма гап Худолар сени ўз паноҳида асрашига боғлиқ.

Ҳукмдор кулиб юборди ва дўстларига мурожаат қилди:

– Финикияликлар сўзда ҳам, ишда ҳам ҳамиша қув бўлишган. Бироқ улар билан зиёфат пайтида суҳбатлашсанг маза қиласан.

<sup>1</sup> П и р е й – Афинадаги кўрфаз.

<sup>2</sup> А г о р а – Афинадаги халқ йиғин ўтказадиган майдон.

<sup>3</sup> Ф о к и о н – афиналик нотик.

Гефестион, Анатнинг ўгли<sup>1</sup> оқшом менинг ёнимда ястаниб ўтирадиган бўлсин. Шунга ҳаракат қил.

Ҳукмдор кескин ўгирилиб, лоқайдлик билан афиналикларнинг ёнига борди. Унинг юзи совуқ ва ҳиссиз эди.

– Донишманд устозим Аристотел ҳаётми? Тентак ҳукуматингиз уни қатл этгани йўқми?

Икки ўртоғи олдида лоқайд ва ўзича мағрур турган рангпар афиналик:

– Афина ҳамиша Элладанинг юраги ва маърифат маркази бўлиб келган. Биз донишмандликнинг юқори чўққисига етган устозга нисбатан қўполлик ва ҳурматсизлик қила оламизми? У аввалгидек, ёшларимизга Ликея<sup>2</sup>нинг соя-салқин боғларида билим бермоқда, – деди.

– Бироқ, Дельфия башоратчиси Сукротни донишмандлар донишманди деб эълон қилгандан кейин шаҳрингизнинг кенгаши уни ўлимга ҳукм қилди. Афиналикларнинг ҳасадгўйлигига чегара йўқ. – Искандарнинг овози ҳирқираб, чап елкаси уча бошлади. – Бутун дунё мени Худонинг ўгли деб тан олди, бироқ афиналиклар илоҳий инсон эканимга ҳамон шубҳа билан қарашмоқда. Аҳвол шу тарзда кетса, улар хусусий ерларидан ажралиб қолишлари мумкинлигини ўйлашмайдимиз?

Ҳукмдор кескин ўгирилиб, афиналикдан юз ўгирди ва ҳамон ерга эгилиб, таъзим қилиб турган форс амалдорларига юзланди:

– Ўрнингиздан тулинг, дўстларим! Эндиликда сизлар менга тобесизлар ва буюк салтанатимдаги барча машҳур халқлар каби мен учун азизсизлар. Шикоятингиз ёки илтимосингиз нимадан иборат?

Форслар барабар гапирганларича, тиззаларида юриб, Искандарнинг оқ гиматияси этагини ўпишга интилишди.

Таржимон энгашиб, ҳукмдорга шивирлади:

– Булар собиқ форс шоҳи Доронинг сарой аъёнлари. Улар сенга содиқ бўлишга қасамёд қилиб, сендан мулклари ва саройдаги лавозимларини қолдиришингни илтимос қилишмоқда.

– Уларни бугун тушликка таклиф қил. Уларга янги ҳукмдор Искандар содиқ хизматкорларига меҳрибон подшоҳлари Дородан кўра меҳрибонроқ бўлишини айт.

Искандар яна Никомандрнинг ёнига келди:

– Қалай, қария, “Бешинчи зарбада чақмоқ”ни мен билан яна синаб кўра оласанми? Энди кимнинг қиличи кучлироқ?..

Севиниб кетган Никомандр яйраб кулди:

– Кел, қиличларимизнинг ўткирлигини синаб кўрамиз!

– Дам олганингдан кейин синашамиз. Йўл тинкангни қуритмадимиз?

– Маликанинг мактубини сенга етказиш учун шунчалар шошилдимки, чарчаш ҳаёлимга ҳам келмади. Бироқ, тўғриси айтмай: ёниб кул бўлган ўйлар, вайроналар орасида дайдиб юрган оч-яланғоч чол-кампирларни кўравериш жонимга тегди. Уфунатни айтмайсанми?

<sup>1</sup> Финикияликлар ўзларини “Бэни-Анат” деб аташган. Финикия – юнонча “шарқдан келган одам” дир.

<sup>2</sup> Аристотел Афина яқинидаги Ликейлик Аполон ибодатхонаси ёнидаги Ликея боғи хиёбонларида сайр қилиб юриб, шогирдларига сабоқ берган. Литсей сўзи шундан келиб чиққан.

Қаршингдан шабада эсса, қийшайиб ётган устунларга осилган мурдалар бижғиб ётганини ҳис қиласан. Уларнинг атрофида изғиб юрган очофат итлар-чи? Аммо жазирама текисликдан довонга кўтарилиб, роҳатбахш шамол димоғимга урилганида қанчалар қувондим! Гўё қадрдон Македонияга келиб қолгандай бўлдим. Шу ерда – қоялар орасида гаройиб юнон қўшиқларини эшитдим. Бу қўшиқларда, Осиё кенгликларидега енгилмас Искандар кўрсатаётган жасоратлар улуғланмоқда эди.

– Бу қаерда юз берди?

– Унча узоқмас, охири тоғ довонида. Қарасам, гулхан атрофида аскарларимиз ўтиришибди. Уларнинг орасида эски қадрдоним Грабос ҳам бор. У отанг подшоҳ Филиппнинг моҳир жангчиларидан эди. Унинг гуруҳидаги номаълум қўшиқчи шундай чиройли қўшиқ айтардики, Пан<sup>1</sup>нинг ўзи қўлида лира билан тоғда ўтириб, сенга мадҳия ўқияптими деб ўйладим.

– Филота! – унинг гапини бўлди ҳукмдор. – Энг яқин довондаги кўриқчилар бошлиғи ким?

Ҳарбий бошлиқлар гуруҳидан баланд бўйли, қомати келишган, чавандозларнинг енгил совутини кийган македониялик олдинга чиқди.

У қадини ростлаб гапирди:

– Македониялик Грабос “Илоҳий лахтақлар” довонидаги кўриқчилар бошлиғи. Ўн олти фессалиялик чавандоз у билан бирга.

– Бугуноқ уни бу ерга чақир. Ўзи билан ўша яхши қўшиқчисини ҳам олиб келсин. Кечки овқатдан кейин қўшиқларини тинглаймиз.

Искандар эшик томон йўналар экан, тўхтаб, қўлини кўтарди ва “Хайретэ!” дея хитоб қилиб, парда ортида ғойиб бўлди.

### “ҲЕЧ КИМГА ИШОНМА!”

Ҳукмдор ўзи яхши кўрадиган кичкина хонада ёлғиз қолди. Деворларда ярқиратиб чархланган пўлат қиличлар осиглик. Бурчакда турли хил ўлчамдаги найзалар турибди. Бир томондаги девор ёнига тилла безаклар қопланган совутлар, қизил зирҳли дубулғалар терилган. Уларнинг ортидан жангчи қиёфаси туширилган қабарик қалқонлар жой олган.

Жингалак, оқ сочлари ўрилган, қора жун кийимдаги кекса македониялик сариқ матони дам-бадам суюқ ёгга ботириб, аслаҳаларни артмоқда. Искандар қошини чимирганини кўриб, дарҳол чиқиб кетди.

Гефестион ранг-баранг гилам ёпилган торгина ўриндиққа чўкди. Эҳтиёткорлик билан ханжар учида қизил боғични қирқди, мумдан ясалган муҳрни бузиб, чарм найча ичидан ўроғлик пергаментни олди. Ҳукмдор хонанинг узун, оғир қиличлар осилган девори ёнида турарди.

– Шавкатли малика онамиз Олимпиада нималарни ёзибди? Мамлакатда яна кўзғолон чиқмаганми?

Гефестион бир текис ёзилган ҳарфларга кўз югуртирди.

– Малика яна сени огоҳлантирмоқда. Мана эшит, саркарда: “Македония ва Эпирнинг маликаси Олимпиада енгилмас жасур

<sup>1</sup> П а н – грек мифологиясида табиатни жонлантирувчи маъбуд.

Искардарга, Филипнинг ўгли, бутун Осиёнинг шоҳи ва ҳукмдорига соғлиқ ва шод-хуррамлик тилайди. Ушбу мактубни хонадонимизга содиқ ҳарбий санъат муаллими, ўз ҳаётини салтанат тинчлиги йўлида Гестияга қурбон қилишга онт ичган Никомандр орқали юбормоқдаман.

Атрофингни ўраб турган ҳамма одамларга нисбатан эҳтиёткор бўлишингни ҳамиша худодан ёлвориб сўрайман. Менга маълумки, сен Македониянинг аслзода ҳукмдорларига нисбатан ўта ишонувчан ва меҳрибон бўлгансан. Унутма, сен – Зевснинг ўзи ерга юборган ягона ҳукмдорсан, улар – сенга муте, оддий, хом сут эмган бандалардир ва сенга ҳамиша бўйсунилари лозим. Сенинг ўзинг орқа-олдини ўйламасдан уларни юксак лавозимларга тайинлайсан. Сенинг саҳийлигинг туфайли ватанида ҳақир чўпон ҳолида қолиб, чўчка ва эчки боқиб юрадиган бу ялангоёқлар эндиликда сен билан баробар бўлишни орзу қилмоқдалар.

Атрофингдаги энг яқин кимсалар ҳам шоҳона туҳфаларингни унутиб, вилоятларни бошқариш учун македонияликларни эмас, форсларни тайинлаётганингдан норози эканлиги ҳақида яширин-ча хабар келди. Нима учун ваҳшийларни ўзингга яқинлаштирасан? Ҳатто отангнинг дўсти, кекса Парменион ҳам ўз яқинлари олдида сенга ақл киритиб қўйиш кераклиги ҳақида гапирибди. Энди сендан македонияликларга наф йўқ эмиш. Ҳатто кўпол қилиб айтганда, ўз ўғли Филотани шоҳ деб эълон қилиш зарур дейиш-гача борибди.

Сен эса бирон чора кўриш ўрнига унинг ўғли Филотани отлик кўшинга бошлиқ қилиб қўйибсан. Қайтиб келган ярадорлар менга Филота ўзини улуғлашлари ва шоҳликка кўтаришларини мўлжаллаб, аскарларга қимматбаҳо ҳадялар улашиб, уларни сотиб олаётганлигини айтишди. Парменион ҳам, Филота ҳам, уларнинг ҳалок бўлган укалари Никонор ҳам худонинг ўғли бўлмиш сенинг ёнингда юргани, буйруқларингни бажаргани учун шуҳрат қозонишди. Сенсиз улар Скардан дараларидаги гувалак уйларида яшаб, бозорда ўтин ва эчки пишлоғи сотиб юрган бўлишарди.

Сен ер юзининг қадимги бирорта қаҳрамон ёки худодар босиб ўтмаган жойларидан ўтдинг. Пеллага қайт, македониялик энг яхши қизни танлаб ол ва шу ерда туриб отанг донишманд Филипп сотқин ва разил Юнонистонни бошқаргани каби салтанатни бошқар.

Мен ҳар куни сени Осиёнинг чексиз йўлларида асраб, соғ-саломат, бешикаст қайтиб келишингга ёрдам берсинлар деб худодарга илтижо қиламан.

Юборган қимматбаҳо ҳадяларинг учун миннатдорчилик билдираман. Мен яна шарқ халқлари тўқиган юпқа ипак матолардан юборишингни хоҳлардим”.

Гефестион Искандарга қаради.

Ҳукмдор тилла узук тақилган кўлини кўтарди ва кўрсаткич бармоғини лабларига босди:

– Эҳтиёт бўл, – шивирлади у. – Ҳамма отлару шахсий кўриқчиларим Филотанинг ихтиёрида, лекин унинг тақдири ҳозирча менинг кўлимда. Биз Ҳиндистон Кавказигача<sup>1</sup> етиб бордик,

<sup>1</sup> Ўша пайтларда Искандарнинг қароргоҳи турган ҳозирги Афғонистон мамлакатини Кавказнинг бир қисми деб билганлар, унинг тоғларини асосий Кавказ тоғларидан фарқлаш учун Ҳиндистон Кавкази дейилган.



этэрлар<sup>1</sup> бўлса ҳалиям Искандар бутун дунёни фақат биз бошқа халқлар устидан ҳукмронлик қилишимиз учун забт этди деб ўйлашади. Улар менга миннатдорчилик ўрнига отам Филиппга қилганларидек, курагимга ханжар санчишга тайёр туришибди. Бугун тунда базмдан кейин бу ерга махфий равишда Қора Клитни олиб келасан... Йўқ! Қора Клит ҳам мен билан баҳслаша бошлади, ундан ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Кратер, Аминта Птоломей ва Тердикка келсин. Шу тундаёқ мен такаббур, мақтанчоқ Филотани ҳибсга оламан. Унинг чодирисидаги ҳамма буюмларни тинтиш керак ва қандай қилиб бўлмасин отаси Пармениондан келган мактубни топиш зарур. Мен фитна иплари қайси томондан чувалиб келаётганини биламан, қийноқ ҳамда олов билан унинг учини топаман. Уларни шундай жазолайманки, этэрлар форсларга ўхшаб ҳузуримда қоринлари билан судралиб юрадиган бўладилар.

– Шошилиб хато қилиб қўйма! Бу хатда балки малика – онани ўғлига кўр-кўрона муҳаббати, хавотири кўпроқ ёзилгандир. Филота, унинг марҳум укаси Никонор ва кекса Парменион ҳамиша сенга содиқ бўлишган. Ватанингдан шунчалик узоқда, энг яхши дўстларингни жазоласанг, ким билан қоласан? Наҳотки, сени ҳамиша душман, ўзга юртлик ва истилочи деб ҳисоблайдиган хушомадгўй форсларга кўпроқ ишонсанг?

– Менинг ватаним оёғим ва қўшинларим турган жой! – Искандар жаҳл билан унинг гапини кесди, лабларида кўпик пайдо бўлди. Ғазабдан кўркам юзи қийшайиб, йирик, оппоқ тишлари йиртқичникидек шақиллади. – Шуни унутмаки, мен энди отамга ўхшаб кичкина Македониянинг шоҳи эмас, бутун Осиёнинг ҳукмдориман! Бутун дунё менинг иродамга кўра атрофимда айланади, унинг асосий ўқи мен бўламан, агар хоҳласам, уни тескари томонга айлантириб юбораман! Агар йигирма мингта македониялик менга бўйсунганини хоҳламаса, бир оғиз гап билан уларни беҳисоб хушомадгўй осиеликларнинг оёғи остида янчиб юбораман... Осиёликлар менга босқинчи эмас, ҳамма одамларга тинчлик, бахт бериш учун осмондан тушган худо деб қарашади.

Бронза қалқонга урилган зарб овози янгради.

– Кир! – деб бақирди ҳукмдор.

Эшикда жингалак сочли, бошига кўк тасма боғлаган эфеб<sup>1</sup> кўринди.

– Экзитазис келди. Ёнингга киришга рухсат эт.

– Кирсин!

Экзитазис баланд бўйли, ўта озғин, юзлари сарғайиб, чакаклари ичига ботиб кетган юнон ёпинчиғига ўралганича, йўтала-йўтала кириб келди. Унинг лаблари кўкариб кетган, ияги титрарди.

– Қаттиқ шамоллаб қолибсан-ку, – деди ҳукмдор. – Қандай муҳим иш сени ётган жойингдан турғизиб, ҳузуримга олиб келди?

– Сен қандай қилиб бўлмасин шимолдан хабар келтиришни сўраган эдинг. Бугун “Илоҳий лахтаклар” довонидан менга битта айғоқчини келтиришди. Унда бизнинг нишонимиз бор экан. У кўпни кўрган, кўп нарсани билади.

<sup>1</sup> Э т э р л а р – қурооланган алоҳида отряд, “ўртоқ” маъносига.

<sup>2</sup> Э ф е б – оқсуякларнинг боласи, муҳим топшириқлар учун масъул ходимлар. Улар кейинчалик этэр бўлишади.

- Бу ёққа олиб кир.
- У... жуда ифлос ҳолатда...
- Унда мен уни ўша ёқда, бошқа хонада сўроқ қиламан...

### СЎҒДЛИК<sup>1</sup> АЙҒОҚЧИ

Деворлари оппоқ унча катта бўлмаган хонада соқоллари ўсиб, чигаллашиб кетган, узун сочлари ўрилган жулдур кийимли атраван пайдо бўлди. У увада, серямоқ ёпинчиққа ўралиб олди ва чўк тушди. Кийими гижимланган, сўхтаси совуқ, совут таққан жангчи унинг ортида қотиб турарди.

Атраван маймунга ўхшаб, узун қўллари ерга тираб чўнқайди. Чигал сочлари остидаги ўткир кўзлари ёниб турарди.

– Форсча гаплаша оласанми?

Қария хириллаб нимадир деди ва оғзидан кумуш танга бўлагини олиб, қоп-қора кафтларига қўйиб узатди. У ўз олдида қордек оқ жун чакмон кийиб, йиғма курсида ўтирган ёш истилочини кўриб ҳайрон қолди. Кучли мускуллари бўртиб турган ўнг қўли яланғоч. Қўл териси қиз болаларникидек пушти рангда, ундан хушбўй олма ҳиди уфуриб турарди. Кўзлари гўё қул ёки тошга қараётгандек ҳиссиз, лоқайд боқарди. Бир кўзи тўқ яшил, иккинчиси оч қулранг эди. Ёнида форсча кийинган, кўзлари атрофига қора сурма тортилган, ўрилган сочларини олтин тўғнағич билан танғиб олган бир одам бор эди. Ўтирган одам атраванга номаълум тилда нималардир деди.

Бояги одам унинг сўзларини форсча тушунтирди:

– Агар тилинг фақат тўғри гапларни гапирмаса, ақлли бола онасига гапиргандек ҳақиқатни айтмасанг, тирсагингдан илгакка осиб қўйишади. Бошла. Ким бўласан?

– Бақтриялик атраванман. Ўтмишни биламан, келажакни кўра оламан, ўралиб ётган нарсани оча оламан.

– Валдирама! Фақат сўралганларга жавоб бер!

– Мен эшитяпман, о, буюк қудратли инсон! Бепарволик уйқусидан кўзингни оч, мен сенинг қулоғингга муҳим гапларни айта олай.

– Бу ерга ўзингча келдингми ё буйруқ беришдими?

– Ахурамазда худоларининг махфий овози менга буюрдики: тоғлар ва водийлар оша ўт, одамларга билдиргинки, охирзамон келди. Ҳамма нарса вайрон бўлади, гўдақлар она кўксидан юлиб олинади, тез кунда булутлар само узра учиб юрмай, ерга тош бўлиб ёғилади.

– Қайси йўл билан келдинг?

– Сўғддан, Мароқанд<sup>2</sup> шаҳридан Бақтрия тоғлари орқали бу ерга келдим. Йўлларда, форс қўшинлари отрядлари тинимсиз ҳаракат қилмоқда, ҳаммани тинтиб кўришмоқда. Ҳатто жулдур кийимларимга ҳам раҳм қилишмади бечора атраванда олтин бор деб ўйлашди шекилли.

<sup>1</sup> С ў г д ва Б а қ т р и я — қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари. Юнонлар уларни Сўғдиёна ва Бақтриана деб аташган. Сўғд (Сўғдиёна)ликлар ҳозирги Сирдарё ва Зарафшон оқими бўйларидаги серҳосил ерларда яшаган, пойтахти Мароқанд. Бақтрияликлар жанубий Сўғда, Амударё бўйларида, Афғонистон худудидаги Ҳиндукуш ёнбағирларида истиқомат қилганлар. Бақтриянинг маркази Балх — Зардуштнинг ватани ҳисобланади.

<sup>2</sup> М а р о қ а н д — ҳозирги Самарқанд.

– Ўтирган одам қимирлади ва диққат билан атрофга разм сола бошлади.

– Йўлларда кўплаб жангчилар кетаяпти, дедингми? Уларни қайси йўлда кўрдинг?

– Мен тўғри йўлдан – Бойсун тоғларидаги Темир дарвоза орқали юрдим. Окс<sup>1</sup> дарёсидан қайиқда сузиб ўтдим ва Бақтрияга йўл олдим...

– У ерда қайиқлар кўп эканми?

– Жудаям кўп. Кечаю кундуз қайиқлар жангчиларни дарёдан ўтказишмоқда. Уларнинг ҳаммаси бу ёққа, оқсоч тоғларга қараб келмоқда.

– Нима учун сен шимолдан – тўғри йўлдан келмасдан шунчалик изингни чалгитиб, жанубдаги “Илоҳий лахтаклар” довонига келдинг?

– Сенга айтдим-ку, кўриқчи гуруҳлар асосий йўлда туришибди деб. Мен бирон-бир ёвуз ният билан эмас, кўрққанимдан айланиб ўтдим. Кимки тоғлардан ўтмоқчи бўлса, жангчилар уларнинг чап кўкрагига уришади ва жарга улоқтиришади. Мен тоғдаги карвонлар билмайдиган кийиклар сўқмоқларидан юрдим. Бу сўқмоқлар қоялар, чуқур жарликлардан ўтади. Мен бу сўқмоқлардан қор ва қуюнлар ора ўтдим ва “Илоҳий лахтаклар” довонига келганимда яванлар<sup>2</sup> мени ушлаб олишди.

– Йўлда сакларни кўрдингми? Саклар кимлигини биласанми?

– Биладан, саклар – йилқи боқувчи ва бияларни соғувчи ўта жасур одамлар. Фақат Мароқандда бир нечта сакни учратдим, бошқа ҳамма йўлларда фақат сўғдлар ва бақтриялик жангчилар бор эди. Ҳамма саклар шимолга, ўз чўлларига кетишди.

Сўроқ қилувчи сакраб ўрнидан турди:

– Сен, кўп нарсани билувчи зоҳид ва айёр атраван ҳозир мен билан борасан ва менга Мароқандга олиб борадиган, карвонлар юролмайдиган йўлни кўрсатасан.

Қария ерга қаради ва илтижо билан қўлини чўзди

– О, марҳаматли ҳукмдор, мени қўйиб юбор! Мен Мароқандга бормайман, у ерда мени қозикқа ўтқазишади ва ҳақиқатгўй атраван эзилган пашшадек йўқ бўлиб кетади!

Сўроқ қилувчи қариянинг узатилган қоқсуяк узун қўлларидан ўзини олиб қочди.

– Шу ерга яқин жойда хотиним ва ўн уч нафар фарзандим бор. Менга илтифот кўрсатиб қўйиб юбор, акс ҳолда қудратли, мўъжизакор девлар менга маддад бериб сени тошбўрон қилишади.

– Унга дам бериб, яхшилаб овқатлантинринглар ва эҳтиёт қилиб сақланглар!

Навқирон йигит парда ортида ғойиб бўлди, жангчи атраванни оёғи билан турди ва қопдек судраб ташқарига олиб чиқди.

## ШОҲЛАР ШОҲИ ЗИЁФАТ БЕРАДИ

Шаҳар ҳукмдорининг саройи устидаги уч қаватли шийпонга зиналар билан кўтарилади. Шийпон форс гиламлари ва ҳинд матолари билан зийнатланган. Айвон четларида бронзадан ясалган уч оёқли чирғонларда шушбўй олов липиллаб ёнмоқда.

<sup>1</sup> Окс – Амударёнинг қадимги номи.

<sup>2</sup> Яванлар, явана ёки явуна – форслар юнонларни одатда, шундай аташган

Юқори шийпонга доирасимон шаклда паст бўйли столлар гир айлантириб терилган. Ҳар бирининг ёнига махсус ўриндиқлар қўйилиб, устига ипак ёпқичлар ёпилган. Бошдан-оёқ оқ либос кийиб, бошларига қимматбаҳо матодан қийиқча боғлаб олган форс хизматкорлар товуш чиқармасдан, гўё сирғалиб юргандек столчаларга турли таомли идишларни қўйиб чиқишмоқда.

Бурчаклардаги шинаклар ёнида найза тутган соқчилар тошдек қотган. Улар бурилиб, узоқларга кўз ташлаётганларида дубулгаларидаги от ёллари ҳилпираб кетади.

Ҳаво тундлашиб, Оқсоч тоғнинг қиррадор қоялари бирдан қорамтир тусга кирди. Қоронғилашиб бораётган Кофен водийсида сон-саноқсиз юлдузларга ўхшаш оловлар ёнди. Миллий кийимлар кийган юнон ва форс меҳмонлар зиналардан шийпонга кўтарилишди.

Ҳукмдорнинг тансоқчилари белларига калта қилич тақиб, олтин суви юритилган совутларини кўтариб олишган, зина пиллапояларида турган жингалак сочли эфэблар эса меҳмонларнинг исмларини сўраб, ёғоч тахтакачлардаги ёзувларга солиштириб, ким қайси томонга боришини ва ўтирадиган жойини кўрсатиб туришарди.

Таклиф қилинганларнинг ҳаммаси йиғилиб, виқор билан шивирлашганича пастга, ҳукмдор келиши кутилаётган томонга қараб-қараб қўйишади. Македонияликлар, ҳарбий бошлиқлар алоҳида гуруҳни ташкил этишган; улар бемалол, баланд овозда гаплашиб, ўзларини эркин тутишар эди. Уларнинг ҳаммаси форсларнинг чиройли қизил безакли оқ чакмонларини кийиб олишганди.

Баланд бўйли, келишган гавдали оқ ағдарма тери қопланган қизил совут кўтарган Филота одми либосга ўралиб олган юнон файласуфи Каллисфен<sup>1</sup> билан суҳбатлашарди.

– Македония совуқроқми ёки бу ерми?

– Бу ер совуқроқ бўлса керак.

– Нега бундай деб ўйлайсан?

– Анави македонияликларга қара: чамаси, улар Скардос ёнбағирларида жулдур кийимларда, совуқдан нолимай қўй боқишган, ўша кийимларига ўралиб ётиб ухлашган. Бу ерда эса дарров уч қават форс чакмонига бурканиб олишибди-ю, бу ҳам камдек.

– Бироқ сен файласуф бўлсанг-да дабдаба ва ҳашаматни тан олмайсан, аммо ҳозир ўзинг ҳам жун чакмон кийиб олибсан-ку. Дарвоқе, биз, македонияликлар бутун дунёни кезиб, оламни забт этмаганимизда эгнимизда бунақа кийим бўлмасди.

– Аммо македонияликлар ҳозир ўта катта қуённи ютиб, ҳазм қилолмаётган илонга ўхшамайдимми?

“Ҳукмдор!” деган шивир-шивирлар эшитилди. Ҳамма жим бўлиб, қаддини ростлади. Шийпонда мусиқа асбоблари янгради.

Пастдаги майонда бир хил кийинган ўғил болалар ва ёшлар кўринди. Уларнинг атир сепилган жингалак сочларига қизил боғичлар боғланганди. Улар жуфт-жуфт бўлиб пиллапояларда қатор тизилиб туришди.

– Булар асирга олинганлар, – дейишди тўпланганлар. – Искандар забт этган ўттизта мамлакат подшоларининг ўғиллари.

Ҳукмдорни дарҳол таний олмадилар. У Гефестион билан бирга чиқиб келди, лекин эгнида юнонларнинг одатдаги кийимлари – хитон

<sup>1</sup> К а л л и с ф е н – Аристотелнинг жияни, таниқли олим, файласуф.

ва гиматий йўқ эди. У қадимий форс шоҳларининг қимматбаҳо тошлар қадалган зарбоф тўнини кийиб олганди. Олтин қопланган камар мушакдор гавдасини сиқиб турарди. Барча мартабали форслар ва ҳокимлар юзтубан ерга йиқилиб, пешоналарини гиламга босишди. Македониялик бошлиқлар ҳарбий қоидага кўра қад ростлаб, тик турдилар. Табрик сўзлари кучайиб, Эроннинг таниқли аслзодалари ерда эмаклаб, унинг зарҳал оёқ кийимларини ўпиб, йўлини тўсиб олгач, ҳукмдорнинг қаҳрли рангпар юзи, чимирилган қошлари ёйилиб, чехраси очилди. Искандар Эрон шоҳларига эллик йил хизмат қилиб танилган ва ҳозир оёқлари остида ётган Артабазаннинг устидан сакраб ўтди ва енгил қадамлар билан юқори шийпонга чиқди.

– Хуш келибсиз! – деб қичқирди у форс тилида ва столлар орасидан юриб, тўрга ўтди.

Нубиялик занжи хизматкор ҳукмдорнинг оёқ кийимига боғланган олтин ипларни ечиб олди. У атрофига қуйма олтиндан ясалган шер ҳайкалчалари қўйилган ўринга ёнбошлади. Эрон оқсуяклари сакраб туриб, бир-бирларини итариб, туртиб юқори айвонга интилдилар. Лекин эфэблар уларнинг йўлини тўсиб, уриб-туртиб, юқорига фақат, рўйхатда белгиланганларни чиқаришди.

– Ёнингда туришимизга рухсат эт! – деб қичқиришарди форс ҳокимлари. – Нурли чехрангдан баҳра олишимизга имкон бер!

Гефестион билан суҳбатлашаётган Искандар кулди ва:

– Никомандр айтган ҳарбий қўшиқларни куйловчи санъаткор шу ердами? – деб сўради.

– У етиб келди, ҳукмдор! – деди Филода олдинга чиқиб. – Уни зудлик билан олиб келишга энг яхши чавандозларни юбордим.

Ҳукмдорнинг кўзи Филотанинг кўзлари билан тўқнашиб чақнаб кетди, лекин юзидаги совуқ қаҳр ифодаси ўзгармади.

– Тўғри қилгансан. Қўшиқчи шу атрофда кутиб турсин.

Гефестион ҳукмдор билан бир стол атрофида ўтириб, зиёфатга таклиф қилинганларнинг рўйхатини ўқиди. Улар мамнун ҳолда халатларини, кенг-мўл кўйлаklarини тўғрилаб, оёқ кийимларини ечиб, эфеблар кўрсатган жойга ўтира бошладилар. Хизматкорлар уларнинг чап ёнбошларига юмшоқ ипак ёстиқлар қўйишди.

Таклиф қилинганлардан йигирмага яқин “бахтиёрлар” билан бир дастурхондан овқатландилар. Унинг ёнида, ўнг томонига семиз, юзлари шишиб кетган, олтинранг соқолини боғлаб олган форс Оксияфр – Эроннинг ўлдирилган шоҳи Доронинг укаси ўтирди... Оксияфр ёнига ҳукмдорнинг ақли заиф укаси, фақат ширин неъматларни ёқтирувчи Македония шаҳзодаси Арридей ёнбошлаганди. Искандарнинг чап томонига эфеблар Карфаген элчисини жойлаштиришган; ундан кейин македониялик бошлиқлар эронлик машҳур ва улуғ мартабали меҳмонлар аралаш ўтиришарди.

Ўртадан жой олган ҳукмдор ҳамма меҳмонларни кўра оларди. Баъзан у чап қанотга, файласуф Каллисфен билан ҳазиллашиб, суҳбатлашиб ўтирган Филодага қараб кўярди.

Ҳукмдор хушбўй зираворлар билан қовурилган каклик солинган идишга қўл узатганини кўрган меҳмонлар баланд овозда таомларнинг мўл-кўллиги ва шоҳ ошпазларининг маҳоратини мақтаб, чувиллашганича ноз неъматларга ташланишди.

Меҳмонлар ўзларига ёққан таомни ўнг қўллари билан олар ёки хизматкорларга кўрсатар, улар қуйма олтин идишлардаги ўша таомни

келтириб беришарди. Стол атрофида ўтирганларнинг ёнига ёғли қўлларини артиш учун бир бўлакдан хамир қўйилганди. Алоҳида хизматкорлар қўлларида ола-була сочиқ тутиб, бир имо билан меҳмоннинг ёғ ва ҳар турли овқат юқи бўлган лабларини артиб қўйишга шай туришарди.

Балиқни ёқтирадиган Искандар Каспий бўйидаги Гиркания шаҳарчаси ноиблари юборган дудланган каттакон бикра балигини мақтади. У ҳамма меҳмонлар татиб кўриши учун балиқни стол атрофида айлантиришни буюрди.

Сон-саноқсиз таомлар еб битирилгач, хизматкорлар кумуш кўзача ва жом келтириб, меҳмонларнинг қўлларига илиқ сув қуйиб турдилар. Эфеблар меҳмонларга атиргул ва яшил мирта бутаси шохларидан ясалган гулчамбар кийдиришди. Уларнинг олдига ширин мевалар ва ов манзараси ўйиб солинган расмли идишларни қўйишди.

Соқийлар қадаҳларга шароб қўйишди, хизматкорлар уларга меҳмонлар қанча деса, шунча сув қўшиб туришди. Македонияликлар, одатга кўра сув қўшилмаган тоза шароб ичишди.

Искандар қўлидаги қадаҳни бостириб келаётган қора булутлар остида кўздан йўқолаётган зангори осмонга — кўкка кўтарди ва қуёш худоси — Гелиосга атаб дуо ўқиб, идишидаги суюқликни полга сепди. Греklar ва македонияликлар Анакреоннинг байрам дастурхонига атаб ёзган машҳур қўшигини куйлашди.

Хушбўй гулчамбарларни  
Жингалак сочингизга тақиб,  
Кувноқ табассум ила  
Тўла қадаҳдан шароб ичамиз...

Қўшиқ тугаб, қадаҳлар чўқиштирилгач, ҳукмдор сўради:

— Ваъда қилинган жангчи — қўшиқчи қани? Энди юришларимни мадҳ этувчи қўшиқларни эшитамиз.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Қора тун қаъридан майин овоз янгради:

Жанг чоғида ўткир шамширлар  
Тешар қизил дубулгаларни.  
Ўйна, қизча, айланиб ўйна!  
Ишқ оташи маст этсин сани.  
Ғалабадан сархуш Искандар  
Бизлар билан қилиб тантана  
Рақсларингга боқади мафтун...

Ҳамма қарсак чалиб қичқирди:

— Ажойиб! Ҳомер қаҳрамонларига тенг ҳукмдоримиз омон бўлсин!  
У қиличимизни янги зафарларга чулғасин! Йўқ, Искандар Ҳомер  
қаҳрамонларидан ҳам юқорироқ!

— Ёнимга кел, йигитча! — деди ҳукмдор.

Аристоник итоат билан таъзим қилди — унинг рангги оппоқ, пешонасида совуқ тер томчилари ялтирарди. У жангчига ўхшаб Искандарнинг олдида ҳайкалдек қотиб турди.

– Қаерда тугилгансан?  
 – Фиваликман, Беотипдан.  
 – Искандар ўрнидан кескин турди ва Аристоникка ишончсизлик билан қаради. Ҳамма жим бўлиб қолди. Улар Искандар Фива шаҳрини таг-туғи билан вайрон қилиб, тош деворларини ер билан яксон қилганини, шаҳар ҳимоясида турган ўттиз минг кишини қулликка сотиб юборганини эслашди. Бироқ йигит тик турганича, ҳукмдорга очиқ юз билан шахдам боқарди.

– Қандай тирик қолдинг?  
 – Фивани босиб олган пайтингда мен денгиз бўйида эдим, шунинг учун қаҳрингдан омон қолдим.

– Нимаям дердим, сизлар Фива деворлари яна тикланишини истайсизларми?

Аристоник чамаси, иккиланиб, бошини эгди. Кейин:

– Агар Фива қайта тикланса, биз ҳамиша Искандар яна келиб, уни босиб олади деб қўрқиб яшардик, – деди.

Искандар жилмайди, унинг гапини маъқуллагандек, жингалак сочларини силкитди ва атрофидагиларга назар ташлади.

Яқинроқда турган меҳмонлар ҳукмдор эшитсин дея баландроқ овозда пичирладилар:

– Йигитча мақтовга лойиқ! Ҳукмдор фиваликларга қандай шафқатли-я!

– Сен буюк ватандошинг, фивалик Пиндар<sup>1</sup>нинг қўшиқчилик санъатини мерос қилиб олибсан, – деди мулойимлик билан Искандар.

– Мен сени ҳузуримда олиб қоламан. Чақирган пайтимда қўшиқ айтасан. Мукофот сифатида мана бу ҳадяни ол! – Искандар шароб тўла олтин қадаҳни йигитчага узатди.

Аристоник қадаҳни юқори кўтариб чайқатди ва худолар шарафига бир неча томчисини гиламга тўкди, кейин ҳукмдордан кўз узмай, шаробни ичди.

Искандар Карфаген элчиси билан суҳбатлаша бошлади.

– Бизнинг шаҳримиз ички денгиз шаҳарларининг энг бойи, – деди фини киялик. – Менинг суффет<sup>2</sup>ларим Эрон шоҳи билан мустаҳкам иттифоқ тузиш учун кўпдан буён махфий музокаралар олиб боришади. Эрон қуруқликдаги энг кучли давлат; финикияликлар ҳам энг кучли денгиз давлатидир.

Агар эркин шаҳар Карфаген ва қудратли Эрон мустаҳкам иттифоқ тузишганда эди, ер юзида уларга ҳеч ким бас кела олмасди. Энди ваҳший Рим бош кўтариб қолди. Италияликлар Юнонистон ва Македонияга кўз олайтирмоқда. Улуғ шоҳ сенинг салоҳиятинг ва эркин, қудратли бойликларга эга Карфагеннинг кучларини бирлаштирсак-чи? Нима учун икки кучли давлат иттифоқини тузмаймиз?

Столнинг чап томонида Филотага яқин ўтирган македонияликлар паст овозда, масхаромуз оҳангда пичирлашар эдилар:

– Хушомад – энг ишончли қурол.

– Айниқса Искандарнинг ёнида!

– Гавгамеладаги жангдан кейин у ўзига ҳеч қандай ўлжа олмади. Лекин Персеполисда уятни йиғиштириб қўйди. Пелладаги онасига олтин ва кумуш ортилган ўттиз беш мингта хачир ва беш мингта туя жўнатди.

<sup>1</sup> П и н д а р – таниқли юнон лирик шоири.

<sup>2</sup> С у ф ф е т – Карфаген республикасига кирган икки ҳукумат шундай аталган.

– Вилоятлардаги ҳокимиятни бошқаришни қуролдош дўстларига бердими? О, йўқ! Уларга сира илтифот қилмайди! У ҳаммаёққа форсларни бошлиқ қилиб қўйди.

– Биз уни деб қанчадан-қанча мамлакатларни босиб олдик, эвазига бизга қандай мукофот тегди – оғир ярадорлик, майиб-мажруҳ бўлиб юртимизга қайтиш...

– Энди биз, довьорак, этэрларни Искандарнинг олдига йўлатишмайди. Уни камдан-кам кўрамиз, собиқ ўртоғимизнинг ёнига кириш учун олдин форс ҳарам оғаси олдида тиз чўкишимиз керак.

– Нима учун у форсларнинг шалвираган иштониению алмисокдан қолган кийимларини кийиб, ўзини бунчалик шарманда қиляпти?

Мусиқачилар собиқ шоҳ Доро севган қўшиқ куйини чўзиб чала бошладилар...

## СКИФ ВА ЭЛЛИН

Маишат қилаётганларнинг тепасидаги қоронғи осмонда иккита машғал ёниб, юзига упа-элик чаплаган, ранг-баранг, ярқироқ зебзийнат қадалган калта кийимли озғин қизни ёритди. У юқорига узатилган қўлларидаги машғалларни чайқатиб, гўё ҳавода сузаётгандек ҳаракат қиларди. Айвоннинг ўртасига етганда ён томонда яна иккита машғала аланга олди ва кичкина маймун орқа оёқларида арқон бўйлаб қизга тақлид қилиб, чайқалиб юра бошлади.

Юқори айвонда кучли қаҳқаҳа янгради. Ҳамма баланд бўйли, бесўнақай, юнонча кийимли йигитни кўрди. У маймунни кўрсатиб мазах қилар, эгилиб-букилар, ўзини кулгудан йиқилиб қоладигандек алфозда кўрсатарди. Унинг ажабтовур қилиқлари ҳаммага юқди, юқори айвондан янграган шодон кулги овозлари ҳаммаёққа таралиб, пастда жангчилар уймалашиб юрган ҳовлида акс-садо берди.

– Ҳаммадан қаттиқ кулаётган киши ким? – сўради ҳукмдор. – Уни қаердадир кўрганга ўхшайман.

– Бу скиф, сак ҳукмдори Сколот, – деди унинг ёнига келган эфэб. – Кеча уни ертўладан чиқариб, ювинтириб, кийимини алмаштириб олиб келишни буюрган эдинг.

– Унга шароб бериб, яхшилаб сийла. Бугун у билан гаплашаман.

Дордаги қиз зиёфатда ўтирганларнинг тепасида тўхтаб, қўлидаги ёниқ машғалаларни ҳавога отиб, чаққонлик билан ўйната бошлади. Пастдан бирин-кетин яна тўртта машғала ирғитилди. Акробат қиз уларни чаққон илиб олиб, санъатини намоиш қилишда давом этди – дор устида гўё айланаётган олов гулчамбар пайдо бўлди. Ҳамма баланд дор устида бир оёқда туриб томоша кўрсатаётган қизга хавотир билан тикилганича жим бўлиб қолди.

– Шавкатли Искандарга шон-шарафлар бўлсин! – деган хитоб янгради.

Кўпчилик файласуф Каллисфеннинг овозидан таниди.

Қиз мувозанат сақлаш ва машғалларни илиб олиш учун бор кучини ишга соларди. Таранг тортилган арқон титрар эди. Маймун тойиб кетиб, машғалларни тушириб юборди ва тўрт оёғи билан арқонга ёпишиб, осилиб қолди.

Машғалалар атрофга учқун сачратиб, бирин-кетин пастга туша бошлади. Уларни қизил чўққи қалпоқ ва халатига зарҳал юлдузчалар қадалган қария илиб олди. Кўлида иккита машғала билан қолган қиз



арқоннинг охиригача юриб борди ва томошабинларга қўл силкиб таъзим қилди. Иккала машғала ҳам айланиб, пастга учиб кетди. Маймун арқонга тирмашиб, қизнинг олдига келди ва елкасига енгил сакраб чиқиб олди. Қиз билан маймун қоронгилик қаърида гойиб бўлишди.

Хукмдорнинг олдига ёш скифни олиб келишди. У тор, калта хитон кийган эди.

Қоқ суяк қўли ва узун оёқлари бесўнақай кўринарди. Скиф ҳайратдан оғзини очиб, ер остидан хукмдорга тикилганча қотиб қолди.

Искандарнинг ёнида иккита котиб бор эди. Бири – қора, жингалак сочларини қизил боғич билан ўраб олган рангпар, ёш суриялик хукмдорнинг сўзларини ёзар, бошқаси, майда ўрилган соқолини боғлаб олган кекса форс – таржимон эди.

– Анчадан буён сени кўрганим йўқ, – деди Искандар. – Мабодо аҳволинг ёмон бўлса, бунга ўзинг айбдорсан, сабаби, менга келиб учрашганинг йўқ.

Скиф оппоқ тишларини ялтиратиб жилмайди, кўзлари атрофида масхараомуз ажинлар пайдо бўлди.

– Мен ҳам сени кўпдан бери кўрмадим, кшатра<sup>1</sup> ва сендан кўра ёмонроқ яшадим. Қоронғи ертўламнинг дарчасидан ўтган-кетган жангчиларнинг оёқларинигина кўрдим. Бургаю канага ем бўлдим.

– Бунинг эвазига сени тақдирлай оламан. Қандай ҳада олишни хоҳлайсан?

Скиф оғирлигини бир оёғидан иккинчисига солди ва кенг елкаларини қисди.

– Йўқолган аргумоғимни қидириб топишим керак. У чўлдаги машхур Бўронқуш наслдан, саман, яғрини бўйлаб қора чизиги бор.

– Яхши! – деди хукмдор. – Саманингни қидириб топишга буйруқ бераман. Яна бирор нарсани хоҳлайсанми?

Скиф атрофга боқди. Бегона, баъзиси ўриндиқда ясланиб, бошқаси тик туриб, сармаст кўзларини сузганча масхараомуз тикилиб турган одамларни кўздан кечирди.

– Агар от кўп бекор турса, оёқлари майишиб қолади. Мен ҳам шундай бўлиб қолдим. Ишни соғиндим. Росмана олишувни жуда соғиндим.

Хукмдор қарсак чалди.

– Ажойиб томоша кўрамиз! Скиф билан курашишга талабгор борми?

Айримлар хукмдорнинг қўриқчилари орасидан скиф билан олишишга лойиқ бақувват македонияликлар ўртага чиқсин! – деб бақаришди.

Устоз Никомандр хитоб қилди:

– Агар скиф қилич ишлатишни билса, унга санъатимни кўрсатишга тайёрман.

Таржимон бу сўзларни скифга етказди.

Ёш скиф Никомандрга беписанд қаради:

– Ойболтамни берсанглар бу қарияга ўхшаганлардан учтаси билан олишувга розиман.

<sup>1</sup> К ш а т р а – қадимги форс тилида “шоҳ”.

Ҳукмдор Никомандрни ёнига имлаб, аста шивирлади:  
– Ўлдириб қўйма тагин, у менга керак. Салгина ярадор қилсанг етади.

Никомандр нафрат билан сўради:

– Қаеридан яра очай?

– Чап елкасини уч марта тилиб қўйсанг бўлди.

– Менга македонча қиличимни беринглар! – эфэбларга мурожаат қилди Никомандр.

У чакмонини ечди. Устида фақат хитон ва жингалак сочларига боғланган энли боғич қолди. Никомандрнинг сермушак яланғоч қўлоёқларидаги оқиш чандиқлар бундай жанглардан кўпини кўрганини билдириб турарди.

Эфэблар қоидага кўра, зиёфатга келганлардан олиб қўйган қуроллар орасидан Никомандрнинг олтин дастали ингичка пўлат қиличини олиб бердилар. Скифга македонияликларнинг оғир қиличи тегди. У пўлатнинг пишиқлиги, кескирлигини текшириб кўриб, уни юқори кўтарди:

– Ушбу қурбонимни о, парвардигор, Папай<sup>1</sup>, сенга бағишлайман! Сен отарларимизни тақир чўлларда, бўрилардан асрайсан, мана шу қароқчилар орасида менга мадад бер.

Скиф қора булут билан қопланган қоронғу, тунд осмонга илтижо қилди. Шамол кучайди, шамдонлардаги оловнинг тили узайиб, пирпирай бошлади. Яқинлашаётган бўроннинг шиддати учқунларни очофатлик билан ямлаб, олисларга олиб кетдилар.

Скиф узун оёқларини кериб, қиличини македониялик томонга чўзди.

Никомандр ўнг елкаси билан рақибига ўгирилди, кўкраги ва юзини ҳимоя қилган ҳолда қилич тигини юқори қилиб, олдинга узатди.

– О шаҳаншоҳ, барча шоҳларнинг шавкатлиси, эй, македонияликлар, эллинлар ва бошқа меҳмонлар! Мағлубият нималигини билмаган қиличим бугун шоҳимизнинг хоҳишига кўра ушбу ёввойига шафқат қилади. Бироқ мен қиличимнинг учи билан бу йигитнинг чап елкасига Осиёнинг буюк ҳукмдори исмидаги бош ҳарфни ёзиб қўйишга ваъда бераман.

Скиф ёниқ кўзларини рақибидан узмаган ҳолда чап оёгини олга босиб, қилич тутган серпай ўнг қўлини чўзиб яқинлаша бошлади.

Македониялик чап қўлини белига қўйди, кўзлари қисилди. Тоза қирилган юзида ажинлар кўпайиб, чуқурлашди. Яланғоч билагидаги мушаклар таранглашиб, бўртиб чиқди. У ҳужумга шай эди. Қўлидаги қиличи чақмоқдек ялтираб, бир неча марта эгри-бугри чизик ҳосил қилди, бир-бирига урилган пўлат жаранги эшитилди. Новча скиф ниҳоятда ҳушёр турар, қоқсуяк қўлидаги қилични моҳирлик билан ишлатиб, македонияликнинг ялтироқ қиличи зарбаларини бехато қайтарар эди.

Ўзига бино қўйган Никомандрнинг масхараомуз ифода кўриниб турган юзи бирдан жиддийлашди. У ёввойи рақибининг кучини ҳис қилган эди. Скиф қиличга қарамасди. Унинг кўк кўзлари қорайиб македонияликнинг чимирилган қошларига тик қадалди. У қоплондек эпчиллик билан Никомандрнинг шиддатли зарбаларини қайтарар, ўзи ҳужумга ўтмасди.

<sup>1</sup> П а п а й – скифларнинг бош худоси, момақалдироқ ва чақмоқ тимсоли.

– Эугэ! Каллиста!<sup>1</sup> – дея қичқирешарди македонияликлар.

Скифнинг чап елкасида қийшиқ чизиқ пайдо бўлди, ундан чиққан қора қон кўкрагига оқиб тушди.

Оғир туядек бўлиб турган скиф кутилмаганда эпчиллик қилиб Никомандр томонга дадил сакради, Никомандр шиддат билан бошлаган ҳамласини охирига етказа олмай, оёғида аранг туриб қолди, скифнинг ногаҳоний ҳужумини зўрға қайтариб, орқага чекинди.

– Унга шафқат қилма, Никомандр! Ваҳшийнинг калласини ол! – Ҳаммаёқдан қичқариқлар янгради. Томлар, деворлар устига чиқиб олган жангчилар тинимсиз бақирешарди. – Қилични томоғига санч!

Навбатдаги қийшиқ чизиқ ҳарфнинг иккинчи бўлагини чизди ва скифнинг кўкрагига янада кўпроқ қон оқа бошлади. Энди кўндаланг чизиқни чизишгина қолди. Бир неча эфеб ва жангчилар курашаётганларни ажратиш учун югуриб келишди.

Шу пайт скиф мисли кўрилмаган усулни кўллади. Қиличини шиддат билан ҳавода сермаб, жони борича рақибига ташланди. Қиличлар тўқнашди. Никомандрнинг қиличи ёйдек эгилиб, бир томонга учиб кетди. Скиф ваҳшиёна сакраб македонияликка отилди, уни ерга босиб, қоқ суяк тиззаларини кўкрагига тираб эзгилади ва бўкириб, тишларини бўйнига ботирди.

– Ваҳшийни ажратинглар! Бошини тишлаб узиб олади! – атрофдагилар кўрқиб қичқирешга тушди.

Жангчилар ва эфеблар скифга ташланишди, кўл-оёқларидан тортиб, македонияликдан зўрға ажратиб олишди.

Скиф ўрнидан туриб, жангчиларни осонгина улоқтириб ташлади. Юзи ва оғзи қонга бўялганди.

Саросимага тушган Никомандр кўзларини ваҳшийларча олайтириб, ўрнидан турди. Бўйнидан отилаётган қон эфебларнинг хитонларига сачради.

Ҳукмдорнинг шифокори дорилар солинган қутчасини кўтариб югуриб келди ва шоша-пиша македонияликнинг бўйинини боғлашга тутинди.

– Нега жангчининг бошини тишлаб узиб олмоқчи бўлдинг? – дағдағ билан сўради таржимон.

– Йўқ, ундай эмас! – юзини сочиққа артаётган скиф вазмин жилмайиб жавоб берди. – Кучи ва жасурлиги менга ўтсин деб қонини ичдим, холос. У қилични маҳорат билан ишлатар экан, энди мен ундан кучлироқ бўламан...

Бўрон кучайди. Шиддатли шамол баланд шамдонни ағдариб, гиламга хушбўй ёғни сачратиб юборди. Йирик қор парчалари пирпираб, зиёфатдагиларнинг устига туша бошлади. Ҳукмдор ўрнидан турди, занжи қул оёқ кийимини кийдириб, ёқасига қундуз мўйнаси тикилган ялтироқ ҳинд халатини ёпди. Танқўриқчилар гуруҳи мис қалқонларини ялтиратиб, икки қатор тизилишди.

Искандар Гефестионга шивирлади:

– Ҳаммани аслаҳахонада кутаман. Энг содиқ чавандозлар гуруҳи шай турсин. Филотани гафлатда қўлга олиш керак. Раққосани олдимга жўнат.

Ҳукмдор иккиланиб, бир неча қадам босди ва файласуф Каллис-феннинг ёнида тўхтади.

<sup>1</sup> Эугэ! Каллиста! – Яхши! Аъло! (Юнонча).

– Ёввойи скиф жанг қоидасини бузганини кўрдинг, лекин у ваҳший, шунинг учун уни ё кечириб ё ўлдириш лозим. Сен Каллисфен, баъзан хато қилсанг ҳам, файласуф ва Аристотелнинг шогирди сифатида одамлар билан суҳбатлашиш сирларини яхши биласан. Ушбу сакни сенга топшираман: унга юнон тилини ўргат. Скиф чўлларида дайдишдан кўра эллин ғояларини севиш афзал эканлигига ишонтир. Софист сифатида одамларни хоҳлаган йўлга сола оласан-ку. Бир ойдан кейин ёнимга келиб, скифга қандай таълим берганингни менга айтасан.

Созандалар Эрон шоҳига шарафлар куйини чала бошладилар. Қор зарралари кўзга уриларди. Гиламларнинг усти оқарди. Искандар, меҳмонлар ва жангчиларнинг ҳамду-санолари остида икки эфебга суянганича, гандираклар зиналардан аста туша бошлади. Зиёфатга келганлар шоша-пиша кийиниб, қуролларини таққанларича зудлик билан айвонни тарк этишди.

Карфаген элчиси митти дорбоз ўйинчи қиз ёнида тўхтаб, унинг қўлини ушлади ва финикий тилида савол берди:

– Чамаси, иккимизнинг ватанимиз бир бўлса керак?

– Ҳа, мен мана шу ҳайвон вайрон қилган денгиз ва қуёш шаҳриданман. Шавкатли Тир фарзандиман.

– Унда нега бу ерда уларнинг кўнглини овлаб юрибсан? Ҳукмдор қадрдон шаҳрингни ҳимоя қилган бир ярим минг жасур йигитни хочга тортганини унутдингми?

– Яхши эсимда. Буни ҳеч қачон унутмайман. Отамни ҳам улар хочга тортишган. Шу туфайли бу ерларга келдим...

Иккита эфеб қизнинг қўлтиғидан олишди:

– Биз билан борасан. Ҳукмдор сени кутмоқда!..

\* \* \*

Форс гиламлари билан безатилган, икки табақали ўйма эшиги айвонга олиб чиқадиган чоғроқ хонадаги олтин оёқли йиғма ўриндиқда ҳукмдор ётарди. Одатдагидек, у кўп таом егандан кейин кўнғир айиқ терисига ўралиб, дарҳол ухлаб қолди.

Искандар хоҳлаган пайтида қаттиқ уйқуга кетиши ва бир неча дақиқадан кейин ҳар қандай ишга шай, тетик ҳолда уйғона олиши билан мақтанарди.

Баланд бринч учоёққа ўрнатилган хушбўй мойли шамдондан оловранг ёғду сочилади. Кўнғироқ сочлари мовий ёстиқни қоплаган. Чиройли, текис юзида осудалик ҳукмрон. Йўгон бўйни ва майин пушти терили бақувват кўкраги ним яшил шаффоф хитон билан салгина ёпилган.

Ушоққина финикиялик қиз маст уйқуда роҳатланиб ётган ёш йигит олдида тиз чўкиб, унинг чиройли юзларига тикилганча довираб ўтирарди. У оғир хаёллар ичида тинчини йўқотган, бесаранжом эди.

“Мана, қаршимда Осиёнинг ҳукмдори... Ҳозир минглаб азобга солинган, қийнаб ўлдирилган финикия йигитлари учун ўч олиш фурсати келди... Кейин майли қонхўр жаллодлар мени парчалаб, бурда-бурда қилиб ташласинлар, лекин Тир қизининг қўли қалтирмайди...”

Финикиялик қиз Искандар устига энгашиб, бошидаги баланд турмаги орасига усталик билан яширилган ханжардек узун ва ўткир соч қисқичини эҳтиёткорлик билан олди. Майда ўрилган ўн олти дона кокили елкаларига сочилди. Битта сочи сирганиб, Искандарнинг пуштиранг кўксига тушди. У енгилгина сесканди, юзига соя тушиб, қошлари чимирилди ва ўртасида хунук тугунча пайдо бўлди. Ярим очиқ лаблари нималарнидир тушуниксиз шивирлади, лекин кўкси бир текис кўтарилиб тушишда давом этди – ҳукмдор уйғонмаганди. Финикиялик қиз зарба урадиган жойини мўлжаллаганича, ўрнидан сассиз кўтарилди.

Енгил эпкини эсиб, қизни ўгирилиб қарашга мажбур этди. Шундоққина ёнида қўлларини кўксига қовуштирганича кекса, ажин босган ҳарам оғаси – бичилган форс қул турарди. Унинг юпқа, қонсиз лабларидан илоннинг вишиллашидек овоз чиқади. Эшикка осилган ипак гилам қимирлаб, ярим яланғоч, нубиялик занжи кириб келди. Ҳарам оғаси унга финикиялик аёлни имлаб кўрсатди, нубиялик қизнинг устига олачипор қалин рўмол ташлади ва уни овоз чиқармасдан хонадан олиб чиқиб кетди. Уларнинг ортидан тепакал бошини чайқаганча кекса ҳарам оғаси эргашди.

Орадан бир кун ўтгач, олов билан узоқ қийноқларга солинган финикиялик қизнинг танаси одатга мувофиқ тўртга бўлинди ва ҳар бир бўлаги шаҳардаги марказий ёпиқ бозорнинг тўрт эшигига осиб қўйилди.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### СКИФ ЧЎЛЛАРИ

Отлар тайёрми? Қиличлар қайралганми?  
Камонларингиз тортилганми?

*Саксафар қўшиғидан*

### ТЕПАЛИКДАГИ ЙЎЛОВЧИ

Чўзилиб кетган чексиз текислик ўртасида қаққайиб турган ёлғиз қоровултепа устида, ерга йиқилган хатар устунини ёнида эгнига бошдан-оёқ сомон ёпишган бир одам ҳаракатсиз қотиб туради. Эски, гуллари ўнгиб кетган кийими ер рангига ўхшаш қизғиш тусга кирган. Бошига бир парча қизил латта ўраган. У пошнаси этик кийган оёқларини ерга қаттиқ тираб, метиндек мустаҳкам турибди. Киприк қоқмайдиган қисик кўзлари олис-олисларга тикилган. Тиниқ, яноғи чиққан юзи қуёш ва шамолдан қорайган, кафтлари ёрилиб кетган. Яғрини кенг. У бир қўли билан орқасидаги чарм қопни ушлаб, иккинчиси билан ёнбошидаги япалоқ пичоқ сопини чангаллаб олган эди. Узун хомчармдан тилинган энли камарни белидан бир неча марта айлантириб ўраб олганди..

У олисга – сакларнинг бепоён текисликка ёйилган сон-саноксиз оқ ва қора чодирларига қараб турарди. Чодирлар тепасидан кўкка мовий тутун ўрламоқда. Қўралар ичида кўзичоқлар сакраб ўйнайди.

Бугун байрам. Сўқмоқлар қалашиб кетган текисликда ранг-баранг кийинган чавандозлар кўзга ташланади. Уларнинг ҳаммаси кўчманчилар манзилига ошиқмоқда. Турли-туман безаклар қадалган

ялтироқ кийимлар эндигина уфқдан бош кўтарган қуёш нурларида товланади.

Чавандозлардан бири тепаликда ҳаракатсиз туриб қолган одамни пайқади ва уни шерикларига қамчиси билан кўрсатиб:

– Ким бу одам, кимни кузатиб турибди? – деб ҳайрон бўлиб савол берди. – Чўпон эмаслиги кўриниб турибди. Сўғдлар юборган айғоқчи эмасмикан? Ёки Будакенга касаллик юбормоқчи бўлган афсунгармикан?

Учқур аргумоқ минган бошқа бир чавандоз гуруҳдан ажралиб, отини тепаликка қараб чоптирди. Тўхтамасдан тепалик чўққисини айланиб ўтиб, орқа томондан аста-секин кўтарилиб, номаълум одамга яқинлашиб келди. Қўлида титраб турган ўткир найзаси учи билан нотаниш одамнинг елкасига туртди. У ўгирилиб қаради ва ҳиссиз нигоҳи билан чавандозга синовчан тикилди. Йигит одатдаги таомил бўйича салом берди.

– Тангри Папай сени паноҳида сақласин!

– Саломатмисан? – жавоб ҳуштак чалингандек эшитилди. – Бардаммисан? Куч-қувватинг жойидами?

– Қалбинг қувончга тўлиб, ором олсин! – деди чавандоз. У қоп-қора дағал соқолига туташиб кетган сочларини силар экан, йўловчининг бошидаги қизил тасмага ишончсизлик билан қаради.

– Булар қанақа чодирлар? – йўловчининг овози яна ҳуштакка ўхшаб чиқди.

– Осмондан тушиб келдингми, шавкатли Будакеннинг Олтин сувлоқдаги чодирларини билмайсанми? Оёқларинг чангга ботган, яқин атрофда отинг кўринмайди. Қайси йўлдан келдинг?

– Мен босиб ўтган йўллар орқада қолди. Мени бу ёққа муҳим бир ташвиш келтирганини сезмаяпсанми? Шавкатли хон Будакенни кўриш учун сахро ичида ўн кун сарсон бўлдим.

– Унда Пегашнинг орқасига ўтир, – деди чавандоз. – Кидрей, ёввойи ҳайвонларни ўргатувчи сени оқсоқолнинг чодирига олиб боради. Бугун Будакенникида зиёфат: у қизини эрга бераяпти. Улоқда ким рўмолини тортиб олса, ўшанга тегади. Узоқ ва яқин – ҳамма қишловлардан, бу ерга меҳмонлар келади. Отинг бўлганда, сен ҳам Будакеннинг қизини қўлга киритиш бахтини синаб кўрардинг. Мен ҳам уриниб кўраман. Наҳотки учқур отдан кўра қиз болани тутиб олиш қийин бўлса?

Йўловчи отга осонлик билан мингашди, тулпор қоқилиб-суқилиб пастга туша бошлади.

## БУДАКЕННИНГ ҲАЗИЛИ

Ёшлар чавандозлик, кураш ва камондан ўқ отишдан куч синашгач, Будакен Олтин сувлоқ меҳмонларини янада хурсанд қилмоқчи бўлди ва ёш хизматкорига<sup>1</sup> қизини пойгага чиқариш ва туяни ҳозирлаш ҳақида пичирлаб, буйруқ берди. Йигитча юз берадиган томошани кўз олдига келтириб, жилмайганича югуриб кетди.

Гавдаси катта, кенг яғринли, доим отда юрганидан оёқлари маймоқ бўлиб қолган, тўқ кулранг жун чакмони ва чалворига кўк мунчоқлар

<sup>1</sup> Х и з м а т к о р л а р – бой чорвадорга хизмат қилувчи камбағал скифларнинг болалари. Улар молларни кўриқлаб, хўжайиннинг турли топшириқларини бажаришган. Қўлга нисбатан ҳуқуқи баланд бўлган.

ва олтин тугмачалар қадалган Будакен меҳмонларни ҳайратда қолдиришни, айниқса обрўли қабила бошлиқларини тансиқ нознеъматлар билан сийлаб, олқиш олишни яхши кўрарди.

Будакенга сагриси ялпоқ тўриқ айғир келтиришди, у тинмай пишқириб, олд туёқлари билан депсинарди. Олтин безаклар осилган, қимматбаҳо тошлар қадалган юган от бўйнида товланиб турар, олишаётган шерлар расми солинган эгари тоза олтиндан эди.

Меҳмонлар орасидан Тиграхауд<sup>1</sup> уругидан бўлган қабиланинг ёшгина етакчиси – озгин, баланд бўйли, димоғдор хон Гелон ажралиб чиқди. – Юзлари майсадек майин туклар билан қопланган, туташ қошлари, кибрли боқишлари уни улғайиб қолганидан дарак берарди. Белига скифлар билан форсларнинг жанги ўйиб ишланган калта олтин қилич осилган, ноёб матодан тикилган кўйлагига тилла тугмачалар ярқирайди. Гелон минган сариқ саман Будакеннинг тулпоридан ҳам чиройли, қимматбаҳо эгар-жабдуқлар билан безатилганди. У бу отни баланд бўйли учқур отлари билан шуҳрат топган массагетлардан<sup>2</sup> тошлоқ ерда қудуқ қазиш ва тери ошлашда донғи чиққан тўртта қулига алмаштириб олган, дейишарди.

Кутилмаганда тўдадан Будакеннинг қора бия минган қизи Зарика отилиб чиқди. У табассумдан ял-ял ёнар, ҳаммаёғига маржонлар, ялтироқ тасмалар тақиб олган эди. Будакен қизи учун ўттиз уюр йилқи, қўй отари, совға-саломлар ортилган ўнта туя ва қирқта қулни сеп тариқасида бериши ҳаммага маълум эди. Шу боисдан учқур аргумоқларга миниб, янги либослар кийган ёшлар Зариканинг ортидан елиб кетишди. У бедов отини баланд кўрғон томонга чоптириб кетди. Пойгаларда номи чиққан қора бия паст-баланд дўнгликлардан енгил сакраб ўтиб, чўл бўйлаб шамолдек елар эди. Қувлаб бораётган чавандозлар ҳар томонга ёйилиб от қўйдилар, сўнг аргумоқларини аранг тўхтатиб, тепаликни айланиб ўтган Зарикани тутиб олиш учун кутиб турдилар.

Тилларанг саман миниб, қизил либосини оловдек ҳилпиратиб бораётган Гелон бошқа чавандозлар гуруҳидан ажралиб чиқди. У Зарикага яқинлашай деганда қиз биясини кескин бурди ва Гелон унинг ёнидан ўқдек учиб ўтиб кетди. Зарика ён томонда учиб келаётган от ўргатувчи Кидрейнинг тўриқ оти ёнига отилиб чиқди. Кидрей қизнинг қўлига боғланган қизил ипакнинг бир парчасини узиб олиш учун Зарикага қўлини чўзди. Қиз йўғон қамчиси билан Кидрейнинг билагига қулочкашлаб урди, ўзи эса илонга ўхшаб буралиб отининг бўйнига ёпишиб олди. Орадан бир неча сония ўтиб, ҳамма чавандозлар кўрғон ортидаги чанг-тўзон орасида қолдилар. Улар яна кўринганларида, Зарика отлар ҳалқасида қолган, ўнг-сўлга қарамай қамчи уриб, у томондан-бу томонга ўқдек учиб борарди. Кидрейнинг тўриқ оти эса эгасиз қолиб, дуч келган томонга югуриб кетди. Кейинчалик Гелон Кидрейга ташланиб, отининг кўкраги билан уриб, эгардан учуриб юборди, у йиқилиб ҳушидан кетди, дейишди.

Гелон Зарикага етиб, билагига чанг солди, салдан кейин унинг қўлида қизил шойи рўмол ҳилпирай бошлади.

<sup>1</sup> Т и г р а х а у д а – ҳозирги Сирдарёда яшаган скифлар қавми.

<sup>2</sup> М а с с а г е т л а р – ҳозирги Туркменистон ва Жануби Шарқий Орол бўйида яшаган туркий қабилалар.

– Қизнинг ўзи берди, – дейишди тўдадагилар. – Будакеннинг куёви таниқли аслзодалардан бўлади-да. Будакеннинг ўзи эса қачонлардир чўпон бўлган эди... Будакен энди шундай бадавлатки, хоҳлаган одамини куёв қила олади.

Зарика отини буриб, орқага қайтди. Уни аёллар, дугоналари ўраб олишди. Канизаклар кўпикка ботган биянинг жиловини тутишди, Зарикани эса гиламлар ва рўмоллар билан безатилган тўй чодирига олиб кетишди.

Гелон Будакен бошлиқ таниқли меҳмонлар от миниб турган жойга тулпорини суриб келди. Ўн қадамча қолганда отини базўр тўхтатиб, сакраб тушди ва Будакеннинг олдига бориб қизил шойи рўмолни узатди. Гелоннинг ёнига лиммо-лим қимиз қуйилган қадаҳ кўтарган хизматкор келди. Қадаҳ одамнинг бош чаноғидан ясалган бўлиб, устига олтин қопланганди. Гелон уни икки қўллаб олиб ўпди ва эҳтиром билан эгасига узатди.

Йирик гавдали, шоп мўйлови осилган Будакен идишни қабул қилди. Унинг юзлари ваҳимали кўринса-да, кўзларида қувноқ олов ёниб турарди. Қадимий ҳукмдорлар авлодидан бўлган ёш Гелон собиқ чўпон, ақл-заковати, ишбилармонлиги ва омади чопгани туфайли аслзодалар қаторига кирган Будакенга куёв бўлишга розилигини таомилга кўра билдирмоқда эди. Будакен қимизни бир хўплади-да қадаҳни яна Гелонга қайтарди. Гелон ҳам дастлаб бир хўплаб, кўпигини пуфлади, сўнг охиригача симириб ичди. Саман арғумоқни нарироққа етаклаб кетишди. От ўргатувчи қария унга аранг минди, кейин совутиш учун аста-секин йўрттириб кетди.

## ТУЯНИ КИМ БЎШАТАДИ?

Скифлар каттакон, жунлари ўсиқ, тўқ кулранг туяни оломон ўртасига етаклаб келиб, машаққат билан чўқтирдилар. Ярим ёввойи туя ўзини ҳар томонга уриб, бўкириб, ўрnidан туришга уринарди. Скифлар зудлик билан унинг оёқларини букиб, жун арқон билан қаттиқ танғиб боғлаб ташладилар. Узун арқонда сон-саноқсиз тугунчақлар ҳосил бўлди. Туя бўйнини чўзиб ётиб қолди. Будакен ёшларни шошилтирар эди. Атрофни ўраб олган улкан оломон гувилларди. Ҳамма гаройиб томоша кўришга ошиқиб, ҳазил-мутойиба қилиб турарди.

Будакеннинг хушомадгўй масхарабози кекса Хош бақиринишга тушди:

– Бу туя саккиз қоп арпани кўтаради. Шунчасини бир мартада ейди. Ургочи туялар ортидан йўргалаб югуради, эгарни кўрса, орқасига қарамай, шаталоқ отади. Ўн кун сувсиз юра олади, яна шунча кун қимизли мешга термулиб ўтиришга қодир. Бобилгача бориб, соқол-мўйловини паҳмоқ қилиб ўстириб, бадтар ёввойилашиб қайтиб келди. Лекин сахий Будакен – Олтин сувлоққа келган меҳмонларни хурсанд қилиш учун ушбу нодир туяни арқонларни қўли билан ечиб, кейин ўркачига айлантириб ўраб қўйган жасур аёлга ҳады этади. Фақат қадимий одатимизга кўра, аёл бирор жойига пичоқ яшириб олмаслиги учун қип-яланғоч бўлиши керак.

Аёллар алоҳида давра бўлиб, бир-бирларини туртиб, кулишиб, кенг энглари билан юзларини яшириб турардилар. Улар ҳозир доим маст-аласт юрувчи, беор, ҳар қандай таъна-маломатларга беписанд қарайдиган кекса Белхаш ўртага чиқади деб тусмол қилишарди.



Уни чодир ортидан, бўза ичиб, кайф қилиб ётган жойидан топиб, туртиб-силтаб турғизмоқчи бўлган аёлларга у нималардир деб гўлдиреди.

– Нега жим турибсизлар? Кўрқяпсизларми? Арқонни ечишга уриниб кўрмайсизларми? Туяни оласизлар-ку!– дея қичқаришарди тўдадагилар аёлларга тегажоқлик қилиб.

Шунда аёллар гуруҳидан қомати келишган бир қиз олдинга чиқди. У қўлларини кўксига қовуштирганича уялиб, тортинчоқлик билан мартабали меҳмонлар ёнига борди. Будакега таъзим қилди ва ранги оқарганича ерга қараб:

– Салом сенга жасур ва сахий Будаке! Агар ҳақиқатан ҳам туяни менга ҳадя қилсанг, у боғланган арқонни еча оламан... – деди.

Қизни биринчи марта кўриб турган Будаке ҳайратланиб:

– Агар сен туянинг арқонларини ечиб, унга миниб, чодирлар атрофини айланиб келсанг, туя сеники,– деди.– Ҳеч нарсдан кўрқмайдиған, ҳатто уялмайдиған қиз, ўзинг кимсан?

Қиз ожизона қўл силтади:

– Эркини йўқотганлар учун шарм-ҳаё нима деган гап?

– Эркисизмисан? Эғанг ким? Исминг нима?

– Исминми Томирис дейишади.

– Томирис, Томирис!..–дея гувиллади оломон.

– Дахлар<sup>2</sup> қабиласиданман, босқин пайтида ўғирлаб кетишди, кейин савдогарларга сотишди. Ҳозир, аслзода Гелон гўзал қизингга юборган ҳадялар билан бирга бу ерга келиб қолдим.

Ғалабадан масрур турган аслзода Гелоннинг юзи ғазабдан бўғриқиб кетди. У яқинида турган хизматкорига шивирлади:

– Анави ярамасга айт, ўзини шарманда қилмасдан бу ердан тез кетсин.

– Скиф қизга ташланди ва қулоғига нималардир деб шивирлай бошлади. Томирис жавоб бермай, жим тураверди. Оломон ғалати ҳангомани кўришга ошиқиб, Томирис тезроқ туяни ечсин деб талаб қила бошлади.

Томирис хизматкорга қараб қўлини силтади ва пахмоқ нор туя ёнига югуриб борди. Кутилмаганда ноқулай аҳволга тушиб қолган туя жон-жаҳди билан талпиниб, оёқларини арқондан бўшатишга уринарди. У арқонни узишга интилиб кучанар, узун пушти ранг тилини чиқариб, атрофдагилардан нажот тиларди. Қиз эғнидаги рангдор кийимларини чаққон ечиб, думалоқлади ва чолворига ўраб, қизил чилвир билан танғиб қўйди. Тугунчакни сийрак янтоқ ўсган кум устига қўйди. Оломон гувиллаб, хохолаб кулишга тушди. Бироқ хушбичим, озгин, фақат бўйнига қизил боғичли маржон тақилган, майда ўрилган ўн олти дона сочлари қизил тасма билан боғланиб, озгин елкаларига ёйилган қизни кўрган халойиқ бирдан жим бўлиб қолди.

Томирис ҳеч кимга аҳамият бермасдан сочларини бошига чамбар қилди.

– У жудаям ёш қизалоқ-ку,– шивирлади кекса зодагон Тамир.– Наҳотки у олтига забардаст йигит боғлаган шунча чигал тугунни еча олса?

<sup>1</sup> Бу ном туркий «томир» сўзидан келиб чиққан. Машҳур қаҳрамон аёл Тумарис номи ҳам шу ўзакдан ясалган.— *Тахр.*

<sup>2</sup> Д а х (дай) ларнинг катта қабиласи қадимда қўйи Яксарт (Сирдарё) бўйларида яшаганлар.

Томирис шитоб билан туяга ташланди, дум-думалоқ жониворга ўхшаб ўркаклар орасига енгил сакраб чиқиб олди, тугунчаларга бармоқлари-ю тишлари билан ёпишиб, уларни ечишга киришди. У биринчи галда туянинг қорнига тортиб боғланган бошини ечди. Боши бўшалиб, узун бўйни аслига келган туя типирчиламай қўйди, фақат ҳар замонда каттакон жағини очиб, жон аччиғида зорланиб ихраб қўярди. Томирис қаттиқ чалкаштириб боғланган тугунчаларни ғайри табиий бир шижоат билан ечишга уринар эди: нозик қўллари тўрга ўхшатиб тўқиб ташланган арқон тугунчалари орасида тиним билмай ҳаракат қиларди.

Кейин у кийимлари ўраб қўйилган жойга сакраб тушди, тугунча учини тишлаб олди. Чўккалаб ўтириб, тугулган арқон боғламларини ечишда давом этди. Мана, ниҳоят туянинг орқа оёқлари озод бўлди. Арқон сал бўшашди. Туя яна талпинди, қорнига ағдарилди, бесўнақай ҳаракатлар билан олдин орқа, кейин олдинги оёқларини тўғрилади.

Томирис энди момик жунли ўркакларга мажолсиз суяниб ўтирарди. Туя беҳос силкинди, титраб-қалтираб, зўр-базўр ўрнидан туриб олди, сўнг бақувват оёқларини силкитиб, гувиллаётган оломондан нарига, чўл ичкарисига лўкиллаб югуриб кетди.

Туя жон аччиғида қаттиқ бўкирар, Томирис эса сочлари орасидан олган бронза тўғноғични унинг ўркачига аёвсиз санчар эди.

Азалий одатга кўра, туя қочиб бораётган пайтда барча кийимларни кийиб олиш, тепаликни айланиб ўтгач, дастлабки жойга яна қайтиб келиш керак эди.

Қиз миниб олган кучли нор туя қоровултепа орқасида ғойиб бўлди. Аслзода Гелоннинг хизматкорларидан бири отига сакраб миниб, туянинг ортидан чўлга йўртиб кетганини ҳеч ким сезмай қолди.

## СПИТАМЕННИНГ СОВҒАСИ

Ана шу пайтда Спитамен оломон орасида пайдо бўлди.

Скифлар яланғоч бўлиб туяга боғланган арқонни ечишдан ҳайиқмаган қизнинг аҳволидан кулишаётган пайтда қоп орқалаган ва чангга ботган одам Будакен ва мўътабар меҳмонлар ёнига борди. Нотаниш одам улардан бир неча одим берида тўхтаб, соф сак тилида мурожаат қилди:

– Олийҳиммат ҳукмдор Будакен – Олтин Сувлуқ, сенинг қудратинг, жасурлигинг ва сахий меҳмондўстлигингга муносиб ҳадя олиб келдим. Бундай ҳадяни сен кўпдан буён орзу қилар эдинг.

Будакен ҳайрат билан қўлларини ёйди:

– Сак тилида гапираётган сўғд менга нима ҳадя қила олади? Мен одамзодга керак бўлган ҳамма нарсага эгаман. Қани, яқинроқ кел-чи.

Йўловчи Будакеннинг отига яқин борди, қўлини чарм халтасига тиқиб, ундан кичкина қорамтир-кулранг, узун думли кучукчани олди. Паҳмоқ жонивор ўткир тишларини такиллаб, оқ мўйловчаларини тикрайтди ва ўзини ҳар томонга ташлаб, ириллашга тушди.

– Мана бу чиройли кучукча сенга ёқадими? – сўради нотаниш одам. – Жаҳли жудаям ёмон. Бурнидаги қора чизиқни кўряпсанми? Икки йилдан кейин у сен билан овга борадиган бўлади. Ёввойи эчкиларга қирон келтиради, тоғ архарларининг умуртқасини синдиради ва душманларининг отдан йиқитади. Бу жониворни танияпсанми?

Ҳамманинг кўзи кучукчага — жажжи қоплон боласига тушди. У тоғларнинг энг учқур, қудратли ҳайвони, эгасига итдек содиқ, душманларига эса шафқатсиз бўлишини ҳамма яхши билади.

Будакеннинг кўзлари ёнди. Қоплон боласини топиш осон эмас. У чиқиб бўлмас тоғ дараларида яшайди.

— Раҳмат, мусофир! Қоплонвачча эвазига нимани хоҳлайсан?

Саховатли Будакен ўзига ёққан нарсанинг нархи устида тортишиб ўтирмаслиги ҳаммага маълум. Шу туфайли яқинроқда турган жангчилар қичқира бошладилар.

— Қоплон боласини совға қиламан деб айт! Будакен сенга берадиган туфҳа жониворнинг баҳосидан ўн баробар қиммат бўлади.

Бироқ мусофир:

— Будакен, сен бой ва шавкатлисан! Ҳеч ким қўраларингдаги қўйларингни, уюрлардаги йилқиларингни санаб, саноғига ета олмайди. Ўзинг ҳам уларнинг сонини билмайсан. Уюрингдан бир ёш тойчоқни менга ҳадя қил... — деди.

Бундай илтимос кўчманчилар учун қўполлик ва ҳурматсизлик саналарди. Мусофирнинг қашшоқлиги кўриниб турибди. Одатга кўра, у бирор нарса талаб қила олмас, бой ва обрўли Будакеннинг эҳсонини кутиши лозим эди. Шу сабабли ҳамма Будакеннинг қошлари чимирилганини кўрди. Бироқ бу баҳайбат ва кучли ҳукмдор ҳазил ва эрмакни ёқтирар, қутилмаган қилиқларни ўйлаб топишдан эринмас эди.

Будакен:

— Исминг нима, мард йўловчи, қаерда туғилгансан? — деб сўради. — Будакеннинг отига мина олармикансан? Сен ахир, ҳамма сўғдларга ўхшаб пар ёстиққа ёнбошлаб ётмасанг керак? Сени айғиримизга миндириб қўйишса, шу заҳоти ерга учиб тушасан...

Атрофдагилар хо-холаб кулишди.

— Сўғдни айғирга миндириб қўй! Сўғд эчкиси от устида қандай типирчилашини бир томоша қилайлик!

Мусофир йигит атрофдагиларнинг ҳақоратомуз мазахларига эътибор бермай, қийиқ кўзларини ерга қадади ва:

— Мени сўғдлар Спитамен, тўғрироғи, Шеппе-Тэмен<sup>1</sup> дейишади, — деди. — Мен сизларга қондош бўламан, Онам Тохар уруғларидан<sup>2</sup>. Лекин отам сўғд. Ёшлигимдан Сўғдда тарбияланиб, сўғдларнинг тариғи ва узумини еб, ўсганман.

Будакен меҳмонларини хурсанд қилиш учун янги ҳазил ўйлаб топди:

— Яхши, Шеппи-Тэмен... Сен билан мен битта жанговар қавмдан эканлигимиздан хурсандман. Майли, қайси отни хоҳласанг, олишинг мумкин, лекин сенга боғлоқда турган отни бермаймиз. Уни яйловда юрган отлар орасидан ўзинг қўлда тутиб оласан. Аммо уни от миниб қувламайсан, салт юриб ушлайсан.

Спитамен миннатдорчилик билдириб, қўлларини кўксига қовуштирди. Сўнг ёнига келган парранда ва бошқа жониворларни овга ўргатувчи қарияга қоплон боласини тутқазди.

<sup>1</sup> С п и т а м е н — қадимги форс тилида “ярқирамоқ” (жасурлик, жанговарлик) маъносини билдиради. Спита — “учқунлар” дегани. Сўзма-сўз спитамен — “учқун сочувчи”. Шеппе — Тэмен (*туркча*) — чапақай, янтоқ.

<sup>2</sup> Т о х а р л а р — улуг скиф халқи, ушбу қиссада тасвирланган воқеалардан икки юз йил кейин улар Шарқий Бақтрияга бостириб кириб, уни эгаллашган.

— Будакен, фақат мен энг яхши отингни тутиб олсам, аччигинг чиқмасин...

## БЎРОНҚУШНИ ТУТИШ

Будакен хизматкорларига чўлда ёйилиб юрган йилқи уюрини яқинроққа ҳайдаб келишни буюрди. Ўзи меҳмонлар билан уюрлар келадиған томонга йўналди. Хизматкорлар қий-чув кўтариб, чўл томонга отилишди ва занжирсимон ёйилиб, отларни ўраб ола бошладилар. Спитамен ўзига хайрихоҳлик билан қараётган скифнинг оти сағрисиға энгилгина сакраб миниб олди. Улар Будакеннинг мулозимлари изидан йўртиб кетдилар.

Безовта бўлган биялар уюри чўл ва чодирлар бўйлаб айланиб чопа бошладилар. Скифлар қўлларидаги узун қамчиларини силкитганларича, ваҳшиёна қичқириб, хуштак чалиб, уюрни ўраб олдилар. Бир неча айғир уюрдан ажралиб чиқди: улар бўйинларини чўзиб, қулоқларини чимириб, кишнаб, яқинлашиб келаётган скиф чавандозлари йўлиға кўндаланг бўлдилар. Скифлар уларни чалғитиш учун минган отларини қамчи билан савалаб, орқаға қайтдилар ва айғирларни чўлга эргаштириб кетдилар. Кейин ярим доира ясаб, яна уюр томонга қайтдилар.

Будакен ва меҳмонлар учиб келаётган уюрнинг туёқлари остига тушиб қолмаслик учун отларини чоптириб тупроқ кўрғонға кўтарилдилар.

Кўрғон ичидан учта туя бесўнақай лўкиллаганича чопиб чиқди ва бўкириб чўл томонға қочди.

Шундан кейин хизматкорлар ва чўпонлар узун қамчиларини силкитиб, уюрни секинлатдилар ва уни кўрғон ёнида тўхтатишға муваффақ бўлдилар. Биялар гуж бўлиб тўдаланишди, айримлари бошларини баланд кўтариб, пишқираётган, ер тепиб депсинаётган айғирлардан қочиб, ирғишлаб шатталай бошлади.

— Мусофир сўғд қани? — қичқирди Будакен. — Балки, у сак биялари думини кўриб, кўрқиб қочиб қолгандир?

Бироқ Спитамен шай турарди. У пишиқ теридан тўқилган арқонини боши узра айлантрииб, энгил қадам ташлаб кўрғондан пастға қараб тушаётганда чорпахил, норғул елкалари паҳлавон-ларникидек савлатли бўлиб кўринди. У иккинчи кўлида чарм халтани маҳкам ушлаб олганди.

Кўрғонға йиғилганлар безовта уюрни тинчлантрииш учун чалинаётган ўткир хуштак овозидан хушёр тортдилар.

Уюр сергакланди. ҳеч кимни писанд қилмайдиган, яғрини қуёш нурида товланиб турган баланд бўйли Бўронқуш олдинға учиб чиқди. Спитамен тўхтади. Айғир бир сакраб, олдинги оёқларини кўтариб ҳавода тик турди, кейинги оёқларида айланиб, ўзини орқаға ташлади. Спитамен уюр томонға яна бир неча қадам юрди. Қора тулпор бурун паррақларини кериб бирдан тўхтади. Кейин яна Спитаменға қараб пишқириб югурди. Етишиға уч қадамча қолганида Спитамен кўлини ҳавода сермади. Пишиқ тасмадан тўқилган арқон ҳавода ялтираб, айғирнинг кучли бўйниға илондек ўралиб қолди, йигит эпчиллик билан арқонни таранг тортганича, бошқа томонға сакради. Айғир олд оёқларини кўтариб депсинди, пишқириб кишнади ва яна

рақибига ташланди. У тишлари ва олд туёқлари билан арқонни таранг тортиб турган одамни мажақлаб ташлашга уринар эди. Шунда Спитамен бир қўли билан арқонни қаттиқ ушлаб туриб, иккинчи қўлидаги чарм халтани қутурган айғирнинг бошига эпчиллик билан кийдирди. Бир неча сониядан кейин скифлар жасур йигит қўлоёқлари билан тулпорнинг бўйнига маҳкам осилиб турганини кўришди.

Бўронқуш бошини силкитиб, сакраб, кишнаб, бўйнига чирмашиб олган одамни улоқтириб ташлашга уринар эди. Буни уддалай олмагач, ортидан чанг кўтариб, чўл бўйлаб югуриб кетди.

– Улала! – қичқирди Спитамен.

– Улала! – жўр бўлишди скифлар. – У бизнинг қонимиздан! У бизники! Бирорта сўғд эркин юрган айғиримизга сакраб минишга журъат этолмайди!..

Қашшоқ овчи энг яхши отларидан бирини бўйсундирганига қарамай Будакен хурсанд бўлди. Меҳмонлар фаройиб томошадан ҳайратга тушдилар. Энди улар чўлу саҳролар бўйлаб ўз чодирларига жўнаб кетадилар ва бутун саҳро Будакеннинг сахийлигидан хабардор бўлади. Ҳамма ерда у қоплон боласи эвазига машҳур қорабайирини берганини гапиришади ва Будакеннинг номи ҳар бир гулхан ёнида такрорланади...

## ҚОЧОҚ ТОМИРИС

Спитамен ранг-баранг кийимлар кийган скифлар шовқин солаётган кўналга ва кўрғон ёнидан қуюндек учиб ўтди: у бошида қоп билан йўлни кўрмай, қутурганича, учиб кетаётган отни камар билан тинимсиз саваларди. Фақат кўналга кўздан йўқолиб, ёнидан қум барханлари елиб ўта бошлагандан кейингина, овчи отни учига бринч тўқа қадалган қамчи билан савалашни тўхтатмай туриб, бошидаги чарм қопни олди.

У отга тиним бермасдан, онда-сонда кандим буталари тиккайиб турган қумтепалар ичидан ҳайдади, тизгинсиз от паға-паға оқ кўпикка бота бошлагач, Спитамен кўйнидан нўхта олиб, ваҳшийлашган Бўронқушнинг чиройли бошига ташлади. От энди қаршилиқ кўрсатмай кўйди, бўйнини орқага қайириб, чавандознинг тиззасини тишлашга ортиқча уринмади.

Спитамен тўсатдан қандайдир қичқариқ овозини эшитди ва тепаликлар орасида югуриб келаётган тўқ кулранг туянинг баҳайбат гавдасини кўрди. Туя ўрқачлари ўртасида Будакен кўналғасида чандиб боғланган арқонларни ечган қизнинг қип-қизил кўйлаги ярқираб кўринарди. Туя ортидан учи чўққи қалпоқ ва қора чакмон кийган чавандоз чопиб келарди.

Қиз чорасиз аҳволда жон аччиғида қичқирмоқда эди:

– Чўл, мени яшир! Чўл, мени қутқар! Ўлим кўзларимни ўйиб олмоқчи...

Спитамен орқа томондан чавандозга яқинлашиб борди. У учиб бораётган бўз отнинг туёқларидаги тақаларни, скифнинг кенг, жигарранг елкаларини, тўпигига камар билан ўралган йўл-йўл чалворини кўрди. Скифнинг қўллари қизнинг қизил кўйлагига ёпишди, лекин у чинқирганича узун бринч қисқични чавандозга санчишга шайланди.

– Мендан қочиб қутула олмайсан, ярамас! – ҳирқириб қичқирди скиф. – Энди кунинг битди!..

Ана шу дамда Спитамен отган пишиқ арқон яна ҳавода учди ва скифнинг бўйнига ўралиб, уни отдан ағдариб туширди. Эгардан учиб кетган скиф қўлларини силкитганича гупиллаб қумга йиқилди. Бир неча дақиқа у довдираган, бўғилган ҳолда қумда Спитаменнинг қора тулпори туёқлари орасида типирчилаб судралиб борди. Спитамен арқонни кесиб, скифни ётган жойида қолдирди-да, туя орқасидан қувди. Эгасиз қолган бўз от бошқа томонга югуриб, қум барханлари орасида кўринмай кетди.

– Улала! – деб қичқирди Спитамен дўст эканлигини билдириш учун. – Ҳой қиз, қайси уруғдансан?

– Машужа! – қичқирди қочоқ қиз ҳам ўгирилиб қаради. Унинг бошига қирмизи рўмол танғилган, қошлари тўғри, кўзлари қора эди.

Спитамен “машужа” Оксана денгизи шимолида яшовчи аёлларнинг жанговар лақаби эканлигини биларди. Улар ўз шафқатсиз қонунларига қатъий амал қилувчилар сифатида қўшнилариининг ҳурматига сазовор эдилар. Бояги скифга ўхшаб бу аёлларга ҳужум қилиш кўчманчилар қонунига кўра, жиноят саналарди.

Қора тулпор туяга етиб олди ва у билан ёнма-ён йўрта бошлади.

– У мени ўлдирмоқчи эди. У хон Гелоннинг хизматкори. Сен менга тегмайсан, а? Қутулишимга ёрдам бер. Мен озод туғилганман, ўз тўдамга қайтиб боришни истайман, – Томирис бронза қисқич ушлаган кўлини кўтариб, овчига қиё боқди.

– Йўллар тутаган манзилда, Афросиёбнинг тош санамига яқин жойдаги Аччиқ қудуқ ёнида Спитамен чодир қурган. У ерда онам яшайди. У сенга бошпана беради, – деди Спитамен.

– Менга озодлик берасанми? – жавобан қичқирди қиз. – Ё сен ҳам эрксизлик занжирини тақмоқчимисан?

Уларнинг овозини шамол ютиб юбормоқда эди. Баҳайбат, пишқириб бораётган туя ва енгил одим отаётган тим қора тулпор ҳамон ёнма-ён.

Йигит хитоб қилди:

– Спитамен камбағал, лекин озод! Менинг отаримда фақат ўнта кўй бор, холос. Бироқ Спитамен хонларга тиз чўкмайди, у кишан кийганларнинг дўсти. Чодиримдан нон ва кўй пишлоғини топасан. Агар кетмоқчи бўлсанг, чодиримнинг эшиги ҳамиша очиқ.

Қиз бир неча сония ўйланиб қолди.

– Билмадим, озод бўлганим ҳақида тўғри гапиряпсанми ё бу мени парчалашга тайёр турган айёр йўлбарснинг ҳийласими?.. Бироқ сенга ишонгим келади: сен қабилангни саломини айтиб қичқирдинг. Майли Аччиқ қудуқларга бораман ва у ердан Спитаменнинг чодирини қидириб топаман.

Овчи кўли билан кўрсатди:

– Ҳозир сен жанубга қараб кетяпсан. Тез орада суяклар ва жингиллар билан қопланган минорани кўрасан. Ундан нари кетган сўқмоқдан бораверсанг, Афросиёб санамини ва чодиримни кўрасан.

<sup>1</sup> М а ш у ж а – қадимда Оксиан (Орол) денгизига яқин жойларда яшаган амазонка қабилаларидан бирининг номи.

Спитамен қора отни орқага қайтарди, у юришини секинлатмасдан, Будакеннинг кўналғасига эмас, Яксарт бўйига қараб кетди. У гадир-будир саксовул буталари билан қопланган тепаликлар ёнидан гизиллаб ўтиб бораверди. Баъзан отнинг оёғи остидан қирғовуллар париллаб учиб қочар, қуёнлар сакраб чиқиб қоларди, у эса ораси кўк чизиқча билан туташтирилган қора қошларнигина кўрар, лаблари эса шундай шивирларди: “Ол ранг қуёш ўз нурлари билан ўн олтига кокилингни турмаклаш учун кўтарилган олтинранг қўлларингни ювибди, шунда мен ўзимга-ўзим: “Мана, мен кўкдан узиб оладиган тонг юлдузи”, дедим. Бироқ ўлим ортимдан қувлаб юрибди, фақат ярим кунлик умрим қолди...”

## ЯКСАРТ ҚИРҒОҚЛАРИДА

Тераклар ва толлар ўз новдаларини шиддат билан оқаётган лойқа Яксарт сувларида ювмоқда. Дарё қирғоқни ўйиб, тупроғини ўзи билан оқизиб кетмоқда эди. Бир нечта дарахт илдизигина ерга ёпишган ҳолда айқириб, гирдоб ўраб, хас-хашакларни оқизиб кетаётган дарё устига энгашиб турибди.

Дарё ёйга ўхшаб эгилиб оқади. Сув босган, қамишлар ўсиб ётган ўтлоқда икки юзтача от ўтлаб юрибди. Уларнинг айримлари ерга қоқилган қозиқлар атрофида айланади, бошқаларининг оёқлари тушовланган, сакраб-сакраб, ўрнидан қимирлайди.

Отларнинг кўпчилиги ҳали кичкина, озғин. Елкасига кигиз парчалари ёки ранги ўчган дағал каноп мато ёпилган. Бу ерда зеб бериб ясатилган аргумоқлар, ранг-баранг жабдуқлар ва кумуш безаклар кўринмайди.

Қора отли Спитамен тепаликлар орасидан чиқиб келди. Яйловдаги йилқиларни кўрган қора тулпор кишнаб юборди. Тераклар орасидан чўққи қалпоқли бир неча скиф югуриб чиқди.

— Шеппе-Темен, биз билан биргамисан? Салом, Шеппе-Темен! — деб, қичқирди бир неча дағал овоз ва узун сочлари елкаларига тушиб, кўзлари ёниб турган бир нечта сак терлаб, кўпикка ботиб кетган отни ушлашди ва дарахтга боғлаб қўйишди. — Бу ерда сени Будакенга сотилди, у сени учқур оти эвазига сотиб олди, деган овоза тарқалди.

Спитамен йиқилиб ётган йўғон теракка ўтирди. Уни ранг-баранг кийимли бир неча кўчманчи ўраб олди. Айримларининг йўл-йўл кўк чолвори тўпиғидан камар билан боғлаб қўйилган, бошқалари почасини тиззасидан юқорига шимариб олган: ҳаммасининг кийимлари жиққа ҳўл, чунки улар ҳозиргина дарёнинг нариги томонидан сузиб ўтишганди.

Спитамен гап бошлади:

Будакен мени сотиб ололмади. Мен Бўронқушни курашда голиб чиқиб қўлга киритдим. Будакен семириб кетибди, у аслзодалар билан дўстлашиб, қизини хонга узатди. У молларининг саногини билмайди. Лекин у бир ўзи жангга бордими ё биз билан биргами? Бир ўзи жанг қилдими ё биз, бошимиздан жудо бўлсак ҳам урушда уни асраб қолдикми?

— Тўғри! Тўғри! Буним ким билмайди! — деган хитоблар эшитилди.

— Унинг отарлари нега кўпаймоқда? — давом этди Спитамен. — Чунки бизникиларни ўлдириб кетишмоқда. Қанча хизматкори бўлса, барчаси унинг бойлигини кўриқлайди. Агар бирон кишига битта сигир берса, кейинги йили у сигирни бузоғи билан қайтариши керак.

– Биз нима қила оламиз? Будакен қудратли ва бой-бадавлат бошқа хонлар ҳам у билан бирга.

– Наҳотки, қадимги одатларимизни унутган бўлсак? Ҳар бир киши, ҳар бир хизматкор озода, йигирма битта жангчи алоҳида қабила бўлишни хоҳласа, ўзининг жанговар уронини айтиб қичқирса, алоҳида қабила бўлиб яшаш ҳуқуқига эга эди-ку!

– Қандай қилиб янги қабила бўла оламиз? – қичқирди эчки соқолли озгин қария. – Болаларимизни сут ва пишлоқ билан боқишга молларимиз етмайди. Аёлларимиз кийим тўқиб бериши учун қўйларимиз кам. Будакен билан бошқа хонлар сахийлик қилиб камбағаллар нимага муҳтож бўлса, дарҳол беришади...

– Овозингни ўчир, Сагил эчки! – деган қичқириқ овозлари янгради. – Будакенни шунча мақтаганинг етар! Сени бу ёққа Будакен юборганми? Ё ундан қутулиш учун ўзинг келганмисан? Тинч ўтир, нима қилиш лозимлигини Шеппи-Тэмен гапирсин!

Спитамен уни Будакен юборган деб айбламоқчи бўлган скифга юзланди:

– Сени биринчи бор кўриб турган бўлсам ҳам кимлигингни биламан. Сенинг чодирингда, чамаси, шунчалик бола кўпки, ҳар тонг уларни қандай тўйғазишни ўйлаб, дилдираб ўтирсанг керак. Бироқ сен ўлгунингча бўйнинг дорда, арқоннинг бир учи Будакеннинг этиги остида бўлади. Агар сен кўрқсанг, болаларинг ҳам бир умр Будакеннинг болаларига хизмат қилади. Бироқ Будакеннинг ҳамма хизматкори кетиб қолса, отари чўлга тарқалиб кетмайдими? Унинг бир ўзи, хизматкорларисиз ҳамма молларини ушлаб тура оладими?

– Тўғри, тўғри, Шеппи!

– Алоҳида қавм бўлиб яшаш учун чўлнинг ичкарисига кетиш ва у ерда макон тутиш лозим. Бошида қийин бўлади, аммо ҳар бир туғилган кўзичоқ ўзингизники, сиз уни Будакенга олиб бориб бермайсиз. Ҳар бир тойчоқни ўзингиз учун боқасиз, икки йилдан кейин унга ўғлингизни миндирасиз.

– Шундай бўлсин!

– Агар йигирма битта чодир бўлиб йиғила олсак, чўлнинг узоқроқ жойига кетамиз, ўз қудуғимизни қазиймиз, чақириқларга ўз кўнгилли тўдамиз билан борамиз. Агар йигирма битта жангчи жам бўлиб, душман қабиласига ҳужум қилсак, шунчалик кўп чорвага эга бўламиз ва очликдан кўрқмай, қишдан бемалол чиқиб оламиз.

Скифлар қанча чавандоз ажралиб чиқишни хоҳлаши ва янги кўналғага қанча чодир тикиш лозимлигини ҳисоблай бошладилар. Улар узоқ баҳслашдилар, бир тарафдан иккинчи тарафга ўтдилар, ниҳоят ажралиб чиқадиган етмиш саккизта чодир борлигини аниқладилар.

## БУДАКЕННИНГ ЧОДИРИ

Қора тулпор Будакеннинг чодир енига етиб келганда, чўлга тун ўз тўрини ёя бошлаган эди. Қоп-қора бўлиб кўринаётган чодирлар тирқишидан қип-қизил аланга – гулханлар ёлқини кўринади. Энг четдаги чодир ёнида кўп гулханлар алангаланиб, қуюқ тутунлар бурқсиб кўтарилар ва бир-бирига қўшилиб, Папайнинг соқолига ўхшаб, қорайиб бораётган уфқ томонга сузиб бормоқда эди.



Бири таклиф этилган, бошқаси шунчаки, қўшни қўналгалардан келган меҳмонлар учун ўн тўртта катта бронза қозонларда от, мол, қўй ва эчки гўшлари пишмоқда. Қозонлар бир чизиқ бўйлаб ерга етти қатор қазилган ўчоқларга ўрнатилганди. Уларнинг тагига тезак ва шох-шаббалар қаланган. Қип-қизил ёлқиндан бўғриқиб кетган аёллар ўчоқлар ёнида уймаллашиб, ёғоч чўмичларда хизматкорлар кўтариб келган катта корсон ва сопол товоқларга гўшт солиб беришар, улар эса бу таомларни чодирлар яқинига тўшалган гиламлар ва бўйраларда ўтирган меҳмонлар олдига қўйиб келишарди.

Спитамен Будакеннинг катакон ранг-баранг чодир ёнида кўриниши билан ёнига иккита скиф югуриб келиб, Будакен уни кўп марта сўрагани ва ҳузурига чорлаётганини айтишди. Улар отнинг жловини ушлаб, унинг аҳволига ачиниб турган қарияга қичқиришди. У эса:

– Буни ҳолдан тойдирибсан, – деди бошини сарак-сарак қилиб, – Ўз ҳолига қайтиб семириши учун икки ой арпа билан боқиш керак.

– Бу сенга қўймиди, семиртирсанг? От кийикдек енгил бўлгани яхши.

Скифлар Спитаменни катта чодирга бошлаб киришди. Чодир думалоқ шаклда эди. Унинг томи ва ён деворлари пишиқ новдадан тўқилган, ой ва юлдузлар акси туширилган оқ кигиз билан ўралган эди. Чодирнинг тепаси ва ўрта қисмидаги туйнугидан гулхан тутуни кўкка ўрламоқда. Хизматкор гулханга қуруқ янтоқ ташлаганда ёрқин учқунлар чирсиллаб сачрар, аланга гулхан атрофида ўтирган атоқли скифларнинг қўёшда товланган чайир юз-кўзларида жилваланарди.

Меҳмонлар орасида кекса, букчайиб қолган, йўл-йўл ипак чакмон ва марваридлар қадалган қизил қалпоқ кийиб олган Тамир ажралиб кўринарди. Ёнида ёш Гелон, улардан кейин Ариасп ва қабиланинг бошқа бошлиқлари ўтиришибди.

Чап томонда, эшикка яқин жойда иккита каттакон теридан тайёрланган чарм меш тўла қимиз суяб қўйилганди. Уларнинг оғзи бўғиб боғланган. Ҳар бирида ёғоч жўмракчалари бор. Иккита ярим яланғоч, кўзларининг ўрни қизил ярага ўхшаб ялтираб турган, оёқлари кишанланган қул скифларнинг севимли ичимлигини тўхтовсиз чайқатиб, ўтиришарди. Мешларнинг ёнига каттакон ёғоч коса қўйилган, гўё бу косаларнинг болаларига ўхшаган оқ чинни пиёлалар уларга тақаб терилганди.

Ўз ҳикоялари билан Будакеннинг кўнглини кўтариб, хушнуд қилаётган серсоқол қария Хош чаққон ҳаракатлар билан катта косани дамба-дам қимизга тўлдириб турибди. Будакеннинг ишорасидан кейин Хош мешларни чайқатишдан тўхтаб, тўқилган қимизларни енгил билан артди ва кичик идишларга қимиз қуя бошлади. Сопол идишлар олтига бўлиб, ҳар бирига камида беш чўмич қимиз кетарди. Ҳамма идишлар тўлдирилгач, чодир эшиги ёнида турган иккита хизматкор меҳмонларнинг ёши ва лавозимига қараб, пиёлаларни узата бошлади.

Меҳмонлар косани охиригача сипқордилар. Қийналмаслик учун гоҳ суҳбатга қўшилиб, гоҳ қимиз кўпигини пуфлаб, дам олиб-дам олиб ичдилар. Бўшаган идишларни хизматкорлар шу заҳоти йиғиб

<sup>1</sup> Скифлар белларига боғлаган чарм халтачада коса, пиёла олиб юришарди. Улар сопол ёки бринчдан, бойларники эса олтиндан ясалган бўларди.

олиб, қуйироқда ўтирган меҳмонларга тарқатишди. Бу меҳмонлар ҳар доим белларига боғлаб юрадиган чарм халтачадан ўз косаларини олиб, уларни қимизга тўлдиришди.<sup>1</sup>

Скиф одатларини яхши билан Спитамен обрўли хўжайин чорлашини пойлаб, остонада индамай кутиб турди. Ҳаммани ҳушёрлик билан кузатиб, Хошга имо-ишора қилиб ўтирган Будакен Спитамен келганини шу заҳотиёқ сезган эди. Бироқ у обрўсини сақлаши зарур: шунча меҳмон олдида, зоти номаълум фақир овчига бирданига манзираг қила олмайди-ку? Ниҳоят, кекса хон тишсиз оғзини очиб, тамшаниб: “Тўйда Бўронқушни ютиб олган анави йигит эмасми?” – деб сўрагандан кейингина Будакеннинг юзида хайрихоҳлик зоҳир бўлди. Спитаменга қимиз бер дегандек Хошга ишора қилиб, қимир этмай турган овчига:

– Чўлдан келган меҳмон, яқинроқ кел, олов ёнига ўтир,– деди.

Олдинга ўтиб бўлмасди: гиламнинг ҳар томонида турли қабилалардан келган мўтабар меҳмонлар жой олишган. Бироқ ўз меҳмондўстлиги ва меҳрибонлигини ҳатто бечора дайдига ҳам кўрсатиб қўйиш яхши-да. У кейин бу илтифотни бўяб-бежаб, кўпиртириб, бепоён чўлдаги бошқа қабилаларга ёйиб юради.

– Қани, айт-чи, қайси қабиладан бўласан, қайси хоннинг хизматида бўлгансан? – деб сўради димоғдор Гелон.

– Арқонни бундай чаққонлик билан ташлашни, от устига сакраб минишни қаердан ўргандинг? Шунини ҳам айт,– шарқдаги узоқ қабилалардан келган кўзи гилай хон Арпасп қўшимча қилди.

Скифлар одатига кўра, камбағал одам, улоқ ёки курашда голиб чиқиб, от ёки бошқа қимматбаҳо совринни қўлга киритса, уни албатта ўзи итоатда бўлган ёки кейинчалик марҳаматини кутадиган бирон қабила бошлиғига ҳадя этиши керак эди. Шу боис, ўтирганларнинг ҳаммаси ямоқ этик кийган, ҳатто учи чўққи қалпоғи ҳам йўқ камбағал овчи ўзига хайрихоҳлик кўрсатаётган қабила бошлиқларидан бирини ҳомий қилиб олиш мақсадида бебаҳо отини совға қилади, деб ўйламоқда эди.

Коса ушлаган хизматкор Спитамен гиламдагилар орасига суқулиб кириб ўтиришини кутиб турди. Лекин ғалати овчи эшик ёнидан қимирламади. Будакен унга нигоҳ ташлаб, хизматкорга имо қилди. У Спитаменга қимизли косани узатди.

Спитамен косани икки қўллаб олди ва хизматкорга шивирлади:

– Биз сен билан қондошимиз. Уругимиз ҳеч қачон қаҳатчилик кўрмасин ва мағлубиятдан шарманда бўлмасин! – У қимиздан бир неча хўплам ичди ва тилини тақиллатди. – Будакеннинг биялари зўр! Будакеннинг тойчоқлари шамолдек учқур. Будакен тойларидан бирини қоплон боласи эвазига камбағал овчига ҳадя қилади.

Будакен ўғирилди ва тикандек нигоҳини вазмин Спитаменга қадади. Унинг кўнғир кўзларида олов шуьласи ўйнарди.

– Спитаменга от, қилич ва найза керак. Мен сенга айтадиган ва сенга улуғ қувонч билан бирга катта ташвиш келтирадиган хабар эвазига сен бу нарсаларни менга берасан...

Осойишта турган Будакен қақдини кўтариб, сохта табассум билан сўради:

– Қувонч келтирадиган қандай хабар олиб келдинг? Айт, қуруқ кетмайсан.

Кекса хон Тамир бош чайқади:

— Кимки чодирга бир марта яхши хабар олиб келса, чодир эгаси уни ҳар кўрганда: “Салом! Уйимизга яна келгин!” дейди.

— Тўғри, — деди Спитамен.— Аммо кексаларда: “Кимки ёмон хабар олиб келса, одамлар ундан минг қадам наридан айланиб ўтади”, — деган гап ҳам бор. Мен уй эгасининг қулоғига бир неча сўз айтсам, меҳмонлар мендан ранжимасин. — Спитамен ўтирганлар орасидан енгилгина сирганиб ўтиб, Будакеннинг оғир тилла зирак тақилган қулоғига нималарнидир шивирлади.

Ўз қувончи ва ғамини ҳамиша яшириб ўрганган Будакен бу гал ўзини тутолмади. У йўғон кафтлари билан юзини беркитиб, турган жойида чайқалиб тўлғона бошлади.

Ҳамма скиф уруғининг олийҳиммат ва оғир-вазмин бошлиғига ҳайрат билан қаради, Спитамен сирғалиб, аввалги жойига борди-да, қўлларини белидаги камарига қўйиб, тошдек қотиб тураверди.

Будакен ўрнидан туриб, оғир қадамлар билан чодирдан ташқарига чиқди.

Ҳамма жим, Будакеннинг йўлакда туриб, оғир нафас олаётгани эшитиларди. Унинг нафас олиши туянинг хўриллашига ўхшарди. Ниҳоят, у осойишта ҳолатда чодирга кириб, жойига ўтирди ва Спитаменга совуқ назар ташлаб: — Сен от, қилич ва найза олмоқчимисан? Қандай урушга тайёрланыпсан? — деб сўради.

— Икки шохли билан урушишга!

— Бу жулдур овчи қандай уруш ҳақида гапиряпти? — хитоб қилди бетоқат хонзода Гелон.— Икки шохли тоғ такасини овлаш учун қиличнинг кераги йўқ.

Шунда Спитамен қўли билан жанубни кўрсатди:

— Мана бу ёққа — чўлга қаранглар. Байрам билан овора бўлиб, кўрғонлар устида ёнаётган хатар нишонаси — гулхан оловларини кўрмаяпсизлар...

*Давоми бор*



Ҳайнрих ҲАЙНЕ

## Ишқий кўшиқлар

### ДЕБОЧА

**Б**ир рицар яшарди қайғули, камгап,  
Чехраси қонсиз-у, униққан, рангпар;  
Кезарди у доим гангиб, тентираб —  
Тунд ўйлар қўйнида бир ўзи бесар.  
Ҳуркиб у ёввойи, чапдан юрарди,  
Гуллару шўх қизлар ўнгда турарди —  
У мункиб кетганда кулиб ишвагар.

Шом қўнгач, уйдан чиқмай кўпинча,  
Ўлтирар одамлар кўзидан нари.  
Гоҳ ғамгин чўзилар қоқмасдан мижжа,  
Бир оғиз сўз айтмас, тунддир назари.  
Ҳар куни ярим тун бўлганда, лекин,  
Ғаройиб куй-қўшиқ бошланар секин,  
Шиқирлар эшикнинг, сўнг зулфинлари

Ва уйга оҳиста киради гўзал,  
Мавжлар кўпигидан либоси гўё,  
Чақнайди, қулф урар ёнади ял-ял,  
Тиллаҳал ёпинчи сочади жило.  
Тилларанг кокили — хуснига хусн,  
Кўзида хуш имо, ҳукмрон фусун —  
Бир-бирин қучади иккала шайдо.

Ёрини қучару тобора маҳкам,  
Ловуллаб ёнади рицар оловдек,  
Қизарар рангпар юз, уйғонар шу дам  
Танида қуввати янги кўёвдек.  
Ўйинқароқ гўзал шунда ноз билан

Олмончадан  
Абдулла ШЕР  
таржимаси

Бир пайтлар халқимиз орасида номи Генрих Гейне деган ўрисча талаффуз орқали машҳур бўлган буюк олмон шоири Ҳайнрих Ҳайненинг (1797–1856) Ойбек, Миртемир, Хайриддин Салоҳ таржимасидаги лирикаси шеърхонларимиз орасида шухрат қозонган. Зеро, Ҳайне лирик туркумлардан ташкил топган ўзига хос шеърый роман яратган шоир. Уни муаллиф “Кўшиқлар китоби” деб номлаган. Эътиборингизга мазкур асардаги “Ишқий кўшиқлар” туркумидан бир дас-та шеърлар ҳавола этилмоқда.

Ёрининг бошига ёпиб дафъатан  
Оқ ҳарир чодрани, бир зум қолар тек.

Сўнг биллур сув ости қасри шу маҳал  
Рицарни сеҳрига тортар, ал-амон!  
Безагу дурлари ярақлар ял-ял,  
Қамашган кўзларин у ишқар ҳайрон.  
Қучар сув париси, шунда, дилбари,  
Оҳ, рицар куёвмиш, келинмиш пари,  
Ҳур қизлар соз чалиб ўйнармиш комрон.

Атрофда қўшиғу рақс, ўйин-кулгу,  
Қанотга айланар оёқлар бу дам;  
Рицарни титратар бирдан муз туйғу,  
Париға суқилар, қучоқлар маҳкам —  
Машғаллар йитару беиз шу заҳот,  
Бир ўзи ўлтирар, қараса, ҳайҳот,  
Захкаш шоирона кулбада пурғам.

## 1

Келганида ажиб, гўзал Май  
Жамъи дарахт барг ёзди такрор,  
Шунда менинг ёш қалбимда ҳам  
Ишқ уйғониб, кўз очди илк бор.

Келганида ажиб, гўзал Май  
Жамъики қуш куйлади бедор,  
Шунда мен ҳам тилакларимни  
Маҳбубамга айладим изҳор.

## 2

Гуллар униб кўзёшларимдан  
Бўй чўзади бир-бир самога  
Ва оҳларим менинг айланар  
Булбул учун суюк навога.

Мени севсанг, сеники бўлгай,  
Кўзичоғим, шу гуллар буткул  
Ва тонггача дарчанг олдида  
Жаранглатгай дунёни булбул.

## 3

Атиргул, нилуфар, қуёшу каптарим —  
Шуларни мен ёниб, қувониб севардим.  
Энди-чи, севганим улармас, йўқ, ўзга —  
Ошиқман бир қизга, гул юзга, чўғ кўзга;  
Ўшадир энди, оҳ, ягонам, севарим —  
Атиргул, нилуфар, қуёшу каптарим.

## 4

Кўзларинга боқсам, гулбадан,  
Кўзим тинар қўшиғу ғамдан;

Лабларингга лабимни боссам,  
Бағри бутун, қодирман шу дам.

Кўкрагингга бош қўйсам фаршда,  
Мен ўзимни сезаман аршда;  
Лекин: “Сени севаман!” десанг,  
Аччиқ кўзёш қилар мени танг.

## 5

Тушда кўрдим кеча бўйингни  
Гўзал рўйинг, суюк рўйингни,  
У мулойим, у малакнамо,  
Жуда рангпар, рангпардир аммо.

Қирмизидир лабларинг фақат,  
Ўлим ўпгай, лекин, бешафқат.  
Кўзингдаги илоҳий нур ҳам  
Тезда сўниб, топажак барҳам.

## 6

Юзларингни юзларимга қўй,  
Кўз ёшимиз бирлашиб кетсин.  
Юрагингни юрагимга бос,  
Оловлари чирмашиб кетсин.

Шу гулханни босганда бир кун  
Кўз ёшимиз тошқини ногоҳ,  
Маҳкам кучиб мен сени нигун,  
Армон билан ўлгайман, эвоҳ!

## 7

Нилуфарнинг биллур жомини  
Қалбим билан тўлдирай жўшиб;  
Жаранглатсин ёрим номини  
Нилуфардан таралган қўшиқ.

Ўшал қўшиқ ўхшар албатта  
Лаблардаги титроқ қасамга —  
Мўъжизакор, тотли соатда  
Ёргинамдан олган бўсамга.

## 8

Минг йилларки, гужғон юлдузлар  
Юксакларда қотганча турар,  
Ишқ соғинчи ёнган кўз билан  
Бир-бирига тўймай телмурар.

Энг бой тилда, энг гўзал тилда  
Роз айтади улар ўзаро;  
Бирор элда бирор тилшунос  
Тушунмайди у тилни аммо.

Биргина мен ўргандим уни  
 Ва умрбод унутмасман ҳеч;  
 Тил дарслиги бўлди мен учун  
 Маҳбубамнинг жамоли ҳар кеч.

## 9

Қўшиқларнинг қанотларида  
 Кел, учайлик, жоним, икковлон —  
 Гангадан ҳам ҳатто нарида  
 Нурга чўмган гўшалар томон.

Унда сокин ойдиндаги боғ  
 Қирмизланиб кутар бахтини.  
 Нилуфарлар кутади муштоқ  
 Опажони келар вақтини.

Бинафшалар қиқирлаб шўхчан,  
 Юлдузларга боқар мастона;  
 Шивирлайди атиргуллар шан  
 Бир-бирига хушбўй афсона.

Яқинлашар оҳулар чўчиб,  
 Тинглайдилар еллардан садо;  
 Мавжларидан резалар учиб,  
 Чайқалади муқаддас дарё.

Ёнбошлаймиз унда сен билан  
 Паноҳ қилиб юксак ҳурмони,  
 Сармаст бўлиб ишқу оромдан,  
 Ўнг қиламиз тотли рўёни.

## 10

Бозиллаган жазирамадан  
 Нилуфарнинг дилида қўрқув,  
 Бошин эгиб мудрайди, қўмсаб  
 Тунги ширин рўёларни у.

Ошuftаси унинг тўлин ой  
 Уйғотганда суюклисини,  
 Кўрсатади ойга нилуфар  
 Ишва билан оппоқ юзини

Ва қулф урар, чақнар, ловуллар,  
 Сўнг қотади кўкка боқиб лол;  
 У бўй сочар ёш тўкиб, титраб,  
 Эҳтиросу ишқдан бемажол.

## 11

Райндарё, гўзал дарёни  
 Ва мавжларни қилганча кўзгу,  
 Қутлуғ Кёлн алқаб самони,  
 Чўнг жомени кўз-кўзлар мангу.

Ул жомеда, бордир, маъбуда, —  
Олтин ҳалда акс этган жамол;  
Тунд умримга менинг осуда  
Қувонч нурин сочи ул аёл.

Фаришталар, гулу гунчалар  
Ул аёлни қутларлар ўраб;  
У ёримга ўхшар мунчалар:  
Ўша кўз-қош, ўша юзу лаб!

## 12

Сен севмайсан, севмайсан, жонон  
Ва лекин мен қилмайман парво;  
Чунки сени кўрсам бас, шу он  
Бахт тахтида подшоман, подшо.

Менга нафрат, фақат нафрат бор  
Ол дудокдан чиққан ҳар сўзда,  
Лекин ўпсам шу лабдан, бир бор  
Унутгайман барини тезда.

## 13

Сўз бермагин, бўса бергин, бас,  
Аёл онти ишонтиролмас!  
Сўзинг болдек ширин-у, бироқ,  
Бўсанг ундан минг бор тотлироқ!  
У — меники, ишончлидир у,  
Сўз эса — дуд, йитгай бетутқув.

Сўз бер, жоним, энди мен — ўзга:  
Ишонгайман биргина сўзга!  
Мен кўксингга бош қўйганим вақт  
Ишонгайман борлигига бахт;  
Ишонгайман сен билан хуррам  
Яшашимга у дунёда ҳам.

## 14

Ёримнинг қароғин мадҳ эта-эта,  
Тўқидим ғаройиб канцона<sup>1</sup>лар мен.  
Ёримнинг дудоғин мадҳ эта-эта,  
Тўқидим бол каби терцина<sup>2</sup>лар мен.

Ёримнинг ёноғин мадҳ эта-эта,  
Тўқидим улугвор станс<sup>3</sup>лар мен.  
Ёримда юрак йўқ, афсуски, нетай,  
Энг гўзал сонетлар қолди тўқилмай.

<sup>1</sup> К а н ц о н а — қўшиқ. (*Итал.*)

<sup>2</sup> Т е р ц и н а — қофияланган учлик. (*Лот.*)

<sup>3</sup> С т а н с — шеърый сатрлар. (*Франц.*)



## 15

Киборлар кўр, киборлар нодон,  
Дидсизлашар кундан-кун минбаъд!  
Улар койир феълингни, жонон:  
Сенда йўқмиш бирор фазилат.

Киборлар кўр, киборлар нодон,  
Тушунмасдан қиларлар хато:  
Билмасларки, ҳар бўсанг — бир жон,  
Тирилтиргай ўликни ҳатто.

## 16

Айт-чи менга, жонгинам, бугун:  
Сен эмасми, ёзда, мабодо,  
Кириб шоир тушига сузгун,  
Унинг ҳушин талаган рўё?

Бироқ, бундай гунча оғизни,  
Бундай кўзу сеҳрли нафас,  
Бундай ширин, суюкли қизни,  
Йўқ, шоирлар яратган эмас.

Юҳолару зулук-илонни,  
Бадбашара, ёвуз, беқиёс,  
Афсонавий не-не ҳайвонни  
Яратолгай шоирлар, бу — рост.

Лекин сени, сенинг ул маккор  
Атворингу алдамчи нигоҳ  
Ва ишвали кулгингни, дилдор,  
Яратолмас шоирлар, эвоҳ!

## 17

Шаффоф мавжлар кўпикларидан  
Тугилгандек балқиб турар ул  
Ўзга ёрнинг ўпичларидан, —  
Қулф урганча бугун мисли гул.

Қалбим, қалбим, чекмагил фарёд,  
Суғура бил ғам нишларини:  
Лоқайд бўлгин, кечиргин бедод,  
Нодон ёрнинг қилмишларини.

## 18

Гинам йўқдир, гарчанд дардинг — юракда игна,  
Сен мангуга мендан кечдинг! Қилмайман гина.  
Лекин қанча чақнамасин кўзинг олмоси,  
Ёришмагай қалбингдаги зулмат дунёси.

Буни кўпдан мен билардим. Бўлмишди аён  
Тушларимда юрагингни қучган зимистон,

Тушларимда юрагингни илон сўрарди —  
Сен ҳам бахтсиз эканингни кўриб турардим.

## 19

Мен гина қилмайман: сен бахти қаро; -  
Азизам, бизларга бахт йўқ дунёда!  
Ўлимни қучгунча бемор қалблар то,  
Азизам, бизларга бахт йўқ дунёда.

Сен мазах қиласан, лабинг бурасан,  
Ўжар нур кўраман кўзингда ҳар дам,  
Кўксингни ғоз тутиб, мағрур турасан —  
Ва лекин бахтсизсан мен каби сен ҳам.

Кўринмас йиғи бор, лабингда, қара,  
Яширин кўз ёшдан кўзинг афтода.  
Юрагинг тубида беркинмиш яра, -  
Азизам, бизларга бахт йўқ дунёда.

## 20

Куй бошлади гижжагу най,  
Жўр бўлди-ку ноғоралар:  
Оҳ, мен севган қизни, нетай,  
Бугун эрга бермоқдалар.

Янграр гижжак, қўшноғора,  
Шовқин аро аммо бир оҳ:  
Малоиклар, дили пора,  
Қисматимиз қарғар, эвоҳ.

## 21

Бутунлай унутдинг кўпдан буён сен  
Юрагинг соҳиби бўлганимни мен.  
Ул юрак бир ширин, бир жажжи, бир қув,  
Ундан қув, ширинроқ нарса йўқ, сулув.

Бутунлай унутдинг сен кўпдан буён  
Юрагим бўлганин ишқ, ситамдан қон.  
Билмам, ишқ кўпмиди унда ё ситам?  
Билганим — чўнг эди иккаласи ҳам!

## 22

Билганида гуллар мабодо  
Юрагимнинг жароҳатини,  
Йиғлардилар дардимга ошно  
Аямасдан шафоатини.

Билса эди булбуллар не ҳол, —  
Менинг ишқим таъмаларини,  
Куйлардилар мен учун дарҳол  
Энг ёқимли наъмаларини.

Билса эди ситамларимни,  
Олтиннигоҳ юлдузлар учиб,  
Кеткизай деб аламларимни,  
Сўзлардилар ёнимга тушиб.

Улар билмас қайғумни, аммо,  
Бир гўзалга фақат у аён:  
Чунки ўша, ўша бепарво  
Қилмиш менинг юрагимни қон.

## 23

Нечун сўлмиш бирдан атиргул,  
Айтгил менга, жонгинам, нечун?  
Нечун кўм-кўк майсалар малул,  
Бинафшалар бош эгмиш нигун?

Нечун тилар ҳавони етим  
Бўзтўрғайнинг аламли саси?  
Нечун ҳаёт дарахтидан жим  
Таралади ўлим нафаси?

Нечун қуёш сочар совуқ нур,  
Адирларга боқар хўмрайиб?  
Нечун борлиқ кулранг, бесурур,  
Қабр каби ётар шумрайиб?

Нечун ғариб, хастаман ўзим,  
Айтгил менга, жонгинам, бу пайт?  
Айтгил менга, суюкли кўзим,  
Нечун мени ташлаб кетдинг, айт?

## 24

Улар қанча тарқатдилар гап,  
Қанча ғийбат, қанчалар ёлғон!  
Билмадилар, лекин, ёмонлаб,  
Дил дардимни, афсус, ҳеч қачон.

Ачиндилар улар ғаминг еб,  
Раҳми келиб чайқатдилар бош  
Атадилар мени ёвуз деб,  
Қулоқ тутдинг ғийбатга юввош.

Энг ёмони, лекин, то ҳануз  
Кўринмади ғийбатларида —  
Нимаданки мен қилсам номус —  
Ёпиқ қолди қалбим қаърида.

## 25

Жўкилар гуллаган, булбуллар хушхон,  
Қуёш ҳам жилмаяр дўстона, қувнаб:  
Бўйнимга чирмашиб, лаб чўздинг комрон,  
Потраган кўксингга, сўнг, босдинг ёниб.

Қаргалар қағиллар, баргларда гусса,  
Қуёш ҳам хўмраяр, авзойи ўзга;  
«Алвидо!» дедик биз — хўшлашув қисқа,  
Киборий таъзиминг ўхшарди музга.

## 26

Биз у пайт ҳислардан ёнардик лов-лов,  
У дунё на гўзал, қандай бокира!  
Кун бўйи ўйнардик биз «келин-куёв»,  
Жанжалу аразни билмасдик сира.  
Биз у пайт ўпишиб, бўса санардик,  
Қучишиб шўху шан, эркаланардик.  
Болалик қилдиг-у, ўрмонда бир кун  
Беркинмачоқ ўйнаб, яширдик изни.  
Шу-шу биз излаймиз, чорлаймиз нигун,  
Лекин тополмаймиз бир-биримизни.

## 27

Содиқ қолдинг сенгина ҳар вақт,  
Бир сенгина қўлладинг қоим,  
Таскин бўлдинг шафиқ, мулойим,  
Мендан юзин ўгирганда бахт.

Нон-сувимдан бўлдинг хабардор,  
Қарз ҳам бердинг, кийим-кечак ҳам  
Ва сафарга отланганим дам  
Бошпуртни ҳам келтирдинг тайёр.

Жоним! Сени асрасин Худо  
Кун тигидан, аёздан доим  
Ва шафқатинг учун, илойим,  
Ғазабини кўрмасин раво.



Бағрат ШИНКУБА

# Кетганларнинг сўнггиси

Роман

## ТОҒЛИК ҚИЗЛАР ҚИСМАТИ

**Ж**уна кетганидан бери орадан уч ой ўтди. Кетди-ю, сувга отилган тошдек жим бўлди-қолди. Баъзан Шардин ундан салом деб кўярди. Гўё Салим пошодан унинг номига келган дўстона номаларда шундай ёзилган бўларкан. Ва бирдан почтачи хат олиб келди. Бизга ҳеч қим хат ёзмасди, шунинг учун Жунадан бўлса керак, деб ўйладик. Ўзининг хат-саводи йўқ эди, балки кимдандир илтимос қилиб ёздиргандир. Бизлардан ўқишни ҳеч қим билмасди, бунинг устига нома туркча ёзилганди. Ёрдам сўраб кекса саводхон Мзауч Абухбага мурожаат қилдик. Жуна соғ-саломат экани, тақдиридан розилиги ҳақида ёзибди. Сизларнинг ҳаммангизни жуда соғиндим, айниқса, Кунани кўргим келаяпти. “Куна Измитга келиб кетса жуда зўр бўларди-да, бир-икки ҳафта ёнимда бўлса, ўзи ҳам кўнгил ёзарди, мени ҳам қувонтирган бўларди”. Хат ёз тунидай қисқа эди, лекин у бизникиларга анчагина хотиржамлик бахш этди.

Кўп ўтмай дарвозамиз олдига безатилган извош келиб тўхтади. Унда иккита қора кийинган аёл келганди. Иккаласи ҳам юзига чодра тутганди. Улар уйга кириб таъзим бажо келтиришди:

– Ассалому алайкум! – дейишди, кейин ўзларини таништиришди: Бизлар қизингиз Жунанинг канизларимиз! Хоним, марҳаматли бекамиз сизларга яхши тилақларини йўллаб, меҳр-муҳаббатини изҳор қилдилар. Оллоҳга шукр, ўзи шод-хуррам юрибди, гўзаллигидан таралган нур эса бутун сарой аҳлини нурафшон этмоқда. Биттагина қайғуси бор Жунанинг, у ҳам бўлса сизларни соғингани! Агар бизлар унинг қаҳрининг қурбони бўлишимизни истамасангиз, илтимос қиламиз, Кунага опасини кўргани боришга рухсат берсангиз. Гўзал маликамиз шундай қувончга лойиқдир.

Шунда извошчи каттагина қути кўтариб кирди.

– Мана бу сизга бизнинг ҳукмфармо хонимимиздан.

Қутилмаганда Жуна канизларининг келиши, унинг шоду хуррам яшаётганидан гувоҳлик беришлари бизларни роса қувонтирди. Кунага келсак, бизнинг севикли синглимиз ота-онасига ялиниб, опасини бориб кўришга рухсат сўрайверди.

Онам билан отам кўнгиллари эриб, ялиниб-ёлвориш ва илтимосларга дош беролмадилар, рози бўлдилар ва Куна яسانيб Жунанинг канизлари билан жўнаб кетди. Унинг тантанавор жўнаб кетиши ҳалокатли бўлишини ким ўйлабди дейсан...

Охири. Боши ўтган сонларда.

Кунлар ўтди, ҳафталар ўтди. Лекин Кунадан дарак йўқ. Биз умидсизликка тушиб, мушкул аҳволда қолдик.

– Ё Худо, балки бирор фалокат юз бергандир. Сизлар бўлсангиз, учта эркак, қўл қовуштириб ўтирибсиз, – дадил бўлишга ундади онам.

Ташвишдан ич-этини еяётган отам жон ҳолатда Шардин ҳузурига югурди. У бўлса отамга таъна қила бошлади:

– Оламни бузишингни қара, қари хўроз, гўё қизларинг очиқ денгизда чўкиб кетаяпти ёки қалин ўрмонда адашиб қолгандай! Улар оқ мрамрдан ишланган саройда маза қилиб кўнгил очаяптилар, истаган нарсалари муҳайё қилинаяпти, сенинг айюҳаннос солганингга ўлайми? Буни қаранг-а, унинг қизи Куна бир неча кунга ушланиб қолибди! Ахир, опа-сингиллар кечаю кундузни кўнгилхушликлар билан ўтказишаётган бўлса, қизинг ушланиб қолмай нима қилсин! Сен яхшиси эрталаб кўзингни очишинг билан таҳорат қилиб, Оллоҳга ибодат айла, зеро у бизларга Салим пошодай одамни рўбарў этди. Ана қара, у рафиқамга қандай ҳадялар юборди! Оёғинг остидаги гилам унинг саховатидан. Ана тилла патнисдаги кўра<sup>1</sup> – бебаҳо. Яхшиси уйингга бор. Яқинда қариндошимиз Салим пошога меҳмон бўлиб бораман. Сенинг Кунангни шахсан ўзим эсон-омон уйингга етказиб бераман. Аммо йигитларингни армиядан Салим пошо ёрдамида мен қутқариб қолганимни унутмасинлар. Бор! Борақол!

Шардин Салим пошога яқинлигини ҳар сўзида таъкидлар эди. Бу фойдадан холи эмасди, чунки бировлар убиҳлар сардори ҳимоясида бўлишга йўл изласалар, бошқалар ундан кўрқиб сўзсиз бўйсунардилар. Бундай одам устидан шикоят қилолмайсан, унга гап ҳам қайтара олмайсан. Шардиннинг дилида эса Салим пошодан ҳам юқорироқ кўтарилиш орзуси бор эди. Ҳожи Керантух сояда қолиб кетгандек бўлгандан сўнг убиҳлар номидан сўзни Шардин айтадиган бўлганди. Шардин бой эди, бироқ Салим пошо хазиналари олдида унинг бойлиги нима деган гап? Бунинг устига Измит губернатори олдида унинг ҳокимлиги қаерга ҳам борарди. Мана шунинг учун ҳам аслзода муҳожир ўз ҳокимлигининг чўққисига элтадиган яқинроқ сўқмоқни эҳтиёткорлик билан излай бошлади. Кўчиб келганларининг биринчи йилиёқ султон онасининг ҳузурига киришга муваффақ бўлди. Мен сенга, Шарах, айтгандим у хонимнинг адигей қизи эканлигини. Шардинга тан бериш керак, бу аёлни авраб ўзига оғдира олди. Натижада султоннинг онаси убиҳларнинг Усмон кўйдан ер олишларига ёрдамлашди. Шардин ҳид олишга, воқеаларнинг бориши, қаерда нима бўлаётганидан хабар топишга жуда уста эди. У саройдаги барча кўтарилиш ва қулашларни ҳисобга олар, акс садо сингари уларга дарҳол жавоб қайтарар, султон яқинларининг қитиқ патига тегиб, уларнинг ҳасадини кўзгарди. Шардин мартаба пиллапояларидан юқорироқ кўтарилиш учун ҳатто киприк қоқмай барча тоғлиқ муҳожирларни қурбон беришга ҳам тайёр эди. Салим пошо кавказлик қўноғининг шуҳратпарастлигини билар, лекин унинг ҳар қандай йўллар билан бўлмасин, ўзидан ўзиб кетишга интилаётганидан беҳабар эди. Шардин борган сари Истанбулга тез-тез қатнайдиган бўлиб қолди. Баъзан у адигейлик султон хонимни зиёрат қилиб, ойлаб Туркия бошкентида қолиб кетарди. У юксак мартабали бу аёлнинг йиллар таъсирини ўтказмаган чиройини оғзидан бол томизиб мақтаб, хонимнинг қулоғини қиздирарди. Шардин Алоу ўғли унга хотини ва синглиси Шанда-

<sup>1</sup> К ў р а – ваза.

ни кўрсатди, таништирди. Ҳаммаси аъло даражада бошланди. Бора-бора султон саройида одат тусига кирган қабул маросимлари ва зиё-фат-базмлар Шанданинг иштирокисиз ўтмайдиган бўлди. Шандани биринчи марта кўрган султон хоним Шардинга таъна ҳам қилди:

— Бу нимаси, муҳтарам зот, шундай гўзал синглинг рухсорини биздан яшириб юрган экансан-да?

Агар бирор аёл ўзидан ёшроқ бошқа бир аёлнинг ҳусни жамолини ошкора мақтар экан, бу бежиз эмас.

Туркия ҳукмдорининг онаси яхши қабул қилди, эркалади, ўз узукларидан бирини Шанданинг бармоғига тақиб қўйди, хурлиқо қизни “Кавказ олмаси” деб атади. Тан олиш керак, Шанда самовий фаришталигидан ташқари, инсоний фазилатлари билан ҳам ажралиб турарди: у қачон камтар бўлиш, ўзини тута билиш, кўп гапирмаслик ва мўминлик кўрсатишни яхши биларди. Шардиннинг синглиси энди саройда тез-тез кўринадиган бўлиб қолди. Султон хонимнинг сайрларида ҳамроҳлик қилар, кашта тикиб ўтираркан унинг ҳикояларини тинглар, унга убихлар қўшиқларидан куйлаб берарди.

Тахтга ўтирган Абдулазиз ички муҳолифлари — “янги усмонлилар” фитнасини бостирди ва уруш давом этаётганига қарамай, қандини уриб яшарди. Марҳум отасидан фарқли ўлароқ, мамлакатнинг ёш ҳукмдори ўз яқинлари билан дунё воқеалари ҳақида чақчақлашиб ўтиришни ёқтирмас, китоб ўқишга эринар, маслаҳатчилари сергап бўлса зерикиб кетарди... Эҳ, қани энди барча давлат ишларини вазир елкасига юклаб, ўзи хўроз уриштиришларни томоша қилса, овга борса, от чоптириб яйраса, аёллар яқинлигидан баҳра олса.

Бувисининг янги эркатойи унга ёқиб қолди. Шанданинг гўзаллиги муносиб тақдирланди ва у ёш султоннинг учинчи хотини бўлди. Воқеаларнинг бундай тус олиши Шардинга сеҳрли тушдай бўлиб кўринди. Турк султонининг қайноғаси бўлиб қолган Шардин, энди Усмон кўйдек овлоқ жойда яшаш менга ярашмайди деб ҳисоблади. Барча яқинлари ва ишончли кишилари билан Истанбулга кўчиб ўтди. Темирни иссиғида босиш керак.

Абдулазиз янги хотинининг нозу адоларидан ҳузур қилиб, бахтиёр яшарди. Маълумки, эркаклар ҳеч қачон асал ойидагидек гапга кўнадиган ва саховатли бўлмайдилар. Акасининг зобитликка кўтарилишга ва катта маош тўланишига эришиш Шандага унча қийин бўлмади. Тушга ўхшаган чинакам ҳаёт давом этарди. Шардин Алоу ўғлига зобитлик унвони бериш тўғрисидаги олий фармонни бош вазирнинг ўзи ўқиди. Менинг эмиқдош амакимга тан бериш керак, у жуда абжир ва айёр эди, истаган одами олдига похол солиб кета оларди. У бир қўлини пешанасига, иккинчисини юрагига қўйиб, Оллоҳнинг ердаги ноибига миннатдорлик билдираркан, бор овози билан урушга бориш истагини изҳор этди.

— Офарин, ибратли намуна, — табриклади унинг қарорини бош вазир.

Синглисининг сеҳри билан узоқ яшаш мумкин эмаслигини Шардин яхши биларди. Бунинг устига Абдулазиз ҳам муҳаббат бобида барқарорлиги билан ажралиб турмасди. Айни чоғда ҳасадгўй сарой аъёнлари тилларини тишлаб акасининг шуҳратини Шанданинг никоҳ тўшағида оширди деган гап тарқалмаслигига ким кафолат беради. Султонга хизмат қилатуриб қон тўкиш ёки ҳатто ўлишга тайёрлик катта ўйиндаги яхши кузир эди. Ва Шардин Алоу ўғли армияга жўнади.

Буни қарангки, у Болқондаги олдинги сафларга етиб келди. Бу ерда руслар катта шаҳардан турк қўшинларини ҳайдаб чиқарган эди.

Штаб бошлиқлари бу ёмон хабарни Истанбулга қандай етказиш тўғрисида бош қотирардилар. Машъум хабар билан султон хузурига боргандан кўра, қилич яланғочлаб ҳужумга ўтган маъқул. Чопар олиб келган хабари учун жавобгар эмас, дейишлари бекор гап. Қора хабар келтирган саройдан тирик чиқмаслиги мумкин. Шунда кимдир Шардин Алоу ўғли номини эслатди. О, зўр фикр: султоннинг қайноғаси! У номаъқул топшириқдан бош тортмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин нима ҳам қила оларди. Бу ер — уруш, рад этсанг, ўч олишади, ўз ўқинг билан отиб ўлдиришади. “Нима бўлса бўлар”, деди-да Истанбулга от кўйди. Пойтахтга етиб келган Шардин саройга бормади. Қадрдони — қаҳвахона хўжайини уйига яширинди. Унинг ёрдамида синглисини ёнига чақирди. Улар Шанда қурбонликка келтириладиган одамни топиши, у эса Шардиннинг саройда пайдо бўлишидан олдин кириб, султонга Болқондаги мағлубият ҳақида хабар бериши тўғрисида келишиб олдилар. Сохта хабарчи қонга беланганча, саройдан зўрға оёғини судраб чиқаркан, Шардин юмшоқ гиламлар устида енгил қадамлар ташлаб, султоннинг олдига жароҳатларга малҳам қўювчи бўлиб кирди. Кўпчилик сарой аъёнларининг ҳозир султоннинг қабулидан боши олинган убиҳни судраб чиқадилар деган умидлари чипакка чиқди. Аксинча, Оллоҳнинг ноиби ғамгин, лекин ёруғ юз билан жанговар яроғлар тақиб олган қайноғасининг кўлидан ушлаб, улар хузурига чиқди ва таъзимда турган аслзодаларга мурожаат қилиб, деди:

— Шавкатли Шардин Алоу ўғли оғир жангдан соғ-омон чиққани учун мен уни жасорат нишони билан тақдирладим!

Яқиндагина сарой аъёнлари уни “маҳмадона”, “дайди”, “бегона” деб аташарди, энди бўлса у ҳақда орқаворотдан ҳам бирор ёмон гап айтишга ботинолмайд қолишди. Бунинг устига полиция вазири уни ўзига кутвал қилиб олди.

Ҳаммаси айнан шундоқ бўлганмиди, йўқми, аниқ айтолмайман, Шарах. У Истанбулга кетганидан кейин Шардин ҳақида эшитганларимни гапираёпман. Қисқаси, қанчага олган бўлсам шунчага сотдим.

Усмон кўйда қолган убиҳлар султонга яқинлигини турлича талқин қилардилар. Бир хиллар буни убиҳлар аҳволининг яхшиланишига йўярдилар.

— Агар бирор нарса бўлса, тўғридан-тўғри унга мурожаат қилиш керак. У бизларни хафа қилдириб қўймайди! — дерди бошқалар.

— Қузғунни бургут деяпсизлар! У ота-онасидан юз ўгирган. Яхши-си Худога ибодат қилинглар, токи Шардин туфайли ҳаммамиз балога учрамайлик, — таъкидлади яна баъзилари.

Отам эмикдош биродари учун ташвишланар, уни соғинарди. Мен эса унинг кетганидан хурсанд эдим. Умримда кўрмаганим маъқул!

Эрталаблари мен қариянинг ёрдамида убиҳ тилини ўрганардим, тушдан кейин унинг қиссасини тинглардим. Дастлаб менинг ишим шу тарзда давом этди. Лекин кўп ўтмай бу тартиб бузилди. Зауркан Золак ўз ҳикоясига шу қадар берилиб кетдики, қачон хоҳласа шунда, баъзан эрталабдан бошлайверарди.

Менинг рўпарамда, кўпни кўрган устоз. Унинг ҳаёт қиссаси ҳар қанча қизиқарли бўлмасин, мен убиҳча луғатни тўлдиришга вақт топардим. Ўзим уни келган дастлабки кунларимдан бошлагандим. Ўтган кун ва кеча уруғчилик атамаларини, бугун уй-рўзгор буюмлари ва ишлаб чиқариш қуролилари номларини ёзиб чиқдим.

Бугун эрталабдан Заурканнинг кайфияти ёмон бўлди. Нимадандир ташвишда ва кўп чекаётир. Эрталаб, нонушта пайти бекордан-бекорга Бирамни жеркиб берди, овқатини емай туриб кетди. Туш



маҳали одатдагидай дам олгани ётмади, ҳовлида наридан-бери юриб турди. Бирам халтага товоқ ва қошиқларни солиб кетаётганини кўргач, уни сўкди. Лекин Бирам индамади.

Зауркан ҳамон ҳовлида айланиб юрарди, лекин “бугун уни безовта қилмай қўя қолай” деб ўйлаган чоғим, бирдан ўтирди ва мени ёнига чақирди.

Мен ёнига ўтириб ёзишга тайёрландим. Лекин у узоқ вақт гапини бошлай олмади, кафти билан ажин босган пешанасини қайта-қайта силар, хотирасини тикламоқчи бўлаётгандай эди.

У ҳикоясини бошлади-ю, негадир чалкаштирар, бир воқеадан иккинчисига ўтиб кетарди. Бугун унда қандайдир ички безовталиқ, нимадандир жаҳли чиқарди. Бирамни уришиб бергани ҳам шундан бўлса керак.

Аммо мен бугун баъзи нарсаларни ёзиб олдим. Зауркан Сахаткери Усмон кўйни тарк этгач, унинг ўрнига Ўрхон деган бир муллани юборишгани ҳақида гапирди. Янги мулла аввалига халқ билан тил топишиб кетгандай бўлди, у ҳақда ҳатто Оллоҳнинг ҳақиқий тақводори экан, дейишди. Лекин кейинчалик у усталик билан ўз йўлини олиб борди. Тўй ва дафн маросимлари убиҳлар қадимдан одатлангандай эмас, балки мусулмонлик шартлари бўйича ўтказилиши талаб қилинди. Мулла халқни тез-тез мачитга чақириб зикр қилишга ўргатарди: “Оллоҳ унга ҳамду санолар айтувчи овозни ҳамиша эшитади!” Оилада бола туғилса Ўрхоннинг рухсатисиз унга исм қўйиб бўлмасди. Аёлларга чодрасиз ташқари чиқиш қатъиян ман қилинди. Агар кимдир бирор марта мачитга боролмай қолса, жозия тўлаши керак эди. Мачитга киришдан олдин тоғликлар қурол-яроғини ҳовлида қолдиришлари шарт эди.

Зауркан менинг ёнимда Сахаткери номини тилга олганда титраб кетарди. Уни шу қадар ёмон кўриб қолганди. Бошқа муллаларга, умуман, лоқайдлик билан қарар, мусулмон диний урф-одатлари ҳақида кам гапирар, афтидан уларни яхши билмасди.

– Мен Оллоҳ номини сотиб, бир томчи тер тўкмай бой-бадавлат яшаётганларнинг ҳеч қайси бирига ишонмайман. Эҳ, азизим Шарах, агар тоат-ибодат одамларга бирор фойда келтирганда, эҳтимол менинг отам бойиб кетарди. У ибодат қилмасди дейсанми? Бироқ ундан бахтсизроқ одам йўқ эди!

Қария отасини эслаб бошини ҳам қилди, узоқ жим қолди. Шундан сўнг бирдан улар учун янги ерларда убиҳлар дуч келган қийинчиликлар ҳақида гапира кетди. Унинг гапларига қараганда ерлар Убиҳияга нисбатан жуда оз эди, хилма-хил солиқлар эса кўп эди. Ёзда иссиқ, қишда эса шунақа совуқ бўлардики, бошқа деҳқонлар сингари убиҳлар ҳам уйларини лой ёки гўн билан сувар эдилар. Бу Убиҳияда шармандалиқ ҳисобланарди.

Яна шуни таъкидладики, бу ерда узум ўстириш мумкин экан, убиҳлар бу ишга қўл уришмоқчи бўлишди-ю, лекин узумдан фақат майиз олиш мумкин, Туркияда мусаллас солиш мутлақо тақиқланган экан. Кимнингдир уйда шундай нарса топилса, қишлоқдан ҳайдаб юборишаркан.

– Олдинлар убиҳнинг шаробсиз яшаганини ким кўрибди. Шаробсиз нон-намак қўйилмасди дастурхонга! Узумсиз, шаробсиз ҳаёт — ҳаётми? Тўйлар шаробсиз ўтказилмас, меҳмон шаробсиз кутиб олинмасди! Эҳ-ҳе, инсон нималарга кўникмайди дейсиз! Ишонасанми, дад Шарах, ҳозир менга шох тўла шароб берсанг, қадаҳ сўзини айттолмайман. Қадаҳ сўзини ҳам, шароб тамини ҳам унутиб юборганман!

Бугунги кунимиз шу билан тугади. Эртага яна суҳбатимизни давом эттириш учун жой-жойимизга кириб ухладик.

Жума куни эди. Эркакларимиз мачит олдидаги михларга қуролларини илиб намоз ўқишди. Янги мулламиз Ўрхон ўқиди:

– Ла илаҳа иллоллоҳ. Бизни ўзинг ёрлақагил, ё Оллоҳ. Тўғри йўлга бошла! Марҳаматингни дариф тутма, илоҳим!

– Омин! Омин! – дейишди намоз ўқиётганлар.

– Ҳақиқий мусулмон марҳаматли ва раҳмдил Оллоҳдан умидвор бўлиши, унга ишониши керак! Ким чин дилдан ишонса, истаган нарсани амалга ошади.

– Омин! Омин!

Эшик очиқ бўлганидан телпакли бир киши остонада турганини кўрдим. “Мачитга кирмадими, демак бу ерлик эмас”, – ўйладим мен. Лекин афти менга танишдек кўринди. Намоз тугади. Мен ханжарни белимга тақарканман:

– Хайрли кун, Зауркан! – деди ҳалиги одам, соф адигей тилида. Мен ўгирилдим:

– Муҳаммад! Нима қилиб юрибсан бу ерда?

Қаршимда бувимнинг жиянларидан бири турарди. Мен сенга бувим адигей қизи эди деб айтгандим. Биз муҳожир бўлганимиздан бери Муҳаммад билан кўришмаган эдик. Уни Измит яқинида жойлашибди деб эшитгандик. Отам билан Мата ҳам келишди. Улар Муҳаммадни қуриб, роса хурсанд бўлишди, қучоқлашиб, ўпишишди.

– Нега турибмиз! Юринглар, уйга, – деди отам.

– Мен уйингизга кирдим, Насини кўрдим. Сизларнинг шу ердалигингизни айтди, – деди Муҳаммад. Унинг шошилаётгани сезилиб турарди. – Вақтим зиқ. Бугун кечқурун қайтишим керак... Балки шуниси яхшидир, биз ҳозир ёлғизмиз. Гапларимни эркакларга айтаман...

Биз яхши тушундик. Муҳаммаднинг бошига машъум хабар келтирган чопар куни тушганди.

– Илтмос, бардам бўлинглар!

– Нима бўлди? – зўрга сўради отам.

– Салим пошо Кунани хотинликка олди!

Биз сесканиб кетдик. Гўё олдимизда нимадир портлагандек бўлди. Муҳаммад эса, қайғу билан давом этди:

– Мен ана шу лаънати пошонинг саройида соқчи бўлиб хизмат қиламан. Бир куни опа-сингиллар мени яширинча имо билан қақирдилар-да, йиғлаб тайинладилар: “Азиз қариндош, жонингдан кечиб бўлса ҳам акаларимга хабар қил... Биз ўлаётганимизни айт. Бизларни яхши яшайаптилар деганларига ишонишмасин. Бизни алдашди, номусимизга тегишди. Агар акаларимизнинг бизни бу нас босган ердан қутқариб олишга ҳеч қандай имконлари бўлмаса, бизлар билан ви-долашишсин!”

“Агар худо бор бўлса, бунга йўл қўярмиди?” – дедим мен мачит олдида турарканман, ғазабдан титраб.

– Менга ишонсанглар бўлади! – деди-да, уни Измитда қандай топиш мумкинлигини айтиб, Муҳаммад кетди. Кўзларимга қон қуйилди. Шу дамда чақмоққа айланиб мачитни ёндириб юборгим келиб кетди. Зеро, мен учун худонинг ўзи мавжуд эмасди.

Уйга қайтиб келгач, қариндошларни тўплаб, эшитганларимиздан хабардор қилдик. Бизнинг қайғумиз уларнинг изтиробини билан қўшилиб кетди. Онам бўлса, қизларининг кийимларини каравотга қўйди-да уларга аза очиб йиғлай бошлади.

Убихлар мамлакатада бир эркак опа-сингилга уйланмасди. Агар шундай воқеа юз берса, тавқи лаънат ёғдириларди.

Мен ва Мата қасам ичдик: сингилларимизга қилинган шармандалик учун қасос олмасак, одамлар кўзига кўрингунча ўлганимиз маъқул.

Отам Шардин ҳамда синглиси Шандадан ҳимоя излашга қарор қилди. Лекин қора йилда ой ўн бешта бўлади, деб тўғри айтишган. Отам қуруқ қайтиб келди. Шардин Болқон жабҳасида, рафиқаси билан ўгли Францияда сайру саёҳатда экан. Шанда хонимнинг ой-қуни яқинлашгани учун одамлар кўзига кўринмасликка қарор қилибди. Шунинг учун отамнинг тарвузи қўлтигидан тушиб қайтди. Бор умид ўзимиздан эди. Муҳими қўл қовуштириб ўтирмаслик керак. Биз укам билан йўлга отландик. Тонг пайти уйдан чиқдик. Мен то бурилишга-ча орқамга қараб-қараб бордим. Отам билан онамни қайта ва қайта кўриш учун қайрилиб қарардим. Онам қора шол рўмолга ўралганча, ҳассага суяниб турарди. У жудаям озғин эди. Отам қўлларини кўксига чалиштириб елкаси билан дарвозага суянганча бизни кузатарди. Ҳасрат юрагимни ўртаб юборди, наҳотки уларни бошқа кўрмасан? Уйимизнинг томи узра бир парча тутун осилиб турарди. У жойида қотиб қолганди. Гўё ўчоғимиз тез орада абадий ўчиб қолажагини ҳис этгандай. Оёғимиз остидан чиқаётган чангдан эшигимиз, уст-бошимиз, юзимиз бир хил рангга кирганди. “Эҳ, — афсусландим мен, — учқур отим Бзоу мен билан эмас-да. Асл аргумоқ эди. Измитга елдай учиб борарди”.

Биз ўз юртимизда яшаган пайтимизда, ҳатто энг камбағал одам ҳам йўлга отда чиқарди. Тўй, маракага отда боришарди. Келинни бир хил зотдаги от қўшилган фойтонда олиб келишарди. Оилада ўғил фарзанд туғилса, той ўстиришарди. Ўлган ёки ҳалок бўлган тоғлик олди-га соҳибининг яроғи осилган отини боғлаб қўйишарди ва йиғлашарди. Ҳа, Шарах, аждодларимиз от томирларида инсон қони оқади деб бежиз айтишмаган. Йиғлашарди ва куйлашарди:

Эркакнинг жони  
Ва тулпор жони  
Ягона зимдан —  
Қадим-қадимдан.

Бегона юртга тушиб биз отсиз бўлиб қолдик. Бу ерда от ўрнини эшак эгаллади. Кимнинг эшаги бўлса, энг бой одам ҳисобланади.

Измит чеккасидаги бозор яқинида, адигейлик Муҳаммаднинг уйида яшаётганимизга бир ҳафта бўлди. Ҳар куни лаънати Салим пошонинг саройи атрофида айланамиз, сингилларимизга биз шу ердалигимиз ҳақида хабар қилишнинг ҳеч иложи бўлмапти. Биз келишимиз олдидан Измитда ҳарамда ўғирлик юз берган экан. Аёлларга сайр қилишни тақиқлашиб, кўриқчиларни кучайтиришибди. Умидсизликка тушган Мата таклиф этди:

— Пошонинг олдида бориб, сингилларимизни ўз ихтиёри билан қўйиб юборишни сўраймиз!

— Яна нимани хоҳлайсан,— тўнғиллади алам билан Муҳаммад.— Итнинг думини ёғочга ҳар қанча боғлама, барибир тикка бўлмайди! Ҳақиқат изламоқчи бўлган одамнинг қара-ю!

— Менга роса алам қиларди: Шардин Усмон кўйдалигида нега чавоқлаб ташламадик. Шу қариндошимиз бизга қилган ёвузликни

бирорта душманмиз қилолмаган бўларди. Мен борган сари шунга ишонч ҳосил қилардимки, Шардин сингилларимизни бирор хизмати эвазига Салим пошога сотиб юборган. Убихияда у бунга журъат қилолмасди!

Ҳеч нарса қилолмаслигимиздан эзилардик. Кунлар ўтиб борар, бизлар эса ҳеч нима қилолмасдик. Ниҳоят, Муҳаммад шу ерда — Измитдалигимизни хабар беришга улгурибди. Улар Муҳаммад орқали Жуна ҳеч қандай хат ёзмаганини, сизларни алдаб Кунани олиб кетган аёллар унинг топширигини бажаришмаганини айтишди.

Биз шуни ҳам билиб олдикки, Жуна сингилсининг бахтсизлиги учун ўзини айбдор ҳисоблаб, томоғини шиша билан кесишга уринибди.

Баҳор эди. Шаҳарга илиқлик югургандек бўлди. Муҳаммад хабар берди: эртага жорияларга боғда айланишга рухсат берилибди. Вазият бизга кулиб боқди: Муҳаммад эрталаб дарбонликка тураркан. Биз туш пайти Салим пошо фаввора яқинидаги магнолия соясида ўтириб, канизаклар билан кўнгил очишини билгач, шундай қарорга келдик: туш бўлишдан олдинроқ мен боққа кираман. Мата дарвоза ёнидаги йўлакда шай бўлиб туради. Мен сингилларни дарвозадан олиб чиқишга ҳаракат қиламан ва уларни олиб кетамиз. Агар мен уларни сездирмай олиб чиқиб кетолмасам, қизларнинг қочишини пана қилиб тураман, қувиб келувчиларни қўлда қурол билан қаршилайман. Муҳаммад қизлар билан кетиши керак, унинг Измитда қолиши мумкин эмас. Соҳилда бизни ёллаган одамимиз кутиб туради. Измитдан ўн чақиримча сузиб ўтганимиздан сўнг, тоғда яширинамиз деб мўлжалладик. Мата билан мен хун олувчилар қиёфасида эдик, ўч олиш вақти етганди.

Баҳорги боғ булутлар билан боғлангандай эди: мевалар гулга кирганди. “Баҳорнинг келишига бу боғ қандай суюнсин, ахир унда сингилларим кўз ёш тўкишмоқда-ку?! Сингилларим инграб турган бу боғда булбуллар қандай сайрасин? Салим пошони нега яшин урмайди?!” ўйлардим боғ девори ёқалаб борарканман.

Муҳаммад дарвозани очиб берди ва мен ичкари кириб олдим.

— Ҳув анови йўлақдан бор, — деди у менга.

Мен овдагидек, жимгина, нафас олмай, шоҳлар орасидан мўра-лаб юриб борардим. Боғнинг тўрида уч қаватли сарой оқариб турарди. Менга у бўм-бўшдай кўринди. Деразаларидан ҳеч қандай товуш эшитилмас, эшикларидан ҳеч ким чиқмас эди. Унга яқинлашиб, буталар орасига яшириндим. Ўнг томонда сувнинг шилдираши эшитилди. Ёнгинамда фаввора сув сачратаётганини фаҳмлаш қийин эмасди. Бирдан четдаги эшик очилиб, ундан иккита кеска киши чиқди. Кийимига қараб унинг биттаси катта қизлар-ога<sup>1</sup> си экангини англадим. Бир-бирларига нималардир дедилар-да, ажралишиб кўздан гойиб бўлдилар. Кўп ўтмай қизлар кўринди. Улар биттадан, иккитадан бўлиб мрамар зинадан тушиб боғнинг соя-салқинига киришди. Булар пошонинг жориялари эканлиги аниқ эди. Ҳаммаси ёш ва келишган, лекин ранглари сўлгин эди. Улар орасида сингилларим кўринмади. Менинг ёнимдан гаплашиб ўтганларнинг сўзларига тушунмадим. Улар мен сира эшитмаган тилда гаплашарди. Бирдан кўзим улар орқасидан келаётган учинчи қизга тушди. Кўз ўнгим қоронғилашди, юрагим музлаб қолди. У Фелдиш эди. Бошқача овозда уни чақирдим:

— Фелдиш!

<sup>1</sup> Қ и з л а р-о г а —ҳарам оғаси (бичилган қул).

Менинг кутилмаганда пайдо бўлишим уни шу қадар шошириб қўйдики, оғзини очганича менга қараб қолди. Кейин ўзига келиб:

– Бу сенмисан, Зауркан? – деб сўради.

– Фелдиш, қўрқма, сени қутқараман!

– Қўрқаётганим йўқ. Барча қўрқувлардан ўтиб бўлганман. Сен сингилларингни излаётган бўлсанг керак? Жуна ҳалиям мажолсиз. У шиша билан томоғини кесди. Куна уни ёлғиз қолдиришни истамаяпти... Бизлар битта иблиснинг қурбонимиз.

– Ё худо, бу ерга қандай тушиб қолдинг?

– Тўрт йилдан бери шу ерданман. Денгиз ортидан сотиб олинган ниҳолни у хоҳлаган жойга экмайдилар.

Унинг елкасидан ушлаб, юзини юзимга яқинлаштирдим-да, қатъий оҳангда дедим:

– Менинг бурчим сингилларимни ва сени бу ердан қутқариб олиш!

– Сингилларингга сени кўрганлигимни айтаман. Мени қутқаришга кеч бўлди... – Бошини эгиб, йиғлаб юборди. Мен ўлганман. Сен кеч қолдинг! Қўлингни теккизма менга, мен моховдан баттарман. Алвидо, Зауркан!

Қўли билан юзини беркитиб, бурилди-да, тез-тез юриб сайр қилаётган аёллар олдида борди. Бутун суяқларим мажақлаб ташлангандай, турган жойимда қотиб қолдим. Аста ўзимга кела бошлагач, хизматкорларнинг фаввора атрофида изғиб юришганини кўрдим. Дарахтзорнинг ичкарасига кириб бориб, фавворага яқинлашдим. Отилаётган сув шовваси устида камалак жилва қиларди. Фаввора яқинидаги соя жойга қалин гилам тўшашди, ёстиқлар қўйишди, ўртага юмшоқ ўриндиқ ўрнатишди. Кейин хонтахталар олиб келишди. Уларнинг устига егуликлар ва кўзалар қўйишди.

Кўп ўтмай, иккита қарол кузатувида Салим пошо пайдо бўлди. Мен уни дарҳол танидим, чунки Шардинга кўноқ бўлиб борганда кўргандим. Пакана, худди гўла дейсиз. Соқоли сийрак, қарийб мўйловсиз, шундан бўлса керак, шишган қовоқлари тошбақаникига ўхшарди. Қовоқ сингари кал бошини қизил фас бекитиб турибди. Чол анча ёшга бориб қолганига қарамай, ҳали бақувват. У дадил юриб келиб ўриндиққа жойлашди. Икки киши, энг ишончли қўриқчилари бўлса керак, икки ёнига туриб олишди. Улардан бири қоғозни ёйиб пошога ниманидир ўқий бошлади. Пошо қаҳрабо тасбеҳ ушлаб турган қўлини қаппайган қорни устига қўйиб, иккинчиси билан сийрак соқолини силарди.

Унга қараганим сайин нафратим ортиб борарди.

Хизматчиси қоғозни ўқиб бўлиб, энгашиб таъзим қилди. Пошо нимадир деди-да, қўл силтади. Қоғозни ўқиган уни ўради-да, саройга йўналди. Иккинчи хизматчи кўзадан нимадир қуйиб қадаҳни тўлдирди-да, мўъжазгина патнисда пошога тутди. Лекин у ўриндиқ орқасига суянганча мудрарди. Хизматкор қадаҳни хонтахтага қўйди. Телбавор қатъият мени олдинга итарди. Бир зумда, очиқ кунда чақмоқ чаққандек пошонинг олдида пайдо бўлдим. У менга қараб бақрайиб қолди. Қуролли одамнинг пайдо бўлишидан эсанкираб қолганди. Оқариб кетган юзини тер қоплаганди.

– Бу ерга келишга қандай журъат этдинг, қароқчи? – қўрқиб бақирди пошо.

– Йўқ, мен қароқчи эмасман, сен номусини булғаган икки сингилнинг акасиман! Агар ўлишни истамасанг, сингилларимни қўйиб юбор, пошо!

Кўзлари қўрқувдан пирпирай бошлади. Қўлим ханжар дастасидан тутганини кўргач:

– Ёрдам беринглар! – деб бақира бошлади.

Ёнида турган хизматчи бошига кимдир тушириб қолгандай қичқириб юборди ва сарой эшигига қараб чопди.

Ҳозир сарой қўриқчилари етиб келишларини англадим. Пошо ёни билан сирғалиб ўриндиқдан тушди-да, фавворани ўраб турган ҳовузга қараб тислана бошлади. Унинг кекирдагидан олдим-да, ханжаримни кўкрагига санчдим. Чол хириллай бошлади, мен уни тилла балиқчалар сузиб юрган ҳовузга итариб юбордим. Сув юзини қонли ҳалқалар қоплай бошлади ва негадир денгиз, кўчишимизнинг қора кунлари ҳамда сувда қалқиб турган муҳожирлар мурдаларини эсладим. Қичқириқлар яқинлашиб келарди. Менга энди барибир эди. Қандайдир бефарқлик қамраб олганди. Қонли ханжарим қўлимдан тушиб кетди, лекин уни ердан олмадим. Эҳтимол, таъқибдан қочиб қутулиш ва Муҳаммаднинг ёрдамида қочиб қолишим мумкин эди. Лекин бу миямга келмабди. Қўриқчилар мени ўраб олишди. Мен қаршилик кўрсатмадим. Шу тарика қўлларим боғлиқ, орқамдан милтиқ тиралган ҳолда турмага тушдим.

Бугун ўз қўлёмаларимни тартибга солаётганимнинг учинчи куни. Зауркан дам олаяпти. Лекин дам олгиси келмаётгани кўриниб турибди. У жуда узоқ вақт сукут сақлади ва юз йиллик умридан ярмини ҳам гапириб бергани йўқ. Мен уникида яшаётганим ҳафталар давомида бир неча бор хотирасида қолган нарсаларни гапириб беришга улгурмасдан ўлиб қоламан деб қўрқаётганини сезиб қолдим. Албатта, хаёлан таққослаб кўрганда тарихий саналарни, баъзан воқеалар жойини чалкаштириб юбораётгани сезилиб турса-да, юз ёшига қарамай хотирасига тан бериш керак эди.

Мен шуни ҳис эта бошладимки, фақат шу икки ҳафта давомидагина эмас, балки кўпдан бери Бирамдан бошқа бу бўсагадан ҳеч ким ҳатлаб ўтмаган. Ва яна у ёлғиз бўлганидан на янги замон, на янги сўзлардан унинг хабари йўқ. У худди қабристонда яшаётганга ўхшайди ва ўз ўтмишига шу қабрлар орасидаги сўқмоқлар билан ўликлар орасида тирик сингари бориб келади.

Биз келишиб олдик, эртага ҳикоясини давом эттиради. Бугун эса мен кечкурунгача барча ёзганларимни тартибга солдим ва уни тоғлик қизларнинг аччиқ тақдири ҳақидаги ҳикоя билан якунладим. Қўлим панжаси қаламдан зирқирай бошлади, бармоқларимни силтаб, қимирлатиб қўяман, хаёлим эса бу ердан олисда, Абхазиядаги уйимда. Унинг тоғлик қизлар ҳақидаги қиссаси менга бизнинг Уардаги мактабимизни эслатди. Ҳозир у оппоқ, тошдан уч қаватли қилиб қурилган. Бир вақтлар мен биринчи синфга борганимда у кичкинагина, икки хонали ёғоч уй эди. Ўшанда унда қишлоғимиздан ўттизта бола ва қизлар ўқирди.

Ҳозир унда беш юз бола ўқийди. Эсимда, ҳозирги директор Карбей Барчан менга бу рақамни бултур айтганди. Бу билан у фахрларнардди. Биз ўшанда мактабни битирганимизнинг ўн беш йиллигига йиғилгандик. Ҳамма эмас, албатта, лекин кўпчилиги: иккита агроном, учта ўқитувчи, битта кон устаси Ткварчелидан, мен лингвист ва битирувчиларимизнинг энг машҳури Наташа Лоуба – бутун Абхазия бўйича аёл-учувчи. Албатта, учувчи бўлиш учун феъл-атвор бўлиши керак эди. Ҳолбуки Наташанинг отаси Ислом, аксига олгандай, қишлоғимиз муқаддас ибодатхонаси Киачда энг фаол тақводор саналарди. Киач ҳам убиҳлардаги Битха сингари бизларда мўъжизакор ҳисобланарди. Бунга ўз кўзи билан кўрган Исломнинг таъкидла-

шича, баъзан кечалари, алоҳида масъулиятли тарихий пайтларда, Киач учиб, осмонга кўтариларкан, сўнг ўз жойига қайтиб келаркан. Лекин учувчи Киач бошқа-ю, учувчи қиз бошқа. Яна шунақаки, уни аэроклубдан ҳайдаб юборишларига сал қолди. Чунки у ўзининг У-2 сида қишлоғимиз четидаги катта ўланга қўнган эди. Шум ниятлар кейин анча пайтгача гўё Ислон ўз қизини навбатдаги парвоздан қайтиб келган муқаддас Киач деб ўйлабди деган миш-мишларни тарқатиб юрдилар.

Қизиқ, ҳозир Наташа Лоуба қаерда экан? Ленинграддан юборган хатимга жавоб қайтмади, қаердадир авиация йигинларида экан. Бу ердан эса ёзиб бўлмайди. Убих тилини қидириб юрган мени тақдир жуда узоқларга элтиб ташлади.

## САҲРОНИНГ САРИҚ ЙЎЛИ

Ўттиз туя ва йигирматача одан ташкил топган карвонимиз саҳрода кетиб борарди. Қўнғироқларнинг мунгли товуши эшитиларди. Биз карвончилар элликтача киши эдик. Мана, бир ойдирки, кўп кишилиқ ва шовқин-суронли Қоҳирадан чиқиб йўл босаяпмиз.

Ҳамон кўз ўнгимда, дад Шарах, ҳаммадан олдинда, қора араб аргумогида, оқ бошлиқ ва яктада Исмоил Саббоҳ борапти. Офтобда тобланган, чаққон ва чидамли. У бедуинлар қабиласидан бўлгани учун қум барханлари орасида ўзини уйдагидек ҳис қиляпти. Сал орқароқда, ҳар икки тарафидан уни жондорлари қўриқлаб борапти. Улар хўжайинини кўз қарашидан ва лаб ишорасидан тушунишади. “Ўлинглар” деб имо қилдими – ўйламай-нетмай ўладилар. Ҳозир карвончилар ҳар хил одамлар тўдаси, лекин Исмоил Саббоҳнинг амри улар учун қонун. Қулоқ солмасанг – ўлдиради.

Бир вақтлар ёш бола, ёнида ҳемири йўқ, карвонга қўшилди ва шу-шу хавфли кўчма савдо касби билан шуғулланади. Пул унга ёшлигидан сароб бўлиб кўринди ва саҳройи бола эзгу орзусига эришди: карвонбоши бўлди. Саҳрода биз учун у худо ва подшо. Ҳар кимнинг ўз ҳукмдори бўлади. Шундай ҳукмдор Исмоил Саббоҳда ҳам бор. Бу қоҳиралик Карим афанди. Таниқли савдогар, машхур бой, қора ишлардан ирганмайдиган одам. Мен Исмоил Саббоҳ билан биринчи бор учрашганимда умри ярмидан ошганди. Баланд бўйли, буғдой ранг, қора, ялтироқ мўйловли, йўлбарсникига ўхшаш яшил кўзли. Яшил кўзли дедим-у, лекин жудаям унақа эмас, чунки улар алоҳида хусусиятга эга эди, кунига бир неча бор ўзгариб турарди. Мен карвонбошининг яйраб кулганини ҳеч эшитмаганман. Кулганда саргайган тишлари кўринар, ҳайвонлардай ириллаган овоз чиқарарди, лекин юзида қувонч аломати кўринмасди.

“Сабр-тоқатинг тугадими, гўринг яқин”, – дейишади, дад Шарах. Шўр пешанамга шундай сабр-бардошли тақдир ёзилган эканки, ҳали тирикман. Мангу яшил ўсимликлар кулф уриб турувчи тоғда туғилиб, силлиқланган чақмоқтош сингари саҳрога тушиб қолдим. Сен ёзишга улгурмаяпсанми, азизим? Унақа тез гапирмайми? Ёки валдирашларим жонингга тегдими? Агар ундай бўлмаса, қаламинг ва қўлингга қувват берсин...

Қорабуруннинг чеккасида эски турма бор эди. Унда бир вақтлар қароқчиларни осар эдилар. Шариат ҳайъати томонидан ўлимга ҳукм қилинган эдим. Беш ойдирки, ҳукм ижро этилишини кутаман. Бу мен ҳар куни ўлардим дегани. “Тезроқ тугасайди” дердим ҳар куни. Бироқ Салим пошони ўлдирганимдан афсусланмасдим. Зиндонда

ўтирганимда ҳам, узун ҳаёт йўлида ҳам буни ҳеч қачон ҳис этмадим. Қўл-оёғим кишанда, ўлимга маҳкум бўлган кунларимда ҳам худони ўйлаганим йўқ, ташвишим сингилларимдан, Фелдиш ва ота-онам ҳақида эди. Улар ҳали тирикмикин? Мата ва Муҳаммаднинг тақдирдан ташвишланардим. Уларга нима бўлди? Зиндоннинг деворлари соқов. Денгизнинг шовуллаши зўрға эшитиларди. Тўлқинлардан сўрай десам, уларнинг тилини билмасдим.

Ва бир куни, кутилмаганда ярим кечаси убихлар юртини туш кўраётганимда зиндон эшиги гичирлаб очилди. Остонада турма назоратчиси ва нотаниш денгизчи турарди. Қўлларида шам.

– Мана, қара! Одам эмас – кўтос! Бунақани боқсанг борми, қўшга қўшсанг ҳам бўлади.

– Қани, бурил-чи! Қўлингни бук! Бўйнингни эг! – денгизчи мушакларимни ушлаб кўрди.

“Дорнинг ипи кўтарармикин?” деб текшираяпти, ўйладим мен юрагим орқамга тортиб.

Қуролли кўриқчи келиб буюрди:

– Чиқ!

Кишанларимни шақирлатиб, итоаткорона турмадан чиқдим. Ташқарида жала қуярди. Денгиз осмонини қуюқ булут қоплаганди.

Чақмоқ ёруғида соҳилдаги қоя жарлигида елканли кемачани кўриб қолдим. Кўп ўтмай ўзимни ўша кемада кўрдим. Менинг у ёқ-бу ёғимни ушлаб кўрган денгизчи шу кеманинг дарғаси экан. Дарҳол фаҳмладим, турма назоратчиси мени унга мол сингари сотиб юборган. Ўлимга ҳукм қилинганни рўйхатдан ўчириш нима деган гап: ўзини осган эди, мурдасини денгизга ташлаб юбордик, дейишади. Бунақаси кўп бўлиб турарди... Воқеаларнинг бундай тус олишига суюнишим керак эди: ахир, ўлимдан қутулиб қолдим. Лекин мени қуллик кутарди. Қул эса – одам эмас, эгаси нима хоҳласа шуни қилади. Унинг иродаси – қонун. Кучинг бор экан, ишлайсан. Кучдан қолдинг, отиб ташлайди. Кимга дод дейсан!

Қулни ортиб олган кема Қоҳирага йўл олди. У ерда мени кема дарғасидан тужжор Карим афанди сотиб олди. У шаҳар четидаги уйининг болохона айвонида туриб мени кўздан кечириб чиқди-да, турк-ча деди:

– Сенинг ўтмишинг ипидан-игнасигача менга маълум. Эшитдим, сенга одам ўлдириш – хўроз сўйишдай гап экан. Усмонли пошо биринчи қурбонинг бўлмаса керак. Нечта одамни у дунёга равона қилдинг деб сўрамайман. Бу сенинг виждонингга ҳавола. Сен Кавказдансан, шундайми?

Мен бош ирғадим.

Миср абхазларни яхши билади. Бир вақтлар ўн иккита абхаз қизи Қоҳира аслзодаларининг хотини бўлиб, айтиш мумкинки, Мисрни бошқаришганди. Уларнинг авлодлари Абаза фамилиясини олишганди. Ўша уруғдан бўлган одамлар ҳалиям бор, – савдогар муғомбирона жилмайди. – Агар абхаз қизлари давлат ишларини фаҳмлайдиган бўлсалар, унда уларнинг қабиладошлари денгиздан балиқни тишлари билан тутиб чиқишлари мумкин. Омадинг бор экан, йигит, бошингни чопиб ташлашмоқчи эди, лекин у жойида турибди. Мен уни сотиб олдим. Агар бўйсунмасанг... Бундай қилмаганинг маъқул.

У шундай деб мени Исмоил Саббоҳга топширди. Шундай қилиб мен сарбонга айландим. Номим “абаза”, яъни “абхаз” бўлди. Чиндан ҳам ўзимнинг ярмим абхаз эди. Дастлаб менга туяларга қарашни, ем-сув беришни, юк ортиш ва туширишни топширишди. Убихлар қадимдан от билан шуғулланардилар. Мен умримда туяни кўрмаган-



дим. Ўрганмаган ишимни бошладим-у, бу букри, бадбашара жониворларга “ирганиб” қарардим, кейин бора-бора ўрганиб кетдим. Ҳатто бу ақлли ва чидамли саҳро кемаларини ёқтириб қолдим. Улар бир неча бор қум бўронида жонимизга оро кирдилар, ҳатто ўлимдан қутқариб қолдилар.

Ё худо, кўчма қум барханлари орасида нақадар ҳимоясиз, кичкина ва ожиз кўринаркан инсон! Дайди шамол қилич тигини эслатувчи қум тўлқинларини учираркан, чийиллайди. Саккиз йил мобайнида қум саҳросини неча марталар кесиб ўтган эканман. Қанчадан-қанча одам кўмилиб қолди бу қумларда. Бу ерда ўлган одамни кўмиб кетишади, бир соатдан кейин унинг қабридан асар ҳам қолмайди. Шамол учирган қум уни кўмиб, йўқ қилиб ташлайди. Эрталаб шарқ оловли оғзини очади ва қоронғи тушганча ҳаво шундай қайнайдики, уни бошидан ўтказганга дўзах унча қўрқинчли бўлмай қолади. Мешдаги ҳар томчи сув ҳисобда. Кечалари шундай совуқки, суяк-суягиндан ўтиб кетади. Лекин олов ёқолмайсан, ёқадиган нарсанинг ўзи йўқ.

Шақилдоқ илон терисини ўзгартирадиган бу ўлик текисликни Исмоил Саббоҳ беш кўлидай билади. Қум барханлари оралаб Қоҳирадан Африканинг кўпгина бурчақларига неча марталаб бориб келган. Биз олиб бораётган юкларда қандай мол бор эди, билишни истамайсанми, дад Шарах? Юкнинг устида хўжа кўрсинга шойи, ашқолдаш-қол, жойнамозлар, фойдали буюмлар бўларди. Асосий юкимиз эса наша ва порох эди. Бундай нарсалар билан савдо қилишни қонун тақиқларди. Лекин Карим афанди билан Исмоил Саббоҳга гов йўқ эди. Агар мол билан қўлга тушишса ҳам, пул тўлаб қутулиб кетишарди. Мен сенга айтгандим, дад Шарах, карвонбоши кўзининг ранги кунига неча бор ўзгариб турарди деб. Ҳатто ўзи ҳам гоҳ беозор мусичага айланар, гоҳ ғазабланган шерга ўхшарди. Қимматбаҳо олмосни, олтин ёки мушки анбарни арзонроқ сотиб олиш учун минг тусга кирарди. Ўзини Африкада ундан марҳаматлироқ харидор йўқ қилиб кўрсатарди.

– Жуда яхши нарх тўлаяпман жаноб, жуда баланд! Баҳосини пайсайтептирди деб ўйласанг, дарду касалинг менга урсин, омон бўлгур! – деб аврарди мол эгасини.

Қимматбаҳо буюмларни арзон харид қилганда эса, ўзини шундай бахтиёр сезар, шундай қувонардикки, асти қўяверасан. Лекин жаҳли чиққанда ҳақиқий ваҳшийга айланарди.

Бир куни қаҳва қайнатадиган човғум солинган чарм қоп йўқолиб қолди. Исмоил сарбонлардан биридан шубҳаланди:

- Буюм қани?
- Билмайман, амирим!
- Уни сотиб юборгансан, кўшпак!

Биз бегуноҳ одамни жазоламанг деб, карвонбошига тиз чўкиб ёлвордик.

Лекин ғазабланган Исмоил белбоғидан турк пичоғини чиқарди-да, шўрликнинг юрагига санчди. Бечора қул “шилқ” этиб қотилнинг оёғи остига йиқилди. У бўлса ёнига тўшалган кигизга ўтирди-да, қўйнинг сонини иштаҳа билан ейишга киришди. Суякни тозалаб бўлгач, шошилмай ўрнидан турди, ўлдирилган қулнинг кўксидан пичоғини суғуриб олди-да, туяларни турғизишни буюрди:

– Йўлга!

Осмонда ўлаксаҳўр ғажирлар пайдо бўлди...

Чинакам фил суягини кўрганмисан, азизим Шарах? У ҳақда қанча афсоналар тўқилган. Қани эди у бирор касалга даво бўлса... Унинг

учун оловпуркар саҳрони кесиб ўтсанг ҳам алам қилмасди. Лекин филнинг тишлари фақат бойларга безак бўлиб хизмат қилади. У шунақа қаттиқки, ўқ ҳам тешолмайди. Аммо йўнишга қулай, осон кесилади.

Бойлик одамларни инжиқ қилиб қўяди. Карим афанди қора-оқ сандал тахтаси устида ҳаракатга келтирадиган шоҳмот доналари, қўлидаги ҳассасининг дастаси, фил тишидан ясалганди. Чилимига, милтиғига ҳам фил суягидан безак берилганди. Карим афанди қиммат буюмларнинг қадрига етарди. Шунинг учун ҳам меҳмон столи ва оромкурсиларига фил суягидан ишлов беришни истаб қолди. Унинг хонасида филнинг тишидан ишланган оқ, хушқомат яланғоч аёлнинг қиёфаси борлигини эшитгандим. Карим афанди унга қараб ўтириб, ёшлигини эсларкан. Хонимлари ҳам фил суягидан ясалган упадон ёки олмослар учун декча хоҳлаб қолибдилар.

Ва мана биз безгак сингари сариқ саҳродан чанқоқликдан тилимиз танглайимизга ёпишиб, жазирамада миямиз айниб, чивинларга таланиб ўтдик-да, юриб бўлмас қалин ўрмонга кирдик, у ерда нафас оладиган ҳавонинг ўзи йўқ, ниҳоят тимсоҳлар тиқилиб ётган дарё соҳилига чиқдик. Бу ерда қора танлилардан оқ фил тишини олишимиз керак эди.

Ҳамма нарсадан олмос қиммат саналарди. Бриллиантлар олмосдан қилинарди. Улар олтиндан ҳам қиммат турарди. Африкаликлардан олмос олиш учун Исмоил Саббоҳ ҳар нарсага тайёр эди. Хасис ҳид олишга жуда сезгир бўлади. Бу борада ҳеч қандай ит у билан беллаша олмайди. Бағри олмос тўла бу ерга дунёнинг нариги бурчагидан оқ танли чет элликлар ёпирилиб келишди. Ўз қўшини, арағи ва руҳонийлари билан ёпирилишди. Қулларга айлантирилган қора танли маҳаллий халқ олмос конларида қандай ишлашганини ўз кўзим билан кўрдим, азизим Шарах. Бундан баттар зулмни ўйлаб топиш қийин. Иш кунни тугагач, назоратчилар қулларни тинтиб кўришарди, уларнинг қулоқларини, бурун катақларини, оғизларини текширишарди. Худо кўрсатмасин, бирорта тошни яширган бўлса-чи... Агар топиб олишса, ўлиши тайин. Баъзан қора қабилаларда исёнкор руҳ жўш урарди. Шунда улар ўқ-ёй билан қуролланиб, қулдорларни, қўллариди милтиқлари бўлса ҳам ларзага солардилар.

Азизим Шарах, мен сенинг ҳозирги ёшингдан кичикроқ эдим. Ўша пайтлар миямга ҳадеб ажлодларим гуноҳи учун фалак мени жазолапти деган фикр келаварарди. Тўғри, улар осмонни нега газаблантирганларини мен кўрганим йўқ, лекин уларнинг гуноҳи учун азобланаётганим шубҳасиз, деб ўйлардим.

Ва бирдан менга чиқарилган ўлим ҳукми амалга оширилмай қолди ва мен турмани тарк этдим. Балки тақдир менга ниҳоят раҳм-шафқат қилгандир? Ундай бўлмаса кераг-ов!

Эсингдами, Ҳамида холанинг набирасини ўғил қилганимни гапириб бергандим. Ҳалиги, ўзини сувга ташлаб ҳалок бўлган-чи! Шундай қилиб, Шардин Алоу ўғли ўша зийрак бола унинг меросхўрини Истанбулга кузатиб боришни хоҳлаб қолибди. Болалар тенгқур эдилар. Мен Африкадан қайтиб келган пайтларим Тоҳир ўқишни тугатиб, султон қайноғасининг уйида яшай бошлабди. Кўпгина сирлар унга маълум бўлибди. Полиция бошлиғи бош вазирга волий Салим пошо ўлганини хабар қилганда кекса тулки ўйлаб юрган нарсасини ошқора баён қилган экан:

— Ўша убиҳ йигит ўзи билмаган ҳолда бизга хизмат қилибди-да! — дебди вазир. Мен бу гапни Тоҳирдан эшитдим.

Ўшанда бош вазир юз берган воқеани бу аччиқ хабар султон юрагига малҳам бўлишини билиб дарҳол унга етказибди. У янглишмаган эди. Тугун оддийгина ечим топди. Салим пошо ҳукмдор алмашишини хоҳлаган “янги усмонлилар” фитнасига алоқадор эди. Уни айблаш ва қатл эттириш учун султонга далил етишмасди. Лекин у энди Измит ҳокимига ишонмас, ундан қутулиш орзусида эди. Шунда мен султон газабига учраган пошонинг кўксига Кавказ ханжарини санчдим. Шунинг учун бўлса керак. Абдулазиз менга чиқарилган ўлим ҳукмини тасдиқлашни анчагача чўзиб юрди. Бу билан у гўё мен ўлдирган муртад ҳамфикрларини огоҳлантиргандай бўлганди.

Тоҳир турма назоратчиси билан қулфуруш кемаси дарғаси ўртасида битимга Шардин кўмаклашган деб ҳисобларди. У менинг номимдан ҳам фойдаланиб қолмоқчи бўлди, султонга йўл-йўлакай эслатиб қўйди:

– Бечора пошони ўлдирган ўша убих йигит менинг эмикдош оғамнинг ўғли бўлади. Сингилларининг топталган номуси учун ўч олди шўрлик...

Шардин султонга менинг қўлимни ўзи бошқарганини айтмади, аммо сўзнинг шундай тус олиши ҳам мумкин эди.

Карвонимиз қўнғироқчаларининг товуши турли қабилали Африканинг кўплаб бурчакларига етиб борарди. Бир сафар тандирдай қизиган саҳродан кўп кунлик юришдан сўнг имошаг<sup>1</sup> қабиласидан бўлган кишиларга дуч келдик. Баланд бўйли, кенг елкали, ингичка бел эркаклар камарларига ханжар тақиб юришарди. Аёллар зайтунранг, кўзлари қийиқ, хушбичим.

Апхиарца товушига ўхшаш мусиқани эшитганимда беихтиёр Кавказ эсимга тушди, унинг жангари эркаклари ва гўзал аёллари кўз ўнгимдан ўтди. Қабиладан қабиланинг фарқи бор, лекин уларнинг ҳар бирида бир хил йиғлайдилар ва бир хил куладилар. Менинг деҳқон юрагим маврлар ёки барбарлар сигирни қандай соғаётганини кўрганда эриб кетарди. Тўй-тантаналарининг овозлари тоғ ноғоралари товушига ўхшарди. Баъзи қабилалар Оллоҳга, бошқалари Исо Масихга, яна бировлари мажусий бўлиб, қуёшга сиғинардилар.

Бир сафар карвон йўли бўйлаб кўплаб одам суякларини кўрдим. Уларнинг бир хилида кишанлар кўзга ташланар, бошқалари қора танли қуллар эканлиги билиниб турарди. Нима мен қул эмасмидим? Ҳа, мен оқ танли қул эдим ва ўша Исмоил Саббоҳнинг ўзи итдай сўйиб ташлаши мумкин эди ва мени ҳимоя қиладиган ҳам, ўлимимдан сўнг йиғлайдиганим ҳам топилмасди.

Юк ортилган туяларнинг бир маромда одимлаши, қўнғироқларнинг бетиним жаранг-журунги сира адо бўлмайдиган кўринарди. Баъзан шундай бўлардики карвон йўллари кесишар, қўшилиб кетар ва яна айриларди. Эсимда, йўлда бир куни тунаб қолдик. Туялар юкини тушириб, наридан-бери тамадди қилдик-да, тунги қоровул соатларини бўлишиб олдик. Осон бойлик орттириш ишқивозлари карвонга ҳужум қилмаслиги учун хушёр бўлиш керак эди-да. Шу пайт қора қуллар карвони пайдо бўлиб, яқинимизда тунайдиган бўлишди. Қуллар бир-бирига арқон билан боғланган экан. Қўриқчилар бошлиғи Исмоил Саббоҳнинг таниши чиқиб қолди. Осмонда ой кўринмас, тун зим-зиё эди. Бу эса яхшиликдан дарак бермасди. Қўриқчилар бошлиғи бизнинг карвонбошидан, сарбонлардан бироз одам бериб туришни, пулга албатта, илтимос қилди. Улар қора қулларни кўриқлаш

<sup>1</sup> И м о ш а г – Африканинг Жазоир, Саҳрои Кабир, Нигер дарёсининг ўрта оқими қисмларида яшовчи туареглар ўзларини шундай атайдилар.

учун керак экан, чунки уларнинг қариндошлари асирларни қутқаришга уринишлари мумкин. Пулни эшитган Исмоил Саббоҳ таранг қилиб ўтирмади, дарҳол рози бўлиб, олтита одамни, шу жумладан мени ҳам ажратди. Биз иккитадан бўлиб уч даврада турадиган бўлдик. Шеригим билан менга иккинчи навбат тўғри келди. Учинчи навбат Исмоил Саббоҳнинг икки ювиндихўрига тушди. Улар чақимчилик билан бошқа сарбонлар жонига теккан эдилар. Ярим тунда шеригим билан қоровулликка тургач, фақат бир нарса ҳақида ўйлардим: вази-фамни тинчгина ўтаб, бирозгина ухлаб олсам бас... Кўп ўтмай шамол эсиб, булутлар орасидан тўлиной юз кўрсатди. Ойнинг хира тусли ёруғида қум устида ётган қуллар қандайдир қадимий қасрнинг қора мрамар устунларининг синиқларига ўхшарди. Бирдан кўзларим улардан бирининг кўзлари билан тўқнашди. Дастлабки сонияда улар мени ёндириб юборгудай бўлди, кейин тик қараб сўради:

– Ота-онанг борми?

– Бор, – ўгирилишга илож тополмай жавоб берди нигоҳим.

– Уканг ҳам борми?

– Укам ҳам бор!

– Улар қаерда? – сўради ҳасрат билан унинг кўзлари.

– Билмайман! Тақдир тарқатиб юборди, – ғамгин тан олди нигоҳим.

– Эҳтимол, сенинг яқинларингни бизга ўхшаб қулликка ҳайдаб кетишаётгандир. Менинг укам эса уларни кўриқлаб бораётгандир, – дерди мени таъқиб қилиб унинг кўзлари.

Ана васваса! Кўзларимни юммоқчи бўлдим. Лекин яна қандайдир кўринмас куч нигоҳимни унинг тешиб юборгудек ўткир кўзларига қаратди.

– Ишон, – дерди унинг кўзлари, – агар менинг укам сенинг қариндошингни кўриқлаш учун юборилган бўлса, уларнинг қочиб кетишига ёрдам беради, чунки у озодликни қадрлайди, ватани қонунларининг қадрига етади.

Мен унинг қарашларига қаршилик кўрсатардим, лекин у тақдир сингари қайтмас, озодлик сингари жозибадор эди.

– Сўрама, мен ҳам сен сингари қулман. Сенга ёрдам беролмайман! – дедим-да, уялганча тескари қарадим.

Тескари бурилишим билан отам, онам, укам ва сингилларим товушлари эшитилди. Улар бир нарсани таъкидларди: “Шу йигитга ёрдам бер! Ёрдам бер! Балки, Шарах, уларнинг овози билан менинг виждоним гапиргандир? Осмоннинг чеккаси оқарди. Ҳадемай учинчи иккилик навбатга туради. Ва мен қарор бердим: бошқа қулларга ип билан боғланган ўша йигит ёнига турк пичоғи ташланди. Биз шеригим билан навбат алмашдик, ўз туямиз ёнига қайтиб келиб, кигизга чўзилдик. Шеригим ўликдай қотиб ухлаб қолди. Мен эса нима бўларкин? – деб кутиб турардим. Тонг отар пайти ўқ овозлари ва занжирларнинг жанговар қийқириқлари эшитилди. Барча қуллар бўз туман ичра сингиб кетдилар. Қум устида учта кўриқчи: иккитаси биздан, учинчиси қул жаллобининг ёлланма аскарининг жасадлари қонга беланиб ётарди.

Қиёфаси яхши танишга ўхшайдиган одамни ким учратмайди ёки юрагига яқин жойларни эслатадиган манзарани ким кўрмайди дейсан, ўғлим...

Катта хоч юлдуз туркуми бошимиз узра осилиб турганда биз худо қаргаган Саҳройи Кабирни ортда қолдириб, карвон йўлини жанубга

солдик. Кўп ўтмай, орқа томонимиздан қуёш уйғонди. Ва бирдан унинг эндигина таралаётган нурларида тоғларни кўриб қолдим. Юрагим ҳаприқиб кетди. Убихлар мамлакатидан чиқиб кетганимдан буён бунақанги чинакам тоғларни кўрмаган эдим. Худди азиз қариндошимни кўргандек суюниб кетдим. Тоғ ёнбағирлари яшил, чўққиси оппоқ эди. Унгимми бу ё тушимми? Қора денгизнинг шимолий соҳилида тургандек, Кавказ тоғларини томоша қилаётгандек энтикиб кетдим. Худди ширин туш кўраётгандайман: кўлимда милтиқ, тиз чўкиб муздек булоқ сувидан ичаман, сўнг ингичка сўқмоқ бўйлаб, маймунжон оралаб тепага кўтариламан. Атрофда қушлар сайрайди. Ўткир кўзга қобон ва ёввойи эчкиларнинг излари кўринади. Мох босган тош устига чўккалаб, яшил барглар орасидан қарайман, ана омад: мангу қор чеккасида ёввойи буқа турибди...

Тоғда ов қилай деб Исмоил Саббоҳдан сўраб кўрсам-чи... Қаёқда дейсиз! Олдиндан биламан, қўймайди, яна милтигимни ҳам тортиб олади. Ҳали шудринг қуримасдан туриб, мен нима бўлса бўлар деб, милтиқни елкага осиб, тошдан-тошга сакраб тоққа кўтарилдим. Осмонда бургуллар қанот қоқарди. “Қани эди улар баравар баландликка кўтарилсам, — ўйладим мен, — Убихиянинг чўққиларини кўрадим”.

Дарё шовқини эшитилади. Баланд қирғоқнинг тик жарлигида иккита кийик турарди. Шамол улар томондан эсаётгани учун хавфни сезишмади. Овчилик эҳгириси қамради мени. Тош орқасига писиб, ўнг тиззамни ерга қўйиб нишонга ола бошладим. Ўқ овози тоғларда уч бора акс садо бергандай бўлди. Тоғлар титраб кетди, гўё менгача ҳеч ким милтиқдан ўқ отмагандек. Яраланган кийик қияликдаги тошга урилиб, дарё қирғоғига сирғаниб кетди. Иккинчи кийик тепага қараб ўрлаб кўздан ғойиб бўлди. Мен ўлжани сўйиб, саранжомлаб олай деб пастга шошилдим. Шунда нарироқда қора танли йигитни кўрдим. У ўқ-ёйини тушириб турарди. Мен дўстона хитоб билан унга салом бердим. Афтидан, у шу ерлик овчи бўлса керак, кийикни мен билан баравар нишонга олган-у, мен олдинроқ ўқ узганга ўхшайман. Худо ўзи юборган ўлжа олдида энгашиб унинг бошини олдим. Агар бир одам бошқа бировга диққат билан тикилиб турган бўлса, иккинчиси унга албатта қараши шарт. Мен билан ҳам шундай бўлди. Бошимни кўтариб, африкаликни кўрдим. У мендан кўз узмай турарди.

— Бу ёққа кел! — чақирдим уни қўл сермаб.

У менга тез яқинлашди-да, дўстона нимадир деди ўз тилида. Балки: “Овинг бароридан келсин!” дегандир. Пичоғини чиқариб, кийик терисини шилишга ёрдамлашди. Мен эса, аждоларимизнинг овчилик удумини қилиб, ўлжани икки қисмга бўлдим.

— Олақол, бу сенинг улушинг! — дедим гўштни олдига қўйиб.

У мени тушунди, совғани қабул қилиб, оппоқ тишини кўрсатиб жилмайди. Кейин йўғон бўйнидан агат тошлар тизимини ечиб, менинг бўйнимга тақиб қўйди.

— Нуги! Нуги! — деди у ўз кўкрагига бармоғини ниқиб.

Мен унинг имосини қайтардим.

— Зауркан! Зауркан!

Қора танли йигит қувониб такрорлади:

— Зауркан!

У чаққонлик билан шох-шабба териб келиб бир пасда олов ёқди. Гўштнинг ўз улушидан икки бўлак кесди-да, белидан чарм халтачани олди, унда туз бор эди. Сўнг қандайдир ҳиди ёқимли дарахтдан иккита шохчани йўниб, уларга тузланган гўштларни сихлади-да, оловга тикди. Гўшт қизариб пишгач, катта бўлагини менга узатди.

Биз бир-биримизни имо-ишоралар билан мақтай-мақтай гўштни маза қилиб едик. Суҳбатимиз мобайнида Нгути милтигимдан кўз узмасди. Мен милтиқни унга узатдим. Кейин патронни тигга жойладим-да, затворни беркитиб, тепкини босдим. Гумбурлаб ўқ отилди. Нгути қувонганидан ўйинга тушиб кетди. Афтидан, у қўлига қурол ушлаб кўрмаганга ўхшайди. Унинг шундай милтиғи бўлишини хоҳлаётганига шубҳа қилмасдим. Ким билади, балки милтиқ унга ов учун ёки ўзини ҳимоя қилиш учун керакдир. Эҳтимол, ватани учун курашгани зарурдир? Мен қайтишим керак эди. Нгути мени яқин йўл билан водийгача кузатиб қўйди. У билан хайрлашарканман, елкамдан милтигимни олдим-да, патронтош билан унга узатдим.

– Ватанини йўқотган муҳожирдан ёдгорлик учун қабул қил. Бу қурол сенга шараф билан хизмат қилсин! – дедим мен убиҳ тилида.

Менинг сўзларимни у тушунмади, албатта. Лекин маъноси унга етиб борди деб ишонаман. Биз қучоқлашиб хайрлашдик! Ярим чақиримча юргач, қайрилиб қарадим. Нгути сайқал берилгандай қуёшда ялтирар, милтиқни боши узра баланд кўтариб, изимдан таъзим қилишда давом этарди.

Эҳтимол, сен дад, нега шундай қилганимга ҳайрон бўлаётгандирсан. Бунинг учун тоғлар айбдор эди; тоғлар менинг исёнкор руҳимни ҳайдаб чиқариб, телбавор сахийликка бошладилар, ўзим кул эканимни хаёлимдан фаромуш қилдилар.

Мен карвонимиз қўниб турган ерга қайтиб келиб, елкамдан янги сўйилган кийик гўштини туширганимда шерикларим роса хурсанд бўлишди. Бўлмасам-чи, ахир икки ой давомида фақат қоқланган гўшт, қуритилган нон ва банан қоқи еб келаётган бўлсак. Аммо Исмоил Саббоҳнинг кўзлари қизариб кетди. Бу ёмон аломат эди. У лабларини жийриб, тишларини ғижирлатди.

– Милтиғинг ва патронтош қани?

– Овдан қайтаётганимда қароқчилар ҳужум қилди ва тортиб олишди, – дедим.

– Нега отмадинг?

– Улар кўпчилик эди, ҳаммаси қуролланган экан!

– Мени эшак деб ўйлаяпсанми. Сен милтиқни сотиб юборгансан. Патронларни ҳам бергансан ўша дўрдоқлаб қароқчиларга!

– Буюр, тинтиб кўришсин, пул топишса – калламни уз!

– Пулни яширгансан, мараз! Энди ўша милтиғинг ўқидан бирор-таминг асфаласофилинга жўнаймиз, – деди-да карвончиларга буюрди: – Боғланглар уни!

Ўнтача бақувват бедуин барра гўштни ҳам унутиб, менга ташлашнишди ва қўлларимни боғлаб сарбоннинг оёқлари остига ташлашди. Мен қимир этолмай ётардим, Исмоил Саббоҳ эса намат устида чордона қурганча қаҳва ичарди.

У шошмасдан ичар, мен томонга қараб ҳам қўймасди. “Сахро йўлбарси” финжонни бўшатгач, ўрнидан турди, қўлига қамчини олиб ёнимга келди.

– Илтимос, қамчи билан урма, яхшиси отиб ташла, – ялиндим мен.

Лекин қамчи чийиллаб баданимни жизиллатди. У кетма-кет урди. Э-эх, убиҳлар ерида бўлганимда шундай бўлармиди? Агар унинг қамчиси менинг аргумоғим Бзоуга тегиб кетганда ҳам ичак-чавоғини ағдариб ташлардим. Мени қамчи билан биринчи бор уришлари эди. Бошқаларнинг кўз ўнгида савашарди. Тан оғриғини гўё сезмаётгандек эдим. Лекин бемажол газабимга чидай олмасдим. У миямни ёндиради, томоғимни бўғарди.

— Уришни бас қил! Агар омон қолсам ўлдираман билиб қўй! — дердим илондек тўлғониб.

Аммо Исмоил Саббоҳ қутуриб кетганди, у мени эс-ҳушидан айрилган савдойидек саваларди. Ва шунда, сен ишонмайсан, дад — чираниб қўлимдаги арқонни узиб юбордим. Уша заҳоти сакраб ўрнимдан турдим-да, яраланган барсдек Исмоил Саббоҳга ташландим. Қўлидан қамчини юлиб олдим ва дастасини синдириб, улоқтириб юбордим. Агар сарбон бўлмаганда уни бўғиб ўлдирардим. Бир неча киши менга ташланиб, яна қўлларимни боғлашди. Энди менга барибир эди. Карвонбоши ҳам анча ҳовуридан тушди. Эрталабгача қўл-оёғим боғлиқ ётдим. На Исмоил, на бошқаси мендан хабар олмади. Эрталаб карвонбоши ҳеч нарса бўлмагандай, устимга энгашиб, баданимга ботиб кетган арқонни кесиб ташлади.

— Бор, овқатлан ва ишга кириш! — деди у.

Шу кундан эътиборан Исмоил менга эътибор билан қарайдиган бўлди, мени ифлос ишларга буюрмас, маслаҳат сўрар, топшириқ бераётганда овозини кўтармасди. Аммо оёқ-қўлимдаги арқонни кесган пичоқ ҳар бир дақиқада унинг инжиқлиги билан менинг кўксимга санчилиш мумкинлигини тушунардим...

Бир куни Бирам кечикди, тушликни вақтида олиб келмади. Қуёш гарбга ёнбошлади, ундан эса дарак йўқ.

— Унга нима бўлди? Ҳеч бунақа қилмасди? Мен-ку, ҳеч-а, сенга, меҳмонга арзимас, овқат едираяпмиз, у ҳам кечикса... — минғирлади Зауркан ташвишланиб.

Бир неча бор ҳассасини қўлга олди, ниҳоят, ўрнидан турди:

— Бирамга бориб келай-чи, унга нима бўлдийкин?

Аммо ҳовлидан энди чиққан ҳам эдики, қўлида тугунча билан Бирам кўринди.

Қария орқасига қайтиб, ўрнига ўтирди.

Бирам менинг ёнимга келди.

— Кечирасан, азиз Шарах, — деди у, — хотиним касал бўлиб, овқатни вақтида тайёрлашга улгурмабди.

— Унга нима қилибди? — сўрадим мен.

— Кеча бошланган бош оғриғи туни билан қийнаб чиқди, лекин бугун бироз яхши.

Зауркан бу суҳбатни эшитиб, оғзига талқон солгандай жим турарди.

Тушликдан сўнг идиш-товоқни йиғиштиргач, кетиш олдидан унинг олдига бордим:

— Яна бироз ушланиб қолганингда Зауркан уйингга бормоқчийди. У жуда ташвишланди.

— Афсус! Агар билганимда, атайлаб яна бироз кечикардим! — деди Бирам.

— Нега, сўрадим мен.

— Мана ўн йил бўлаяптики, менинг уйимга боргани йўқ! — деди у бошини ҳам қилиб, қария эшитмасин деб овозини пасайтириб.

— Нега энди?

— Қўшниларга ҳам бормаяпти. Меникига ҳам бормаё қўйди. Балки менинг хотинимдан хафа бўлгандир. Мен сенга айтгандим, боламиз йўқ деб. Қария бир неча бор менга гапирганди: “Мен ўзим ёлғизлигим етмагандай, хотинингнинг айби билан сен ҳам ёлғиз қоласан!” Унга нима деб айтишни ҳам билмайман. У билан чиқишиш жуда қийин! — Бирам алам билан бошини чайқади ва чиқиб кетди.

Мен ва Зауркан бир-биримизга қарама-қарши ўтириб, одатдаги ишимизни бошладик.

Қуёш ботиб, ҳовлига қоронғилик чўкди. Мен уйга кириб мойчи-роқни ёқдим. Биз ичкари кирдик ва қария ҳикоясини бошлади.

У Африка бўйлаб сарсон юрганида бошидан кечирганларини гапириб берди. Қарда бўлгани ва қанақа халқларни кўрганини хотирасида тиклашга уринди. Баъзан дайдиб юрганида эшитган тилларидаги айрим сўзларни эслади. Лекин у кўпроқ саҳро ҳақида гапирарди. Гоҳо Африканинг ўтиб бўлмас ўрмонлари, кемалар сузиб юрган катта дарёларни кўрганини айтарди.

Баъзан эса бошида ҳаммаси чалкашиб кетиб, такрорлай бошларди. “Тўхта, ёзмай тур, бундай эмасди, шекилли! — деб мени тўхтатди. — Бу қовоқ бошдан ҳаммаси чиқиб кетдим, нима бало!” — дея пешанасига муштлаб қўярди.

Лекин умуман, мана шу адашишлар ва тўхтаб қолишларга қарамай, у саккиз ёки тўққиз йил давомида бепоён Африканинг кенгликларини карвон билан кўпинча пиёда юриб чиққанини англаб эдим... Ҳазилми, тўққиз йил — бутун умрга!

Молларни сотиб ва харид қилинган хазиначилар, улар орасида яширилган афюн билан карвонимиз Қоҳирага қайтарди. Сенга шуни айтиш керакки, داد Шарах, айримларнинг Мисрда уйи ва оиласи бор эди. Улар уйларига қайтиб келганига қувонардилар. Мени эса нима кутарди? Ҳатто озодликка чиқиб Туркияга қайтсам ҳам гарчи у ерда менинг яқинларим бўлса-да, Салим пошони ўлдирганим учун чиқарилган ўлим ҳукми бу сафар ижро этилмай қолмасди. Исмоил Саббоҳ шошиларди. Дам олишга тўхталиш камаяр, юришлар узаярди. Сива шаҳри ортда қолди. “Саҳро йўлбарси” хушёр тортганди. У эртаю кеч эҳтиёт бўлинглар деб тайинларди.

— Бу йўлда қароқчи тўдалари карвонларни неча бор талашган, — деб огоҳлантирарди.

Ҳар бир одамга икки баравар кўп патрон улашди. Ойсиз тунда қудуқ ёнида қўниб, энди юкларни тушираётганимизда тўсатдан саҳро довули сингари отликлар ҳужум қилиб қолдилар. Улар от чоптириб ўтиш асносида бизни ўраб олишди ва милтиқдан чақнаган ўтга қараб ўқ уза бошладик. Зулмат, ўқлар чийиллаши, туяларнинг бўкириши, отларнинг хириллаши, ҳужумчиларнинг урҳо-ури — ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Отликлардан бири менга ташланди, эгар устида энгашиб, бошимга қилич сермади. Лекин мен чаққонлик қилдим, рўпарасидан ўқ уздим. У ерга қулаб тушаркан, унинг оғзидан соф убиҳ тилида ўлимолди чинқириғи отилиб чиқди:

— Ўлдиришди мен етимни!

Тепа сочим тиккайди. Мен ҳамма нарсага, ҳатто ўлимга ҳам тайёр эдим. Лекин барханлар орасида она тилимдаги сўзларни эшитиш сира кутилмаган воқеа бўлди. Бунинг устига, яраланган одамнинг овози менга танишдай туюлди. Бу пайтда қаршиликка учраб ва осонгина ўлжа олишга эришолмасликларини тушуниб, отлик талончилар қандай пайдо бўлишган эрсалар шундай тез ғойиб бўлдилар. Мен яраланган одамнинг олдига бордим. У сўнгги нафасини олаётганди. Мени даҳшат босди: ҳатто тун қоронғусида ҳам уни танидим. Бу ҳожи Керантухнинг эмикдош укаси Саид эди. Унинг бошини қўлимга олдим, кафтимни илиқ қон илитганини ҳис этдим.

— Саид! Ё Раббим, наҳотки бу сен бўлсанг? — гангиб шивирладим мен.

Унинг кўзлари ўлим талвасасида милтиларди. Мени таниди шекилли, нимадир деб пичирлади-да, қовоқларини юмди. Қўлларида ёнган машғала билан мени шерикларим ўраб олишди. Улар бизнинг



тирик қолганимиздан қувонишаркан, мени ўлган одам тепасида ҳўнграётганимни кўриб, ҳайрон бўлишди.

Мен ақлдан озганга ўхшардим, ўлгим келарди. Қалбимни шунақа бир қайғу эгалладики, бундан кейин яшашнинг кераги йўққа ўхшарди. Мен милтиқнинг оғзини кўкрагимга тирадим-да, қўлимни тепкига чўздим, шу пайт ёнимга келиб қолган Исмоил Саббоҳ оёғи билан тепиб, қуролни қўлимдан тушириб юборди. Кейин камаримдаги қиндан пичоғимни олиб қўйди.

– Боғланглар мана бу жиннини! – бақирди у карвончиларга.

Лекин мен улардан қочиб қолдим, қўлларидаги машғалаларини қумга санчиб ёнимга келгунларича мен ўзимни қоронғиликка урдим. Мен шунақа тез чопардимки, гўё ўзим ўлдирган Саиднинг руҳига етиб олиб ушлаб қолмоқчи эдим. Токи куч-мадорим тугагунча югурдим-да, ўзимни ерга ташладим.

Шўрлик Саид, мен у билан Самсун чеккасида хайрлашган эдим. У убихлар мамлакатига қайтишни орзу қиларди. Уни тоғларимизга етолмай йўлда ҳалок бўлгандир деб ўйлардим. У Африкага қандай келиб қолдикин? Қанақа ёвуз куч тўқнаштирди бизни? Менинг ўз қавимни ўлдиришим қандай иблисга керак бўлди экан?

Эрталабгача қумлар оралаб, гангиб юрдим. Тонгда худди гўрдан чиққандай, ўрнимдан туриб, юзимдаги қумни артиб, атрофга алангладим. Ун қадамча нарида иккита шоқол ўтирган эди. Мен гандирак-лаб тўғри уларнинг устига бостириб бордим, улар қоча бошлашди. Бу лаънати махлуқлар мени нега ейишмади экан? Чалажон, бемажол, қуролсиз бўлсам? Балки ўз қавмини ўлдирган одамни ейишдан ирганишгандир? Сахро оёқларим остида, худди пўртана пайтида кема чайқалгандай чайқалар, бутун ичим қуриб қолганди. Куёш эса борган сари тепага кўтариларди. Кўп ўтмай яккам-дуккам дарахтлар кўринди. Бу сароб эмасди. Мен воҳага кириб борардим.

## ҚУРИГАН ЎЗАН БЎЙЛАБ

Мен бегона карвонга қўшилдим. У Қоҳирага кетаётган экан. Карвонни кузатиб бораётган одамлар менга меҳрибонлик қилишди. Бутун йўл бўйи едириб, ичиришди. Гарчи мен қонун ҳимоясида бўлмасам ҳам, кимгадир, бирорта қул жаллобига сотиб юборишни ёки аввалги соҳибимга қайтариб боришни ўйлашмасди. Карвон олиб бораётган юк армани савдогарга тегишли экан. Мен йўлдаёқ юк Қоҳирадан Истанбулга денгиз орқали жўнатилишини билиб олдим.

Қоҳира жуда катта шаҳар. Лекин жулдуervoқи, бетайин ва ярим оч бўлган менинг бу шаҳарда на бирор танишим, на бошпанам бор эди. Қалбим яқинларим ва қавм-қариндошларим қолиб кетган Туркияга талпинарди. Бир кунга бўлса-да, уйимдагилар даврасида ўтирсам, бир мартагина бўлса-да, убих сўзларини эшитсам, кейин болта билан чопиб ташлашса ҳам майли эди. Мен армани савдогар ёллаган ҳам-молларга юкни Истанбулга кетадиган кемага ортишга ёрдамлашдим. Менинг кавказлик эканимни билгач, савдогар ҳамдардлик билдириб, кийинтирди ва овқатланишим учун пул ҳам берди. Бу одам бой бўлса ҳам сахий эди...

Армани савдогарнинг меҳрибонлиги ва ҳамдардлиги туфайли Истанбулда кемадан тушдим. Убихлар бундай ажойиб ва бой шаҳар ер юзида бошқа йўқ деб ҳисоблашарди. Ким ҳақидадир: “У Истанбулга кетаётир” деб гапиришганда у дунёнинг бир чеккасига йўл олаётгандай туюларди. Агар тоғ қишлоғида қимматбаҳо ханжарни ёки нафис

ишланган аёллар безагини кўришса, улар Истанбулда ясалган деб ҳисоблашарди. Ҳатто кўшиқларда ҳам гўзалларнинг кўзини Истанбул қаҳрабосига ўшатиладди.

Константинопол, баъзилар Туркия пойтахтини шундай аташарди, мени ҳайратга солди: ям-яшил боғ-роғларга бурканган оппоқ саройлар, ярим ой билан нақшланган мачитлар, улардан энг ноёби осмон сингари зангори Ая-София, турли мамлакатлар байроғи остида Олтин мугуз бандаргоҳига тўпланган кемалар, сершовқин бозорлар. Бу бозорларда истаган нарсангизни топасиз – тилла буюмлардан тортиб ҳуштақларгача, қўй гўшtidан то денгизнинг фаройиб жониворларигача; молини олишга чақирувчиларнинг бақирлиқлари, қаҳвахоналарнинг хушбўй ҳиди, гадоиларнинг “садақа қилинг” деб ялинишлари, олиб-сотарларнинг сўкинишлари, контрабандачиларнинг шивирлашлари, одамлар, айниқса, аёлларни сотиш устида савдолашишлар... Бирдан жарчининг овози янгради:

– Ҳой, йўл беринглар! – демак бозорга пошо ёки бирор бойвачча ташир буюрди...

Қабристонда барча баробар, ҳозирча яшар эканмиз, ҳар биримизнинг ерда жойимиз бор. Мен кемалар тўхтайдиган жойдаги майдонга жойлашдим. Бу ерда дунёнинг барча тиллари жанангларди, ҳамоллар ва денгизчилар бир-бирини тилмочсиз тушунардилар. Сен кимсан, қаердансан, нега келдинг, бу ерда узоқ қоласанми, деб ҳеч ким суриштирмасди. Мен юк ташир, ҳаммоллик қилардим. Денгизчилардан шаҳарга кўплаб тоғлиқлар келибди, деб эшитдим.

– Қайси қабиладан?

– Абхазлар!

“Ё худо, – юрагим ҳаприқиб ўйладим мен, – яна муҳожирлик бошланибди-да. Наҳотки абхазлар ҳам машъум хатога йўл қўйдилар?”

Қалбим шаҳарга талпинарди. Ишдан бўш вақтларимда, жума кунлари Истанбулга бориб, онамнинг оға-инилари яшайдиган Цебелладан келган бирортасини ёки оддий бир танишни кўриб қолиш илинжида шаҳар кўчаларида айланардим. Мачит ҳовлиларида, қаҳвахоналарда, бозор дарвозалари олдида черкасча кийинган ва ханжар тақиб олган кишиларни тез-тез учратардим. Улар абхазча гаплашардилар. Мен уларнинг сўзларини тинглардим. Уларнинг сўзлари ҳам ширин, ҳам аччиқ бўларди. Ширинлиги шунданки, уларни эшитиб қулоқларим яйраб кетарди, худди онамнинг алласини эшитгандай бўлардим. Аччиқлиги шунданки, янги муҳожирлар ҳам, убихлар Самсун остонасида нима гапирган бўлсалар шуни гапирардилар.

Кеч кираётгани, лекин бозор ёнидаги тошлар ҳали совумаганди. Ана шу тошларнинг бирида эски камзул кийган чол ўтирганди. Таг чарми айрилиб кетган этигидан қорайган бармоқлари кўриниб турарди. Эгилган бошини куллари билан чангаллаб турганидан, қайғули кўриниш ва қимирламай туришидан қабр тошини эслатарди.

Мен унинг ёнига ўтириб, сўрадим:

– Сизга нима бўлди, ота?

Бошини кўтариб менга қаради-ю ҳайрон бўлди, чунки черкасча чакмон ва камзул киймаган одамнинг абхазча гапиришини тасаввур қилолмасди.

– Кечирасан, дад, ўзинг кимсан? – сўради у ўз навбатида.

– Мен олдин келган муҳожир, убихларданман.

– Ҳа-а! – ҳамдардлик билан энтикди у. – Сиз, убихлар ўзларинг айбдорсизлар, чунки ўйламасдан бу ёққа кўчиб келгансизлар, бизни эса, зўрлик билан ҳайдашди.

– Рус подшосими?

– Йўқ! Султон қўшини, руслардан тортиб олиш учун Абхазияга бостириб кириб, қишлоқларга ўт қўйишди, қаршилиқ кўрсатганларни қириб ташлашди. Абхазия бўм-бўш бўлиб қолди, юртдош. Куйиб кул бўлди! – чолнинг кўзларида ёш титрарди.

– Айтинг-чи, отахон, Цебелда аҳолисига нима бўлди? У ерда тоғамлар яшарди.

– Сизлар ўйламасдан кўчганларингдан сўнг уч йил ўтгач, яна муҳожирлик бошланди. Кемалар Цебелда, Дал, Гума, Абжакуа ва Мачара аҳолисини Туркия соҳилига олиб ўтди. Бизларни эса яничарлар куч билан ҳайдашди, лаънатилар. Ажна бўшаб қолди, бирорта жон қолмади. Ер қолди – одамларни денгиз ортига улоқтиришди. Уйларимиз ўрнида қолган култепаларда итлар изғиб юрибди. Мен абжуйман, Тамишданман. Фамилиям Рақба. Хайр, қайғудош!

Шунда чолнинг ёнига иккита йигит келди, ўғиллари бўлса керак, унинг туришига ёрдамлашишди ва етаклаб кетишди.

Агар қария адашмаган бўлса, демак, цебелдалиқлар Туркияга мен қамоққа тушган йилим кўчиб келишган экан-да. Онамнинг еттита оға-иниси бор эди. Агар бир жойда қотиб турмасам, ўйладим мен, улардан бирортасини учратиш қолишим мумкин-ку.

Шу кеча яна тоғлар, Бзиб дарёсининг баҳор тошқини тушимга кирди. Гўё дарё минглаб ноғорани гумбирлатиб чалар, шовқин орасида мен отган отимнинг кишнаши чалинарди қулоғимга. Каштанли уйни ўт қамраб олганмиш, олов тутуни кўкка ўрлармиш. Уйнинг томига чирмашаётган олов алангаси қаҳрамонлар сиймоси бўлиб кўринармиш. Алангада ҳаммадан кўп юртни ташлаб кетманглар деб биздан илтижо қилган Аҳмад Баракай ўғли кўринармиш...

Ҳаммоллардан бири елкамдан турткилаб, силташидан уйғониб кетдим.

– Нима бўлди, инграб бақираяпсан? Тобинг қочиш қолдими?

Эрталаб бандаргоҳга бормадим. Шаҳарга йўл олдим. Биласанми, Шарах, баъзилар ғам-ғусса ва ҳасратдан эзилиб кетгач, ҳамма нарсани унутиш учун анави зормандани ичишга ружу қўядилар. Менинг эса абхазча суҳбатларни эшитгим келаверади. Ватандан узоқда бўлсанг, ҳеч нарса дардингга ота сўзидай даво бўлолмайди. Ота сўзи асрлар оша асровчи фаришта бўлиб келади одамга. Черкасча кийинган одамларга яқин бориб ўтираман, гапларини тинглайман. Кўпроқ эшитаман, камроқ гапираман. Тоғлиқлар – авбош одамлар, фақат бир нарса ҳақида тортишадилар: уларнинг бу кунга тушишига ким айбдор? Тортишув шафқатсиз жанжалга айланиб кетар, томонлар дарҳол қуролга ёпишардилар. Ҳаммаси ҳақиқатни ойдинлаштириш, ким айбдор эканини аниқлаш учун бўларди. Бировлари ўзларини айблар, бошқалари тақдирни, яна баъзилари султон билан подшони. Юз берган воқеаларнинг барча сабаби уларга маълум эди дейсанми? Сен ёз, ёзавер, азизим. Ким билади дейсан, балки менинг ҳикояларим муҳожирлар бошини қотираётган жумбоқни ечишга ёрдам берар.

Кавказнинг жангари эркалари султон ҳукмронлиги остига тушиб қолгач, у аҳмоқ эмасди, муҳожирларни аскарликка ва шахсий қўриқчилигига ёллай бошлади. Аччиқ синовни кўплар қамчи зарби билан бошидан кечирарди, ҳолвали ширин синов ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Кимнидир қўрқитиб, бошқасини алдаб, ҳосилдор ер билан ёки ҳимоясига оламан деб ўзига оғдириб олди. Туркия ҳуку-

мати абхазларда дворянлар билан деҳқонлар ўртасида қадимдан қариндошлик мавжудлигидан фойдаланиб қолди. Шардинга ўхшаганларни эҳтиром билан кутиб олди. Ер берди, унвонлар билан сийлади. Уларнинг деҳқонларини ҳам қуруқ қўймади, томорқа улашди. Узи ҳам фойда кўрди: деҳқон фарзандларини аскарликка олди — улар Оллох номи билан тўғри урушга ташландилар. Улардан қанчаси майиб, мажруҳ бўлиб қайтишди, ёлғиз худога аён.

Агар эсингда бўлса, мен сенга Кац Маан тўғрисида гапирган эдим, У сизлардан, абхазлардан эди. Ўз вақтида ўша кавказлик подшога анча хизмат қилган эди. Шунинг учун генерал<sup>1</sup> унвонига сазовор бўлганди. Бих убиҳлар Туркияга кўчиб ўтганимиздан сўнг, унинг погонларидаги куёш ҳам ботди, дейишади, уришқоқ пошо вафот этди. Кац Мааннинг ўғилларидан бири отасининг изидан борди: рус армиясининг зобити бўлди. Генералнинг бошқа бир ўғли — Камлат, Абхазия князлиги тугатилиб, деҳқонлар ҳуқуқи бекор қилиниб, руслар бошқаруви жорий этилгач, янги ҳокимиятга бўйсунмай, оиласи билан Туркияга қочиб қолди.

Турклар уни душманлари — руслар мухолифи сифатида эҳтиром билан кутиб олдилар. Истанбулнинг марказида саройни топширишди ва барча абхазларга бош қилиб қўйдилар. Матьлумки, ҳарбийларни бекорга боқишмайди. Камлатни унга ишониб топширилган қўшин билан қўшни араб мамлакатига юборишди. Ўша мамлакатнинг имоми ўзбошимчалик қилиб, шуҳратпараст туркларга қулоқ солмай қўйган экан. Кўплаб абхазлар бошларидан жудо бўлдилар, лекин имомнинг қўшинини тор-мор қилдилар. Имомнинг ўзини эса асир олдилар. Камлат қаҳрамон бўлиб қайтди-ю, тўғри тўйнинг устидан чиқиб қолди: қизи Назифа Туркия тахтининг вориси Абдулҳамидга турмушга чиқаётганди. Тўй бўлиб ўтиши билан янги тантана бошланди. Камлат Мааннинг куёви султон бўлди. Янги ҳоким жуда шафқатсиз эди, раҳмсизлиги учун унга “қонқур” лақабини беришди. Кўзи ҳасадгўй, қўли ўмаришга уч одам эди. Дунёда, дад, учта нарса жуда хавфли: боланинг қўлидаги пичоқ, алдамчининг тилидаги мақтов, буюклик дардига мубтало бўлган савдойининг қўлидаги ҳокимият. Абдулҳамид тушида Кавказни саҳтиён этикли оёқлари остида кўрибди. У жозибали рўёсини рўёбга чиқармоқчи бўлибди. Султон муҳожирлардан ва турк каллақесарларидан қўшин тузиб, унга Камлат Маанни лашкарбоши қилиб тайинлабди. Бу қўшиннинг йўли Кавказга Абхазия орқали ўтарди. Турк кемаларига ўтиришдан олдин Камлат Маан жангчиларга мурожаат қилди:

— Қондош биродарларим, вақт соати етди! Оллоҳнинг ердаги ноиб, Усмонли салтанатининг буюк султони бизнинг яхши орзу умидларимизни инобатга олиб, она юртимизни кофирлардан озод қилиш учун бизга ёрдам қўлини чўзди. Қўлда қурол билан қадрдон соҳилимизга тушгач, подшо ҳукмронлиги остида азоб чекаётган барча абхазлар исён кўтариб бизларга қўшиладилар. Ажнани озод қиламиз! Ғазоват байроғи остида олға! Подшоҳим бин яша!<sup>2</sup>

Ва кўплаб қуролли кишилар Қора денгизни кесиб ўтиб Сухуми қалъаси яқинида кемалардан тушдилар. Камлат Маан шошиларди. Абхазиянинг ҳамма бурчакларига, унинг жарчилари от қўйиб, халқни бирлашишга чақирдилар:

— Ким озод бўлишни хоҳласа Камлат Маан армияси — Абхазия халоскорига қўшилинг. У кофирларни тор-мор келтириш учун бизни Ингурга бошлаб боради!

<sup>1</sup> Генерал — туркчасига пошо.

<sup>2</sup> Подшоҳимиз минг йил яшасин! (Туркча).

Лекин Камлат ўйлагандай бўлиб чиқмади. Унинг авлодлари ва улар йўлдан урган тоғда мол боқувчи тоғликлар ва дон экувчи деҳқонлардан бошқа ҳеч ким пошонинг исёнкор даъватига учмади. Руслар фуқаролигига ўтган кишилар ўз қарорларини ўзгартиришни истамадилар. Ҳатто Камлатнинг жангчилари ҳам ўз ерларига қадам қўйишлари билан қўшиндан қочиб кета бошладилар. Улар тиз чўкиб, ерни ўпганча: “Кечир, Апсна!” деб шивирлардилар.

Ўзига содиқ кишилар ва турк гуруҳлари билан Камлат Маан Ингурга қараб юрди. Лекин руслар унинг қўшинини тор-мор келтирдилар. Султоннинг ёлланган пошоси бундай мағлубияти учун бошидан айрилишини яхши тушунарди. Унинг ўзи шарманда бўлиб қайтаётгани етмаганидек, кўпгина жангчиларини йўқотганди: баъзилар қочган, айримлари ўлдирилган, яна бошқалари русларга асир тушгандилар. Шунда у ўзини қутқариб қолиш учун маккорлик йўлини танлади. Чекина туриб у тоғ қишлоқларига ўт қўйди ва русларнинг ёвуз ўчи ҳақида шум хабар тарқатди. Қурол кучи билан ва қўрқитиб минглаб абхазларни турк кемаларига ҳайдаб чиқарди. Уларнинг сони пошо Абхазияни забт этиш учун бошлаб келган жангчилардан икки баробар кўп эди. Лекин Камлат пошо ҳар қанча уринмасин, Абхазиянинг ҳамма аҳолисини ҳайдаб кетолмади. Чўпонлар қўйлар суруви билан тоғларда яшириндилар, оилалар ўрмонларга қочдилар ёки руслар томонга ўтиб кетдилар. Кул тепалар ўрнида Апсна қайтадан қад ростлади. Ахир сенинг келишинг бунинг энг ёрқин далили эмасми, داد? Кел, бир бағримга босай сени, ҳаётимнинг сўнги қувончи!

Қалбим яқинларимга талпинарди. Яна йўлга чиқдим. Қўлимда ҳасса, пиёда Усмон қўйга кетаяпман. Йўл олис. Куз шамоли юзимга урилаяпти. Баъзан ана шу шамол онам энгашиб турган ўчоқдан келаётган тўтун юзимга урилаётганга ўхшаб туюлади менга.

Йўл четидаги ташландиқ қабрларга тез-тез кўзим тушади. Учраганлардан:

– Булар кимнинг қабри? – деб сўрайман.

– Черкаслар!

Мен сенга ҳали айтганим йўқ, Шарах, турклар барча муҳожирларни черкаслар деб атайдилар. Бу лақаб ҳанузгача сақланиб қолган. Мен ёшлигим пайтларда “черкас” сўзи “қароқчи” маъносида ишлатиларди. Агар иккита турк сўкишаётган бўлса-ю, биттаси ҳақорат қилишга сўз тополмай қолса, иккинчисини “черкас” деб мулзам қиларди. Мен ҳали Истанбулда эканимда султон Абдулазизнинг тахтдан ағдарилиш ҳақидаги қонли воқеани эшитгандим. Бунда Шардин Алоу ўғли ҳам ёвуз рол ўйнаган экан. Ишни биттаси қилади-ю, ҳаммаси балого қолади, дейишади. Лекин буни айтиш вақт-соати келади ҳали...

Кўчада шошиб кетаётган йўловчи қачон тун тугаб, кун бошланаётганини сезмайди. Мана Усмонқўй, унча баланд бўлмаган тепаликка ястаниб ётибди. Тун яримдан оққанди, изғиринли шамол эсар, майдалаб қор ёғарди. Ит вовуллади, хўрозлар индамайгина қичқириб қўйишарди. Мен муқаддас Битха сақланаётган тепалик ёнида туриб қолдим. Қарасам, ҳаммаёқда тиконли буталар ўсиб ётибди. Ягона граб дарахти кесиб ташланган. Унинг ўрнидаги тўнкани қор қоплабди.

Қишлоққа юрагим орқамга тортиб кириб бордим. Биринчи кўрган нарсам шу бўлдики, Мзауч Абухба яшаган уй йўқ эди. Дарвоза ўрнида турибди, уй эса йўқ. Ҳовли ҳайдалган, чеккаларида қуриб қолган тамаки поялари кўзга ташланарди. Кўз олдим қоронғилашди. Гўё бо-

шимга нимадир ёпишгандай бўлишди. Оёғимни зўрға кўтариб, бизлар яшаган уйга қараб юрдим. Уй ўшандай турибди, фақат сал чўкканга ўхшайди. Айвонда болалар ўйнашяпти, совуққа парво ҳам қилишмайди. Бурним ҳис этган ҳиддан сездимки, уйимизда бошқа оила яшяпти. Олдимга каттакон кўппак югуриб чиқди, тишини кўрсатиб ирилламоқчи бўлди-ю, негадир жим қолиб, ерга ўтириб олди.

Кун совиб борарди. Мен йўлга чиқиб, босқон овозини эшитдим. “Бу темирчи Давид бўлса керак?” – ўйладим мен ва устахонага йўл олдим. Икки табақали эшик ярим очиқ турарди, узоқданоқ кўрдим, қандайдир одам, чап оёғи ўрнида ёғоч, босқон олдида туриб болға урарди, ҳар урганда атрофга учқун сачрарди. Темирчи калласига бошлиқ кийиб олганди. Эшикка яқинлашдим.

– Оловга яқин кел, исиниб ол. Кун жуда совуди! – деди у ўгирилмасдан.

Томоғимга алланарса тиқилгандай бўлди, овозим зўрға чиқди:

– Салом, Дурсун!

Тепага кўтарилган болға ҳавода қотиб қолди. Дурсун кескин бурилди:

– Зауркан? Бу сенмикан, Зауркан!

Ёғоч оёғини тўқиллатиб, менга талпинди. Бир-биримизга ташланиб кучоқлашиб кўришдик. Кўз ёшларимиз ёноқларимизни ювди. Босқон устида чўғ бўлиб турган темир ғўланинг ранги ўчди. У елкамга секин уриб қўйди, жилмайиб:

– Осмондан тушдингми, Зауркан қардошим? Қариндошларинг сени бошидан айрилди, деб йиғлашди, аза тутишди. Сен тирик экансан-у. Гапир, бир нарса десанг-чи. Бир оёқли дўстинг сен бу туш эмаслигига ишонч ҳосил қилсин...

– Оёғингни урушда йўқотдингми?

– Ҳа, Тунис саҳросида оч бўрига қолдириб келдим. У ёқдан келиб, отамни дафн этдим. Мана энди бир оёқда қимирлаб турибман.

– Отанг Давид олийҳиммат одам эди. Унинг меҳрибонлигини ҳеч қачон унутмайман.

– Отам бизга узоқ яшашни тайинлаганлар. Майли, бугунги кун қувончларимизнинг бошланиши бўлсин.

– Дурсун, айтақол оиламдагиларга нима бўлди?

– Сен Измитда Салим пошони ўлдирганигда, Мата уйга соғомон қайтиб келди. Отамнинг менга айтганига қараганда отанг Хамирза, Мата ва онанг қаёққадир кетишибди. Ўшандан бери улар ҳақида ҳеч нарса эшитганим йўқ, Зауркан. Убихларни бу ердан кўчириб юборишларига сен айбдор эмассан. Ҳаммасига Шардин Алоу ўғли айбдор, лекин бу ҳақда кейин гаплашамиз, ҳозир сен йўлдан келгансан, овқатланиб ол...

Биз дастурхонга ўтирдик, унда балиқ, иккига бўлинган Чурак, тўғралган пиёз бор эди. Оловда мис қаҳва чойнаги қайнарди. Ташқарига қоронғилик чўкди. Қор ёғар, шамол увларди. Мойчироқнинг пилиги қурум боғлади, Дурсун уни бир-икки марта тозалаб қўйди, чироқнинг хира ёруғи ночор дастурхонимизни зўрға ёритарди.

– Айбга буюрмайсан, Зауркан, дастурхонимиз қуруқ. Агар келишингни билганимда... Кўшнилardan сўраш ноқулай, ҳаммаси янги кўчиб келганлар. Сендақа меҳмонни боболарим Гуржистонда меҳмонни кутишгандай кутиш керак. Новвосни сўйиб, шароб топиш, ебичиб, ўйнаб-кулиш керак эди... – Аммо Дурсун гамгин “уҳ” тортди, – ажойиб Гуржистон қаерда, биз қаерда?..

— Бугдой нонинг бўлмасин, бугдой сўзинг бўлсин, Дурсун. Анча бўлди бунақа дилкаш дастурхон атрофида ўтирмаганимга.

Шамол булутларни тарқатиб юборди. Қор тўхтади. Осмонда яшил юлдузлар чарақлай бошлади. Дурсун ўчоққа бир-икки ўтин ташлади, деворда нур ўйнай бошлади. Биз оловга яқинроқ ётдик, мен ухлаб қолдим.

Кеча, ўғлим, Шардин нималар қилганини гапириб бераман дегандим. Фақат сандал дарахтидагина гудда бўлмайди, халқ эса бадбахт одамсиз бўлмайди. Сиз — абхазларда Маан Камлат, биз убихлар Шардин ана шундайлардан эди. Олижаноб дарахтлар болта устидан худога шикоят қилиб келишган экан, худо бўлса уларга: «Сизлар бир илдиздансиз, ахир унинг сопи ёғочдан-ку!» деб жавоб берибди.

Абдулазизнинг қайноғаси саройда нуфузли шахс эди. Ҳоқимият манманликни туғдиради. Гоҳ гапи билан, гоҳ эса қилиғи билан рақиблар орттира борди. Кўз ўнгида мулойим жилмайишади, орқадан эса иғво қилишади. Ўзининг қондош халқи убихлар ҳақида ўйламади ҳам, қайғурмади ҳам. Усмон кўйни фақат деҳқонлардан солиқ йиғиш пайтигина эсларди. Бошқа амалдорлар ва зобитларга воситачилик қилар ва бунинг учун пора оларди. Бирданига бойиб кетди. Фоҳишабозликка берилди, ҳатто катта ҳарам соҳибларини ҳам ҳайратда қолдирди. Иғво тарқатиб сарой аъёнларини ҳўрозлардек уриштириб қўйди. Ундан қўрқишар ва қўролмасдилар. Айёр тулки — бош вазирнинг ўзи Шардинни пойтахтдан олисроққа жўнатиш учун баҳона изларди. У ҳатто шунгача бордики, юқори мартабали убихга пошо унвони беришга султонни кўндирди. Шу тариқа уни армияга жўнатмоқчи эди, лекин Шанда акасининг манфаатини ҳимоя қилгани учун бош вазирнинг ҳийла-найранги ўтмай қолди.

Шардин йўлдан озиб, гуноҳларга қандай ботмасин, токи султоннинг ўзи ҳаётини пойгаларда, ишқий эрмакларда, базм ва шикорларда ўтказарди. Ширин сўз ва ёлғон-яшиқлар, қимматбаҳо совға-саломлар, гўзал жононлар ҳада қилиш билан гафлатда қолдирилган султон кунларнинг бирида битта ҳам ўқ узмай тахтдан туширилди, уй ҳибсига солинди ва ёлланма қотил томонидан ўлдириб юборилди. Абдулазизнинг тахтдан ағдарилиши сарой аъёнлари учун Шардинга қарши бирлашишга бир ишора бўлди. Улар барча баҳс, низо ва жанжалларини унутиб, султоннинг қайноғасига қарши чиқдилар. У ҳибсга олинди, амалларидан туширилди ва қийноқларга солинди. Унинг Истанбулдаги мол-мулки ва Усмон кўйдаги ерлари тортиб олиниб давлатга ўтказилди.

Касалванд, телба, иродасиз султон Мурод тахтга ўтирди. Мамлакатни унинг номидан бош вазир ва пошолар ичида энг нуфузлиси бошқарарди. Дунё чиндан ҳам чархпалакка ўхшайди: бугун сен тепадасан, лекин тақдир сендан юз ўтирди ва қарабсанки пастдасан, тупроқ билан тенгсан. Кечагина Шардиннинг олдида эмаклаб юрган кимса бугун унинг юзига тупурмоқда. Собиқ ҳукмрон зиндонда ўтириб мундоқ ўйлаб қараса, кун битган, бир ўзини кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Бош вазир номига арзнома бериб, уни ҳаракатдаги армияга юборишларини илтимос қилди.

— Бу мумкин, — деди бош вазир, — у ерда сендай фосиқни бегоналар ёки ўзингникилар тинчитиб қўя қолишади.

Мана шундай қилиб, Шардин оддий аскар кийимида эркинликка чиқди. Лекин кечаги тутқун ўзининг қасоскор истаги билан ҳаракат

қилдими ёки ағдарилган султоннинг тарафдорлари ёлланма қотил сифатида фойдаланишдими, бу сир бўлиб қолди.

Шардин Алоу ўғли Истанбул марказидаги Товшантош деган жойда вазир Миҳдат пошо саройи олдида пайдо бўлганида тун яримдан оғган эди. Мана шундай ярим тун пайти бош қўмондон Ҳусайн Авни пошо ҳамда тўртта вазир махфий музокаралар олиб бориш учун шу ерда бўлишлари кераклигини Шардин олдиндан биларди. Унинг ҳарбий ўртуғи остидан камарига тақиллаган иккита тўппонча ва шамшир бор эди. Шардин паролни билармиди ёки саройга киришнинг яширин йўлидан хабардормиди, айтолмайман, дад, лекин убиҳ дворяни ҳарбийлар мажлис қилаётган хонада пайдо бўлди. У биринчи ўқ билан оромкурсидан сакраб турган бош қўмондонни жойига ўтиргизиб қўйди. Иккинчи ўқи капитан Аҳмад Қайсарлининг пешонасини тешиб ўтди. Рашид пошони ханжари билан чавақлади. Шардин қўйлар оғилига кириб қолган бўрига ўхшарди, ҳолбуки, унинг қўлидан жон таслим қилганларнинг ўзлари бўрилар зотидан эдилар. Хонадагиларнинг иккитаси столнинг тагига яширинишди. Шардин учинчи ўқни узолмади. Соқчилар унга найза санчиб тепага кўтаришди.

Ҳарбий вазир ва унинг яқинларидан уч кишининг ўлдирилганлиги ҳақидаги хабар мамлакатни ларзага солди. Акасининг ўлимидан хабар топган Шанда ўзини заҳарлади. Зеро бу қотиллик ўзи учун нима билан тугагини яхши тасаввур қиларди. Тергов бошланди. Жавобгар ўлиб бўлгач, ҳамма айбларни унга тўнкайверишди.

Лаънати Салим пошони ҳам эслаб қолишди. Мен учун муртад бўлган бу одам бирданига бошқалар учун салкам авлиё бўлиб қолди. “Шундай олижаноб одам. Унақа ақллилар давлатимизда жуда кам! У ҳам убиҳнинг қўлида ўлим топди!” Денгиз шамолдан, халқ хабардан тўлқинланади.

— Уни ким ўлдиргани эсингиздами?

— Қандайдир черкас Зауркан Золак!

— Қандайдир? Йўқ, у Шардиннинг эмикдош жияни бўлган? Салим пошо ўшанинг фатвоси билан ўлдирилган.

— Пошонинг ҳарамидаги ҳамма аёлларни Шардин ўзига жория қилиб олган”.

Ё тавба, милтиқдан кўрқма, гийбатдан кўрқ, дейишлари бежиз эмаскан-да. Мени ҳам эслаб қолишди. У ўлимга ҳукм қилинганди, қатл этиш эса ҳамон чўзилаяпти.

— Ўз қариндошини жаллод қўлидан Шардин қутқармай ким қутқарарди.

— Заурканинг турмадан қочишини ҳам ўша уюштирган.

— Албатта, ўша-да! Бу ҳам ўшанинг биттаси-да.

— Қизиқ, Салим пошонинг қотили қаерда яшириниб юрган экан.

— Эҳтимол, қочганидан кейин анча одамни ўлдиргандир!”

Миш-миш дунёни бошқаради. Туркия полицияси Зауркан Золакни қидириш ҳақида буйруқ олди! Ҳамма шаҳар ва қишлоқларда излашди. Аммо ўша пайт мен савдогар Карим афандининг қарвонида Саҳрои Кабирда юрган эдим. Шунда биласанми, Шарах, энг даҳшатлиси юз берди: Бош қўмондонни ва Салим пошони ўлдиришгани учун айбни бутун убиҳ халқига қўйишди.

— Ким ўзи ўша черкаслар ёки сиз айтаётган убиҳлар?

— Ҳаммаси қароқчи бўлса керак-да. Агар яхши бўлганларида руслар ўз давлатидан ҳайдаб юборишармиди?

— Исломни қабул қилишди, лекин мусулмонлар қўпайгани йўқ!

— Яхши жойлашиб олгандилар, масалан, Усмон кўйда...



– Эшитдингизми, Усмон кўй Шардин Алоу ўғли шерикларининг уяси экан.

– Барча муҳожирларни ҳукумат мамлакат чеккасига ҳайдаб юбориши керак.

– Ҳаммасини бир жойга эмас. Бу жуда хавфли. Турли жойларга сургун қилиш анча ишончлироқ. Шунда улар ўлиб кетадилар, бошқалари деҳқонларимиз билан аралашиб, ўз тиллари ва урф-одатларини унутиб юборадилар”.

Пошолар жанжаллашар, ҳамма балога убихлар гирифтор бўлардилар. Шу тариқа уларни бир-биридан ажратиб ташлаб ҳар тарафга тарқатиб юбордилар. Уйларида фақат ўзлари кўтарадиган нарсаларини олдилар. Туркияга кетаётганда уларда қандайдир умид бор эди. Энди бўлса уларни аскарлар ва умидсизлик ҳайдаб борарди.

Булар ҳаммаси мен Африкада саргардон юрган пайтларимда содир бўлганди.

Кеча тунда биз хайрлашарканмиз, Зауркан шундоқ чарчаган кўриндики, мен бугунги учрашувимиздан кўрққандим. Лекин у бугун одатдагидан барвақт турди ва ҳуштак чалиб қора итини чақирди-да, овқатлантириб, ҳовлида узоқ турди, кўппакни эркалади, елкасини силаб, у билан гаплашди:

– Агар пашшалар жонингга тегмаганида, уларни тутаман деб айланишга мажбур бўлмаганида, бу ерда зерикиб ўлардинг! Бўлди, бор жойингга! Эҳ, шўрлик, нега оқ бўлиб туғилмадинг, шунда кечаси ҳам ушбу қора туйнукда кўринардинг, мени ҳам тақдир шу туйнукка тикди-да, сендек!

Кўппак эркаланиб, эгасининг оёқларига суйкалди.

“Одатда овқатлантиргач, уни уришиб ёнидан ҳайдаб юборарди. Афтидан қариянинг бугун кайфияти яхшига ўхшайди”, – ўйладим мен.

Нонуштадан сўнг, гаплашгани ўтирганимизда, менинг тахминим тўғри чиқди. Зауркан ростдан ҳам яхши кайфиятда эди. Ана шу кайфиятидан фойдаланиб, ўйлаб юрган саволимни бердим:

– Йўлингизда аёллар учрамадими?

– Учради, – деди у, – сенга севганим ҳақида гапириб бергандим. Лекин шундай бўлдики, бахт иккаламиздан ҳам юз ўгирди. Мен бошқа ҳеч кимни севмадим. Аммо, аёллар бўлганди... Нима ҳақда гапирсам экан? Сен билганинг ҳақидами ёки билмаганинг тўғрисидами? Агар сен аёллар ҳақида ҳеч нарса билмасанг – улар ҳақида гапириб бераман. Борди-ю, улар ҳақида билсанг, такрорлаб ўтиришининг нима кераги бор?

Мен саволим ўзимдан беш баравар катта одамни хафа қилиш мумкин деб ўйладим. Лекин у менга ҳазил билан жавоб бериб қўя қолди. Сўнг соқолини силади-да, саволим билан бўлиниб қолган ҳикоясини давом эттирди.

Баҳоргача темирчи Дурсунникида яшадим. Нонни текинга емадим. Ўрмондан ўтин ташидим, ўчоқда олов ўчмаслигини таъминладим. Кир ювдим, кийим ямадим. Дурсунга қарашдим. Устачиликка ҳам қўлим унча-мунча келиб қолди. Ишимдан Дурсун суюнди:

– Султон сенинг қобилиятингни билиб қолса борми, сарой темирчиси бўлдим деявер. Араб тулпорларини тақалайсан.

Устахонада иш бўлмаганда, соқол-мўйловим шунақа ўсиб кетгандики, ҳар қандай таниш ҳам мени таний олмасди, қишлоқма-

қишлоқ юрдим, ўтин ёрдим, оғилхоналарни тозаладим, ўт ўрдим. Ўзимни Дурсуннинг амакиваччаси Тавфиқман, Ўрдадан келганман дердим.

Темирчилик устахонасида одам ҳамиша гавжум бўларди. Кимдир иш билан келарди, биров шундай мўралаб ўтарди, бирор гап бўлса хабар топай деб. Гарчи мени Дурсун амакиваччам Тавфиқ деса ҳам, кимдир таниб қолиши ҳеч гап эмасди. Унда фақат менинг бошимгина учиб кетмасдан, менга бошпана берган Давиднинг ўғли ҳам ба- лога қоларди.

Баҳорда ҳамма нарса уйғонади, ҳамма нарса қуёшга талпинади, илдиз отиб ҳаётга интилади. Мен-чи? Халқ илдизидоғи бир томирча- ман, холос. Халқим эса Усмон кўйдан ҳосилсиз ерга кўчириб ўтқа- зилган. Мен улардан узилиб қолган бир томирча ўсиб чиққан ниҳол- чага ўхшайман.

Ҳали қишдаёқ биз Дурсун билан ўчоқ ёнида ўтириб, уруғларим- нинг олдига бориш режасини тузгандик. Денгиз билан бориш ишонч- лироқ эди. Бунинг учун Измитгача пиёда боришга тўғри келарди. У ерда Дурсуннинг танишиникида дам олиб, кейин контрабандачилар билан елканли қайиқда Марсин оролига етиб олиш, уни айланиб ўтиб, денгиз кўриқчилари кўзидан яширин жойда тушиб қолиш ке- рак эди. У ёғи эса бир қадам.

Измитда сал-пал тамадди қилиб олиш учун ошхонага кирдим. Бу ўзимга ўхшаган тиланчиларга мўлжалланган жой эди. Қоронғироқ бурчакка ўтириб арзон бўтқа ва финжон қаҳва буюрдим. Овқатни еб бироз ўзимга келдим-да, столлар орасидан ўтиб кетаётиб қандайдир- қорамағиз одам нигоҳига дуч келдим. Юзи менга танишдек кўринди. Ошхонадан чиқиб ўзимни бозорга шошаётган одамлар орасига ур- дим. Орқамдан кимдир мени кузатаётганини ҳис этдим. Бирдан ел- кам оша қаттиқ бақирдиқ эшитилди:

– Ушланглар уни, ушланглар! Бу черкас! Салим пошони шу ўлдир- ган.

Орқамга ўгирилиб ўша қорамағиз одамни кўрдим. Энди танидим уни. Салим пошони ўлдирган жойимдоғи Сарой боғинининг фавво- раси ёнида қўлларимни боғлаган хизматчилардан бири эди. Одамлар тўдаси ортга тисарилди, ердан ўсиб чиққандай полициячи пайдо бўлди. Қуролсиз одамнинг қўлини қайириш улар учун ҳеч гап эмасди.

## ЖАРОҲАТ ҚЎШИҒИ

Измитда мени ҳибсга олишганидан сўнг кўп ўтмай суд бўлди. Ўзим ҳам билмайман, қандай юмшатувчи вазият бўлдики, менга ўлим жазоси ўрнига, умрбод қамоқ жазоси беришди.

Бу сафар мени қамашган турма эски қалъада жойлашганди. У тоғ- нинг чўққисидоғи гапгин қўққайиб турарди. Қамоқхонани уч томондан чуқур жарлик ўраб олганди. Фақат тўртинчи томонидан тоғ тизмаси ўркачи бўйлаб тор йўл турманинг темир дарвозасига олиб борарди. Қалъа деворлари гиштдан эмас, тоғ тошларидан тикланганди. Бу турмадан тутқунлар озодликка сира чиқмасди. Шунинг учун ҳам халқ орасида: “Бу ердан ҳеч ким қайтиб чиқмайди” деган гап юрарди.

Менинг ҳужрам бир кишилик эди, агар хоҳлашса, унга иккинчи кишини жойлашса ҳам бўларди. Уни гўдак боши сиғса бўладиган, одам бўйи баландлигидаги туйнук ёритиб турарди. Унга қамалган тут- қунларнинг йиллар давомида эркинликни кўмсаб, шамолга юзини тута-тута туйнук қирралари силлиқланиб кетганди.

Аввалига кунлар ва тунларни санаб борардим, кейин ҳисобдан адашиб кетдим. Агар хужра деворларининг қулоқлари бўлганида, қанчадан-қанча қалбни титратувчи бақариқлар, лаънатлар, тавба-тазарруларни, гапиришни эсдан чиқаришдан қўрқиб, талвасада айтилган сўзларни эшитган бўларди. На мулла, на назоратчи, на қариндошлар, балки шу тош деворлар жон таслим қилаётган тутқуннинг виро сўзларига гувоҳ бўларди.

Фақат биттагина қувонч: туйнукнинг икки ёнидаги чуқурчалар бор эди. Улар аристонларнинг кафтларидан қолган излар эди. Чуқурчалар уларнинг қуёшни ёки ойни кўраман деб қўйган қўлларидан ҳосил бўлганди. Мен ҳам шу хужрада ўтирган бошқалар сингари мазкур чуқурчаларга қўлларимни қўйганча, туйнукчага пешанамни ва иягимни тираб кунларимни ўтказардим.

Очиқ ёз кунларининг бирида, тушдан кейин, қуёш тоғ чўққисидан осилиб қолган пайтда унинг нури ҳамдардлик билан хужрамга мўралади. У қарши девордаги тошлардан бирини ёритиб турди. Ўша нур сўнгунча туйнук олдида туриб, иссиғида исиниб олдим. Кейин кун ботишини кузатдим. Шунда бошим устидаги осмон бургутнинг базмгоҳидай ва у навбатдаги ўлжасини тилка-пора қилаётган жойдай туюлди менга.

Уйқусиз тунларимда эса осмонда милтираб турган юлдузлар билан гаплашардим. Улар гоҳ ёрқин, гоҳ хира порларди. Гоҳо учаётган юлдуз тун бағрини тилаб ўтса, шу дақиқада жон берган одамни тасаввур қилардим. “Яхши одам эди” – ўйлардим қайғу билан, чунки ёмон одам ҳақида осмон белги бермаслигини қатъий билардим. Баъзан жала қуйганда, менинг юзимга ҳам бир-икки томчи сачрарди. Шунда кўзимга ёш олиб ёлворардим:

– Ё, қодир худо! Агар инсон боласи бошига қулфату балолар ёғдирмоқчи бўлсанг, ялинаман сенга, ушбу жойдан бўлак ерда ундай қилма, токи қайтиб чиқиш мумкин бўлмаган мана бу қалъа барча азоб-уқубат чекувчилари ва уларга зулм қилувчилари билан бирга тубсиз жарга қуласинлар!

Лекин Тангри менинг илтижоларимни эшитмасди. Агар Худо кимнидир эсдан чиқарса борми, бутунлай унутади.

Мени мана шу зиндонга қамаганларида шуни сезиб қолдимки, менинг хужрамнинг рўпарасида, жарликнинг нариги томонида, яккам-дуккам дарахтлар орасида ёлғиз ҳовли бор экан. Ҳовлида битта пахса деворли уй, унинг орқасида омбор, сал нарида молхона. У ерда тўрт кишидан иборат оила яшарди; қирқ ёшлардаги эркек, бири ёш, бири кексароқ икки аёл ва ёш бола, катталар эртаю кеч ишлашарди, бола эса ўйин билан овора эди.

Вақт ўтиб борарди, мен бу камбағал турк деҳқони оиласининг ҳаётини миридан-сиригача билиб олгандим. Гўё шу оила билан бир том остида яшаётгандек эдим. Агар эрталаблари уйдан кимдир чиқмаса, мени ташвиш босарди – касал бўлиб қолмадимикин? Тан оламан, Шарах, қўп йиллар ўша тош зиндонда ўтириб, соғ-омон қолганимни ўша оила тўфайли деб биламан. Гўё улар менга сув ва емак беришди, ёлғизликдан жинни бўлиб қолмаслигим учун руҳимни кўтариб туришди.

Туйнук орқали шу оила ҳаётини кузата туриб, англадимки, иккала аёл ҳам уй соҳибининг хотини экан. Авваллари бадавлат одам бўлгани учун икки хотинни боқишга қурби етган. Ана шу турк оиласининг барчасига убиҳча ном қўйдим. Кавказда тўрт кишилиқ оила қўшнимиз бўларди. Уй соҳиби, хотини, ўғли ва синглиси бор эди. Мен жарликнинг нариги ёғидаги оилани ўшаларнинг номи билан

атадим. Уй эгаси Шмат, унинг кичик ўғли Навей, аёлларнинг каттаси — озгин ва қорамағиз хотинни Шамсия, ёш, кўкракдорини Рафида дедим. У Навейнинг онаси эди.

Биз убихларда кўпхотинлилик қадимдан тақиқланганди. Уйланган эркак уйига иккинчи хотинни олиб келолмасди. Агар шунақа воқеа содир бўлса, биринчи хотин эрининг уйини тарк этарди, эри билан бир бошпанада яшамасди. У аёлни ота-онаси ёки ота-инилари уйларига олиб кетарди. Эрининг етказган ранж-алами учун унга ўлим хавф солиши мумкин эди. У бутун уруғнинг хундори эълон қилинарди.

Мен Навейни биринчи кўрганимда у беш ёшларда эди. У жуда шўх ва ўйинқароқ бола эди. Гоҳ хўрозни қувар, гоҳ сувга кетаётган онасига эргашарди. Ўғай онасидан жуда кўрқарди.

Бир куни яхшилаб кийинди-да, онаси билан меҳмондорчиликками ё шаҳаргами отланди. Ишонасанми, дад, уларнинг қайтишини шундай интизорлик билан кутдимки, гўё Рафиданинг эриман-у, ўғлининг отасиман.

Шамсия ҳамиша қора кийиниб юрар, сира жилмаймасди. Афтидан у бепушт аёл эди, бутун қайғули юриши шундан бўлса керак. Шмат уйга ёш хотинни олиб келгач, қоқсуяк Шамсиядан бутунлай совуди. Лекин Шамсия уйда ўзини бегона ҳисобламас, аксинча, хонадоннинг биринчи бекаси ўзи эканини кўрсатишга ҳаракат қиларди. Уйда баъзан содир бўлиб турадиган жанжаллар шундан далолат берарди.

Шмат камгап одам эди, бошқалардан ажралиб яшашни яхши кўрарди. Уйига одам камдан-кам келарди. Ўзи ишга жуда берилиб кетмасди. Эринганидан баъзан маккажўхорини ҳам кеч экарди. Кеч экилган жўхори эса яхши ҳосил бермасди.

Қиш яқинлашиши билан Шмат болтасини чархлаб, уйдагилари билан хайрлашиб қаёққадир кетарди. Шу билан баҳоргача кўринмасди. Фақат кўп қор ёққан пайтларда бир кунга келар, том боши, ҳовли қорини қураб, ўтин ёрар ва битта сигирига емиш тайёрларди-да яна кетарди. Мен Шмат баҳоргача ишлаб, пул топгани кетарди деб тахмин қилардим.

Ҳар сафар Шмат хотинлари билан ер ҳайдаб, маккажўхори ёки тамаки экканида уларни кузатиб турардим. Шунда димоғимга шудгор ҳиди урилар, томирларимда қонни жўш урдирарди. Турмада эканлигимни бутунлай унутардим. Оғир юк ортилган арава тепага қараб зўрға ўрмалагандай, йиллар жуда секин ўтарди. Қамоққа тушган куним кўкрагимга тушиб турган соқолимда битта ҳам оқ тола йўқ эди. Мана энди Навей ўзи соқол оладиган пайтга келиб, соқолим бутунлай оқарди. Шматнинг ўғли ўсиб бораркан мен унга қараб, турмада ўтган йилларимни санардим. Бола менинг тақвимим эди.

Тунги қоровул бонг урди, ҳуштак чалинди, шовқин-сурон кўтарилди. Ўқ гумбурлади. Турмадан кимдир қочди шекилли, деб ўйладим.

Эрталаб, туйнукка бориб қарасам, Шматнинг уйига одамлар кириб-чиқиб туришибди. Кейин мулла кўринди. Юрагим ҳаприқиб кетди, демак бахтсизлик юз берибди-да. Дарҳақиқат, шу кеча Рафида ўлган экан. Навей кўз ёшларини яширмай, онаси тепасида йиғлади. Хотини ўлгач, Шмат ўзини анча олдирди. Дарахт соясида бошини экканича анча ўтириб қолар, овқатга чақиршиса-да истамайгина борарди.

Бир куни Шмат билан Шамсия ҳовлида эканида уларникига бир отлиқ келди. Чол билан кампир унга таъзим қилишди. Лекин у қамчисини силқиб, уларга дўқ қила бошлади. Кейин отини тўғри уй соҳибининг устига ҳайдади. Ўз оёқларида зўрға тикка турган Шмат

йиқилиб тушди. Шамсия бақириб, ёрдам беринглар деб чақира бошлади. Лекин атрофда ҳеч ким йўқ эди. “Вой ҳайвон-ей?— дердим мен ҳужрамда айланиб. — Агар ўша ерда бўлганимда, суякларини синди-рардим!” Аламдан мушт билан тош деворни урардим. Шунда Усмон кўйда Шардин укам Матага қўл кўтаргани ва уни ҳовлидан ҳайдаб чиқарганим эсимга тушди. Анави отлиқ қайсидир бойнинг иш бош-қарувчиси бўлса керак. Солиқ тўлашни талаб қиляпти, шекилли. “Ҳозир Шмат пулни қаердан олади, хотинини энди кўмган бўлса” — ўйладим мен.

Шамсия бўсағада ўтириб нимадир тикаётганди. Уйда эркак кўрин-масди. Бирдан ҳовлига қуролланган киши кириб келди, уларнинг олдида Навей. Унинг қўлида ҳам қурол! У ҳали милтиқ отишни ҳам билмаса керак.

Шамсия уларни уйга таклиф қилди. Эркаклар анчагача ҳовлига чиқишмади. Балки тамадди қилишаётгандир. “Анави тўрттаси қароқчи-лар тўдасидан бўлса, Навейни ҳам ўзларига қўшиб олишдимикин?” — ташвишландим мен. Йўғ-е, дедим ўзимга ўзим. Ҳалол одамнинг бола-си қандай қилиб талончилик қилиши мумкин. Одамни тарбиялаш учун йиллар керак, уни йўлдан уриш учун эса дақиқалар кифоя...

Меҳмонлар уйдан чиқиб, хайрлашдилар-да, дарвоза орқали эмас, балки чивикдан тўқилган тўсиқдаги тешик орқали чиқиб кетишди. Навей улар кўздан гойиб бўлгунча кузатиб турди-да, милтиғи елка-сида уйга қайтиб кирди. “Бу нимани билдиради?” деган ўй қийнарди мени. Туйнукдан узоқ кузатиб турдим. Оёқларим чарчади, деворга тираб турган қўлларим қотиб қолди. Назоратчи ҳужрам эшигидаги дарча орқали киритган ловия шўрва совиб қолди. Мен эса Шматнинг ҳовлисидан кўз узмасдим.

Ана, бемажол Шматни оти билан йиқитиб кетган ҳалиги отлиқ яна пайдо бўлди. У ҳовлига кириб, Шамсиядан нимадир сўрай бош-лади. Балки “эркаклар қаерда?” деб сўраётгандир. Эркаклар йўқлиги-га ишонч ҳосил қилгач, отини бурди-да, оилани боқиб турган ёлғиз сигир арқонлаб қўйилган майдон — ўланг томон юрди. Шошилиб, сигир боғланган арқоннинг учини қозиқдан ечиб олди, отига мин-ди-да сигирни олдига солиб ҳайдади. Шамсия қўлини кўкка кўтариб, “сигирни олиб кетма” деб ялиниб-ёлворди, кейин қарғай бошлади. Лекин отлиқ унинг гапларига парво ҳам қилмади.

Шу пайт уйдан Навей отилиб чиқди. Қўлида милтиқ. Аввалига ўт чақнади, кейин гумбирлаган овоз эшитилди. Отлиқ тўхтаб қолди, арқонни қўйиб юборди-да отини ниқтади. Иккинчи ўқ овози эши-тилди. Чавандоз бошини отнинг ёлига энгаштириб, жониворни чоп-тириб кетди. Навей сигирни яна ўша қозиққа боғлагач, зўравоннинг орқасидан сўкиниб, ҳовлига қайтиб кирди-да йиғлаётган ўғай она-сини тинчлантира бошлади. Кейин чивик панжаранинг тешик жойи-дан чиқиб тоққа жўнади.

“Офарин болам! Лаънатини бопладинг! Сен ҳақиқий эркак экан-сан!” — дея қувондим ичимда. Ва ўзим қафасдаги кекса бургут мисо-ли, хаёлан қанотларимни ёйиб, эркинликка чиқиб, ҳеч бўлмаса яна бир бор кўкка парвоз қилиш истагини ҳис этдим. Мана, мардлик намунаси инсонда ўлган руҳни қандай уйғотиши мумкин экан. Озод-лик кўриниб турган шу мўъжаз “туйнук” мана қандай кучга эга экан.

Навей уйда камдан-кам кўринарди. Ўғай онасини кўргани келиб, дарҳол ишга киришар, юмушларини битириб яна жўнаб қоларди. Ўтин ёрадими, жўхорини чопиқ қиладими ёки молхонани тозалайдими,

ёнида ҳамиша милтиғи бўларди. Ҳали яқинлардагина ўйинчоқлар билан овуниб, ўйнаб юрган болакай, энди келишган йигит бўлиб, уй-жойини ҳимоя қилаяпти.

Баъзан у ўзига ўхшаган жасур йигитлар билан пайдо бўларди. Уларга ҳавасим келарди. Бу йигитлар менда умид уйғотишди. Кўз олдимга тез-тез бир манзара келадиган бўлди: Навей бошлиқ ҳалиги йигитлар гуруҳи турма соқчиларига ҳужум қилиб, уларни янчиб ташлайди, ҳужрамнинг эшигини очиб юборади. Навейнинг: “Чиқинглар! — деган овози эшитилади. — Яшасин озодлик!” Зиндон остонасини ҳатлаб, Навейни бағримга босаман. Мундай қарасам, у менинг бедарак йўқолган укамга ўхшаркан. О, озодликнинг умидбахш лаззати! Бу лаззат ҳеч қаерда қамоқдагичалик қалбга ҳузур бермайди.

Агар борди-ю, Навей менга таклиф қилса: “Қуролни ол, юр биз билан. Душманамиз битта!” — деса, ҳеч иккиланмай унинг етакчилигида жангга кирардим. Ҳатто душманнинг биринчи ўқи менинг кўксимга санчилишини билсам ҳам.

Сиз — абхазларда, азизим Шарах, “Сувга чўкканнинг руҳи денгиз тубида ҳам пичан ўради” деган мақол бор. Чиндан ҳам шундай.

Биз — аристонларни ойда бир марта сайрга олиб чиқишарди. Ўзаро гаплашишимиз ман этиларди. Гаплашишга журъат этган одамни кейинги сайрдан маҳрум этишарди. Бир вақтлар атрофга машғум сукунат чўккач, қўшни ҳужрадан, қаттиқ йўтал, инграш овозлари эшитиларди. Кейин у эшитилмай қолди. Балки ўлгандир, шўрлик чол, деб ўйладим.

Ва бир сафар тунда, қаттиқ бош оғриғи қийнаётган ва уйқум қочган бир пайтда, бирдан азоб-уқубат қўшиғини эшитиб қолдим. “Балки менга шундай туюлаётгандир, — ўйладим мен. — бу ерда абхазларнинг жароҳат қўшиғини ким ҳам куйлаши мумкин?” Лекин бу хаёл эмасди. Ҳайратдан ўз оғриқларим, азобларимни унутдим, қулоғимни тош деворга босиб, тинглай бошладим. Йўқ, бу сароб эмасди. Чиндан ҳам кимдир жуда бўғиқ, азоблардан синиққан, гамгин ва секин овозда таниш қўшиқни куйларди. Баъзан қўшиқни бўғиқ йўтал бўларди ёки тутқун хушидан кетиб овози тинарди. Кейин бу мунгли ва мардона қўшиқ менга яна эшитила бошларди. Мен қўшиқнинг айрим сўзларинигина илғардим, холос. Эргалабгача кўз юммадим.

Куним кутиш билан ўтди. Ниҳоят чўққи устидаги олис юлдуз милтиллай бошлаганда унинг қўшиғи яна эшитила бошлади. Мен ёшлигимда абхаз қизи — онамдан эшитгандим, бу қўшиқни қаттиқ яраланган эркак айтар экан. Менинг бурчим ва урф-одатимиз ёрдам беришга чорларди. Лекин қандай қилиб? Соқчини олийҳимматликка чақирайми? Турмада ўлим ёки умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар соқчиси мени тушунмаслиги мумкин эди. Зеро, аристонга раҳм қилувчининг ўзигина унга ўлимни раво кўриши мумкин эди. Чунки ўлимгина уни азоб-уқубатдан халос қилиши мумкин эди. Тез ўлган тутқингина бахтли одам ҳисобланарди.

Жароҳат қўшиғи... Цебалда эсимга тушди. Онамнинг қариндошлари ўша ерда яшарди. Онамнинг укаларидан бири қорнидан яраланиб, ўлим азобида ётганида мен ўсмир эдим. Ёру биродарлари ва қўшнилари унинг тепасига йиғилиб жароҳат қўшиғини айтишарди. Тоғам ингроғини босиб уларга жўр бўларди. Шўрлик тоғагинам оғзида шу қўшиқ билан жон берди. Девор ортидаги шўрлик ҳам жон талвасасида, абхазлар қонунига кўра, мен унинг тепасида бўлишим, васиятини эшитишим керак. Шундан кейингина кўзларини беркитиш мумкин.

Иккинчи оқшом девор ортидаги қисматдошим қўшиғини тугат-гач, унинг дастлабки товушига ўхшатиб қўшиғига жўр бўлдим. Овозим шундай баланд эдики, соқчи эшикни очиб тўнғиллади: “Нега бақираяпсан?” Мен турма назоратчисининг норозилигини эътиборсиз қолдириб, жароҳат қўшиғининг эсимда қолган сўзларини уч марта такрорладим:

Уаа-райда, эркак эмасдир,  
Ким тишига тишини босиб,  
Яшира олмаса изтиробини.

Уаа-райда, эркак эмасдир,  
Ким инграб жароҳатининг  
Билдирса гар гўр азобини.

Овозимни аста-секин пасайтириб, қулоғимни деворга тутаман. Буни уч марта такрорладим. Бирдан ишонч ҳосил қилдим: ярадор абхаз мени эшитди. У менга жўр бўлди. Шубҳа йўқ эди, айнан жўр бўларди. Бундан жуда қувониб кетдим. Ахир, ҳайрон қоларли эмасми, азизим Шарах, ярадор қўшиғини айтаётган қувончни ҳис этса? Эҳтимол, бунақаси ҳеч қачон бўлмагандир. Бироқ мен ва маҳбус қўшним бир-биримизни эшитиб қувонардик. Мен қўшиқни тугатсам, у бошларди, у тугатса мен бошлардим.

Биз кучдан қолиб, чарчаб ухлаб қолардик. Бу бир неча тун давом этди. Лекин кўп ўтмай қўшни ҳужрадан ҳеч қандай овоз эшитилмай қолди. “Тамом бўлди, шекилли, бечора!” — деган қарорга келдим мен.

Эртасига сайр куни эди. Ташқарига чиқаётганлар одамлар эмас, сояларга ўхшардилар. Ана шундай соялардан бири менга шипшишга журъат этди:

— Эркинликда ҳаяжон кўпроқ бўлади. Ҳа демай бизларни балиқни бочкага жойлагандай тиқиштиришади, бир ҳужрага иккитадан қилиб.

Навей ва унинг ўртоқларининг хатти-ҳаракатидан эркинликда қандайдир ўзгаришлар юз бераётганини сеза бошлагандим.

Орадан уч кун ўтиб, занг босган эшик гичирлаб очилди-да, зиндонбонлар менинг хонамга аввал ёғоч катни тиқиштирдилар, кейин аристонни олиб кирдилар.

— Меҳмонни кутиб ол! — ғамгин ҳазиллашди биттаси.

Хира ёруғда баланд бўйли одамни кўрдим, боши шифтга тегай деб турарди. Қоп-қора қалин сочлари пешонасига тушган, соқоли ўсиб кетганди. Кўзлари кўм-кўк бу одам озиб-тўзиб кетган, оёғида зўрға турарди.

— Хайрли кун! — деди у кафтини кўксига қўйиб. Сўнг ғамгин заҳархандалик билан қўшиб қўйди! — Қамоқхонада хайрли кун бўлмайди, тўғрими? Айт-чи, дўстим, оғриғига ҳамдард бўлиб, ярадор қўшиғини айтиб берган сен эмасмидинг? Сен абхазмисан?

Унинг пайдо бўлиши мени ҳайратга солди. Агар деворга суяниб турмаганимда, қулаб тушишим ҳеч гап эмасди.

— Сенинг келишинг мен учун байрам, — дедим. — Оёғингда зўрға турибсан. Ўтир...

У катнининг четига чўкди. Шунда туйнукдан тушаётган нур унинг юзини ёритди. Юрагим тўхтаб қолгандай бўлди. Унинг юзида ўлим сояси акс этиб турарди.

— Мен убихман, лекин онам абхаз қизи, — дедим кўз ёшимни ичимга ютиб, уни бағримга босарканман.

Шунда у бир нарсадан ҳайратга тушгандай мени диққат билан кўздан кечира бошлади.

– Болалигимда Зауркан Золак деган бир одамни билардим. Унга жудаям ўхшаб кетаркансан. Фақат у, агар тирик бўлса, ёшроқ эди-ёв...

Кўзимни ёш қоплади.

– Мен Зауркан Золакман. Сен кимсан, биродар?

– Ё худо, марҳаматингдан! – шивирлади у ва инграб юборди. – Сени осилган дейишганди-ку! Наҳотки Салим пошони ўлдирганингдан бери шу ерда ўтирган бўлсанг?

– Қарийб...

– Ўша йиллари мен бола эдим, лекин сени кўзларингдан танидим... Кўзларингга қараб...

У бошқа гапиролмади. Бўғувчи йўтал уни гапиргани қўймади. Мен унга ёрдамлашиб катга ётқиздим ва сув бердим. Йўтали тўхтаб, сал ўзига келгач, сўради:

– Усмон кўй қишлоғини унутганинг йўқми, Зауркан. Сизлар билан кўшни бўли абхазиялик садз Абухба Мзауч яшарди. Сизлар у билан яхши улфат эдингизлар. Мзаучнинг ўғли – кичик Шоудид вақтини кўпинча сизларнинг ҳовлида ўтказарди. Сен унга ўйинчоқлар ясаб берардинг...

Бечора зўрға нафас олар, қўлини ҳамиша кўкрагида ушларди, яна йўтал тутишидан қўрқарди.

– Э-э, сен Шоудидмисан? Мзаучнинг ўғли Шоудид? – хитоб қилдим мен.

– Тўғри топдинг, Зауркан.

– Вой тавба, вақтни қаранг-а, нима қилганини!

Абухба Мзаучнинг ўғли Туркияда, Самсунда туғилди, отам унга Шоудид деб исм қўйди. Абхазиядаги энг баланд чўққилардан бири Шоудид деб аталарди...

Шоудиднинг кўкрагидаги ўқ яраси йиринг боғлаганди. Танаси ўт бўлиб ёнарди. У умри тугаб бораётганини тушунар, лекин тақдиридан нолимасди. Унинг қўп гапириши мумкин эмасди. Мен Салим пошони ўлдирганимдан сўнг оиласига нима бўлганини гапириб бериш учун кучини асрарди.

– Биз ота-онам билан Усмон кўйдан Адапазари яқинига кўчиб ўтдик. Садзлардан кейин у ерга даллар, цебелдалиқлар, ва гумлар кўчиб боришди. Қавмларимиз бизга уй қуришга ёрдамлашишди. Мени мактабга беришди. Қобилиятим бор экан шекилли, мактабни битирганимдан кейин мени Истанбул мадрасасига юборишди. Мен унда икки йил ўқидим. Лекин тугата олмадим, отамнинг пули етмай қолди. Тўғри, икки йил ичида учта тилни ўргандим, фойдали билимлардан баҳраманд бўлдим. Истанбулда мен Ҳамиданинг набираси Тоҳир билан учрашдим. У муаллим бўлибди, убихларни Усмон кўйдан кўчириб юборишгач, у ҳам муҳожирларга эргашиб кетди. Мен у билан хат ёзишиб турдим. Олис бир қишлоқда убихларнинг болаларига савод ўргатаяпти. Ажойиб инсон! Шардиннинг меросхўри Мансоу бўлса, гарчи Тоҳир билан ёнма-ён ўсган бўлса-да, ўйинқароқ чиқди: базмлар, қимор, аёллар – унинг эрмаги. Отасининг эҳтирослари...

Шоудидга ҳаво етишмасди, бунинг устига ташналиқ қийнарди. Кўза тўлдириб сув берсанг ҳам ичиб тўймайди. У бироз бўлса-да, дам олиши учун ўзим гапирардим, унга ўз саргузаштларим, Шматнинг оиласи билан қандай иноқлашганим ҳақида айтиб берардим.

Навей ўз ўйини қўлида қурол билан ҳимоя қилаётган вазият Абухба Мзаучнинг ўғлини унча ҳайратга солмади. Зеро, ҳаётда катта воқеа-



лар бўлаётган экан, Бетиним урушлар ва кўплаб солиқлар солиш натижасида турк деҳқонлари хонавайрон бўлиб исён кўтара бошлаган, ҳатто қўлларига қурол олиб султон ҳокимиятига қарши чиқа бошлагандилар. Россия ҳам нотинч эди. Шоудиддан шуни билиб олдимки, унинг отаси Кавказга, ўз уйига бориш илинжида Камлат пошо қўшинига қўшилиб кетган экан.

— Кетиш олдидан менга шундай дедилар: “Онангни эҳтиёт қил ва мени руслар билан урушгани кетаётир деб ўйлама. Кемадан тушим билан Камлат пошодан кетаман. Яна шу нарса эсингда бўлсин, ўғлим. Ватан сени йўқотиши мумкин, лекин сен юрагингдаги ватанни йўқотишга ҳаққинг йўқ”. Кавказ соҳилига тушишлари билан отам Камлат пошо қўшинини тарк этибди, ўзи билан юзтача ўқчини ҳам эргаштириб кетибди. Кейин бедарак йўқолди. Онам ундан яхши хабар кута-кута вафот этди: отам тирик экан. Мен ундан хат олдим. Қария Жгерда қишлоғида яшаётган экан. Мени ёнига чақираяпти... Лекин мен отамни кўролмасам керак...

Шоудид кўзини юмди. Кафтимни унинг иссиқ пешанасига қўйдим. У сув сўради. Мен унга ёғоч косада сув тутдим. У ютоқиб ичди...

Бироздан сўнг у ҳикоясини давом эттирди: — Мен отамдан хат олганимдан бир ҳафта ўтгач, турли-туман солиқлар ва оғир меҳнат жонига теккач, абхаз-муҳожирлар исён кўтаришди ва Маршар князларининг иш бошқарувчисини ўлдиришди. Бунинг учун уларни саҳрога ёки Сурияга сургун қилиш хавфи таҳдид соларди. Одамлар уйларига, Абхазияга қайтишга қарор қилишди. Кема ёлламоқчи бўлишди, лекин бунинг учун кўп пул керак эди. Шунча пулни қаердан олишади. Аламзадалиқдан жиноятга қўл уришди. Пул ташувчи почта қаретасини талаш режаси пайдо бўлди. Мен пистирмада тургандим. Бахтимизга қарши ўша кун қаретани кучайтирилган кўриқчилар гуруҳи кузатиб келаётган экан. Отишма бошланди. Ўқ кўкрагимни тешиб ўтди. Кейин суд қилишди... Шундай қилиб, менга ватанни кўриш насиб этмади. Агар сен, Зауркан, Ватанни кўрсанг, менинг номимдан унга таъзим қил... Ишончим комил, сенга озодлик кун итиб келади! Уаа-райда, уаа-райда, — паст овозда чўзиб айтди у жароҳат қўшиғини...

У шу қўшиқ билан менинг қўлимда жон берди. Кўзимда ёш билан унга жўр бўлдим. Сўнг кўзларини беркитдим. Унинг сўзлари мен учун башорат бўлишини ҳали билмасдим. Бутун атроф жунбушга келганди ва исёнкор руҳ иродаси билан ҳамма нарса ўзгариб кетди. Қонхўр султон Абдулҳамид тахтдан ағдарилди, ҳокимият ёш турклар қўлига ўтди. Улар манифест эълон қилдилар. Турмаларнинг эшиклари кўплар учун очилди. Ва мен, жиноят қилганимга кўп вақт ўтгани туфайли озодликка чиқдим.

Давоми бор

*Русчадан  
Файзи ШОҲИСМОИЛ  
таржимаси*

## Масару ЭМОТО

# Сув қуввати

### ЎЗ-ЎЗИНИ БИЛИШ ВА ШИФО ТОПИШ УЧУН

**М**азкур асар — халқаро бестселлер «Сувнома<sup>1</sup>» китобининг давомидир. Доктор Эмотонинг янги тадқиқотлари Сув қудратли шифобахш хусусиятларга эга эканлигини инкор этиб бўлмас далиллар билан исботлайди. Ер сайёрасида энг кўп тарқалган бу унсурда инсоннинг соғлом яшаш сирлари мужассамлашган. Сув — инсоннинг жисмоний танаси билан унинг фикрлари, ниятлари, ҳис-туйғулари, руҳиятини боғловчи кўприк саналади. Сув инсонларнинг руҳий қувватини йиғиб олади; хотирасида сақлаб, бошқа одамларга узатади. Сувда йиғилган соғлом, тоза қувват ҳам жисмоний, ҳам руҳий хасталикларни даволаш кучига эга. Китобда ғаройиб расмлар бор. Бу расмларда инсоний яхши ва ёмон фикрларнинг сувга таъсири натижасида ҳосил бўлган кристаллар акс этган. Сувга тўғри муносабатда бўлишнинг соғлиғимизга, дунёқарашимизга ижобий таъсири ҳақида амалий кўрсатмалар берилган.

### МУҚАДДИМА

Гарчанд маълумотим дастлаб илмий фаолиятга йўналмаган бўлсада, анчадан буён Сувни тадқиқ этаман. Йокогама университети ижтимоий факультетида ўқиб, Америка-Хитой муносабатлари бўйича ихтисослашганман. 1987 йилда, 43 ёшимда илк бора Сувнинг ғаройиб хусусиятларига дуч келдим. Ушанда мен савдо соҳасида ишлардим. Ҳамкорларимдан бири оёғимдаги оғриқни махсус тайёрланган Сув ёрдамида даволашни маслаҳат берди. Ҳайратланарлиси шундаки, мен олган доридармонларнинг барчасидан кўра, шу сув дардимни аришига кўпроқ ёрдам берди.

Бу воқеа Сувни тадқиқ қилишга киришишим учун туртки бўлди. Вақт ўтган сайин бу унсур ўзида ахборот йиғиш хусусиятига эга, деган қатъий қарорга келдим. Аммо бу маълумотлар биз теледастурлар, радио эшиттиришлар, газета, журналлардан оладиган ахборотлардан фарқ қилади. Бу ўринда вужуд — тана ва ақлга таъсир этувчи ташқи омиллар назарда тутилмоқда. Айттайлик, чиройли манзарага боқаркансиз, ажиб сокинлик кўнгилга инади; ёқимли мусиқа тинглаганингизда эса қалб покланади. Ахборот деганда сўз замирида вужудимиз ҳамда онгимизга таъсир кўрсатувчи жамики омилларни назарда тутяпман.

Ўзида мужассам этган ахборотга мувофиқ Сув ўз хусусиятларини ўзгартиради, бу — узоқ йиллик тадқиқотлар натижасида чиқарган хулосам. Афсуски, анъанавий фан қонуниятларига мос келмайдиган бу радикал гоя кўллаб-қувватланмади, чунки аниқ исбот-далиллар талаб этиларди.

Бир куни Дэвид Саволднинг «Уй бекасини таъқиб этувчи чақмоқ ҳамда фаннинг бошқа ғаройиб тилсимлари тўғрисида» номли китобини ўқирканман, «Бир хил қор зарралари бўладими?», деган сарлавҳага

<sup>1</sup> «Сувнома» асари журналнинг 2007 йил 10-сонида босилган.

михландим. Мақолада ёзилишича, миллионлаб йиллардан буён ерга ёққан қор зарраларининг бирортаси бошқасига ўхшамас экан. Бу ҳақиқат менга ўқувчилигимдан аён эса-да, соғлом мантиқ мазкур фактга ўз тадқиқотларим нуқтаи назаридан қарашга ундади. Сувни музлатиб, муз кристалларини кўздан кечирсам-чи, деган янги фикр пайдо бўлди. Ҳамкасбим бўлмиш ёш мутахассис билан бирга тадқиқот ўтказишга киришдик. Бу тўғрида кейинроқ батафсил тўхталамиз. 1994 йилда қатъият билан ўтказилган икки ойлик тадқиқот самарасини берди, ҳамкасбим чиройли олти бурчакли муз кристалли фотосуратини олишга муваффақ бўлди.

Сув билан боғлиқ тадқиқотларим натижалари жамулжам бўлган «Тўлқин тебранишлари ҳақиқати» деб номланган китобим 1994 йилда босилиб чиқди. Бу йўналишдаги ишларим гоят кучли акс-садо беради, деб ўйламаган ҳам эдим. Ушандан кейин Сув фикру ёдимни банд этди. 1994 йилдаги муваффақиятдан руҳланиб, келгуси беш йил мобайнида муз зарралари – кристалларини расмга туширишда давом этдик. Шу фурсат ичида ҳадо (барча нарсага хос энергия ёки тебранишлар) ҳамда Сувга оид тажрибалар тўғрисида бир нечта китоб чиқардим. Ўз тажрибаларим тўғрисида илмий конференцияларда маърузалар билан иштирок этдим. Таассуфки, айнан шу йўналишда тадқиқот олиб бораётган бирор кишини учратмадим.

1998 йил охири эди. Тэнри (Япония) университетининг Инсон танасини ўрганиш Жамияти мажлисида сўзга чиқдим. Машҳур генетик олим, Ҳукуби университети профессори доктор Кадзуо Мураками ҳам мажлисда иштирок этарди. Доктор К.Мураками тадқиқотларимни қўллаб-қувватлаган дастлабки нуфузли олимлардан бири бўлди.

1999 йилда эса «Сувнома» китобимни рафиқам Кадзуко нашрдан чиқарди. Китоб япон тилида эди. Мен «ҳар эҳтимолга қарши» кристаллар расмларига инглиз тилида изоҳ беришга қарор қилдим. Ва мазкур қарор алаҳ-оқибат бутун ҳаётимни ўзгартириб юборди! Китоб хорижий ўқувчиларни ҳам ўзига тортди, айни пайтда жаҳондаги 20 дан зиёд тилларга таржима қилинди. Вақт шитоб билан ўтяпти. Ҳозирда дунёнинг барча бурчакларидан Сув ва ҳадо тўғрисида маърузалар ўқишимни сўраб, таклифлар тушмоқда. Сув ҳақидаги мақолаларимни ўқиганлар, эшитганлар ҳайратдан донг қотишяпти. Уч йил аввал «Сименс» компаниясининг пиар-менежери билан суҳбатлашдим. Ана шундан сўнг «Сименс» офисининг кафетерийсида «Ҳадо-Сув» (ижобий қувват билан зарядланган Сув) ишлата бошлашди. Ҳар йили мен Аугсбургда минглаб тингловчилар ҳузурида ҳадо тўғрисида сўзлаб бераман. 2002 йилдан буён бу тадбирни Ҳадо-симпозиум деб атайдилар. Германияда ХАДО сўзи ҳаётдан мустақкам ўрин олди деган маънони англатади.

Нидерландияда қиролича Беатрикснинг синглиси малика Ирен билан учрашиш шарафига муяссар бўлдим. Табиий фанлар билан қизиқувчи малика бир неча мавзуларга оид баҳс-мунозара ўтказиш учун қатор олимларни, жумладан, машҳур инглиз биологи Руперт Шелдрейкни ҳузурига чорлаган эди. Мен Сув тадқиқотчиси сифатида иштирок этдим. АҚШда кўп марта, икки бора эса Гарвард университетида маърузалар ўқидим. Табиатга, атроф-муҳитга эътибор гоят кучли бўлган Канададан кўплаб таклифлар тушди. 2003 йилнинг май ойида Канаданинг Виктория, Ванкувер, Калгари, Эдмонтон, Монреал, Торонто шаҳарларида Сув ва ғайриоддий пневмонияга оид маърузаларим тингловчиларни ҳаяжонга солди.

Хорижий давлатларга қанчалар кўп борсам, шунчалар кўп одам Сувнинг ғаройиб хусусиятларидан бохабар бўларди. Аммо минг-минг тингловчидан бирортаси ҳам Сувга оид тажриба ўтказишни ҳаёлига келтирмас, Сув хусусиятлари ҳақида ҳеч нарса билмасди! Табиий фанларни ҳам, диний илмни ҳам юзаки билган оддий бир киши – мен Сув тадқиқотчисига айланиб, дунёга Сув хусусиятларини овоза қилар, бирин-кетин қўлма-қўл ўқилувчи бестселлер-китобларимни чоп эттирардим. Сувга мен сингари қизиқувчи инсоннинг ўзи йўқ эди! Ҳа, биз ҳозирга қадар бу ажойиб унсур тўғрисида гоят оз биламиз.

Улғайган киши танасининг етмиш саккиз фоизи сувдан иборат бўлса-да, сувнинг кўплаб хусусиятлари тадқиқ этилмаган. Эҳтимол, шунинг учун ҳам на ўзгаларни, на ўз «Мен»лигимизни тушунмасмиз...

Одатда Сувни эътибор бермасдан ичамиз. Унинг ҳаётдаги аҳамияти, зарурияти барчага маълум. Сувга шунчалар ўрганиб қолганмизки, камдан-кам ҳолларда, онгли тарзда обихаётнинг иззатини жойига қўямиз.

Қуйида мазкур китобда муҳокама этилажак масалалар, ҳолатлар эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

Сувнинг ўзига хос табиатига жиддий қарайсизми?

Ичаётган Сувингиз соғлигингизни, ҳаётингизни яхшилаш олишга қодирлигини биласизми?

Сув хоссаларини онгли равишда ўзгартира олишингиз мумкинлигини биласизми?

Сувга ташаккур айтсангиз, унинг сифати яхшиланади. Сувни ҳақорат қилсангиз ёки эътиборсиз бўлсангиз, сифати ёмонлашади.

XXI аср Қовга эрасига қиради. Катта кўзада Сув кўтарган одам – Қовганинг астрологик белгиси тимсоли ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2005 йилни Сув Ўн йиллиги (2005-2014) даврининг бошланиши деб эълон қилди, бу қуруқ гапвозлик эмас.

Келинг, Сув ҳақида янада кўпроқ билайлик, Унга астойдил эътибор берайлик.

Сувни қанчалар кўп билсангиз, ўз-ўзингизни янада равшанроқ англай бошлайсиз. Алалоқибат инсоният жамиятини, мамлакатларни, дунёни, Борлиқ оламни ва ниҳоят, Илоҳиётни идрок этиб билиб борасиз. Грек файласуфи Фалес «Сув – тириклик оламининг ибтидосидир» деганда нақадар ҳақ эди!

Китобимни ўқигач, Сувни сева бошласангиз, соғ-омон, бахтли ҳаёт кечириш моҳияти ҳақида ўйлаб қолсангиз, муаллиф сифатида бошим осмонга етарди. Мазкур асарни тайёрлашга, нашр этишга ёрдамлашган биродарларимга Сув номидан чуқур миннатдорчилик ихзор этаман, барча ўқувчиларимга меҳр, эҳтиром йўллаймаман. Азизим Сув ҳазратлари гувоҳлигида, албатта.

## КАШФИЁТ ЖАРАЁНИ

Тадқиқотлар қандай бошланди?

Юқорида таъкидлаганимдек, «Бир хил қор зарралари борми?» сарлавҳали мақолини тасодифан ўқигач, муз кристалларини расмга олиш гоёси менга тинчлик бермай қўйди.

Бахтимга савдо компаниямизнинг ёш тадқиқотчи-олими Кадзуя Исибаси микроскопни ишлата оларди. Катта микроскопни ижарага олиб, жаноб Исибасига муз кристалларини расмга тушириш вазифасини топширганимда, у гоёят ажабланди.

– Муз кристалларини албатта, расмга тушираемиз, бунга менинг ишончим комил, – дедим ёш олимнинг шубҳаларини қувиб. Аммо жаноб Исибасини юрагимни ёндираётган, жисми-жонимни эгаллаб олган гоёмга ишонтиришим учун нақ икки ой зарур бўлди. У менинг қўнглим учун икки ой сувни музлатиб, муз кристалларини микроскопда текшириб ўтирди. Ҳаракатлари зое кетиб, кристалл ҳосил бўлмаётганидан умидсизланганча кунни кеч қилганда, уни бирга овқатланишга таклиф этардим. Ёш дўстим ўзи хуш кўрган сакэни майдалаб ичаркан, мен унинг қалбида умид учқунларини ёқардим:

– Мана, кўрасиз, уринишларимиз беҳуда кетмайди, муз кристалларини, албатта, расмга тушираемиз. Тушкунликка тушмасангиз, бас. Агар микроскопни ишлата олганимда, эртаю кеч шуғулланган бўлардим. Сиздан илтимос, менга мадақкор бўлинг....

Ва ниҳоят, тинимсиз ҳаракатларимиз ўз самарасини берди.

...Ўша куни қўлида расмларни кўтарганча лабораториядан югуриб чиққан Исибаси чеҳрасидаги ҳайрат, ҳаяжонни асло унутмайман. Ҳозир

ўшандаги ҳол-аҳволимизни, зиммамизга нечоғли катта вазифа олганимизни таҳлил қиларканман, инсондаги ишонч қудратига бош эгмай илож йўқ. Мендаги, сувни музлатиб, кристалларини албатта расмга оламиз, деган қатъий ишонч жаноб Исибаси шубҳаларини аритди. Энг муҳими эса бизнинг ниятимиз пок, холис эди, пул ишлаб қолиш, бойиш деган васвасалар қўнғлимизнинг қўчасига келмаган. Балки худди шунинг учун ҳам уринишларимиз ўз мевасини берди; Сув пок, гўзал чеҳрасини бизга намоен этди.

Кристаллар қандай расмга олинарди? Айни пайтдаги иш усулимизни тасвирлаб берайин. Шиша идишдаги Сувга —ахборот ташувчи (ёзма сўз, сурат, мусиқа)лардан бири таъсир кўрсатади. Сўнгра таъсирланган бу Сув диаметри 5 см бўлган элликта дастали пиёлага тақсимланиб, —25 даражадан ҳам пастроқ ҳароратли музлаткичга қўйилади. Уч соатдан сўнг пиёлалар олинганда, шар шаклидаги муз бўлаклари ҳосил бўлганини кўриш мумкин. Муз бўлақларининг ҳар бири микроскопда ёритилиб текширилади. Иш жараёни рисоладагидай кетаётган бўлса, ҳарорат кўтарилиши асносида муз эриб, кристаллар вужудга кела бошлайди. Икки-уч дақиқадан сўнг шарсимон муз гунчаси япроқ ёзаётган гул янглиғ очилади. 50 дона бир хил сизимли пиёлада, бир хил совуқ ҳароратда музлатилган Сув, қарангки, ҳар хил кристаллар ҳосил қилади. Биз кристалларни гуруҳларга ажратамиз — ғоят чиройли қиррали кристаллар, шакли нотугал кристаллар, кристалл ҳосил қилмаган муз бўлаклари. Статистик таҳдиддан аён бўлмоқдаки, муз кристаллари ўрганилаётган Сув сифати қандайлигини кўрсатмоқда.

### ТАБИЙ, ҚУВУР ВА МИНЕРАЛ СУВИМИЗ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?

Тадқиқотларни давом эттирарканман, исбот талаб қилинмас ҳақиқатга дуч келдим. Водопровод Суви музлатилганда кристаллар ҳосил қилмади. Лекин табиий Сув муздан шаклланган олтибурчакли кристаллар чиройига мафтун бўласиз-қоласиз. Зеро, табиий Сувга кимёвий ишлов берилмаган, тозаланмаган эди-да! Водопровод Суви музлатилганда кристаллар ўрнига пайдо бўлган эгри-бугри нохуш шаклларга қайтиб қарамасдингиз. Мен, беихтиёр, ривожланган мамлакатлар аҳолиси хлор билан дезинфекцияланган водопровод Сувлари сифатидан нолишларини эсладим. Ишлов берилган Сув таъмсиз, соғлиққа фойдаси йўқ, ҳисоби. Шу боис ушбу мамлакатларда, гарчи қиммат эса-да, минерал Сув ичишни афзал кўрадилар. Табиий, водопровод, минерал сувлар сифатини тадқиқ этишга киришдим.

«Табиий Сув» деганда қандай Сувни назарда тутишимни сўрашади. Буни, инсон таъсир кўрсатмаган Сув десак, Ер юзида бундай Сувнинг ўзи йўқ. Зеро, инсоният ҳавони ифлослантириб бўлди. Ернинг юза қисмидаги намлик буғланиб, атмосферада булутга айлангач, ёмғир бўлиб яна заминга ёғади. Ёмғир Суви ҳам биз ифлослантириб улгурган тупроққа сингийди. Худди шу боис ҳам инсон таъсир кўрсатмаган Сувнинг ўзи йўқ, деб ҳисоблайман. Демак, табиий Сув тушунчаси ҳам шартли қўлланилмоқда. Буғланиб, булутга айланиб, ёғин (ёмғир, қор) шаклида тупроққа сингиб, яна юзага оқиб чиқувчи обихаётни, менимча, табиий сув дейиш мумкин.

Табиий ва водопровод суви тадқиқотлари қизиқарли натижалар берди. Токиодаги ишхонанинг водопровод суви музлатилганда кристалл ҳосил қилмади. Токионинг бошқа туманларидан олинган водопровод сувларида ҳам кристаллар кузатилмади. Токиодаги мавжуд водопровод сувлари ичишга сифатсиз бўлиб чиқди.

Хокайдо, Кюсю, Окинава ороллари Сувларини тадқиқ этдик. Саппоро, Сендай, Нагоя, Канандзава, Осака, Хиросима, Фукуока, Наха шаҳарларидаги водопровод Сувлари ҳам кристалл ҳосил қилмади. Катано шаҳридаги водопровод Суви таркибининг 60 фоизини сизот сувлари ташкил қилганлиги боис чиройли кристаллар вужудга келди.

Осиёда тоза Сув топсам керак, деб ўйлагандим, аммо Гонконг, Макао ва Бангкокдаги тадқиқотларим ҳам бесапар кетди.

Европанинг Суви қай аҳволда? Ҳар сафар Лондон, Париж, Рим сингари йирик шаҳарларга борганимда, водопровод Суvidан олиб келардим, аммо Европа Суви муз кристаллари пайдо қилмади. Сув устидаги Венеция шаҳри бундан мустасно, бу шаҳарнинг Суви нисбатан сифатли бўлса-да, кристаллга айланмади. Буэнос-Айрес (Аргентина), Манаус (Бразилия), Канаданинг Ванкувер шаҳарларидаги водопровод Сувининг тозалигига тан бердик. Зеро, бу шаҳарлар табиий Сув манбалари яқинида жойлашган бўлиб, тадқиқ этилган Сув музлатилганда чиройли кристаллар ҳосил қилди. Орадан кўп вақт ўтган бўлса-да, мазкур шаҳарлар аҳли ҳамон сифатли Сув ичишмоқда, дея умид қилгим келади.

Ҳудудининг 80 фоизи тоғли жойлардан иборат Япониянинг барча булоқ сувлари намуналари юзасидан ўтказган тадқиқотлар натижаси қувонтирарли бўлди. Япония—Осиёнинг муссон иқлимли (ёзда денгиздан қуруқлик томон, қишда денгиз томон эсувчи шамол) минтақасида жойлашганлиги сабаб, бизда ёғингарчилик сероб. Ёғинлар тоғларга, ўрмонларга ёғиб, ерга сингийди ва яна юзага чиқади. Табиий Сув манбалари кўплиги жиҳатидан ривожланган мамлакатлар ичида олдинги ўринда туриши боиси ана шундан.

Табиий филтрланиш-тозаланиш тизимидан ўтган Сув гоят хуш таъмли бўлиб, соғлиқ учун фойдаси кўп. Айни пайтда японияликлар ўртасида табиий сувга нисбатан кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ташналик, обиҳаётга интилиш гоят кучайган. Табиий сув қиймати жиҳатдан нефтга яқинлашиб боряпти. Гарчи нефтни қазиб олиш, ташиш, тозалаш катта сарф-харажатларни талаб этса-да, бу бор ҳақиқатдир. Айрим минерал сувлар ҳатто нефтдан ҳам қимматроқ туради. Зеро, тоза, ширин табиий сувни ичишни истовчи инсон нарх қимматлигига қарамайди. Аммо, таассуфки, айни пайтда қимматбаҳо табиий Сув таркиби ҳам ифлосланиб қоляпти. Иокогама Гигиена институти маълумотларига қараганда, бир неча минерал Сув маркалари таркибидан кимёвий элементлар топилган. «Майнити» газетасининг 2003 йил, 20 апрел сонидида таҳлил натижалари босиб чиқарилган мақолада шундай дейилади:

«Япониянинг бир қатор савдо маркалари билан сотилаётган минерал сувлар таркиби Иокогама Гигиена институти томонидан текширилганда, уларда формалдегид ва ацеталдегид моддалари топилган. Айрим ҳолларда мазкур моддалар водопровод суви билан таққослаганда минерал сувлар таркибида 80 барабар кўп бўлиб чиқса-да, бунинг инсон соғлигига зарари йўқ. Овқатланиш гигиенаси Акти нормативларига биноан минерал сувнинг сифати водопровод суви билан қиёсан назорат қилиб турилади.

Ўтган йил баҳорида Соғлиқ, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлигимиз минерал сувлар учун янги стандартлар ишлаб чиқишни таъминлашга киришди. Бироқ алодегидлар билан боғлиқ муаммо ҳал этилгани йўқ.

Иокогамада сотувдаги шишали минерал сувлар текширувдан ўтказилди. Текширишга олинган 30 шиша минерал сувнинг 14 донаси Америка, Франция, Англиядан импортга келтирилган. Ўн олти донаси эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулоти бўлиб, институтда ишлаб чиқилган услуб ёрдамида бу сувларда формалдегидид ва ацеталдегид бор-йўқлиги текширилди. Натижада 19 та шишадаги Сувда (5 та импорт, 14 та маҳаллий) алодегид борлиги аниқланди. Улардан ўн еттитада эса формалдегид ҳам, ацеталдегид ҳам борлиги маълум бўлди.

Японияда минерал Сув алкоғолсиз ичимлик ҳисобланади ва у алдегид борлиги истисно қилинган ҳолда овқатланиш гигиенаси Акти нормаларига жавоб бериши зарур. Бошқа томондан олганда эса, водопровод Суви сифати стандартларига мувофиқ формалдегид концентрацияси назоратчи, индикатор белги ҳисобланади. Унинг мавжуд миқдорига кўра, водопровод Суви мониторинги олиб борилади ва бир литрда 80 миллиграммдан ортиқ

бўлмаслиги зарур. Юқорида аниқланган ифлосланиш ўчоғи қаерда экан? Сув олинган манбалардами? Ишлаб чиқариш жараёнидами? Сув қадоқланган идишлар тозаллиги кафолатланган. Нима бўлганда ҳам институт хулосаси шундай: «Бу Сувни тоза деб бўлмайди».

Тиббиётда формалдегидид ва ацеталдегид концероген саратон касаллигини келтириб чиқарувчи моддалар ҳисобланади. Бундан ташқари, формалдегид «касал уй синдроми»ни чақиради, кимёвий моддаларга нисбатан аллергия ҳосил қилади.

Нимадан қўрққан бўлсам, шу рўй берди: минерал Сув инсон томонидан зарарланган. Балки буни Японияда кам одам билар, бироқ Фарбда бу вазият аллақачон муҳокамага қўйилган.

Биз энди музлатилган минерал Сув кристалларини суратга ола бошладик. Танлаганимиз Японияда ишлаб чиқарилган Сувдан иккитаси чиройли кристаллар ҳосил қилди. Бу тасодиф эмас, Сув дарҳақиқат ширин таомли эди.

Минерал Сув савдоси билан шуғулланувчи қўплаб компаниялар келажакда оғир аҳволда қоладилар, чунки Фарб аҳолиси ҳозирданоқ уларнинг маҳсулотларини олишдан чўчишяпти.

Канадага маърузалар ўқиш учун сафар қилганимда антиқа Сув сотиб олдим. Бу жуда машҳур фирма томонидан сотувга қўйилган реминераллаштирилган Сув эди. «Реминераллаштирилган» ибораси Сувни инсон учун зарур моддалар билан тўйинтиришни англатади.

Сув тупроқда филтрланар экан, унга қўплаб минераллар аралашади. Шу вақтга қадар биз бундай Сувни фойдали деб ичардик. Энди буни қарангки, таркибидан минераллар олиб ташланганлиги реклама қилинаётган Сув бозорда пайдо бўлди. Бу Сувни «табий» эмас, «дистилланган» дейиш тўғрироқ бўлур эди. Йил аввал бундай Сув Канадада йўқ эди, энди эса чор томонда шу Сув, ҳатто «Air Canada» компанияси самолётлари йўловчиларга ҳам шундай Сув таклиф қилмоқдалар.

«Табий Сув» аталмишининг ҳозирги аҳволи ана шундай бўлгач, хлорланаётган, турли кимёвий воситалар билан ишлов берилаётган қувур Сувининг «қиёфаси»ни тасаввур этаверинг.

## ИНСОН ОНГИ СУВНИ ЎЗГАРТИРАДИ

Сувни тадқиқ этиш жараёнида кристаллар вужудга келиши обихаётнинг табиий ёки қувурдан эканлигигагина боғлиқ эмас, деган қатъий хулосага келдим. Сув музлатилганда ҳосил бўлувчи кристаллар Сувга сингган ахборотга ҳам боғлиқ.

Фояларим ҳақлигини аниқлаш учун иккита шиша идишга Сув қўйдим. Шишалардан бирига «Раҳмат», иккинчисига «Сен аҳмоқсан» ёзувли қоғозларни ёпиштирдим. Сув ёзувларни «ўқийди», деган умидда шишаларни музлаткичга қўйдим.

Натижа гипотеза тўғрилигини исботлади. «Раҳмат» ёзувли Сувни чиройли кристаллар ҳосил қилгани ҳолда, «Сен аҳмоқсан» ёзувини «уққан» Сув аҳмоқона башарани акс эттирган эди.

Сув ўзига ахборотни қабул қилса, у музлаганда ҳосил бўлувчи кристаллар ахборот моҳиятига кўра шаклланар экан. Демак, кристалл ахборот мазмунига кўра чиройли ё хунук кўринишга келади. Бошқача айтганда, инсон онгли равишда Сув сифатига таъсир кўрсата олади. Энди мен сифати яхши Сув ёрдамида одамларни қай йўсин бахтли қилиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб қолдим.

## СУВ СЎЗНИ ТУШУНАДИ

Гипотезамиз ҳақлигига ишонч бизни дадил қадамлар қўйишга ундади. Сувга турли ахборотлар билан таъсир кўрсатиб, музлатар, кристалларни суратга туширардик. Ижобий мазмундаги сўзларга Сув ҳаминша чиройли кристаллар ҳосил қилиш билан жавоб қайтарар, гўё ўз шодон

туйғуларини япроқларини очаётган гулгунча шаклли чиройли кристалларда намоён этарди. Аксинча, салбий мазмунли сўзларни тинглаганда Сув умуман кристалл ҳосил қилолмасди.

Сувга «бахт» сўзини айтганимизда, қирралари текис чиройли бриллиантга ўхшаш кристалл пайдо бўлди. «Бахтсизлик» сўзи эса, қанча «уринмасин» шакллана олмади, сўзнинг мудҳиш мазмуни Сув қувватини сўриб қўйди. Шу тариқа бир чашмадан олинган Сувга қарама-қарши мазмунли «яхши-ёмон», «ёқади-ёқмайди», «куч-заифлик», «фаришта-шайтон», «тинчлик-уруш» сингари сўзлар билан таъсир кўрсатилди.

Музлаган Сув эзгу сўзларгагина кристаллга айланиб, жавоб қайтарди.

Қизиғи шундаки, Сув ижобий сўзлар инглиз, хитой, француз, немис, италян, корейс тилларида айтилганда шаклан бир хил бўлмаса-да, чиройли кристаллар ҳосил қилди. Ҳа, Сув, қайси тилда айтилишидан қатъи назар, сўз мазмунини англади. Сув сўз тузилишига эмас, унинг моҳиятига кўра ижобий-салбий аҳамиятини «тушуниб» кристаллар ҳосил қиларди. Ажаб эмас, Сув сўз ёзаётган инсон қалбини ҳам кўриш қобилиятига эга бўлса!

Тадқиқотларимиз жараёнида битта сураат мени ғоятда ҳаяжонга солди. Кристалл гўзаллигидан тилим лол эди. Кристалл барқ уриб очилган гулга ўхшарди. Сув ўз шодлигини англантиш учун қулочини кенг ёзган, уни «муҳаббат» ва «эҳтиром» сўзи қувонтирган эди.

Шунча йиллар мобайнида Сувга эзгу сўзлар айтиб, чиройли расмлар кўрсатиб, даволоччи мусиқалар эшиттириб, ҳосил қилган кристалларидан завқланганмиз. Аммо обиҳаёт «муҳаббат» ва «эҳтиром» сўзларидан таъсирланиб ҳосил қилгани янглиғ гўзал кристалларга ҳеч бири тенг келолмасди. Сув мазкур сўзлар ахборотини энг эзгу моҳиятга эга, деб қабул қилган кўринади.

## ЎЗИМИЗ – СУВМИЗ

Тадқиқотлардан аён бўлдики, Сув ўзи қабул қилаётган ахборот табиатига кўра, яхшиланади ёки ёмонлашади. Модомики, улгайган инсон вужудининг 70 фоизини Сув ташкил этаркан, унга ҳам ўзи қабул қилаётган ахборот яхши ёки ёмон таъсир кўрсатмасмикин? Аёл тухум ҳужайралари урулгангандан сўнг 96 фоизи Сувдан иборат бўлади.

Энди тугилган чақалоқнинг эса 80 фоизи Сув. Шахс улгайган сайин вужудидаги Сув миқдори камайиб, кексайгач, 70 фоиз қолади. Қисқаси, биз – инсонлар, Сув сифатида яшаймиз, жисмимизни ташкил этувчи моддаларнинг энг кўпи Сувдан иборат. Ҳаётимиз ҳам Сувдан бошланиб, Сув билан хотима топади. Она раҳмида ривожланаётган ҳомила, ибтидоси Дунё уммонида бошланиб, ҳозирги кўринишга келган инсон ҳаётининг эволюция йўлини босиб ўтади. Раҳмдаги амниотик суюқлик ҳамда уммон суви таркибан бир-бирига мувофиқ тушади. Онанинг раҳми уммонида тугилишни кутаётган ҳомила ўзи учун зарурий озукани киндик ва плацент орқали олади. Жон бераримизда ҳам Сув бизга мададга келади. Японияда ўлим тўшагида ётган инсон лаби Сув шимган пахта ёки сикуми дарахтининг барги билан намланади, қувват қайтишини тилаб хос дуолар ўқилади. Музлатилган Сувнинг кристалланиш жараёнини кузатиш асноси шундай хулосага келдим: вужуди асосан Сувдан иборат инсонга рисоладагидай яхши ҳаёт кечирishi учун эзгу ахборот зарур экан. Бу эзгу ахборот танани бардам, ақлни ўткир қилади. Аксинча, ёмон ахборот инсонни касаллантиради. Моҳиятан, инсон Сувдир. Хуштам Сув ичганимизда, вужудимиз тетиклашади. Лекин айни вақтда тоза Сув ичиш ҳам чўнтакка боелиқ бўлиб қолади.

Ўтган юз йилликда инсоният олов – нефт учун урушлар гирдобига тушган эди. Олимларнинг башорати эса XXI аср Сув учун кураш юз йиллиги бўлишидан дарак бермоқда. XX аср мобайнида ғоят катта миқдорда энергия ишлаб чиқариш учун оловдан фойдаланилди. Зеро, 1900 йилда сайёрамиз аҳолиси бир ярим миллиард нафар бўлса, 2000 йилга келиб бу рақам олти миллиардга ўсди.



Табиийки, кўпайиб бораётган аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун улкан миқдорда энергия талаб этиларди. Худди шунинг учун ҳам доимий равишда кўмир ва нефт ёқилмоқда. Бунинг оқибатида, яъни ёнишдан ҳосил бўлган заҳарли моддалар атмосферани булғамоқда. Ифлосланган ёгинлар эса ўз навбатида ер тубига сингяпти. Сув сайёра бўйлаб тўлиқ айланиб чиқиши учун 30-50 йил муддат зарур. Демак, бундан 30-50 йил муқаддам ер юзасидан булганган намлик – булут ҳозирда ичаётганимиз замин Сувига айланган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг саноат мисли кўрилмаган даражада ривожланиб, ҳаво сифатига жиддий зарар етди. Орадан 60 йил ўтди, эндиликда асосан ифлосланган Сув истеъмол қилишдан ўзга иложимиз йўқ. Тез орада тоза Сув танқис бўлиб қолиши ва тоза Сув манбалари учун ихтилофлар келиб чиқиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Сувга эҳтиёж жаҳон миқёсидаги уруш оловини ёқмайди, дея умид қиламиз. Тоза Сув учун уруш бўлди ҳам дейлик. Бу Сув ўзи учун бўлган уруш ахборотини хотирасига сингдириб олар экан, энди унинг тозалиги қоладими? Тадқиқотларимизда тоза Сувга «уруш» сўзини ўқитганимизда, музлатилгандан сўнг кристаллар ҳосил қилмаган. Хаёлан чизганим келажак манзаралари кўрқинчли, аммо инсон ҳамиша яхшилиқни ниёт қилиши, эзгу умидлар билан яшаши керак. Келажак эса эзгу фикр, яхши ниёт, эзгу аъмоллардан бошланади. Японияда атмосфера ёгинлари таркиби тадқиқотидан маълум бўлдики, атроф-муҳит ўз-ўзини тозалаш хусусиятига эга экан. Бундан атроф-муҳитни истаганча булғаш мумкин, деган хулосага бормаслик керак. Табиатда шундайин қудратли қонунлар ҳукм сурадики, инсон ҳам тириклик оламининг бир халқаси сифатида шу қонунларга бўйсунушга маҳкум. Қонунни буздингми, бундан энг аввало ўзинг зарар кўрасан. Инсоният бошига ёғилган ноаниқ касалликлар, турли хил офатлар замирида унинг Доно Табиат қонунларига ўзбошимчалик билан аралашуви, ўзини ер ҳукмдори деб билиб, олишнинг бериши борлигини унутгани... сингари хатоларини кўриш мумкин. Бани-башар, шукрки, кеч бўлса-да, хатоларини тугатишга киришди. Тадқиқотларим шундай хулоса чиқариш учун асос берапти.

Яқин ўтмишга қиёсан ҳозир ёмғир суви сифати шак-шубҳасиз яхшиланди. Лекин бу яхшиланиш ер ости сувлари сифатининг ёмонлашуви эвазига бўлмоқда.

Бир неча йил муқаддам Япониянинг турли шаҳарларида (Хоккайдо оролининг сокин ҳудудида жойлашган Буэй шаҳри, Сайтама префектурасининг Сендай, Токородзава, Токионинг Асакуса туманида, Осака, Фукуока шаҳарларида)ги ёмғир сувларидан намуна олиб, музлатгач, кристалларини суратга туширдик. Орадан маълум вақт ўтгач, айна шу ҳудуддан яна ёмғир суви намуналарини олиб, тадқиқот ўтказдик. Осакадан олинган намуна аранг кристалсифат шаклга кирганини демаса, биринчи тажрибамизда бирорта ҳам кристалл ҳосил бўлмади. Буэй шаҳри мафтункор қишлоқ ҳудудида жойлашган эса-да, ҳатто шу сокин маконнинг ёмғир суви сифати ҳам яхши эмас. Бунини тушуниш мумкин. Ҳудуд кўрамлигига қарамай, Хоккайдо ороли устидаги атмосферанинг озон қатлами юпқалашган, бу ҳудуд кислотали ёмғирлардан кучли азият чекади.

Қарангки, бу иккинчи тадқиқотимизда, (Токиодаги Асакуса туманини истисно этганда) музлатилган ёмғир сувларидан кристаллар вужудга келди. Мени айниқса, Токородзаванинг музлатилган ёмғир суви ҳайратга солди. Биринчи тажрибада олинган сувда кристалл (босма ҳарфга ўхшаш бўртиқ) шаклланмаганди, иккинчисида эса олти қиррали кристаллар ҳосил қилди. Токионинг ёмғир суви эса кристалл яратишга интилди. Сувдаги чарчоқлик ҳолати (менга шундай туюлди) кристалланиш жараёни тугалланишига имкон бермаса-да, сув қаттиқ тиришди.

Бошқача ифодаласам, кейинги йилларда Япониянинг барча ҳудудидаги ёмғир сувлари сифати анча яхшиланди. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки, одамлар атроф-муҳит муаммолари кескинлашганини эътироф этиб, уни яхшилаш учун мисли кўрилмаган дастурларни рўёб

топтиришга киришдилар. Натижада қисқа фурсат ичида ҳаво анча тозаланди. Илгари атмосферадаги чиқиндилар ёмғир томчилари шаклида ерга тушган бўлса, энди ҳаво тозаланиб, бу муаммо барҳам топди.

Сув табиатда 30-50 йилда бир марта айланиб чиқишни инобатга олсак, бу тоза ёмғир сувидан чучук сув ўрнида фойдаланишимиз учун яна анча вақт зарур. Яна бир неча ўн йиллар заминдаги сув сифати ёмонлигига чидаб, вазият яхшиланишини кутишимиз керак бўлади. Ўзимиз эккан «уруғ» меваси қанчалар аччиқ бўлмасин, «ейишимиз», жиллақурса, авлодларимизни ўйлаб, атроф-муҳит муаммолари ечими йўлида ҳозиргидан ҳам фаолроқ ҳаракат қилишимиз зарур. «Муҳаббат» ва «Эҳтиром» сўзларини тинглаган сув нақадар гўзал кристаллар ҳосил қилганини яна бир бор эслайлик. Бу эса Сув ҳазратларининг инсон ақлига ишоратидир. Борлиқ оламга, тириклик муҳитига, табиатга муҳаббат беринг. Бу эса соғлом вужуд, соғлом руҳият ва бахтли ҳаёт кечериш, демакдир. Биз ана шу гўзал Муҳаббат ва Эҳтиром сўзлари кристаллари мададага таяниб, сувнинг ҳақиқий қудратини кашф этиш йўлидаги изланишларимизда бардавом бўламиз.

## СУВ ВА ХАДО

Сув Хадо деб аталмиш латиф энергияга нисбатан ўта сезгир, таъсирчан. Айнан шу латиф энергия сув сифатига ҳамда ҳосил бўлаётган кристалларнинг шаклига таъсир кўрсатади. «Сув номалари» китобимнинг инглизча нашрида Хадо сўзи «тўлқинли тебранишлар» деб тўғри таржима қилинган. Аммо мазкур китобимда Хадо замирида борлиқ коинотдаги жамики мавжуд латиф энергиялар назарда тутилган.

Ҳар бир мавжудот ўзига хос тебраниш — ҳадога эга. Латиф энергия мусбат-ижобий ёки манфий-салбий бўлиб, бир объектдан иккинчисига осонгина ўтади. Ўз хадосига эга бўлган «сен — ахлоқсан» фикри сувга узатиларкан, сув музлатилганда шаклланган кристалларнинг қинғир-қийшиқлигида бу хадо акс этади. Сувга ижобий фикр билан таъсир кўрсатилганда, шаклланган чиройли кристаллар эса фикрдаги мусбат хадонинг инъикосидир. Сувнинг у ёки бу ахборотга қандай таъсир кўрсатиши айнан хадога боғлиқ бўлади.

Хадони кўз ўнгимизга келтириш учун камертонни мисол қилиб олиш мумкин. Айтайлик, учта камертонимиз бор. Биринчи ва иккинчи камертонлар 440 Гц частотали, учинчиси эса 442 Гц. Бошқача қилиб айтганда, дастлабки икки камертон секундига 440 та частота билан, учинчиси эса секундига 442 та частота билан товуш чиқаради (яъни тебранади). Биринчи камертонга болғача билан урсангиз, бир хил частотали иккинчи камертон ҳам овоз чиқаради, учинчиси эса «миқ» этмайди. Иккинчи камертон биринчисининг тебранишларига акс-садо беради, учинчиси эса аксинча. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин. Хадо энергия демакдир. Тебраниш частотаси бир хил бўлган икки модда бир-бири билан яхлит товуш тебранишларига эга бўлади. Ишхонада гоҳо шундай вазият билан тўқнашишга тўғри келади. Ходим:

— Бошлигим яхши одам бўлса-да, дунёқарашимиз ҳар хил. У билан муроса қилишим шунинг учун қийин кечяпти,— дейди афсусланиб.

Бошлиқ бу ходими унга манзур бўладиган иш қилишга интилса ҳам барибир ёқтирмайди, ишидан камчилик топаверади.

Бу ўринда бошлиқ ва ходим бир-бири билан турли муносабатда бўлишмоқда, яъни кўнгил кўнгилдан сув ичмаяпти. Улар ҳамкорлик, тил топишиш учун қанчалар ҳаракат қилишмасин, бари беҳуда. Бунинг ягона чораси бор. Улар вақтинча бўлса ҳам бир-бирларининг дунёқарашларини қабул қилиб, хадоларини мувофиқлаштириб олсаларгина, муросада ишлашлари мумкин. Хадонинг ўзига хослиги инсоний муносабатлардаги бир кўришда севги ҳолатида ҳам намоён бўлади. Қалб ҳолати — хадоси уйғун йигит-қиз учрашганда, ўзлари англамаган ҳолда бир-бирини севиб қолишади. Хадолар уйғунлиги ташқи салбий таъсирларга дуч келмаса, муҳаббат узоқ

сақланади. Йигитнингми, қизнингми хадосида ўзгаришлар рўй берса (хулқ-атворида, дунёқарашида), муносабат дарз кетиши ҳам мумкин.

Хадо — ҳужайра тўқималари атомларидан бошлаб, барча даражаларгача таъсир кўрсатади.

## ХАДО – ТИББИЁТ

Яқинда инсон танасининг ҳужайралари тебранишларигача ўлчовчи радио-электрон асбоб билан танишиб қолдим. (Бу асбоб АҚШда яратилган бўлиб, уни ишлатиш махсус тайёргарлик талаб этади). Асбоб менга маъқул тушиб, ундан хадо ўлчашда фойдалана бошладим ва натижада хадо — тиббиётга йўл очилди. Хадо — тиббиёт даволаш амалиётининг муқобили ҳисобланиб, Фарб анъанавий тиббиёти чекланишларига дуч келган тадқиқотчиларни ғоят қизиқтириб қўйди. Радио-электрон асбоб хадо — тиббиётни ўрганишимда жуда қўл келди. Асбоб хадони қойилмақом ўлчагани сингари, одамлар ҳам хадони қойилмақом узатиш ва қабул қилиш хусусиятига эга, деган хулосага келдим. Азайимхон-дуохон табиблар ҳам бемордаги тебранишлар аномалиясидан ижобий тебранишларни йигиб, қасалликни даволайдилар.

Хадо — тиббиёт — тебраниш ҳамда резонансга асосланади. Қандайдир сабабларга кўра, танамизнинг турли жойларидаги ҳужайра тебранишларига путур етди, дейлик. Бундай ҳолатда ҳужайра билан резонанс бўлган ташқи тебранишлар воситасида таъсир кўрсатилади. Хадо-тиббиёт моҳияти ана шундан иборат. Тебранишлар қандай тўғриланади?

Хадо-тўлқинли тебраниш ёхуд, соддароқ айтганда, тўлқин бўлиб, унинг энг юқори кўтарилиш ва пастлашиш нуқтаси бор. Тўлқин қарама-қарши тўлқин ёрдамида нейтраллаштирилади, бу ҳолатда иккинчи тўлқиннинг пастлашуви билан биринчисининг кўтарилиш нуқталари мувофиқ келиши шарт.

Буни тушуниш учун ўз кўтарилиш ва пастлашиш нуқталарига эга бўлган товуш тўлқинларини мисол келтириш ўринлидир. Бир вақтнинг ўзида қарама-қарши тўлқинли товушлар таралса, ҳеч сас чиқмайди, эшитилмайди. «Бундай бўлиши мумкин эмас», дейсизми, лекин олимлар бу ғояни рўёбга чиқариш устида иш олиб боришмоқда. Улар шовқин-суронли жойларда товушлар ёрдамида сокинлик ўрнатишмоқда!

Оқшомги «Йомиури» газетасининг 1991 йил, 10 апрел сониди ғоят қизиқарли сарлаваҳа остида мақола босилган. «Шовқинга қарши товуш ёрдамида қурашиш: қарама-қарши шаклли тўлқинлар сокинликни таъминлайди» мақоласида хадо тамойилларининг амалиётда қўлланилишига оид тадқиқотлар хусусида сўз юритилади. Мана, мақоланинг мазмуни:

«Вокэда шаҳри университети олими доктор Йосио Ямасаки илмий-техник лабораториясида мусиқа шовқини остида сокинлик пайдо қилишга муваффақ бўлди. Сокинлик яратишнинг бу тури товуш шовқинини ўчиришнинг янги усулига асосланган. Шовқин-суронли идораларда, хизмат жойларида бу услуб қўл келади, деган ишонч бор.

Мусиқа ҳам, инсон овози ҳам табиатан тўлқинли ҳисобланади. Янги усул эса шовқин тўлқинларининг баландлаш ҳамда пастлаш тамойилига асосланади, шовқинга қарама-қарши шаклли тўлқинли товуш таралса, шовқин эшитилмай қолади ва сокинлик инади.

Ўн икки метр майдонли хонада тажриба ўтказилди. Биринчи динамикдан таралаётган мусиқа тўлқинларига иккинчи ва учинчи динамикларнинг биринчига қарама-қарши тўлқинли товуши билан таъсир кўрсатилди ва алалоқибат шовқинни сўндириш самараси — сокинликка эришилди. Белгиланган жойда сокинлик ва ундан бир неча миллиметр нарида паст товушда мусиқанинг асосий оҳанглари ҳамда инсон овози эшитиларди ва уларнинг частотаси бир неча юз баравар паст эди. Нейтраллаштирувчи динамикларни кўпайтириш натижасида

товушсиз кенглик чегараларини кенгайтириш мумкин.

1991 йил, 9 апрелда Токиода бўлиб ўтган шовқин ва тебранишларни фаол назорат қилиш бўйича Халқаро симпозиумда тажриба намуналари тўғрисида маъруза қилинди. Доктор Ямасаки ўз маърузасида, жумладан шундай деди: «Бу товушни товуш билан ўчириш усули дейилади. Бу усул маълум бир чегараланган жойда шовқиндан халос бўлишга ёрдам беради. Менимча, бу усулни ҳар хил вазиятларда қўллаб кўриш керак». Кўриниб турибдики, ишлаётган автомобил двигателлари овози, ошиқаётган поезд вагонлари тақа-туқи, фабрика ва заводлардаги дастгоҳлар шовқин-суронини шу усул билан бартараф этиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, тўлқинни тўлқин билан ўчириш усули фақат товушгагина тааллуқли эмас. Бу усулни барча ҳадолар латиф энергияларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Ҳадо-тиббиётда мазкур усул ёрдамида беморни унга салбий таъсир кўрсатаётган хадони тўғриловчи ҳадо юбориш йўли билан даволаш мумкин. Кўриб турганингиздай, бу ўринда яна сув ёрдамига суянилади.

Маърузаларим, мақолаларим ва китобларимда ҳадо концепциясини фаол тарғиб қиламан. Тарғибот иш фаолиятимнинг асосини ташкил этгани боис, бошқа одамлар хадосини ўрганиш ва соғлиқларини тиклашга ёрдамлашиш учун вақтим етмайди. (Японияда 20 нафар шогирдим одамларга ана шундай хизмат кўрсатишяпти).

Даволаш жараёнида махсус асбоб ёрдамида беморнинг хадоси ўлчанади. Минглаб кишилар хадосини ўлчашда ана шу асбобдан фойдаланганман. Кузатилаётган тебранишлар маромидан чиққани аниқлангач, буни тузатувчи ахборот юборилган сув тайёрланади. Махсус сувда тайёрланган ҳадо инсон танасини ташкил этувчи энг кичик зарралар, атомлар, малекулаларгача таъсир этиб, мароми бузилган тебранишларни тузатади. Бундай сувни ичган инсон аста-секин тузалади.

## НОТИНЧЛИК КЎПИНЧА КАСАЛЛИККА САБАБ БЎЛАДИ

Тадқиқот жараёнида аксарият беморларга хос умумий белгилар борлигини, ҳис-туйғулар билан жисмнинг касал аозолари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқладим. 1995 йилда 100 нафар инсон хадосини ўрганиш юзасидан тажриба ўтказдим. Улардаги энг кўп тарқалган ҳис-ҳаяжон ҳолатлари (зўриқиш, нотинчлик, босимни сезиш, жиззакилик, қўрқув, таваккални билмаслик... сингари 38 та ҳиссий таъсири тадқиқ этилди) хадосини ўлчаб чиқдим. Ҳиссиётларнинг қай бирига жисмнинг қайси аъзоси кўпроқ резонанс бериши аниқланди. Олинган натижалар жадвалга солинди. Айтайлик, қаттиқ стресс-зўриқиш ичаклар фаолиятини издан чиқарган. Нотинчлик бўйин нервларини қақшатса, жиззакилик вегетатив нерв тизимининг парасимпатик бўлимини, қўрқув-бўйракни, хавотир эса, ошқозонни касаллантиради.

Ўз ҳиссий ва жисмоний ҳолатингизга диққат қилинг. Юқоридаги хулосалар тўғри чиқяптими? Нотинчлик кўпинча хасталикка сабаб бўлади. Қалбан сокинлик эса соғлиқни тиклайди. Тиббиётда «плацебо эффект» тўғрисида тез-тез гапиришади. Фармацевтика компаниялари янги дори самарасини синаб кўриш мақсадида шифокорлар билан ҳамкорликда клиник тадқиқотлар ўтказишади. Биринчи гуруҳ беморларга янги дори, иккинчи гуруҳга эса плацебо (оддий витамин ёки дори бўлмаган нимадир) бериб, бу янги дори, дейишади. Табиийки, чинакам янги дори ичган беморлар дори таъсирида тузала бошлайди. Қизиги шундаки, иккинчи гуруҳдаги аксарият беморлар ҳам гарчи янги дори қабул қилмаган бўлсалар-да, соғайишади. Тўғри, плацебо-сохта дори ичган беморларнинг тузалиш даражаси паст, лекин шундай бўлса ҳам улар соғайишяпти. Нима учун, деган саволга замонавий тиббиёт жўяли жавоб беролмайди. Бу ўринда ижобий фикрлаш тарзи саломатликни тиклаган, дейишга асос бор. Ўз салбий ҳолатингиз-кайфиятингиз антоними (қарама-қаршиси)ни

фикран ё хаёлан чорланг. Зўриққанда бўш қўйишни, жиззакиликда хотиржамликни ўйланг. Ҳа, хадони тузатишнинг энг осон йўли сўзнинг қарама-қаршиси маъносидан фойдаланишдан иборат. Бу ўринда ҳам сув мададга келади. Сув унга таклиф этилган ахборотни ўзида сақлайди. Бошқача айтганда, ижобий ҳолат хадоси сувга инади. Бундай сувни ичаётган инсон ҳадо-тиббиёт амалиётини ўтайди.

Мазкур китобни ёзишга тайёрланаётганимда тажриба ўтказдим. Юқорида саналган қарама-қарши ҳиссиётлар ёзилган қоғозларни сувли шишаларга ёпиштириб, музлатдим. Аввал, салбий ҳиссиётлардан сув қандай таъсирланганлигини суратга туширдим. Кейин эса, ижобий ҳиссиётларни сув нечоғли яхши кўришини чиройли кристалларда, намоён айлади.

## **ЖИСМ ЖАРОҲАТЛАРИ ҲАМДА ҲАДО ВАЗИФАЛАРИ**

Ички касалликлар билан бирга ташқи жисмнинг лат ейиши, яраланиши, синиши сингари касалликлар ҳам бор. Ҳадо нуқтаи назаридан ички, ташқи хасталиклар ўртасида катта фарқ йўқ. Унисида ҳам, бунисида ҳам тебранишлар маромига путур етади. Назаримда, иситма тебранишлар частотасининг кўрсаткичи ҳисобланади. Маълумки, бир меъёрда ишлаётган жисм ҳарорати 36,5 даражани ташкил этади. Ташқи таъсир туфайли жисмнинг зарарланган аъзоси тебранишларига путур етади ва иситма кўтарилади. Айнан шунинг учун ҳам жисм лат еганда кўпинча иситма баланд бўлади.

Тебраниш ва ҳаёт бир-бири билан ғоят боғлиқ. Юраги уришдан тўхтаган инсон ўлган саналади. Бошқача ифодалаганда, тебраниш ҳаётнинг ўзидир. «Ҳаёт» маъносини англатувчи япон иероглифи «уриб турмоқ» деган иккинчи мазмунга ҳам эгалиги тасодиф эмас.

Давоми бор

*Русчадан  
Маҳфуза УСМОНОВА  
таржимаси*



## Бурҳониддин РАБҒУЗИЙ

# Қисаси Рабғузий

### ҲАЗРАТИ НУҲ АЛАЙҲИССАЛОМ ҚИССАСИ

**К**овлуху таоло: *инни лакум назирун мубин*(11:25)<sup>1</sup> деб қавмларига насиҳат қилгон. Қовлуху таоло: *фақулату истағфиру роббакум иннаҳу кана гоффарон* (71:10)<sup>2</sup> деб муножот қилгон. Қовлуху таоло: *ла тазар ағлал-арзи минал кафирина даййарон* (71:26)<sup>3</sup> деб дуо қилгон. *Ва анжайна ва ман мааху фил-фулки ташириф* (26.119.)<sup>4</sup> бўлгон *я Нуҳу асбатаху саломун хилъат* берилган, *саламун ағла Нуҳин фил ағламин* (37:79)<sup>5</sup> ёрлиғи, эшитгон Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом турурлар: Нуҳ ибн Лак ибн Матушулҳ ибн Шаҳлайил ибн Шахо ибн Унуш ибн Шиш ибн Ҳазрат Одам алайҳиссалом мунғача ўн восита эрдилар. Буларнинг барчаси мусулмон эрдилар. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломнинг бир отлари Яқуб эрди. Тўла йиғлагани сабабидин Нуҳ атандилар, — дедилар. Тўла йиғламоқликлари уч боисдин эрди. Бири — улким, бир кун Шайтони лаъин қошларига келиб ниҳоят розилиқу миннатдорлиқлар қилди. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом айдилар: — Эй малъун, сан мандин мунча миннатдорлиқ қилурсан? Шайтон

<sup>1</sup> (Мен сизларга аниқ огоҳлантирувчиман.11:25). 11:25 тарзида берилган рақамлар Қуръони Каримнинг 11 сураси 25 оятидан эканлигини билдиради.

<sup>2</sup> (Бас, дедиким:-Раббингиз (Аллоҳ)дан мағфират сўрангизлар, албатта, У ўта кечиримли зотдир. 71:10)

<sup>3</sup> (Нуҳ айтди:-“Эй Раббим. Ер юзида кофирлардан бирорта (тирик) юрувчини қолдирмагин”. 71:26)

<sup>4</sup> (Бас, Биз унга ва у билан бирга бўлган кишиларга (ичи) тўла кемада нажот бердик. 26:119)

<sup>5</sup> (Эй Нуҳ, бизнинг тарафимиздан саломатлик ила туш) хилъат берилган, (Оламларда Нуҳга салом! 37:79)

Эски ўзбек тилидан  
Олимжон Жўраев  
нашрга тайёрлади

Истиқлолгача ўтмиш маданий меросимиз дунёвий, диний, сарой адабиётига бўлиб ўрганилганлиги сабабли, дунёвий адабиётга киритилмаган ижод аҳлининг асарлари сиёсий тазйиққа учрагани сир эмас.

Мустақиллигимиз тугайли буюк ижодкорларимиз ёзиб қолдирган бой маънавий меросга муносабат тубдан ўзгарди. Утган йиллар мобайнида “Қуръон”, “Ҳадис”, “Девони ҳикмат”, “Боқиргон китоби”, “Қисаси Рабғузий” китоблари шулар қаторида чоп этилди.

Шукроналар бўлсинки, номлари қайд этилган асарлар мустақилликнинг шабадаси эса бошлаган йиллардаёқ, қайта нашр қилиниб, янги ҳаёт бошлаган эди. Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асари мустақиллик меваси сифатида “Ёзувчи” нашриётида дунё юзини кўрди. Бу асарнинг чоп этилиши уни узоқ йиллар ўқиш илинжида бўлган китобхонлар қалбидаги интиқлик ҳароратини босган эса-да, унинг тили ҳозирги замон китобхонлари учун оғир ва мураккаб эди.

Олимжон Жўраев мазкур «Қисаси Рабғузий» асарини бошқа кўп нусхалар орасидан танлаб олиб фарзандлари

айдиким: — Эй Нуҳ, бу оламнинг халқини бир дуойинг бирла Дўзахга улантирдинг! Ҳама Дўзахлар тўлди, ман гуссадин халос бўлдим. Агар сен дуо қилиб бунча халқни йўқ қилмасанг, бу халқдин қанча пайғамбарлар, қанча авлиё, қанча олиму зоҳид, солеҳу фозил, тақводорлар вужудга келур эрди. Мани ҳар кунда минг лаънат қилур эрдилар. Ҳамаси бўлди. Ул боисдин бисёр миннатдорлиқ қилурман. Манга сандек хизмат қилган киши йўқдур,— деди. Шундин пушаймон надоматлар қилдилар, на учун сабр қилмай бетоқатлиқ қилибман деб, чандон йиғладилар. **Яна бир воқеа улким**, бир куни бир ит қошлариға келиб турди: “Бисёр бадшаклу бадҳайбат ит экан”, — дедилар. Ул ит айдиким: — Эй Нуҳ, нақшни айб қилурмусан ё наққошини, агар наққошни айб қилсанг, наққош Ҳақ субҳонаҳу ва таолодур деди. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом бу сўзларга пушаймон бўлуб беҳад-беҳисоб йиғладилар. Қовлуҳу таоло **яна бир боисдин улким**: — Эй Нуҳ, кўза этгил! Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом кўза этиб тайёр қилиб бўлғондин кейин «Ҳамасини синдиргил!» деб фармон бўлди. Айдиларким: — Эй бори Худоё, кўза этиб кел дединг!?! На миқдор машаққатлар била кўза этдим, ушатқил, дединг! Ушоттим! Мани эмгакимни зобё қилдинг, боис на турур?! Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин нидо келдики: — Эй Нуҳ, беш-олти кун этган жонсиз кўзани эмгалиб этиб эдим, дерсан! Мағрибдин Машриқнинг ораси тўла одам эрди, на миқдор авлиёу анбиёси, муттақий, олим, фозил, солеҳ одамлар бор эди. На миқдор рўза, намоз, зикр, тасбеҳлар қилур эрдилар. Сан ҳамасини йўқ қилгил деб дуо қилдинг. Ман ижобат қилиб, ҳамасини йўқ қилдим. Санга шунча халқимни на учун йўқ бўлсин, дединг демадим. Бу сўзга хижолат бўлуб кўб йиғладилар. Анинг учун Нуҳ атандилар. **АЛҚИССА** Ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломнинг вақтларида бу олам Мағрибдин Машриққача тўла одам, туташ том эди. Том тепаси бирла бир иқлимдин яна бир иқлимға борса бўлур эди. Ер юзида ошлиқ эккани ер йўқлигининг улоғ бирла тоғларда тош тепасиға сув қўйиб ер қилиб, экин экар эрдилар. Ул вақтдагидек ободлик ҳеч вақт бўлғон эмас. Ҳазрат Идрис алайҳиссаломдин кейин чандон аломатлар ўтти. Ислом оти йўқ бўлди. Оламни куфру залолат босди. Фарзанди Одам ики қисм бўлдилар. Қобилнинг авлодлари ҳамаси биёбонларда эди. Буларнинг эранлари чиройли эрди. Ҳобилнинг авлоди бадшакл эрди. Буларнинг одати ноғора чалиб элни йиғур эрди. Ул куни буларнинг ийди эрди. Ҳазрат Шиш алайҳиссалом тоифаларидин бири келиб томошо қилди. Буларнинг хотунлари чиройлук эди. Бу

---

Жалолиддин, Жамолиддин, Камолиддин Жўраевлар ёрдамида нашрга тайёрлаган. Бу нусха баён услубининг ўзига хослиги, жумлаларнинг соддалиги, ҳозирги замон китобхонларига тушунарли бўлгани учун ҳам қимматлидир. Бундан ташқари Эргаш Фозилов томонидан тайёрланган юқоридаги нашрнинг тўлиқ эмаслиги ва бугунги кунда деярли топиб бўлмаслигини ҳисобга олганда, асарни ҳозирги ҳолатда қайта чоп этиш ёшларни маънавий-маърифий жиҳатдан тарбиялашда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, “Қисаси Рабғузӣ” асари фақат аждодаларимизнинггина эмас, умуминсониятнинг маданий-маънавий бойлигидир. Бинобарин у туркий халқлар бадий насрининг илк намуналаридан бири сифатида алоҳида қимматга эга. Юксак инсоний фазилатларни улуғловчи бу асар XIII асргача бўлган туркий халқлар адабий тилини ўрганишда муҳим манба сифатида ҳам аҳамиятлидир. Ва ниҳоят, у туркий тилда сўзлашувчи халқлар орасида ҳозиргача таржимасиз ўқилиб келинаётган ягона асар сифатида ҳам қадрлидир. Яна шуниси ҳам эътиборга лойиқки, бу асар ёзилганига айни шу кунларда 700 йил тўлади. Ана шу қутлуг сана муносабати билан мазкур асардан эълон қилинаётган айрим киссалар ўқувчиларга муносиб тухфа бўлади, деб ўйлаймиз.

Саидбек Ҳасанов,  
филология фанлари доктори,  
профессор

кимарсани нечанд хотунлар кўруб, бисёр завқлар қилиб, бориб андоқ йигитларга айтти. Булар ҳам ғойибона завқлар олиб, юз йигит томошо қилгали келдилар. Бу фоҳиша хотунларни кўруб ёндилар. Кўрғон сари тўла халқ мунда келиб, фоҳиша ва қабиҳ ишларга кўнгул беруб, фисқу фасод тўла бўлди. Ул халқни имонга даъват қилгали Ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломга фармон бўлди. Қовлуҳу таоло: ***инна арсалнака Нуҳан ила қавмиҳи ан анзаро мин қоблу ан я-тияҳум аъзабун алим.***(71:1)<sup>1</sup> Ва Яна Ҳазрат Одам алайҳиссалом васият қилиб эрдиларким, мени фарзандларимга борингсизлар, Қобилнинг авлодидин хотун олманглар, хотун ҳам берманглар деб, таъкид этиб эрдилар. Бир куни бу келган йигитлар ҳамаси хотунга айланди. Бу хотунлар ҳам яхши эъзоз била пеш келур эрди. Буларни излаб яна нечанд кишилар ҳам келди. Фоҳиш хотунлар тутуб фирифта қилиб фисқу фасод зинову залолатга шуруъ қилдилар. Баъзилари кўнгул топишиб эру хотун бўлдилар. Қобилнинг авлоди ҳадсиз бўлуб қолди. ***АЛҚИССА*** бутпарастларнинг боши улким, ***вақтики***, Ҳазрат Одам алайҳиссалом вафот бўлгондин кейин Қобилнинг авлоди ота-боболаримиз тавоф қилали дер эрди. Баъзилари қўймас эрди. ***Қазоро*** бир кун Шайтон алайҳи лаъна буларга айдик: — Ман йиғоччи (дурадгор) дурман, бир сурат этиб берай, ҳар қачон тавоф қилсанглар Одам алайҳиссаломни тавоф қилгондек бўлурсизлар. Булар ҳам маъкул кўрди. Шул замон сурат этиб берди. Булар бутга, бутхонага жидду жаҳд қилди. ***АЛҚИССА*** бу замонда халқнинг кўплиги онча бор эдиким, ики ойлик ерға манзил қилсалар муттасил кўча бирла юрур эрдилар. Шул аснода Ҳазрат Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин Нуҳ алайҳиссаломга фармон бўлдиким, кофирларни бутдин, ўтдин ёндуруб, менинг бирлигу ва борлиғимга тарғиб қилгил, ўзунгни пайғамбарлигинга қойил қилгил. Манга тоат қилсунлар! Аларга Беҳишт анбарсиришт берай, Беҳиштга тахту бахт узра ўлтургузуб тожу ҳуллалар, хуру ҳусурлар бирла сарафроз қилай! Алвон турлук ноз-неъматлар, наботот, қанду қандолот бирла эъзоз, инъому эҳсон қилай. Қачонким, сенинг даъватингга ўтмаса, манинг амри фармонимни қилмаса, имон-исломни қабул қилмаса, ман аларни бу оламда турлук азоблар бирла тутарман. Охиратда абадул-абад Дўзахдин халос қилмасман. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом айдиларким: — Худоё Худовандо, дунё кенг ва одам кўп, ман ялғуз мунча халққа кучим етмас, манинг айтғонимга унамаса, нечук қилурман?! — дедилар. Хитоб келдики: — Эй Нуҳ, сан ончаки манинг борлиғимни еткурғил, қўрқмағил,— деди. ***АЛҚИССА*** Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом кофирларга насиҳат қилдилар. Кўчаларда ва бозорларда юруб, халққа насиҳат қилиб, Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг айтган ҳукмини айтсалар, кофирлар масҳара тутуб, кулушуб, бу одам беҳуда сўзларни айтур деб, тош, хишт бирла уруб бошларига туфроқлар сочар эрди. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом айдилар: — Илоҳо, Худовандо, бу кофирларга ҳарчанд насиҳат қилсам қабул қилмайдур, дедилар. Ушбу қисм насиҳат қилсам, кундин-кўнга зиёда кулфат қилур, дер эрдилар. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло «сабр қилгил!» дер эрди. Аммо кофирлар ўзи ўлса ҳам бола-барикасиға насиҳат қилур эдиким: — Ул жинни бобонг сўзига кирманглар! Кўлларингдин келса изза қилгайсизлар! — дер эрди. Бола-барикаси айтур: — Ман чўнг бўлгунча бу бобо бор ё йўқ! Ҳоло урсам деб тош бирла урар эди. Бошлари ёрилуб қонлар оқар эди. Айтур эрдиларким: — Илоҳо, Худовандо, бу

<sup>1</sup> (Ҳақиқатан, Биз Нуҳни: “Қавмингни уларга аламли азоб келмай туриб огоҳлантиргин”, деб ўз қавмига (пайғамбар қилиб) юбордик.71:1)



на ихонатдур, эмди тоқатим қолмади. Чўнглари урар, олти ёшар боласи ҳам урар! Хитоб келдики: — Эй Нуҳ, терак кўчатини тўла эчкил деб. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом теракни экдилар, ангача яна қирқ йил ўтди. Ҳаргиз ёмғур ёғмади. Булоқлар қуриди. Кофирларнинг хотуни ва йилқи, қорамоли ҳеч ҳам туғмади. Ангача терак камолға етти. Хитоб келдики: — Эй Нуҳ, эмди теракларни кесгил, тўфон балосини иборурман. Мағрибдан Машриққача дунё сувга тўлар, ҳар қанча эгиз тоғлардин қирқ қари юқори турур, ҳеч жондор тирик қолмас! Магар сен кема қилурсан. Ул кемаға кирган жондорлар тирик қолур. Андин бўлак ҳамма ҳалок бўлур, дедилар. **АЛҚИССА** Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом теракларни кесиб тахталарни тайёр қилдилар. Бандларини маҳкам қилғали темур ҳалқалар рост қилдилар. **АЛҚИССА** уч қават қилмоқни маслаҳат қилдилар. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом айдиларким: — Илоҳо, Худовандо, шер била айиғ, бўри била кўй-кўчқор, қарға била сичқон душман турур. Бир-бирини тутуб еса нима қилурман? — дедилар. Хитоб келдики: — Эй Нуҳ, бир-бириға ҳаргиз қақилмас. **АЛҚИССА** тахталарни йўндилар, бир тахтада бир пайгамбарни оти битилиб чиқди. Охири тўрт тахта кам бўлуб қолди. Бу тўрт тахтасиз бўлмас эрди. Бу тўрт тахтаға лойиқ йиғоч топилмади. Ҳайрон бўлуб туруб эдилар, хитоб келдики: — Эй Нуҳ, руди Нилни ўртасида бир чинор бор. Шу чинорни олиб келиб ёрса тўрт тахта бўлур. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом айдилар: — Илоҳо, Худовандо, ман ёлғуз ани нечук иш қилурман. Анинг мунинг ораси уч йиллиқ йўл турур. Хитоб келдики: — Эй Нуҳ, Ож ибн Иноқни бир тўйғазуб қўймоққа аҳд кўтаруб, келтиргил! Нуҳ алайҳиссалом айдилар: — Ул минг ботмон уннинг нониға тўймас! Онча таомни қайдин топиб берурман? Нидо келдики: — Эй Нуҳ, ани тўйғазур вақтида ўзум тўйғазурман деб, **Валлоҳу аълам!**

## ОЖ ИБН ИНОҚ ҚИССАСИ

Бу андоғ воқеадурким, Нуҳ алайҳиссаломнинг вақтларида Иноқ деган Ҳазрат Одам алайҳиссаломнинг қизлари бор эди. Ож деган анинг ўғли эрди. Бисёр одил эрди, йўл юрса ики қадамнинг ораси бир кунлик, хўраги жангалдаги авқот ризқини йиғиб олиб, оғзиға солур эди. Шохи бутоғи бирла ер эрди. Дарёдин балиғларни тутуб, пишириб ер эрди. Тўфон суви дарахтларни тизига келди. Хотунини ёмон кўрар эрди. Бир қиз олиб тоғнинг тепасиға киши кўрмас ерға қўйди. Қушлар ҳам кўрмас эрди. Бу қиз камолға етти. Бир куни жуфтликға майл қилиб эрди, қиз кўрқуб унамади. Тонгласи Ож чиқиб кетди. Қиз тоғнинг қирғоғиға келди эрса, бир кимарсаға кўзи тушди. Анға ошиқ бўлди. Бир ерда бўлмоққа ҳеч илож топмади. Бу йигит бир момоға баёни ҳол қилди. Момо айдиким: — Йиғочдин ўзунга бир сандуқ қилдуруб келгил. Бу йигит боруб бир сандуқ қилдуруб келди. Момо бу йигитни сандуққа солуб, оғзини беркитиб, боруб тоғни тубида тутуб ўлтурди. Ож келиб эрди Момо йиғлаб айдиким: — Бу сандуқда кишининг амонати бор эрди. Шунни сақлаб берсанг!? — деди. Ож олиб боруб уйида қўйди. Ҳар куни Ож чиқиб кетар эрди. Бу қиз сандуқни оғзини очиб бир неча кун айш-ишрат қилди. Бир куни Ож келиб кўрдиким, одамнинг изи бор мунда. “Ким келди”, деб сўради. «Ҳеч ким келмади», деди. Сандуқни оғзини очиб бу йигитни кўрди. Ож ул момони олиб келиб, хотинини, ул йигитни бир ерға қўюб, бошиға қабоҳат қилди. Кўмулуб қолди. **Ҳикоят қилибдурларким** Рум вилоятида бир шаҳар бор эди. Утуни йироқ эрди. Анинг халқиға ўтун келтуруб берур эрди. Йигирма-ўттуз киши шаҳарнинг бошида ики ҳавуз кавладилар, ҳар қайси ҳавузнинг ўрни бир фарсаҳлик ерда эрди. Уй

бошидан бир табоқдин ош, бир нон олиб келиб ул ҳавузга қўяр эдилар. Ож ҳам ўтунни қўюб ош-нонни еб нафси ором олур эди. Ҳаргиз тўйгунча таом еган эмас эрди. Қорни тўйгунча таом егали орзулуқ эрди. **Қазоро** Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом: — Шу чинорни келтириб бергил?! — дедилар. Сени тўйғузуб қўяй! — дедилар. Хушвақт бўлуб эди. — Сан ман бирла боруб, бирини хоҳлағил! Шуни келтуруб берай! — деди. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом айдилар: — Ман санинг бирла боролмасман! — дедилар. Ож кўтаруб олиб борди. Бир туб чинорни хоҳлаб кўрсатдилар. Йўғонлиғи йиғирма қари, узунлиғи тўқсон қари эрди. Дарёнинг лабида туруб бир қўли бирла сўнуб чинорни юз минг ботмон лойи бирлан суғуруб олди. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломни устида қўйуб тонгласи олиб келди. Тўрт тахта бўлди. Йўнуб биткардилар. Ул чинорда чориёрларнинг исмлари битуклик чиқди. Сўрадилар: — Бу нечук исмлар турур? Ҳитоб келдиким: — Эй Нуҳ, ул исмлар дўстум Муҳаммаднинг тўрт ёри турур *«саллalloху алайҳи ва саллам»*. Андин Ож айдиким: — Эй Нуҳ, манго тўйгунча таом бергил?! Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом муножот қилдилар. Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин фармон бўлдики, “Ожга тўйгунича таом бергил”, деб. Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом ики нон келтириб бердилар. — Муни *Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим* деб оғзига солсун! — дедилар. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом айдиларким: — Шунинг бирлан сани тўйғузурман! Ож кулуб айдиким: — Эй Нуҳ, мани масхара тутармусиз. Ҳар кунда неча минг шундоғ нон есам, нонушта ҳам бўлмас! Ул замон Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом бир нонни ушотиб *«Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим»* дегил дедилар. Ож айтти. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом оғзига ярим нонни солдилар. Чайнаб ютди, ўрта қорин бўлди. Яна ярмини солиб эрдилар бир нонга тўйди орзусига етди, муроди ҳосил бўлди. Бу *«Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим»*нинг хосияти эрди. Қолгон нонни ҳам Ожга бердилар. Они олиб ўтунчиликга борди...

*АЛҚИССА* Бир кун Ож дарёнинг лабида ўлтуруб эрди. Шу маҳалда Ҳазрат Қобизул-арвоҳ жонини қабз қилдилар. Анинг ўрта илги дарёга кўпрук бўлуб қолди. Нечанд йилдин кейин ики бошини тешиб, ичи бирлан карвон юрур эди. Ики тева юки бирла тўқнашди. Бирини ёндурди. Андин ики бошида нақора қўйдилар, ҳар қайси тарафдин карвон кирса, шул тарафдин нақора уни келур. Ҳоло кўҳна бўлган чурук деб йилда ёглаб қўюрлар. То нафаҳи Сурғача Ожни илки ул дарёда кўпрукдур.

**Яна бир ривоятда келтирубдурларким**, Ҳазрат Мусо алайҳиссаломнинг вақтлариғача бор эди. Ҳазрат Мусо алайҳиссалом черикларини кўруб, бир улгурж тоғни кўторуб бошига, ул черикни ҳалок қилурман деб, келур эди. Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин Сўқачақга<sup>1</sup> фармон бўлдики «тешгил деб», тешуб эрди ул тош бўйнига тушуб қолди. Андин сўнг Мусо алайҳиссаломга «асонг бирла ур!» деб фармон бўлди. Ул мўъжиза асолари бирла ўн ики газ юқорига сакраб уруб эрдилар, Ож йиғлади. Улашиб тош-кесак отиб ўлтурдилар. Ўрта илгини дарёйи Нилга кўпрук қилдилар. Сўқачақнинг бу хизматиға дуо қилдилар. Жониворлар орасида иззатлиғ бўлди. Ҳамасиға уй солиб берур дебдурлар. *АЛҚИССА* Нуҳ алайҳиссалом кемани йўнғунча кофирлар келиб сўрар эди. Дунёга сув тўлур. Ҳар ким *«Ла Илаҳа иллalloху, Нуҳун набиulloх»* деса, Худойи таолонинг бирлигию борлиғиға қойил бўлса, бу кемаға кирса ҳалок бўлмаслар! Кофирлар масхара тутуб, кулуб кетар, охири кема битганда бир кеча кофирлар йиғилиб келиб нажосатга тўлғазди. Олиб пок қилишни иложи йўқ! Неча кундин кейин қуртлар йилондек бўлди, муножот қилдиларким: — Илоҳо, бу кемани

<sup>1</sup> С ў қ а ч а қ — қуш.

кофирлар нажосатга тўлғузидур, на илож қилурман деб?! Хитоб келдики: — Эй Нуҳ, ғам ема ўзлари йиғилиб покиза қилиб берадур!— деди. Нечанд кундин кейин бу кофирлар жизом оғриғига дучор бўлди. Катта-кичик ҳама қоши киприги, сочи, соқоли тушди. Оғриққа чидайолмай бир кофир бетоқат бўлуб эмди мундоғ ранж тортғунча «ўлғоним яхши деб» ул ачиб заҳар бўлуб қолғон нажосатни ичсам-ўлсам деб келиб тўйғунча еб соғайди. Ул боруб ўзгасига айтди. Бир-бирини англаб келиб еғанлар соғайди. Муни талошиб чандон кофирлар ўлди. Неча кофирларни боши ёрилиб, бути синиб, сан нажосат единг, ман еяолмадим деб, бир-бирларини ўлтуришди. Нажосат битгандан кейин ювиб ичдилар. Андоғ қилиб кофирлар кемани оруғладилар. **АЛҚИССА** Нуҳ алайҳиссалом қишлоқма-қишлоқ, маҳаллама-маҳалла, шаҳар ма-шаҳар юруб насиҳат қилур эрдилар. Кофирлар таёқ, тўқмоқ, хиштлар бирла урар эди. **Охирул-амр** муножот қилдиларким: — Илоҳо, Худоё, худапондо, тўфон юборарман деб эдинг?! Ул иш муяссар бўлмади! Хитоб келдики: — Эй Нуҳ, жамъи хотунлардин бир жуфтдин олиб кемага солғил! Тонглағача бало иборурман! Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом, ман ёлғуз ул миқдор жониворларни қандоқ қилиб топиб олурман?! — дедилар. — Ман тонгла ҳамасини жуфти бирла кема қошига иборурман! — деди. Тонгла ҳама жониворлардин бир жуфт-бир жуфт ҳозир бўлди, кемага олдилар. Андин мева-ғиёҳлардин, дарахтларнинг уруғидин олдилар. Асли саксон киши мусулмон бўлуб эрдилар. Гирди кеманинг юқори табақасида, учарлиқ ўртасида ўзлари Ҳазрат Одам алайҳиссаломнинг жасадлари бирла ўлтурдилар. Ончаки, боши-фил, оёғи-чумоли жамъи ҳайвонот тубанги табақасига кирди. Аввалғи ўша жониворларнинг катталарини оёғидин янчилмасин деб, ўзларини қошларида турғузди. **АЛҚИССА** тонгласи кун чиқар вақтида бир хотун танурда нон пишируб туруб эди. Ул танур ичида сув чиқа бошлади. Бир замондин кейин ердин ҳам чикди, осмондан ҳам ёғди. Ер юзи тўлуб келур, кофирлар қочиб тоғларга чиқди. Ҳар қанча баланд тоғдин қирқ қари юқориға чиқди. Ҳама кофирлар ҳалок бўлди.

**Ҳикоятда Молик ибн Салом айгурларким**, Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом йилон, чаённи кемага киргизмадилар, сандин одамларга зарар етар деб. Алар айдики: — Ҳар ким сизнинг отингизни ёд қилса анга зарар қилмасмиз, деб аҳд қилдилар. Ҳар ким бу оятни ўқуса ҳаргиз йилон, чаён чақмағай: Қовлуху таоло: **саламун аъла Нуҳин фил аъламин** (37:79)<sup>1</sup> **АЛҚИССА** бу кема сув шарорасидин қоронғулук бўлди. Ҳеч нимарса зоҳир бўлмади. Муножот қилдиларким: — Бу қоронғулукни равшан қилгайсен деб? Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом ўзларининг нурлари ошкор бўлди. Ул нур бирла ҳама олам мунаввар бўлди. **Ҳикоятда андоғ келтирубдурлар**, Шайтон алайҳи лаъна узумнинг уруғини ўғирлади. Ҳеч ваҳж бирла топмадилар. Ҳама ҳайвонлардин сўрадилар, ҳеч қайсиси билмади. Охири Шайтонни тутуб эдилар. Шайтон айдики: — Узумнинг уруғини топиб берай! Уч мартаба суғоришни манго рухсат берсангиз, бўлмаса бермасман! — деди. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом рухсат бердилар. Охир узумнинг уруғини тикканда, аввал тулкини қонида суғарди. Ул сабабдин узумнинг ачиған суви ҳар нимарсадин ҳаромдур. Чоғир атадилар. Ҳар ким ичса ул тулкидек ҳаромзода бўлуб, кўрмаған киши бирла дўст бўлур! Ондин йўлбарсдек ҳайбатли бўлур! Андин Нуҳ алайҳиссалом ики мартаба суғордилар. Анинг хосиятидин Сирка ширини бўлди. Бул нимарсалар ҳар уйда бўлса, ул уйдин барокот кам бўлмас! **Ҳикоятда андоғ келтирубдурларким**, Ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломга

<sup>1</sup> (Оламларда Нуҳга салом! 37:79)

Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом айдиларким: — Ҳеч жондор жуфт бўлмасун! Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом ҳама жониворларга хабар бердилар. Илгари ит жуфтлашди. Мушук кўруб Ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломга айтди. Келиб боқсалар ажралишибдур. Ит мушукни ёлғончи қилди. Кулфатманд бўлуб юрди. Яна бир кун жуфтлашди. Мушук шул замон муножот қилдики: — Худоё, худовандо, илгари мани ёлғончи қилиб эди. Санинг пайгамбаринг олдида хижолатга қолдим. Мани ҳам хижолатдин чиқарғил, деб. Мушук келиб Ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломга айтгунча, ит ажрашмади. Ул сабаб ит ажрашмоғи мушкулдур. Андин мушук жуфтлашти. Ит кўрди, ул келиб айтгунча ажради. Ул ҳам тонди. Ит ёлғончи бўлди. Ул ҳам айди: — Худоё, худовандо, ул шарманда қилиб эрди, ани ҳам бир балога гирифтор қилғил? Мандин ҳам шармандароқ бўлсин деб. Дуоси мустажоб бўлуб, мушук мов бўлди. Ани ҳам халқ билди. Ул ҳам осий бўлди. Андин Ҳом эру хотун жуфтлашдилар ани ҳам халқ билди, ул ҳам осий бўлди. Ҳом ул вақтда ўн саккиз яшар эрди. Ул боисдин ёш ўғлонларга бу ҳаваслиқ қилмоғлик андин қолди. Андин сўнг кеманинг ичи бу халқнинг гандасиға сассиғлиқидин пур бўлди. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом муножот қилдиларким: — Илоҳо, бу сассиғлиқдин санго тоат-ибодат қилаолмасман! Хитоб келдики: — Эй Нуҳ, филнинг учаси<sup>1</sup>ни силағил деб! Силаб эрдилар тумшуқидин тўнғуз тушди. Ул кемадаги нажасларни еб ариғлади. Ул мутлоқ нажас бўлди. Ул боисдин тўнғиздин ҳаром нимарса йўқдир. Шайтон келиб тўнғизнинг пешонасини силаб эрди, чичқон тушди. Қочиб юруб кемани тешди. Сув чиқа бошлади. Кема тўлуб келур, ҳама кишидин ҳуш-ҳаракат кетди. Муножот қилдиларким: — Худоё, худовандо на илож қилурман деб?! Хитоб келдики: — Ул чичқонни ишидур! Йўлбарсни пешонасини силағил деб! Силаб эдилар. Ики бурнидин ики мушук тушди. Чичқонларни тутуб еди. Айдиларким: — Ҳеч кимарса бормукин кеманинг тўшугини топуб беркитгай?! Йилон айдики: — Бу ишни ман қилсам нима берурлар!? Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом айдиларким: — Нима десанг берай! Йилон айдики: — Манго егулик лозим! — Нимани гўшти тотлиғ бўлса, ани берай, — дедилар. Кириб излаб, тўшукни топиб, халқа уруб ётди. Қирган сувни сочиб ташладилар. Андин тўшукни беркитиб, дилжам бўлдилар. **Вақтики**, кемаға кирдилар, кема юрмади. **Охирул-амр** чоҳорёри бо сафони отларини битиб кеманинг бурчиға беркитдилар. Андин кейин кема равон бўлди. Маккатуллоға боруб, етти мартаба тавоф қилиб, Мағрибдин Машриқ тарафға юрдилар. Муддати олти ой кемада юрдилар, кемадагидин бўлак ҳеч жондор тирик қолмади. Аммо Ож ибн Иноқ кемаға кирмаб эди. Тўфон суви тизига келди. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломга пайгамбарлик ваҳий келганда Ож юз яшар эди. **Вақтики** кемадин чиқдилар, йилон даъво қилди: — Ё Нуҳ, манга айтган ваъдангизни беринг, — деб! Пашшани буюрдилар: — Ҳар нимарсани тотиб ёнғил деб! Жамъи нимарсаларни тотиб кўруб одамнинг гўшtidин тотлуғ гўшт йўқ экан деб! — ёниб келиб эди. Қалдирғоч учради. Айдики: — Ниманинг гўшти тотлуғ экан? — деб сўради. Пашша айдики: — Одамнинг гўшти тотлуғ экан! — деди. — Андоғ бўлса тилингни тотиб боқай?! — деб тилини учини узиб олди. Пашша гунг бўлуб фингшиб учуб келди. Орқасидин қалдирғоч келди. Чандон сўз сўрасалар, фингшиб сўзлай олмади. Қалдирғочға боқар. Қалдирғоч айдики: — Ҳоло манго йўлиқуб эди. Бақанинг гўшти тотлуғ! — деб айди. Ҳоло кўрқиб сўзлай олмайдур. Қалдирғоч сўзи

<sup>1</sup> У ч а с и — сағриси.

бирла йилонга бақани буюрдилар. Ул замондин бул замонгача, йилоннинг хўраги бақа бўлди. Аммо йилон билдики, қалдирғоч ишидур – одам фарзандига яхшилик қилди. Йилон ул сабабдин қалдирғочга душман бўлди. *АЛҚИССА*, муддати олти ой оламни сув босди. Андин кейин Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг фармони бирла сув камайди. Кемани бир тоғнинг тапасида турғузди. Ер юзининг суви туганди. Борму бир кимарса боруб, хабар олсун! – дедилар. Қарға ман борай деб рухсат олиб кетди. Боруб сувда ҳалок бўлгон ўлуқларни йиғиб, тез келмади. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло қаттиқ кўрқинч бирла авқот бериб, умруни ўткаргай деб, дуо қилдилар. Андин кейин кабутарни буюрдилар. Ул ҳам бир ерга тушуб эрди оёғи лойга ботиб нари бора олмади, ёниб келди. Анинг учун оёғи туклук бўлди. Андин думдор кабутарни буюрдилар. Ул ҳам боруб, зайтун япроғини тишлаб келди. Анга одам фарзанди санга ўйида ватан берсун деб! Анга бир пар тук бердилар, анга зийнат бўлди. *АЛҚИССА*, Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом кемадин чиқдилар асл мусулмон киши Ҳазрат Нуҳ ўғлонлари, хотунлари бирла саксон етти киши эрди. Кемадин чиқиб бир шаҳар қилдилар. Ул шаҳарда туруб, бу кишилар ҳам бола-чақали бўлиб кўпайиб кетдилар. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом ухлаб эрдилар этаклари очилиб қолди. Ҳом келиб масҳара тутуб кулди. Сом келиб ёпиб кўйди. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом уйғондилар. Сом бу воқеани баён қилди. Ҳомга аччиқланиб сани авлодинг кишига бандалиқдин халос бўлмасун деб дуо қилдилар. Ул боисдин Булур вилоятининг халқи ҳар қанча улуг бўлса ҳам, «бадрак» дерлар. Сомга дунё юзига тенгсиз бўлуб, Аму дарёнинг ул юзи: Балх, Бухоро, Ироқ, Шом, Хуросон, Сомон, Рум, Миср, Макка, Мадина, Яман, Антокия, Қустантания; бу улуг пойтахтларни Сомга бердилар. Аму дарёнинг бу юзига; Андигон, Самарқанд, Урганж, Қирғиз, Қозоқ, Мўғул, замани Хитойгача Ёфасга бердилар. Авбош, Кунжол, Тўбит, Ёлтабилур, Кашмир, Ҳиндистон буларни Ҳомга бердилар. *АЛҚИССА*, Ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломнинг бир қизлари бор эрди. Анга тўрт куёв чиқди. Ҳамасига айдиларким «насиб бўлса берали!» Бир кунда тўрт кишидин тўй келди. Бир қиз тўрт қўлдош бўлди. Боқсалар бир итлари кучуклабдур, бир эшаклари туғубдур, икиси урғочи. Буларни олиб кириб, қизларини қошида кўйиб дуо қилдилар. Бир кўппак, бир хўтик ҳам қизларига ўхшаш қиз бўлди. Ҳаргиз ажрата олмадилар. Андин Худойи таоло бир ҳур иборди. Анинг бирла тўрт бўлди. Бир кунда тўрт куёвга бердилар. Билмадиларким ўзларининг қизлари қайси экан. Эшак, Ит, ҳар қайсисига тушубдур. Нечанд кундин кейин бир куёвларидин сўрадиким: – Кўчингизни хўйи-феъли нечук деб?! – Ёмон эмас, яхши, аммо баъзи маҳалда жоҳиллик қилур! Билдиларким, эшакнинг боласи экан. Яна биридин сўрдилар. «Хўп яхши, аммо баъзи маҳалда хўйлик<sup>1</sup> қилур деди». Билдиларким, итнинг боласи экан. Яна биридин сўрдилар. «Хўп яхши, ниҳоят фармонбардор, ҳаёлиқ, яхшилиқдин асло ками йўқ! – дедилар». Билдиларким ул ўзларининг қизлари шул экан. Яна биридин сўрдилар: – Кўчингизнинг феъли-хўйи нечук деб? – Ниҳоят хуш хўю, хушбўю хуш муомала! – дедилар. Билдиларким, Худойи таоло иборған ҳур шул турур.

**Ҳикоят қилибдурларким,** Яжужу Мажужни баъзи Канъони баъзи Ожнинг авлодидин дебдурлар. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом умрларини сахд «Сиротул Анбиё»да тўққуз юз эллик дебтурлар. «Қиссаси Тайфурий»да минг ики юз дебтурлар. Замоники, Ҳазрат Қобизул-арвоҳ сўрдиларким: – Эй Нуҳ, шунча умр кўрдунгиз, бу умрунгизни

<sup>1</sup> Х ў й л и к – одат, феъл, қилиқ.

латофатини қанча билдингиз? — дедилар. — Дунё деган ики эшиклик бир уй экан. Бу эшик бирла кируб, у эшикдин чиққандек бўлдум! — дедилар. Умрлари тамом бўлуб, мурғи руҳлари бадан қафасидин ло маконга тайрон қилди. Уч ўғулларининг авлоди оламга ёйилди. **Валлоҳу аълам биссабов.**

## ҲАЗРАТ ИБРОҲИМ АЛАЙҲИССАЛОМ ҚИССАСИ

Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом андоғ зоти боборакот, ҳамида сифат эдиларки, Ҳазрат Солиҳ алайҳиссалом рихлат қилиб Обир деган ўғлонларининг авлодидин юз йилдин кейин зухурга келдилар. Буларнинг вақтларида Намруд деган бир кофир бор эди. Сомнинг авлодидин эди. Бу рўйи оламда ҳаддин фузун, ададдин берун эди. Ажам мулкида қувватлиғ ва ҳашматлиқ кофир эди. Туркистон вилоятини ҳам мусаххар қилиб, Ҳиндистон мулки мамлакатига боруб Ҳомнинг авлодини ҳам мусаххар қилиб, Мағриб заминини ҳам олиб, подшоҳ бўлуб Куфада барқарор бўлуб эди. Бир ривоятда Мағрибдин Машриққача подшоҳ эрди, дебдурлар. **АЛҚИССА** Намруднинг бир буттароши бор эрди Торих деган. Ул бут қилган сабабдин Озор дер эрдилар. Анинг хотуни ҳомилали эди. Бир ўғул туғди. Офтоб талғат, муштарий саодат, қоронғу кечани мунаввар қилур эди. Отларини Иброҳим қўйуб, Намруднинг ёрлиғидин қўрқиб, бир тоғнинг ўнгирига олиб боруб келди. Анда бош бармоқларини оғизлариға солуб, эмуб ётур эрдилар. Оналари уч-тўрт кунда боруб эмизуб келур эди. Шу йўсунда ётиб етти ёшга кирдилар. Бир кун оналари олиб келди. Оналаридин сўрадиларким: — Ман қайдин пайдо бўлган?! Сани ким яратқон? Оналари айди: — Мандин пайдо бўлгон! — Сани ким яратқан? Оналари айдиким? — Мани бут яратқон! — Бутни ким яратқон?! — Отанг қилгон! Айдиларким: — Махлуқни Худо қилмай, худони махлуқ қилурму? Оналари тик туруб, оталари Озорға: — Ўғлунг Иброҳим шундоғ сўзларни айтур. Иложини қилмай бўлмас деб, яна шул горға олиб боруб қўйиб келди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом билмас эдиларким, «мани ким яратқан экан қайдин деб» фикр, андиша қилиб, ўлтуруб эдиларким, кеч бўлди. Ойни кўрдилар шуъласи оламни равшан қилди. Ерни, осмоннию мени ушбу нимарса яратгонмукин? — деб сажда қилдилар. Бир замондин кейин ерга ўлтурди. Бу ҳам эмас экан. Агар Тангри бўлса, ерга кирмас эди, — дедилар. Эртаси Офтоби тобон пайдо бўлди, «Тангри ушбумукун» деб сажда қилдилар. Охир кун охшом бўлди. Ул ҳам ўлтуруб кетти. Бу ҳам тангри эмас экан, бун яратқан эгаси бордур, — деб Ҳақ субҳонаҳу ва таолоға кўнгул боғлаб, туруб эдилар. Хитоби Ҳазрат Илоҳо бўлдики: — Эй Иброҳим, аларға қабул қилмадинг, кимга қабул қилурсан? — деб овоз келди. Жавоб бердиларким: — Жамъи еру кўкни, махлуқоту мавжудодни ким яратқан бўлса, шунга тобунурман! — дедилар. Қовлуҳу таоло: **инни важжаҳту важҳи лиллази фатирис-самовати вал-арзи ханифан ма ана минал-муширкин** (6:79)<sup>1</sup> деди. **Вақтики**, саккиз ёшқа кирганда яна олиб келди. Нечанд кундин кейин бир бут қилиб, ўғлум, мун бозорға олиб боруб бир мунча пулга сотиб келинг! — деди. — Бун нима қилур ва ким сотиб олур?! — дедилар. Оталари айдиким: — Бу ҳама халқнинг тангриси турур. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом олиб чиқиб, бутни бўйнидин боғлаб, судраб юруб қичқирдиларким: — Бу нимарсадурким, кўргали кўзи йўқ, сўзлагали

<sup>1</sup> (Мен тўғри йўлни танлаган ҳолимда юзимни осмонлар ва Ерни ихтиро этган Зотга қарадим. Мен муширлардан эмасман”, — деди. 6:79)

тили йўқ, эшитгали қулоғи йўқ. Муни ҳар ким олса зарар бўлур, манфаат бўлмас! Шундоғ нимани олиб зарар топадурғон киши борму?! – деб қичқирдилар. **Қазоро** бир ерға келиб, томға қўйиб, ҳожатга ўлтурдилар. Бир ит келиб бутнинг бошига сийди, айдиларким: – Шундоғ нимани тангри деб, сотқали чиқарур деб, келиб отасининг олдиға ташлаб айдиларким: – Эй ота, нечук тангрилик эрур! Анинг бошига ит сийиб кетса!?! – дедилар. Кет дея олмаса, андин ит ҳам қўрқмай бошига сийса. – Сан бизнинг тангримизни судраб юруб, булғаб хор қилибсан! – деди. – Эй ота, тангри бўлса махлуқ судраган бирла судраларму?! Ит андин қўрқмай бошига сиярму? Ул бир парча йиғоч эрди. Узунг қилган тангри бўлурму?! Тангри деган осмону ерни, жамъи махлуқоту мавжудодни яратқон нимарсани айтурлар. Муни Тангри деган кишилар ҳам ёлғончи турур! Отаси «Шайтонға қул бўлмағил!» дедилар. Андин хушвақт бўлуб, бир ерға боруб, тоат-ибодатға машғул бўлдилар. Неча кундин кейин яна келиб айдиларким: – Эй ота, мундоғ нимарсалар қилманг! – дедилар. – Бизнинг худойимиз шу Намруд, андин бўлак худойимиз йўқ! Мани масҳара тутармусан?! – деди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом айдиларким: – Намруд нечук худо бўлсун?! Ани яратқон эгаси бор: Аллоҳ таоло турур! Сизларнинг бутларингизга бир иш қилурман ҳайрон қолурсизлар! – дедилар. Ногоҳ бир кун кофирларнинг ийди бўлди. Ҳама халқ ийдгоҳға борди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломнинг ғаразлари бутларга бир иш қилай деб, уйда қолдилар. Кофирларнинг расми, ийд бўлса, ҳар қисм ранго-ранг таомлар қилиб, бутни олдиға қўйуб, бутнинг олдин олиб бизларға тангримиз берди, деб еяр эрди. Ҳама кофирлар ийдгоҳға кетди. Шаҳар хилват қолди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом болту олиб бутхонаға бордилар. Анча ёғоч бутларни чошиб синдурдилар. Болтуни бир катта бутнинг олдиға қўйуб кетдилар. Ул аснода бу воқеани Шайтон кўриб қичқирдиким: – Эй халойиқлар, Иброҳим деган ҳама бутларингни синдурди деб. Кофирлар ийдгоҳидин ёниб, бутхонасиға боқса, ҳама бутлар синиб ётубди. Бу воқеани кўриб келиб Намрудға айтди: – Бу ишни қилғонни топинглар! – деди. – Биз ийдгоҳда эрдук! Бир кимарса айдиким: – Иброҳим бутларни синдурди, – деб қичқирди. Намруд айдиким: – Иброҳимни олиб келинглар, сизлар гувоҳлик беринглар! – Эй Иброҳим, бизнинг тангримизни на учун мундоғ қилдинг деб?! – Менинг ушутқонимни ким айтди? – дедилар. Оталари Озор: – Манга айтиб эрдинг, шундоғ қилурман, сани ишинг эмасму? – дедилар. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом айдилар: – Мундоғ қилмадим, тангриларингдин сўрангларким, қилғон бўлсам айтур. Намруд айдиким: – Бутларни тили йўқ! Сўзлай олмас! Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом айдиларким: – Эй аҳмоқлар! Ул нимарсани тилию жони бўлмаса, бир иш қилғали қудрати бўлмаса, ул нечук тангри бўлур?! Бу кофирлар таайюн бўлдиким, Иброҳим қилган рост экан деб. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломни гуногун азоб қилмоққа маслаҳат қилдилар. Ул аснода Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг фармони бирлан Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом келиб айдиларким: – Худойи таоло салом иборди Намруд алайҳи лаънани имонға даъват қилсун, менинг бирлигу борлигимга Яккаю яғоналигимни, азимату ҳашаматимни билдурсун! Ҳаргиз қўрқмасун! Ҳамиша Иброҳимға ёрлиғ қилурман! Ва ҳаргиз ғам емасун! – деб фармон бўлди, – дедилар. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом бу башоратни англаб бисёр хушвақт бўлдилар. Шул замон Намруд қошиға боруб айдиларким: – Эй кофирлар! Ўтдин, бутдин ёнинглар! Ман Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг пайғамбари турурман

деб, Беҳишту Дўзахни баён қилиб насиҳат қилдилар. Намруд алайҳи лаъна айдиким: – Эй Иброҳим, бизнинг ота-боболаримизнинг йўлидин ёндуруб ўзга Дунёга бошлармусан? – Биз ҳаргиз динимиздин ёнмасмиз! – деди. Ул вақтда халқ орасида қаҳатлиғ эрди. Ошлиқ ҳеч ерда топилмас эрди. Эл забун бўлғонда Намруднинг ошлиғи беҳадду беҳисоб эрди. Элга озуқ бериб ўзиға сажда қилдурди. **Қазоро** Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломға ошлиқ лозим бўлуб, келиб эдилар, – Манга сажда қилгил! – деди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом: – Ман ҳамма оламни яратғон Оллоҳи таолоға сажда қилурман! Манинг тангрим офтобни Машриқдин чиқарур, сан Мағрибдин чиқаргил?! – дедилар. Кофирлар бу сўзга андиша қилди. Намруд кўнглида айдиким: – Иброҳимнинг сўзлари рост, бизнинг бутларимиз ёлғон деб. Аммо лашкаридин номус қилиб, жоҳиллиғи голиб келиб, унамади. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом, онҳама насиҳат қилиб, Дўзахнинг азобу уқубатларини баён қилдилар. Намруд айди: – Ман ҳам ўт бирла азоб қилурман! Мундоғ сўзларни айтмагил деб. Жамъи халқға ўтун йиғинлар деб буюрди, ғарази Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом кўрқсун, – деди. Аммо тўрт ойғача ўтун йиғдурди. Шаҳарнинг олдида бир саҳн ерни ўтунға тўлғазди. **Нақл қилибдурларким**, жамъи ҳайвонот ўтун юклар бўлғонда ҳеч қайси унамади. Аммо хачир фармонбардорлиқ қилди. Бу воқеани Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом бошлашидин кўруб турган эрдилар. Ул замон хачирға лаънат юбордилар. Ул сабабдин хачирлар туғолмай боласини қорнидан ёриб олурлар. Тул мазлумалар чарх йиғириб сотуб ўтун олиб келтуруб берур эрдилар. Ул сабабдин тул хотунлар эридин қолса, хорлиқ тортар. Ўтун йиғиб бўлғунча Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломни бир уйда гул занжир солиб, боғлаб қўйдилар. **Вақтики**, ўтунга ҳар тарафдин ўт қўйди. Ўн кеча-кундуз куйди. Уч кунлик ерга шарораси келур эди. Аммо Намруд кўнглида Иброҳим кўрқуб насиҳат қилмай десун, дер эди. Ҳаргиз ҳеч нима демадилар. Охир ўт қошиға олиб келиб, ўтга ташлай деб, онҳама жидду-жаҳд қилди. Кофирлар яқин боролмай, «ўзунг боруб киргил» деди. Унамадилар. Кофирлар на илож бирла ташлармиз деб, ҳайрон бўлуб туриб эди, Шайтон алайҳи лаъна бир қари киши суратида бўлуб келиб, манжаниқ қилмоқни Дўзахда кўруб эди. Они кофирларға ўргатиб, манжаниқ қилдурди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломни олиб келиб, қўл-оёғларидаги гул-занжир етмиш ботмон эди. Онинг бирла манжаниқға ўлтурғуздилар. Кофирлар йиғилиб онҳама жадал қилдилар. Ҳеч важҳ бирла ташлай олмади. Охир Намруд занжирни олди. Манжаниқни ҳам тебрата олмади. Охир оталари келиб айдиким: – Ул менинг фарзандим ҳам бўлса, динимни душмани деб, онҳама жадал қилди. Тебрата олмади. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом муножот қилиб айдиларким: – Илоҳо, Худавондо, доносану, танҳосан, отам ҳам душман бўлубтур. Мани сандин ўзга паноҳим йўқ! Ўзумни санга топшурдим! – дедилар. Ул замон манжаниқни тўрт минг киши зўр қилди. Тебрата олмади. Шайтон алайҳи лаъна яна келиб айдиким: – Ҳама фаришталар келиб Иброҳимға ёрлиқ қилиб, босиб турубдур. Анинг учун кўтарғали бўлмайдур! Фаришталарни кўчурунлар! – деди. Кофирлар иложи нима деди. – Ушбу ерда зино қилса фаришталар қочар, – деди. Ул замон бир кофир хотинини зино қилди. Андин кейин манжаниқ кўтарилди. **АЛҚИССА**, Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом ҳаво тараф равона бўлдилар. Фаришталар фарёд қилдилар: – Илоҳо, Худовандо, Иброҳимни дўстум дерсан, шундоғ вақтда куйдурумусан?! – дедилар. Ҳақ субҳонуху ва таолодин нидо келдики: – Эй фаришталар, сизлар кўруб турунлар! Иброҳимға нечук маомала қилурман! Ул замон Иброҳим



алайҳиссаломни кўнгулларида муҳаббат ўти, иштиёқлари бор эди. Ул маҳалда муҳаббат ўти шуъла урди. Намруднинг ўти куйдиргали қасд қилди. Хитоб келди: — Эй ўт, совуғил! — деб. Намруд бошлиғ ҳама кофирларни тахту бахтлари бирла куйдурур эрди. *АЛҚИССА*, Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом ҳавода кетиб борур эдилар. Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом етмиш минг фаришталар бирла келиб «Ё Иброҳим, сизга ёрлиқ бергали келдим», дедилар. — Нечук ёрлиқ берурсиз? — дедилар. — Қанотим бирла урай, ҳамаси муҳит дарёсиға тушсин! — дедилар. Иброҳим алайҳиссалом: — «Худонинг фармони бирла келдингизму?!» — Ўзим ёрлиқ қилай деб келдим. Ё биродарим Жабройил, сизга ҳожатим йўқ! — дедилар. Андин Ҳазрат Микойил алайҳиссалом етмиш минг фаришталар бирла келдилар. Анга ҳам қабул қилмадилар. Андин Ҳазрат Азройил алайҳиссалом етмиш минг фаришта бирла келиб айдиқим: — Сизга ёрлиқ қилголи келдим! Аларға ҳам унамадилар. Андин Ҳазрат Исрофил алайҳиссалом, етмиш минг фаришта бирла келдилар. «Сизга ҳожатим йўқ» — дедилар. Андин Шамол келиб айдиқим: — Эй Иброҳим! Бу ўтларни элтиб Намрудни тахту бахтини куйдирай, — деди. Анга ҳам унамадилар. Андин булутлар келиб: — Эй Иброҳим, бир дарёни сувини олиб келиб, бу ўтга куйй! — деди. «Санга ҳам ҳожатим йўқ» дедилар. «*Таваккалту абалоллоҳи*» деб ҳамалариға «ҳожатим йўқ, ёрлиқ тиламасман. Мани яратган Оллоҳи таоло турур. Андин бўлак кишиға ҳожатим йўқ» деб ўтга яқин келдилар. Бу Намруднинг одамлари ҳам жидду жаҳд қилиб ўтун йиғиб, ёққан ўти ораси очилиб, ўртасида Беҳиштдин дарахтлар, гуллар келтируб қўйди. Гулистон бўлди. Беҳиштнинг сабзаларидин ўтлар унди. Булоқлар чиқиб сув оқа бошлади. Гўё Беҳишти анбарсиришт бўлди. Ўртада Беҳиштдин тахт келтириб қўйди. Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин хитоб келдики: — Қовлуҳу таоло: — **Я нару, кунӣ баридан ва саламан абла Иброҳима** (21.69)<sup>1</sup> яъни эй ўт совуғил, Иброҳим иссиғламасун! Ё тўнгмасун — деб. Ўт ул ҳолда бўлди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом етиб келиб тахтга ўлтурдилар. Бу гулзорлиқни кўруб бисёр хушҳоллиқ бирла шукронасиға таҳорат қилиб ики ракат намоз ўқудулар. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом мунда уч кун ўлтурдилар. Намрудни бир баланд минораси бор эди. Анга чиқиб кўрди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломни миёна кўруб, бу боғ-бўстонни кўруб ҳайрона қолди. Сирни ҳеч кимға маълум қилмади. Кўнгулда айдики: — Дариғо, мани қилғон эмгақларим зоеъ бўлди! Халқни олдида шарманда бўлдим! — деди. Намруднинг Аркон отлиқ бир кишиси бор эди. Иброҳимни ҳолиға боқғил, ўтнинг ичида ҳоли нечук бўлутур? — деди. Ул келиб бир баланд ерган чиқиб боқди. Кўрдиқим, Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломнинг баданларида ҳулло ҳойи Беҳишт, бошларида тожи мурасса, тахт узра ўлтурубдурлар. Тўрт тарафида булоқлар, атрофида сабзалар, ўртасида бўстон, атрофида ранг-баранг гуллар, қошларида тўрт кимарса хизматда турубдур. Бу қисм воқеаларни кўруб, ҳайрон қолиб, келиб Намрудға айди. Намруд ҳам минораға чиқиб бу воқеаларни намоён кўрди. Аркон кофир Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломни қошиға келиб қичқирдиқим: — Эй Иброҳим, Сизнинг Худойингиз ҳақ ва рост экан. Ман ҳам Намруддин ёниб, сизнинг Худойингизга топунсам, нима дерсиз?! — деди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом айдиларқим: — Сан агар мусулмон бўлсанг, нима хоҳласанг берурман, — дедилар. — Агар сизға қилган ишни манга ҳам қилса, етти хазина олтун етти хазина кумуш бор, шуни берурман! Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом айдиларқим: — Худойи таоло ҳар кимға

<sup>1</sup> (Биз айтдик: “Эй олов, Иброҳим учун салқин ва омонлик бўл!” 21:69)

ҳар на берса ўзи берур! Ҳар жисмки бор дерсан, ул ҳамаси ўзининг мулки! – дедилар. Аркон ёниб келиб айдиким: – Иброҳим оташпараст экан. Ул боисдин ўт куйдирмади, – деди. Шул замон ўтни учқуни келиб кўзиға тушуб, тамоми бадани туташиб, куйиб ҳалок бўлди. Кофирлар ҳамаси маъёна<sup>1</sup> кўрди. Аммо мусулмон бўлғали кўрқар эди. *АЛҚИССА*, қирқ кун ул ўтнинг ичида ўлтурдилар. Аммо Намруд ҳеч таом ё бир қатра сув ичмай кулфатманд бўлуб қошиға ҳеч кишини киргизмади. Минора устида ўлтуруб эди, – кўнглида айтур эрдиким: – Кошки Иброҳимни Худойиға имон келтиргай эдим! – деб фикру андиша қилур эрди. Охир Иброҳимни чорлаб келинлар, – деб киши иборди. Қошиға келиб айдики: – Эй Иброҳим, яхши Худойинг бор экан. Шул Худойинг учун қурбонлиқ қилсам? – деди. Кофирни қурбонлигини қабул қилмас! – дедилар. Яна айдиким: – Нечанд йилдур подшоҳлиғ қилиб мани худойим денлар, – деб ўзумга сажда қилдирдум, эмди ёнсам номус қилурман! Аммо тўрт минг мол ўлтуруб қурбонлиқ қилсам, қабул бўлмаса? Амал қабул бўлмоғининг боиси имону ислом турур! Имонсизлар қанча яхши амал қилса ҳам қабул бўлмас! – дебтурлар. *АЛҚИССА*, Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом яна Намруд қошиға боруб айдиларким: – Эй Намруд, мани Худойимни улуғлуғини кўрдунг! Худойи таолонинг бирлиғу борлиғига иқрор бўлгин! – дедилар. Намруд айди: – Эй Иброҳим, бир кун тўхтағил, жавоб берай деб! Кечаси жамъи бекларни йиғиб айдиким: – Ман имон этиб мусулмон бўлай дерман! Иброҳимни пайғамбарлиғига қойил бўлурман, – деди. Вазирлари айдиким: – Нечанд йилдин бери ўтқа, бутқа тобунуб, ўзингга сажда қилдуруб, эмди бу нечук шармандалиқдурки, худоликни ташлаб, қулни қули бўлурсан?! Зинҳор мундоғ хаёл қилмағил. Агар Иброҳимни ўт кўйдирмаган бирла, бизнинг тангримиз куйдирмаса куйдурмабдур! – деди. Охир Ҳозар деган амакилари айдики: – Ман сомон исига қамаб ўлтурай! – деди. Охир ерни зиндон қилиб ичиға сомон тўлгазиб ўт ёқди. Кофирлар андуҳ-андуҳ, фирифта-фирифта томошаға келдилар. Бир зарра шамол ўтға тегди. Ўт чиқиб Ҳозарға тушди. Туташиб чандон кофирлар бирла Ҳозар ўлди. Бир неча халқ қочиб қутулди. Аммо Иброҳим алайҳиссаломға ҳеч таъсир қилмади. Саломат қолдилар. *АЛҚИССА*, Биби Сора Ҳозарни қизи эрдилар. Иброҳим алайҳиссалом бирла ики туқған эрди. Бир кун қошлариға келиб: – Санинг динингга кириб, Худойингни бир билсам, нима берур? – деди. Иброҳим алайҳиссалом айдилар: – Ҳарна тиласанг берур! Ўзингни Беҳишт қилур! – дедилар. Аммо Биби Сора хушрўй, соҳибжамол эди. Айдиким: – Эй Иброҳим, агар мани олсанг мусулмон бўлай, – деди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом: – Сан қабул қилсанг, олай дедилар. Аммо Биби Сора бениҳоят молдор, лаълу жавоҳир, кумушлари кўп эди. Мусулмон бўлдилар. Андин никоҳ қилдилар. Дуру жавоҳирларини Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломға бахшиш қилдилар. Андин кейин Намруд айдиким: – Эй Иброҳим, энди шону шавкатни бузғали турдунг, ҳар ерга борсанг азиздурсан. Эмди ҳар ергаки борсанг, ман лашкарим бирла маслаҳат қилсам!? Шом тарафға борали деб, чиқиб, неча йил анда турдилар. Андин кейин Ҳақ субҳонуҳу ва таолодин фармон бўлдики: – Эй Иброҳим, Намрудға бориб яна имонга даъват қилғил деб! Яна келиб Намрудға айдиларким: – Эй бадбахт, эмди ўтдин, бутдин ёнғил! Бу нимарсалар худоликқа ярашмас, ўтган умрингга пушаймон бўлуб, тавба қилғил! Худойи таолони бир билиб, мани пайғамбарлиғимға қойил бўл! – дедилар. – Эй Иброҳим, мандин

<sup>1</sup> М а ъ о ё н а – равшан, маълум.

бўлак худо борму? Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом айдилар: — Эй бадбахт, сан нечук худо бўлурсан!? Санию мани, осмону ерни яратқан Оллоҳи таоло турур! Санга подшоҳлиқ ордур! — дедилар. Ул жоҳил айдиким: — Эмди Иброҳимнинг худойи бирла жанг қилурман! — деди.

**Бу андоғ воқеадурким,** Каргаснинг<sup>1</sup> тўрт боласини сақлади. Анга тарбиятлар қилди. Нечанд маҳалдин кейин тевача бўлди. Бир сандуқ қилдурди. Тубинда ҳам эшик кўйди. Сандуқнинг устига гўшт боғлади. Тўпанги поясига қушларни боғлади. Ўзи жуббайи-жўш кийуб, сандуқнинг ичиға кириб ўлтурди. Қушларга гўштни кўрсатди, қушлар гўштнинг тамаъида устун боқишлиқ қилиб, учуб осмонга олиб чиқиб ҳавоға анча баланд чиқдиким, уч кеча-кундуз учди. Намруд устунги эшикни очиб боқди. Осмон тақи ҳам илгаридек кўринур, тубиға боқса, рўйи олам бир қўлдаги сувдек кўринур яна бир кеча-кундуз олиб чиқди. Яна тубиға боқса, бир қора бўз зоҳир бўлур. Осмон тақи бояғидек кўринур. Эмди кўк тангрисиға бир ўқ отиб, яна бир ўқ отди. Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин Жабройил алайҳиссаломга фармон бўлди. — Намруднинг ўқиға бир балиқни тутуб бергил! Агар кофир ҳам бўлса манинг даргоҳимдин ноумид ёнмасун! На учун Худойи таолоға нола қилиб айдиким: — Илоҳо, ман-гумроҳман! Ҳар иш қилсам ўзумнинг бадбахтлиғимдин турур. Ҳар на жазо берсанг Қиёмат куни тортарман! Ҳоло лашкаримга шарманда қилмағил! Санинг Худолигинг ҳақ ва ростдур! Ҳар на қилсанг қилурсан деб ўзининг гумроҳлигини ёлборди. Ул сабабдин Худойи таоло отқан ўқиға балиқни тутуб берди. Балиқга тегиб қон бўлуб ёнди. Эй мўъминлар, Намруд деган кофири мурдор азалий душманлиқ ўқини отди. Ноумид ёндурмади. Алҳамдулиллоҳ имони ислом этган бандасин ноумид қилмағай!

**АЛҚИССА,** Балиқни ўққа тутуб берди. Ул балиқ Худойи таолоға нола қилдиким: — Худоё, худовандо, на гуноҳ қилдим! Мани ул нопок ўқиға тутуб бердинг?! Ул замон фармон бўлдики: — Эй балиқ, эмди ҳеч ким сани бўғизламасун ва қонингни ерга тўкмакни, ҳаром қилдим деб. Эй балиқ, Намруд гарчи душманлиқ қилиб келса ҳам мандин умидворлиқ қилиб келди. Халқнинг ичида шарманда қилмадим. Балиқ ҳам башоратдин хушвақт бўлди. Аммо Намруд ҳам ўқи қон бўлуб тушганиға ҳам хушвақт бўлуб Иброҳимнинг Худойини ўлтурдим деб. Осмон мамлакатини ҳам олдим, деб гўштни олиб сандуқнинг тубанги поясиға боғлади. Қушларни юқорисиға боғлади. Тубанги гўштни кўруб тубан боқуб тушди. Бу маккор ҳийла бирла осмонга чиқиб тушди. Халойиққа айдиким: — Эй бандаларим, билинлар, кўк тангрисини мусаххар қилиб тушдим! — деди. Анга кофирлар ҳам бовар қилди. Аммо Намруднинг лашкаридин беш минг киши имон келтурди. Намруд алайҳи лаънаға Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом айдиларким: — Ёлгон айтурсан! Худойи таолоға ўлум раво эрмас! Унинг аввалию охирининг ибтидою интиҳоси йўқ! — дедилар. Намруд айди: — Санинг Худойингни қанча лашкари бор?! Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом айдилар: — Эй малъун, бадбахт, Худойи таолонинг лашкарининг ҳадду ҳисоби бўлмас. Жамъи жондорни қудрати бирла пайдо қилғондур! Санинг лашкаринг ҳам ўзунг ҳам унинг турур. Намруд айди: — Эй Иброҳим, сан худойингга айтғил, лашкарини жамъи қилсун! Ман ҳам лашкаримни йиғиб жанг қилурман! — деди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом айдиларким: — Эй малъун! Сан ўзинг жамъи қилғил! Худойи таоло бир ишорат бирла ҳамасини зеру забар қилур! — дедилар. Ул замон Намруд саг ҳар

<sup>1</sup> Каргас — қузғун.

тарафга лашкар йиғмоқга киши иборди. Машриқдин Мағрибгача лашкар жамъи қилди. Уч юз фарсанг ерга тушуб ётди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом айдиларким: — Эй малъун, Худойи таолодин кўрқмай ва шарм қилмай мунча халойиқни эмгоклатиб юурсан! Эй бадбахт, бу оламда мунча иззат, давлат берди. Охиратда бундин ўн ҳисса зиёда ҳурмат берур! — дедилар. Намруд айди: — Санинг худойингга ҳожатим йўқ! Лашкаримни жамъи қилдим! Эмди жанг қилурман!— деди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом айдиларким: — Илоҳо, Худоё, худовандо, бу малъун азалийга бир бало юборсанг деб!?! Дуо қилдилар. Хитоб бўлдики: — Намруднинг лашкари бирла жанг қилғали бир мунча пашша иборурман! Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом айдилар: — Эй Бадбахт, санинг лашкаринг бирла жанг қилғали лашкар иборди. Хабардор бўл! — дедилар. Намруд туғу, алам, ноқора, кўсларни чалдируб, сафларин рост қилиб туруб эди. **Ул аснода** Худойи таолонинг фармони бирла бир бўлак пашша етти. Бу пашшаларнинг унига Намруднинг ноқорасининг уни мутлоқо йўқ бўлуб кетти. Ҳар отлиқнинг бошига бир пашша кўнди. Андоғ ниш урдикам, ҳама жуббайи-жўшнидин ўтиб жониға узмади. Тўқсон минг лашкаридин бири ҳам қолмади. Ҳамаси Дўзахқа кетди. Намруддин бўлак киши қолмади. Бу сағ ҳайрон бўлуб айдики: — Бу жониворлар мунча кичиклик бирла, мунча лашкаримизни нобуд қилди деб ҳайрон бўлуб туриб эди. Бир бути оқсоқ, бир кўзи кўр пашша келиб Намрудни айланиб турди. Намруд қочиб уйга кирди. Уйнинг эшиги туйнугини беркитиб бола-барикасиға айдики: — Мани лашкаримни бир бўлак жонивор нобуд қилди, деб кулфатманд бўлуб туруб эди, ул чўлоқ пашша келиб рўбарўсидин турди. Бола барикасиға айдики: — Мани лашкаримни нобуд қилғон ушбу нарса эди. Қавланглар! — деди. Шул замон бурниға кирди. Онҳама кавлаб ололмадилар. Андин димоғига борди. Андин ўтуб миясига банд бўлди. Ҳар бора миясини еса, чидай олмай, бетоқат бўлуб бошиға тўқмоқ бирла урар эди. То қирқ йилгача ушбу балоға гирифтор бўлди. Бошидин тўқмоқ ҳаргиз кетмади. Қирқ йилдин кейин фармон бўлдики: — Эй Иброҳим, Намрудни имонга даъват қилгил! — деб. Келиб айдиларким: — Эй бадбахт, Худойи таолоға имон келтиргил?! Намруд айди: — Эй Иброҳим! Санинг Худойингни барҳақлиғига ва санинг пайғамбарлигингга ким гувоҳлиқ берур?! Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом айдилар: — Шул уйда ҳар нимарсаки бордур, гувоҳлиқ берур! — дедилар. Шул замон уйдағи бор нарсалар боякбор фарёд қилиб айдики: — Эй Намруд! Худойи таоло ҳақ ва ростдур! Жамъи нимарсаларни ўзи яратган. Иброҳим алайҳиссалом барҳақ пайғамбар турур!— деб уйдағи бор нарсалар гувоҳлиқ берди. Шул замон Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом келиб айдилар: — Бул малъуннинг уч нафас умри қолди. Шул замон бошини оғриқ тутди. Бир кишини тўқмоғлагали буюрди. Келиб тўқмоқлаб эрди оғриқ паст бўлди. Маҳкамроқ ургил! — деди. Бир урди. Ул бадбахт азалий Дўзахқа борди. Боши тўрт парча бўлуб, ул пашша чиқиб кетди. Бул бадбахт азобу уқубат бирла жон берди.

**Ҳикоятда андоғ келтирубдурларким**, Шомда Зуал Арш ибн Содиқ деган подшоҳ бор эди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом бу шаҳарда кўнгуллариини жамъи қилиб, бир тарафга борурни ихтиёр қилдилар. Зуал Арш деган кофир ҳам бениҳоят улуг бўлуб, мамлакатни қўлиға олди. Ҳар шаҳарда чиройлик хотун бўлса, олиб келиб айш-ишрат қилур эди. Йўллариға киши қўйуб, ҳар ердин савдогар келса, олиб келган нарсасини кўруб хабар этгил! — деб эрди. **АЛҚИССА**, Шомға Зуал Арш ибн Содиқни имонга даъват қилай деб, саккиз тан бирла Биби Сорани сандуққа солиб равона бўлдилар. Шомға етиб эрдилар, йўлга қўйган кишилар, сандуқдағи нима? — деб очиб кўруб Биби Сорани

кўрди. Бориб Зуал Аршга таъриф-тавсиф қилди. Кўнглида бир завқ пайдо бўлуб: — Мунда олиб келгил! — деди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломни олиб боруб эдилар. Кўрди, ажаб ҳайбатлиқ нуруний киши. Эъзоз қилиб тахтга чиқариб ёнида ўлтурғизди. — Отингиз нима? — деди. Абдуллоҳ, — дедилар. Сандуқда нима бор? — деди. Синглим бор! — дедилар. Подшоҳ айдики: — Ман сизни мамлакатга улуг қилай! Ҳазинаю дафина берай ва яна иззат ҳурматлик қилай. Ул синглингизни манга беринг! — деди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом бедимоғ бўлуб айдиларким: — Синглим оқилайи болига турур! Ўзидин сўрагил! — дедилар. Сандуқдин чиқоруб олиб кирдилар. Биби Сора келиб Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломнинг оёқларида ўлтурдилар. Подшоҳ сўрадики: — Э Сора, менинг подшоҳзодалардин хотиним бор. Сизни ҳамасидин улуг қилай, манга ўзунгизни қабул қилинг!? — деди. Асло сўзламадилар. Подшоҳ айдики: — Абдуллоҳ, сиздин уёлур! Сиз ташқари чиқинг! — деди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом ташқари чиқдилар. Шул замон Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом орадин пардани кўтардилар. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом подшоҳ билан Биби Сорани маоёна кўруб турдилар. Подшоҳ нечанд сўз айди, ҳеч жавоб бермадилар. Подшоҳ кўрмакка бетоқат бўлуб, қошлариға келиб бурқабни кўтаргай, қўл сунуб эди, қўли қуриди. Айдики: — Эй Сора, нима қилдинг?! Кўлим ўлик бўлди. Қўлимни тузатгил! Санинг хоҳишингга бўлай! Дуо қилдилар. Қўли тузалди. Яна қўл сунди. Яна қўли қуриди. Яна айдики: — Эмди тузалса, ҳаргиз сўзламай! — деди. Дуо қилдилар. Яна аввалгидек саломат бўлди. Яна қўл сунди ҳама аъзолари қуриди. Подшоҳ айдики: — Нечук бало эдинг!? Ва нечук иш қилдинг!? Биби Сора айдиларким: — Ҳеч нима қилмадим. Ўзунгнинг беадаблигингдин бўлди. Оллоҳ таолонинг пайғамбариға зулм қилдинг! Анинг шумлигингдиндур! — дедилар. Подшоҳ сўрадики: — Ман нечук пайғамбарға зулм қилдим?! — Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломни маҳрамлари турурман! — Иброҳим деган кимдур!? Айдилар: — Намруднинг қўлида ўтга куймаган! Ул ўт гулшан бўлган! Намруднинг қўлида ҳалок бўлмаган, — дедилар. — Ҳоло қайдадур?! — Мани олиб келган шул! — дедилар. Подшоҳ айди: — Сизни синглим! — деди. Шул замон Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломни чорлаб: — Иброҳим дегон сизму?! — деди. «Ман» дедилар. — Сизнинг Худойингиз нечук нарса турур!? Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом айдилар: — Етти қат еру етти қат осмон, ой, куну юлдузни, жамъи махлуқотни яратқан! Улукни тиргизгувчи, тирикни ўлтургувчи! Аввали охирини интиҳоси йўқ! Анинг Худолиғиға ҳеч шерик бўлмас! Ҳеч нимадин туғилмас, ҳеч нимаға ўхшамас деб: — Фикр-андишада эрдим маълум бўлдики, Сизнинг Худойингиз яратгон экан. Баданим қуриб бекор бўлди. Саломат бўлсам, сизнинг Худойингизга сажда қилай!? Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом дуо қилдилар. Шул замон аввалгидек саломат бўлди. Бо сидқидил **«Ла Илоҳо иллоллоҳ, Иброҳим Халилуллоҳ»** деб имон келтурди. Зуал Аршнинг Ҳожар отлиғ бир хушрўй канизаги бор эрди. Жамъи ҳазинаю дафинанинг очқуси шунда эрди. «Очқуни келтуруб Иброҳим алайҳиссаломға бергил!» деди. «Ҳама ҳазиналар буларға фидо» деди. Иброҳим алайҳиссалом айдилар: — Манға мол амволинг лозим эмас! Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин нидо келди: — Эй Иброҳим, бир мунча мол олиб, бир тарафға боруб, кофирларни имонға даъват қилгил деб! Зуал Арш шул замон бир тожи камарбанд, минг тева, минг от, ўн минг қўй, юз уйлук қўл болабарикаси бирла берди. Андин Биби Сораға бир тож чиқаруб қўйди. Ул тожда етти иқлимнинг хирожи бор эрди. Биби Сора айдики: — Ман Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг бир камина бандасидуран. Манға тож керак эмас! Шул Ҳожарни хизматга берсанг?! — дедилар. Бажонидил қабул қилиб,

яна бир мунча мол бирлан берди. Бу молларни олиб, кўчуб юрдилар. Бир ерга келсалар, беш кунлук ерни мол тутар эрди. Бир ерга келиб эдилар, бир кунгару яйлақда бир мунча мол юрубдур. Шул ерга тушуб, оқ уй тикиб, ўлтурдилар. Бир неча кун анда туруб эдилар. Бу халқ айдиким, буларни моли кўп экан. Бизнинг молимизга ўт етмас, кўчирали, — дедилар. Ул мамлакатни подшоҳи чиқиб келди. Бу халқ подшоҳга маълум қилди. Подшоҳ Иброҳим алайҳиссаломни чорлаб, ул халқнинг сўзини айди. — Биз мусофир, ғарибдурмиз, қайда хоҳласак анда борурмиз! — дедилар. Подшоҳ айди: — Ман ҳукм қилай, иковларинг қабул қилинглр!? — Маъкул! — дедилар. — Сизлар бир кўйдин ўлтуриб, ош қилиб келинглр! Қайсиларингни ошларинг кўп кишига етса, яйлақ анга бўлсун! — дедилар. Алар ҳам тарадуд қилиб бир қатта кўй ўлтуриб, ош қилдилар. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом ҳам бир кўй ўлтуриб, ош қилдилар. Аларнинг оши халқнинг тенгига ҳам етмади. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломнинг ошлари ҳам халқдин ортиб қолди. Яйлоқни буларга буюрди.

*АЛҚИССА*, Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом неча замон анда турдилар. Андин кейин Муқаддас деган ерга келдилар. Ул бир чўл эрди. Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом айдиларким: — Эй Иброҳим, дуо қилинғиз! Дарахтлар, мевалар пайдо бўлур, обод бўлғусидир! Ул замон дуо қилдилар. Боғ-бўстон, мевалар пайдо бўлди. Шунда мутаваггин<sup>1</sup> бўлдилар. Иморатлар бунёд қилдилар. Ҳар тарафдин келиб ўлтуриб, шаҳар обод бўлди. Аларга илми шариатни ўргатдилар. Бу халқ айдиларким: — Бизга бир қибла кўрсатиб берсанглр!? Анга боқиб тоат-ибодатга машғул бўлсак!? — дедилар. Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом бир тош келтуруб кўйдилар. Айдиларким: — Бу тош сиздин кейин келадурғон пайғамбарларга ҳам қибла турур!— дедилар. Ул тош **Байтул-Муқаддас** деган. Ул жамъи пайғамбарларнинг қибласи турур! Бир куни Биби Сора айдиларким: — Ман эмди қаридим! Ҳожарни сизга берсам деб, никоҳ қилиб бердилар. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом охир умрларини Ҳожар бирла ўткадилар. **Валлоҳу аълам биссаवоб!**

*Давоми бор*



<sup>1</sup> М у т а в а т т и н — жойлашмоқ, ватан қилмоқ.

## Мақтаниш керакми ёки тазарру қилиш?

*Таниқли рус адиби В.Н.Крупин билан унинг сафдошлари,  
дўстлари ва мухолифлари ҳақида суҳбат*

– **Владимир Николаевич, сизнинг адабиётдаги дўстларингиз кимлар?**

– Адабиётда менинг ажойиб дўстларим бор. Утган асрнинг 70-йилларида мен Валентин Распутин ва Василий Белов билан танишганман. Шу чоққача улар билан қалин дўстман.

Мен ҳамиша ўзим ҳақимда камтарона фикрда бўлиб, Белов ва Распутин сингари улкан ёзувчилар қаторида мен ким бўлибман, деган ўйда эдим. Аслини олганда улар жуда оддий инсонлар, ҳатто уларни шуҳрат-парастликнинг кўчасидан ҳам ўтмаган дейишим мумкин. Улар менга ибрат намунаси бўлдилар. Ҳарҳолда улар қиблагоҳим бўлмасалар-да, дўст-биродарларимдир. Улар ҳамиша менга ёрдам қўлини чўздилар, илло гоҳ уларнинг соясида юрдим, гоҳ уларнинг шуҳрати шуълаларида мен ҳам нурландим.

Бир вақтлар Виктор Астафьев билан ҳам яқин эдим, кейинчалик унинг “Қайғули детектив” ва “Лаънатланганлар ва ўлдирилганлар” асарлари эълоң қилингандан сўнг ва унинг Олий Кенгашдаги ўлим ҳукмига муносабатига кўра, орамиз бузилди. Мен Владимир Тендряковдан жуда миннатдорман, у асарларимга сўзбоши ёзган. Сергей Залигин билан ҳам орамиз яқин эди. Ҳозирги кунда Леонид Бородин, Анатолий Гребнев, Иван Евсеенко, Владимир Костров, Станислав Куняев, Виктор Лихоносов, Владимир Личутин, Виктор Потанинлар билан дўстлик алоқаларимиз мустаҳкам.

Шоирлардан – Николай Рубцов билан, драматурглардан – Александр Вампилов билан мулоқотда бўлишга улгурганман. Бу ўринда Юрий

Кузнецовни ҳам ёдга олгим келади. Унинг ҳаётлигида мен унга, Исо ҳақидаги учта-достонига қўшилмаслигимни айтганман. Бироқ Кузнецов барибир улкан шоир ва эскирмайди.

– **Адабиётдаги мухолифларингиз кимлар?**

– Мухолифларим рус тилини ерга урувчилардир. Улар: Пирогов, Сорокин, ҳатто Пелевин ҳам, гарчи улар ёзишни эпласалар ҳам. Шунингдек, оммабоп қаламкашлар Маринина ва Донцовалар. Улар вақтимизнинг, яъни ўқувчиларимиз вақтининг қушандасидирлар.

“Ерофеев адабиёти”га келсак, ҳозир яшаётган, ҳатто умрини яшаб бўлган асарлар эса, умуман, заифлиги билан раҳмингни келтиради. Ахир “Москва тевараги” жуда бўш нарса, уни фақат русларга ва православ динига қарши руҳда бўлганлиги учун кўтар-кўтар қилишган. Уларнинг адабиётга дахлдорлиги даргумон.

Мен Владимир Маканин билан ҳамиша дўстона мулоқотда эдим. Лекин у шу қадар тубанлашиб бордики, нафақахўрлар ўз уйига фоҳишаларни қандай чорлашлари ҳақида ёза бошлади. Тасвирлар кўнгилни айнитадиган даражада шилга. Унинг “Кавказ асири” қиссасини ғарбда мақташади. Лекин мен Маканиннинг ўрнида бўлганимда бундан сира ғурурланмаган бўлардим. Агар сенинг Кавказ уруши ҳақидаги асаринг ғарбда мақталаётганимиз – демак, у Россияга қарши асар. Маканин худди Андрей Битов сингари Россияга қарши ишламоқда. Улар яхши бошлашган эди, кейинчалик бирови иддаоли ёза бошлади, бирови ақлини пеш қилишга киришиб кетди.

Шу ўринда, улар нима учун ёмон ёза бошладилар, деган ҳақли савол туғилади. Бунга жавоб битта: худосиз одам ижод дунёсида бир кунмас-бир кун қоқилади — ўзига бино қўя бошлайди, ё аразу гинахонликка ўтади, ёки нафрат васвасасита дучор бўлади, ёки муқофотлар савдойисига айланади. Ижодда эса тақлиддан нарига ўтмай қолади.

Тақлид тақлид қилинувчининг тирговучига айланади. Биз ҳали Набоковни билмаган пайтимизда Битовни ўқирдик ва кейин қарасак, у ҳам, Маканин ҳам Набоков услубида ёзар экан. Инчунун, Татьяна Толстая — юбка кийган Маканиннинг ўзи. Ҳар қалай, тақлид кейинчалик тақлид қилувчининг ўзига қарши ишлай бошлайди.

Ёшлардан эса, айниқса, Анна Козлованинг қалами мени қаттиқ хижолатга солади. У кейинги пайтда жуда ҳам ҳаёсизларча ёза бошлади. Шундай сўзларга аёл кишининг қандай тили боргани мени таажжубга солади.

Ёшлар ўзлари ҳақида жуда катта фикрдалар, лекин алоҳида ажралиб турадиганини кўрмаяпман. Биз ҳам бир вақтлар ўз нозик қўлларимиз билан “катта сиймо”ларнинг илдизини қимирлатиб қўйган эдик. Биз уларни ағдариб ташламоқчи бўлганмиз. Жамики Ивановлару Сартаковлар эскирди, улар давр кемасидан улоқтирилиши керак, деб ўйлаганмиз. Энди кимлардир бизларни ҳам улоқтириш ниятида бўлсалар ажаб эмас. Чунки бу табиий ҳол. Бироқ бу ўринларга кимлар келади, шу муҳим.

Мен Сергей Шаргуновни ўқидим, руҳоний Александр Шаргуновнинг ўғли. Бундан буёғига қуруқ сафсата, шовқин-сурону айюҳаннослар кетмайди. Уларни тасвир билан шиббалаш керак. Бу бамисоли қоғоз пул кабидир: тагида тилла захираси бўлмаса, бир зумда кепак баҳоси бўлиб қолади. Насрда қандоқ бўлса, шеърятда ҳам шундоқ. Ҳаммаси муқом қилади, айюҳаннос солади, бироқ шу йиллар орасида бирор нарсани қойишлатишдими? Афсуски, йўқ.

Владимир Сорокинни ўқидим, кейин анча вақт тупуриб юрдим.

Умуман олганда, мен замонавий адабиёт борасидаги билимим билан сизни мамнун эта олмайман, сабаби, журналларни ўқимайман. Менга қизиғи йўқ. Нима учун дейсизми? Бу дангасалигимданмикин? Балки

журналларнинг ўзи шунақадир? Ишқилиб, мени мажбурлаб ҳам ўқитолмайсиз! Ўн беш йил бўладики, “Москва”, “Знамя”, “Молодая гвардия”, “Новый мир” журналларини қўлимга ҳам олмайман. Бироқ илгари шундай ҳоллар бўлганми? “Наҳотки, шу нарсани ўқимаган бўлсангиз?” дея бир-бирига ажабланиб боқишарди зиёлилар. Шундай муаллифлар ҳам бор эдики, уларнинг асарини ўқимасликнинг иложи бўлмасди! Бугунги муаллифлар эса ўзларининг қанчалик ақлли ва ноёб эканликларини қайта-қайта уқтириш билан оворалар.

Менинг муҳолифларим Россияни, Исони ҳурмат қилмайдиганлардир. Улар менинг адабиётдаги ғанимларим ҳамдир.

— **Замонавий адиблар орасида қайси бирларига алоҳида ихлос-эътиборингизни билдирасиз?**

— Улар мен аввал сизга номини айтган даврадошларимдир. Бу санокқа биздан анча ёш бўлганлардан Александр Сеген, Андрей Воронцов, Евгений Шишкин, Александр Трапезников, Юрий Козловларни киритишим мумкин. Улар бизлардан кейин келаётган ижодкорлар. Бироқ айтайлик, Владимир Личутин билан бир умр дўстлашиб келаман, уни яхши кўраман, лекин унинг айрим нарсаларини ўқий олмайман, ҳаддан ортиқ кўпсўзлиги халал беради. Шунингдек, Дмитрий Балашов ва Пётр Проскуринларнинг ҳам тарихга оид асарларини ўқий олмайман. Масалан, ака-ука Стругацкиларнинг келажакни тасвирловчи фантастик асарлари бор. Келажакни тасаввур қилиш осон иш. Буларда эса акси, тарихни хаёлда жонлантириш — тарих фантастикаси. Сегенда ҳам шунақа. У наҳотки диктофон билан Иван III изидан эргашиб юрган бўлса, деган ўйга ҳам борасан. Сегеннинг Амир Темур ҳақидаги ёки Карл I ҳақидаги ёзганларини ўқий мен учун мароқли. Бироқ унинг Иван III ҳақида ёзганларини ўқий олмайман, мени ўзига тортмайди. Балки Россиянинг бу тарихий даври ҳақида ва мазкур тарихий сиймо борасида ўз тушунчаларим борлигидандир.

Владислав Артемов деган ажойиб шоир бор, лекин номи овоза қилинмаган. Энг ёш авлодга мансуб ёзувчилардан Олег Зоберн номини тилга олишим мумкин. Унинг насри — шеър ҳақидаги шеърдай.



— Бадний адабиёт келажagini сиз қандай тасаввур қиласиз? Унда умуман келажак борми ўзи?

— Адабиётимиз ҳозирги кунда Интернет билан оғриб ўтиши керак. Бир пайтлар, кинематограф дунёга келган пайтда, Толстой ҳақида гапиришиб, у энди фақат сценарийлар ёзишгагина ярайди, дейишганди. Кино адабиётга жуда катта зарба бўлган. Телевизор дунёга келганда-чи, бу зарба аввалгисидан асло кам бўлмаган! Ҳамма нарса тугагандек туюлганди ўшанда! Йўқ, адабиёт барибир яшаб қолди. Энди эса захаси улардан асло кам бўлмаган Интернет дунёга келди. Бунда энди ҳаммаси мужассам — кино ҳам, телевидение ҳам. Монитор экранига дам тўшак, дам сиёсат, дам қон, дам пул соя ташлайди. Ҳаммаси бирин-сирин ўтиб туради. Бу, албатта, китобхон оммани адабиётдан чалғитади, шумнингдек, ёзувчиман деган зотнинг қонидаги оловни пасайтиради ҳам.

Бироқ бошқалар ҳаётига қизиқиш одамларда сўнмас экан, адабиётнинг келажаги ҳам ўлмайди. Зеро, Обломов роман воқеасининг учдан бири, балки ярми давомида диванда ётганича ётади, бироқ у бизнинг юрагимизга озмунча титроқ соладими! Уни танқид ҳар қанча булғамасин, ҳамма Штольцлардан узунроқ умр кўрмоқда! Чунки у биз учун қизиқарли, чунки унда бизга таниш бўлган, ҳамма нарсани тушунадиган ва айнан шу тушунганлиги боис ўзини тағин ҳам азизроқ ҳис этадиган инсон туйғулари мужассам.

Адабиёт биз ўз ҳаётимизни таққослаб кўрадиган бошқа бир ҳаётдир. Бир жиҳатдан — ўзингга илоҳа яратма деймиз, бу тўғри ҳам, шу сабабдан ашаддий ишқибозларнинг сўқир таваллолари кулгили кўринади. Илоҳабозлик қалб учун ўта асоратлидир. Бироқ обрўли сиймо, ибрат учун намуна жуда эзгу ва ҳамиша керакдир. Ибрат намунаси деганимиз нима? Бу бошқа инсоннинг ҳаётига эргашиш, яъни тақлиддир. Мен уруш даврида вояга етганман. Биз учун Ватанни ҳимоя қилувчи жангчи ибрат намунаси бўлган. Биз армия сафида бўлишга қанчалар орзуманд эдик! Мен, масалан, “Чақирув хати” мни НТВ орқали қўлини совуқ сувга урмаган, тўқликдан юзи ялтиллаган, кўнглида истиҳоланинг “и” ҳарфи ҳам йўқ

юрист-маҳмадонинг армияга қандоқ қилиб “чап беришни” ўргатаётганлигини кўргандан кейин ёзганман. Уруш даври шароитида улар сўзсиз отишга ҳукм қилинган бўларди, чунки улар мамлакат мудофаа қудратига путур етказадилар.

Адабиёт одамларни ҳамиша ўзига тортиб келган, у оҳанрабо янглиғдир. Бироқ Юлиан Семёнов ва ака-ука Вайнерлар сингари ёзувчиларни ҳам ҳамиша ўқийдилар. Ахир, Потапенко ва Эртелни Чеховдан кўра кўпроқ ўқишган. Оммага мўлжалланган адабиёт ҳар вақт орсизроқ ва номдорроқ бўлиб келган. Лекин ўлмайдиган мазмун, содда қилиб айтадиган бўлсак, жиддий адабиётда ўз аксини топади.

Мен юксак идеаллар тарғиб қилинган даврда улғайдим — кўп ғалати давр эди бу давр! Куёш чарақлаб нур сочар, кўнглим муҳаббатга лиммолим, биз мўнотоз адабиётни мутолаа қилардик, Чехов, Гоголь, Пушкин пьесаларини мактаб саҳналарида кўярдик. Бир тупканинг тағида бўлган Вятск қишлоғимизда биз ҳозирги йирик шаҳарлар одамларидан кўра жаҳоннинг бебаҳо маданиятига яқинроқ эдик.

Рус адабиётининг ҳам келажаги бор, зеро, рус миллати сирли, илоҳий туйғуларга эга миллат, чунки у насронийдир, бизнинг яшовчанлигимизнинг ҳикмати ҳам шунда бўлса керак. Ахир, Бжезинский, Даллес, Тэтчерлар аллақачон йўқликка ҳукм қилиб кўйишмаганмиди бизни? Ахир, қандай аҳволларга тушмадик — ҳамма нарса барбод бўлган, иқтисодиёт пойдевори парчин бўлиб, дўмбира қилинган сиёсат асфаласофилинга кетмаганмиди! Варшава иттифоқи шартномаси барҳам топганидан кейин мудофаамиз барбод бўлди, Россия эса тирик — чунки унинг юрагидаги худоси тирик. Россиянинг яшовчанлигига бундан ортиқ изоҳ йўқ.

— Ҳозир нималар устида ишляяпсиз?

— Яқиндагина Афон ҳақида китобим нашрдан чиқди. Биз уни фоторассом Анатолий Заболотский икковимиз кейинги икки йилда тайёрладик. Бу китоб Муқаддас тоғ Афондагиларга маъқул тушди ва улар китобнинг ҳамма нусхасини олишди.

Ҳозир ҳикоялар тўплашимни нашрга тайёрламоқдаман. Менинг нашр бўйича ва унинг сотилишига дахлдор муаммоларим йўқ, бу борада бахтли

инсонман, гарчи 1991–2001 йиллар, яъни кейинги ўн йил ичида бир сатр ҳам нарсам эълон қилинмаган бўлса-да! Мен бутунлай унутилган бўлсам керак, деб ўйлагандим, хайрият, унақа эмас экан.

“Наш современник” журналининг шу йил 9-сонида менинг катта нарсам — “Ўзимизникилар учун аталган қисса” номли асарим босилди. Ҳозир у қандай қабул қилинаркан, деган ҳаяжондаман. Бу қиссам ўта замонавий бўлиб, унда либерализм ва глобаллашув сиёсати ҳамда уларнинг Россияга келтирадиган оқибатлари борасидаги ташвишли фикр-мулоҳазаларим акс этган.

“Глас” театрида “Мен севгандек сев” номли қиссам асосидаги пьеса кетмоқда. Гарчи мен унга анчагина сиёсатни тиқиштирган бўлсам ҳам, у муваффақият қозонди, чунки севи ҳақида-да.

Мен узоқ вақтдан буён якуний китобим устида ишламоқдаман. У “Кечки қурбон” деб номланади ва воқеалар заминига эмас, ҳаётини хотираларим асосига қурилган. Зеро, мен учун ҳаётини хулосалар чиқариш мавриди етди, бинобарин, менинг энг муҳим хулосам Исога етиб келганимдир.

**— Россия Ёзувчилар уюшмаси — 50 ёшда. Сиз бу ҳақда нималар дея оласиз?**

— Хурсанд бўладиган жойимиз йўқ. Агар биз насрда, назмда, драматургияда ажойиб асарлар яратиб қўйган бўлсак, у ҳолда нега Россия ўлаятти деяпмиз? Демак, биз ҳеч нарса

қилаётганимиз йўқ. Нега бадий мезонимиз бу қадар паст, нега ҳамма жойда шармсизлик, телевизор уюм-уюм жасадларни кўрсатгани-кўрсатган, нима учун бузуқлик ва тубанлик ташвиқоти авж олиб бормоқда? Агар биз жуда яхши бўлсак, нега буларнинг барчасига ёмон қаршилик кўрсатамиз, нима учун одамларни ҳимоя қилишнинг уддасидан чиқолмаймиз?

Рус миллати, Россия жамятининг негизини ҳар вақт донишмандлик, эзгулик, олийжаноблик ғояси ташкил этиб келган — ҳозир нега бу тамойидлар кўзга ташланмайди? Чунки бизнинг мақтанадиган жойимиз йўқ, аксинча тазарру қилмоғимиз керак. Кечирасизлар, азизлар, муҳтарам ўқувчилар, биз сизларга мутлақо нажот бўлолмаймиз, дея!

Бироқ, албатта, тазарру қилишга эҳтиёжи йўқ адиблар ҳам бор. Михаил Шолохов ҳам, Владимир Солоухин ҳам, Фёдор Абрамов, Василий Шукшин, Александр Яшин ҳам, Николай Рубцову Глеб Горишин, Евгений Носов, Владимир Чивилихин ва Виктор Розовлар ҳам уюшмамизнинг аъзолари бўлишган. Мен Виктор Боков, Глеб Горбовский, Егор Исаев ва бутун Россиянинг бошқа кўплаб ажойиб ёзувчи ҳамда шоирлари билан бир иттифоқда бўлганимдан фахрланаман. Улар ўзларида замон ахлоқини мужассам этган сиймолардир.

*“Литературная газета”нинг 2008 йил 17–23 декабр (№ 51) сонидан олинди.*

*Сухбатни  
Дарья ОГРАНОВИЧ  
олиб борди.*

*Русчадан  
Мирнўлат МИРЗО  
таржимаси*

## «Рухлар исёни»нинг нурли толеи

**Ё**димда. Бундан роппа-роса ўттиз йил бурун – 1979 йилнинг 9 май куни. Кеча туни билан ёғиб чиққан ёмғир эрталаб тиниб, булутлар тарқаб, кўёш чарақлаб кетган. Бир гуруҳ ижодий зиёлилар Иброҳим Ғафуров хонадонига навбатдаги гуруннга тўпланган эдик. Дастурхон атрофида, бир пиёла чой устида шоир Эркин Воҳидов дўстлар илтимосига кўра куни кеча ёзиб тугатган янги достони – «Рухлар исёни»ни ўқиб берди. Бир соатдан ортиқроқ давом этган ўқиш ниҳоясига етди. Даврадагиларнинг барчаси чуқур сукутда, ўй-мушоҳадалар оғушида. Достон ва унинг муаллифи шаънига ҳеч қанақа ҳамду санолар айтилмади. Бунга ҳожат йўқ эди. Миллий достончилигимизда жиддий ҳодиса пайдо бўлганига тингловчиларнинг ишончи комил эди. Жаҳон адабиёти билимдони Талъат Солиҳовнинг биргина «Бугунги жаҳон адабий-бадиий тафаккури даражасидаги асар бўлибди» деган эътирофига сўз қўшишга ўрин қолмади.

«Аммо... лекин» деганларидек, кўплар қатори менинг кўнглимни ҳам бир қатор хавотирлар безовта қиларди.

Авалло бу достон аллома Фитратнинг ўтган аср 20-йиллари бошларида яратган «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари» драмаларини ёдга соларди. «Рухлар исёни» ҳам Фитрат драмалари каби Ҳиндистон озодлиги, мустақиллиги йўлига ҳаётини тиккан фидойи исёнкорлар қисматидан баҳс этарди. Чўлпон ўз вақтида буюк режиссёр Маннон Уйғур саҳнага олиб чиққан «Чин севиш» асари ҳақида тақриз ёзиб, уни чин дилдан олқишлаган, «зўр нарса», бу «буюк армонли» асар, «ўзбек саҳнасининг зўр энгиши» (ғалабаси) деб атайди. Шу ўринда тақриз муаллифи Фитрат «Чин севиш»нинг «давоми дейилса бўлатурғон «Ҳинд ихтилолчилари»ни ёзиб тугатгани тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтади. Мақолада сирли бир жиҳат бор: тақризчи асар ва унинг муаллифини асраш ниятида бўлса керак, саҳна ижроси устида батафсил мулоҳаза юритади-ю, драманинг асл маъно-мундарижаси хусусида сўз айтишдан тийилади; тўғридан-тўғри «Асар тўғрисида фикр юритувдан қочмоққа ва ўзимни тортишга мажбурман. Негаким, шу ёзилгонлардан ортиги меним учун ортиқдир» дейди. Мабодо, Чўлпон 1920 йил 25 майида асарнинг асл моҳиятини ошкор этганида борми, балки ўн саккиз йил бурун унинг муаллифи Фитрат бошини мустабид тузум дорига тутиб берган бўлармиди...

30-йиллар ўрталарига келиб, «Чин севиш» ва унинг давоми «Ҳинд ихтилолчилари» «антишўровий», «аксилнқилобий», «ниқобланиб қизиллашиб» иш кўриш, «миллатчилик қарашларини тарғиб этиш» ёрлиқлари остида кескин қораланди. 1936 йили ёзилган бир мақолада шу сўзларни ўқиймиз: «Фитрат ўз миллатчилик қарашларини Ҳиндистон ҳаёти ва миллатчиларининг кураши фонида ифода қилди. Демак, Фитратнинг Ҳиндистонга қараб кетиши муайян тарихий шароитнинг ифодасидан бошқа нарса эмас эди. Декорация ўзгарган бўлса ҳам, мазмун ҳамон эски, миллатчилик қарашларининг янгича товланишидан иборат эди».

Бу хил айбловлар охири нима билан тугагани аён!

Сталин қатагонлари расман қоралангандан кейин ҳам «Ёшлар билан суҳбат», «Тирик сатрлар», «Олтин зангламас» бошига тушган қора кунлар таҳдиди 70-йиллар охири, «Рухлар исёни» билан бизлар илк бор танишган чоғларда ҳам кўнгилларга ваҳм солиб турарди. Ахир достонда қаламга олинган Ҳинд элида содир бўлган воқеа-ҳодисалар, оташин бенгал шоирининг ўз юрти озодлиги, мустақиллиги йўлида олиб борган курашлари, юртпарвар, эрксевар шоир бошига тушган кўргиликлар, таъқиб, қамоқ, адалсиз қийноқлар, ўз юрти одамлари ичидан чиққан сотқинлар хиёнати туфайли эс-ҳушидан ажралиш ҳолига бориб етиши – буларнинг барчаси ўзимизда ҳам бўлиб ўтган, улар Фитрат, Қодирий,

Чўлпонлар, қолаверса, «Олтин зангламас» қаҳрамонларининг фожеий қисматини эслатар эди. Аммо бу ҳол асарда асло ошкор этилмайди. Чунки ўша йиллар ҳатто Фитрат, Чўлпонлар номини тилга олиш ҳам хатарли эди. Ўн йил бурун «Ёшлик девони» аввалидаги аннотацияда кўҳна аруз вазнини ҳозирги замон шеъри услубига яқинлаштириш учун уринган шоирлар қаторида Чўлпон номи ҳам тилга олингани учун, бу китоб таъқибга учрашига бир баҳа қолган. Чўлпон ибораси билан айтиладиган бўлса, декорация усталик билан ўзгартирилган, бироқ ўзгаргани билан асл мақсад, маъно-мазмун ўзгаргани йўқ. Шоир Ҳинд элидаги воқеалар баҳонасида ўз юрти, ўз эли қайғуси билан ёниб қалам тебратгани сир эмас.

Достонда ижод аҳлига қарата айтилган ҳам оловли, ҳам армонли мана бундай сатрлар бор:

Ҳар нечаким зўр истейлод,  
Тошқин илҳом,  
У нега,  
Халқинг ётса  
                    чекиб фарёд,  
Ярамасанг кунига.  
Шоир эсанг,  
Шоир бўлиб  
Нега келдинг ҳаётга,  
Элинг ётса  
                    дардга тўлиб,  
Келолмасанг нажотга?!  
Не шоирсан,  
Ташбиҳларнинг  
Борми асли кераги,  
Бўлмаса эл гами —  
                    дардинг,  
Юрагинг —  
                    эл юраги?!

Ҳинд эли ҳол-аҳволи, дарду ташвишлари билан боғлиқ ҳинд шоирларига қарата айтилган бу қалб нидолари айни пайтда адибнинг ўша кезлардаги ўз эли ҳоли хусусида ўз сафдошларига ҳам йўналтирилганлиги аён.

Достоннинг шу жиҳатларини, бинобарин, асосий руҳини, пафосини биров илғади, биров илғамади, биров билди, биров билмади, билса ҳам ўзини билмасликка олди. Қарангки, «Рухлар исёни» тўғрисида мустабид тузум шароитида ёзилган мақолаларда бу ҳақда гап очишга, достон маъно-мундарижаси доирасини Ҳиндистон чегараларидан бу ёққа олиб ўтишга ҳеч ким журъат этолмади. Ўз мунаққидларимизни кўя турунг, таниқли рус танқидчиси Л.Лавлинский «Вопросы литературы» журналининг 1986 йил 4-сонида чиққан «Ҳозирги поэма уфқлари» сарлавҳали мазмундор мақоласида «Рухлар исёни» устида тўхталиб, унда тарихий давр аниқ ифода этилганлигини алоҳида таъкидлайди. Аминманки, ўзбек мунаққидлари каби рус танқидчиси ҳам анойи эмас, достонда нималар устида гап кетаётгани, боз устига бу борада Ўзбекистондаги вазиятни яхши биларди. Шунинг учун ҳам у достонни, достон муаллифини асраш мақсадида аниқ макон, тарихий давр чегараларидан берига ўтмаган. Шу тариқа хушёр, инсоф-диёнатли мунаққидлар улуг Чўлпон «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари»га нисбатан тутган йўлдан бориб «Рухлар исёни»нинг асл маъноси, пафоси тўғрисида сўз айтишдан қочган, бундан ўзини тортишга мажбур бўлган. Негаки, шу ёзганларидан ортиги ўзлари учун ортиқ эканлигини яхши англаганлар. Шахсан мен ҳам шундай қилганман. Достон муаллифи Эркин Воҳидов телевидениеда «Рухлар исёни»га бағишланган кўрсатувдаги чиқишида (2006 йил май) мунаққидлар шўро ҳокимияти йилларида шундай йўл тутганлари, шу тариқа достонни бало-қазолардан асраб қолишга ҳисса қўшганликлари учун уларга чин дилдан миннатдорчилик билдирди.

Достон билан илк танишувда кўнгилга хавотир солган яна бир жиҳат, асарда диний руҳдаги ривоятлар, хусусан, «Олий руҳлар тўғрисидаги нақл» бобидаги талқинлардир. Ўша йиллари диний ақидалар ҳақида сўз очиш, аниқроғи, уларни ёқлаш арининг уясига чўп тикишдай гап эди. Ч.Айтматовдай донгдор адиб айни «Рухлар исёни» билан бир йилда дунё юзини кўрган «Асрга татигулик

кун», кейинроқ «Қиёмат» романларидаги диний талқинлар учун қанчалар маломатга қолганини, «Оллоҳга ғамза қилиш»да айбланганлигини яхши биламиз. «Рухлар исёни» муаллифи ҳам бу борада қалтис йўл тутади. Олий руҳлар ҳақидаги ақидаларни ҳимоя қилади; «Марҳумларнинг руҳи кўкда Доим учиб юриши»га имон келтиради, «...улар Дунёда бор! Шак келтира кўрмагин» дейди қатъий қилиб. Шоир эътиқодича, «Улар бизни Кўриб турар, Буни сезмас нодонлар. Улар билан суҳбат қураб Фақат буюқ инсонлар. Улар борки — бизлар одам, Ҳақиқат бор беомон. Яхшилик ҳам Ёмонлик ҳам, Қайтар бир кун, бегумон». «Рухлар борки, бир-бирларин Еб қўймаслар одамлар...»

Ҳаётда ғаройиб, сирли-сеҳрли тасодифлар бўлиб туради. Оллоҳнинг инояти, қолаверса, ўша пок дилларга ёр олий руҳларнинг мадади туфайли бўлса керак, дostonнинг шу қалтис жиҳати ҳам бахтли тасодиф туфайли ёмон кўзлардан, фалокатлардан омон қолди. Асар ярим йилдан сўнг «Шарқ юлдузи»нинг 1980 йил 1-2-сонларида эълон этилди, 1982 йили «Шарқий қирғоқ» тўпламидан, сўнг рус тилига таржима этилиб шоирнинг Москвада чоп этилган китобидан жой олди, таниқли рус шоир ва танқидчиларининг юксак баҳосига сазовор бўлди, мактаб ва олий ўқув юртлири адабиёт дарсликларига киритилди.

Кези келганда «Рухлар исёни»нинг ижодий тарихи билан боғлиқ бир тажрибани эслагиб ўтсам. «Талант тарбияси» мавзuida Эркин Воҳидов билан ўтказган суҳбатимизни 1987 йили «Шоир у шеър у шуур» китоби учун қайта тайёрлаш чоғида шоир қизиқ бир воқеани сўзлаб берган эди. Унинг айтишича, оташин бенгал шоири Назрул Исломининг қахрамонона ва фожиали қисмати анчадан бери шоирни ҳаяжонга солиб келган, у ҳақда бирор нарса ёзиш ҳаёлида юрган. Шу мақсадда шоир ҳаёти ва ижодини синчиклаб ўрганган, унинг ҳаётига оид маълумотларни атрофлича ўрганиш ниятида Ҳиндистонга борган, шоирни яқиндан билган кишилар билан суҳбат қурган. Шу маълумотлар, таассуротлар асосида бир шеърини қисса ёзган, унда Назрул Исломининг ҳаёт йўли, кураши, фожиали тақдири батафсил ҳикоя қилиб берилган... Бироқ бу тайёр асардан, негадир, шоирнинг кўнгли тўлмайди. «Ўйлаб қарасам, — деган эди суҳбатдошим ўшанда, — унда мен Назрул Ислом ҳаётига оид мавжуд маълумот, саргузаштларни шунчаки беллетристик йўлда ҳикоя қилиб бериш, шарҳлаш билан чекланиб қолган эканман. Ёзувчи-шоирнинг вазифаси бирор шахс ҳаёти, саргузаштини шунчаки баён қилиб беришдан иборат бўлса, дунёда ёзувчиликдан осон ҳунар бўлмасди. Ижодкор ўз қахрамони ҳаёти, тақдирини бадиий таҳлил этиши, шу баҳонада ўзининг ҳаёт ҳақидаги кузатишлари, ўй-мушоҳадаларини ўртага ташлаши керак-ку, ахир! Менинг қахрамоним Назрул Ислом тақдири бу жиҳатдан ғоят қулай имконият беради. Мушкул ижодий изланишлар палласи бошланди, дostonнинг тайёр илк вариантдан воз кечишга тўғри келди, кўп уринишлардан кейин дostonнинг ўқувчиларга тақдим этилган ҳозирги варианты пайдо бўлди».

Эътибор беринг-а, қахрамон ҳаётини шунчаки беллетристик йўлда ҳикоя қилиб берган қисса «ўз қахрамони ҳаёти, тақдирини бадиий таҳлил этиш, шу баҳонада ўзининг ҳаёт ҳақидаги кузатишлари, ўй-мушоҳадалар»и ифодаси йўлидаги мушкул изланишлар самараси бўлмиш дostonдаги айни ўша «ўй-мушоҳадалар», уни ифодалаш бобидаги «мушкулликлар» нимадан иборат эканлиги аниқ айтилмаган, аниқроғи, айтиш мумкин бўлмаган ўша дамларда. Буни шоиримиз 2006 йилнинг майида телевидениедаги чиқишида дангал айтди. Бадиий ижоднинг сирли-сеҳрли жиҳатлари, буюк имкониятларидан бири шуки, чин истеъдод соҳиблари оддий тилда айтиш, ифодалаш мумкин бўлмаган ҳақиқатларни, энг қалтис, кескин гапларни ҳам санъат тилида қойилмақом қилиб ифода этиши, нозиктаъб ўқувчилар қалбига етказиши, шу тарздаги мислсиз жасорати билан миллат олдидаги олий миссиясини адо этавериши мумкин. «Рухлар исёни» бунинг ёрқин бир исботидир.

*Умарали НОРМАТОВ,  
филология фанлари доктори*

## Янгиланиш эстетикаси

**М**аълумки, шўро даврида адабиёт ижтимоий тузум манфаатини ёқловчи мафкура дастёрига айлангирилгани беҳад оғир асоратларни келтириб чиқарди. Сўз санъати юқоридан бошқариб турилгани сабабли бадиий-эстетик тафаккур эркин фикрлашдан маҳрум бўлди, оқибатда анча сийқалашди, моҳиятан саёзлашиб, маҳдуд назарий қарашлар ва маслаклар майдонида депсиниб қолди.

Истиқлол даврига келиб, бадиий-эстетик тафаккур жаҳон аҳамиятига молик босқичга кўтарила бошлади, бинобарин, миллий адабиётимиз ўзлигини англаш йўлига тушиб олди, бошқача айтганда, бугун яратилаётган баркамол асарлар ақл ўргатиш, йўл кўрсатиш, муайян бир дастур бўлишни назарда тутмайди, буни даъво ҳам қилмайди. Замонавий асарлар кўпроқ сезги, туйғу ҳосил қилишга йўналтирилган бўлиб, асосан ўқувчида муносабат ва кайфият уйғотади.

Бугунги ўзбек модерн адабиётида мавжуд ҳолатлар — ижтимоий тобеликдан узоқлашиш, мафкурадан йироқлашиш, муайян қолипларга тушмаслик, фақат санъатга хос хислатларни тўлароқ намоён этиш, анъанавий йўриқлардан чекинишга интилиш, юморга мойиллик, сохта кўтаринкилик ва сунъий чиқириқлардан қочиш, ифода мукамаллигини таъминлаш Омон Мухтор, Назар Эшонкул, Хуршид Дўстмуҳаммад, Неъмат Арслон, Саломат Вафо, Тўхтамурод Рустамов, Абдунаби Абдиев каби ёзувчилар ижодида кенгроқ ва самаралироқ кўзга ташланаётганини алоҳида қайд этиш керак.

Ўтган асрнинг охиригача чорагидан миллий адабиётимизда рўй бера бошлаган янгиланиш жараёни Омон Мухтор ижодий позициясида туб бурилиш ясади. Жаҳон адабиётини синчковлик билан кузатган адиб, ўз қарашларини ўзгартириш билан бирга, ижодий услубига бетакрор оҳор бериш учун катта куч сарфлади. Адабий жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотган “Минг бир қиёфа” романи Франц Кафкага хос оғриқли гуманизмни ифода этгани билан мароқлидир.

Модернистик оқимнинг ўзига хос бетакрор қирраларини очишга интилар экан, Омон Мухтор аввало ўз кўнглига назар ташлайди, ўз кўнгли билан мулоқотга киришади. Руҳият тебранишларини бадиий матнга кўчиришга уринишлар самараси “Кўзгу олдидаги одам”, “Тепаликдаги хароба”, “Майдон”, “Ишқ аҳли” каби романларида айниқса бўртиб кўринади.

Эътиборли жойи шундаки, ушбу асарларда шахс сурати эмас, шахс сийратини таҳлил қилиш, руҳий оғриқларни кузатиш бош мақсад қилиб қўйилади. Натижада ўқувчи сезгиларида гуссали тугён содир бўлади. Масалан, “Кўзгу олдидаги одам”да шахснинг ўзини ўзи тафтиш қилиши руҳий зиддиятлар тўқнашуви — ботиний олам сари саёҳат қилишнинг ўзига хос нишонасидир. “Ишқ аҳли”да эса ўз сийратига яшайдиган, тафаккур ва заковатни машғал деб билган аниқ тарихий шахс билан юзма-юз келамиз. Роман сюжети ва композициясида Ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти тафсилотлари эмас, қалб манзаралари чизилади ва биз ана шу манзаралар ичра эстетик завқ туямиз.

Профессор Қозоқбой Йўлдошев таъкидлаганидек, “Ишқ аҳли” романини ўқиш учун руҳий мувозанатдан чиқиш, бефарқ кузатувчанликдан асар қаҳрамонлари ҳиссий оламига кўчиш лозим. Роман айнан мана шундай мутолаа масъулиятини тақозо этгани учун ҳам янгиланиш адабиёти намунаси бўлишга ҳақлидир, бинобарин, адиб улуг мутафаккир дунёсини нозик ва ўтли кечинмалар орқали идрок этишга интилиши бетакрор бадиий-эстетик оҳанг жиловларини намоён этади.

Олам ва одам моҳиятини модернистик — оҳорли сўз воситасида ҳис этиш масъулияти Назар Эшонкул бадиий тадқиқотларида айниқса теран акс этаётгани

кузатилади. Истиқлол даври модерн адабиётини адиб дунёвий илғор наср тажрибаларига суяниб ёзилган бир қанча асарлар билан бойитди. “Шамолни тутиб бўлмайди”, “Тобут шаҳар”, “Қуюн” ҳикоялари, айниқса, “Қора китоб” қиссаси олам ва одамга айрича боқажатган санъаткорга хос дард чекиш тимсолидир.

Шубҳасиз, Назар Эшонқул узоқ йиллар давомида тўпланган адабий тажрибаларни пухта ўрганган, лекин ўша тажрибалар заминиди мавжуд анъанавийликни такрорлашни истамайди. Ғарб адабиётида шаклланган модернистик оқим сарчашмаларидан баҳра олишни лозим топади. Ифодавий қавариқлиги, фалсафий теранлиги ва оҳангдорлиги билан мафтун этадиган “Тобут шаҳар” ҳикоясида башар қисмати нақадар чигаллиги бадиий-эстетик таҳлил чигиригидан ўтказилади. Асарни ўқир эканмиз, кўз ўнгимизда дил бўҳронларига қоришиб яшайдиган, қайғули ҳолатларга иродасини қарама-қарши қўядиган шахс қиёфаси гавдаланади. У чекадиган гусса замирида яширин гуманизм жозибаси сохталикдан йироқ бўлиб, сезгиларимизга чўгдек жизиллаб тегади.

“Тобут шаҳар” ҳикоясида бўлганидек, “Қора китоб” қиссасида Назар Эшонқул асосий эътиборни кўнгил эврилишлари, руҳий иқлим пўртаналари таҳлиliga қаратади. Муҳими шундаки, адиб сюжет ёки композицион қурилишда воқеалар кетидан қувмайди, аксинча, тасвирий яхлитликни психологик таҳлил воситасида вужудга келтиради. Натижада изчил руҳий кузатувлар, ечим асносида, муайян ижтимоий-ахлоқий фожиа миқёсини белгилаш билан бир қаторда, айрича бадиий тафаккур, зарбли оҳанг ва эҳтирос эстетикасини юзага чиқаради.

Истиқлол даврида Хуршид Дўстмуҳаммад “Бозор”, Неъмат Арслон “Мавҳулот”, Саломат Вафо “Тилсим салтанати”, Тўхтамурод Рустамов “Капалаклар ўйини” каби янгича йўсинда битилган романларини эълон қилишди ва миллий модерн адабиёти тараққиётига анча салмоқли ҳисса қўшишди.

Миллий сўз санъатини оҳорли бадиий йўналиш билан кучлантиришда самарали изланиш Хуршид Дўстмуҳаммад ижодий тамойилига айлангани муҳлисларни беҳад қувонтирмоқда. Адиб истиқлол арафасидаги ва истиқлол давридаги адабий ўзгаришлар жараёни фаолларидан бўлиб, сеҳрли ва жозибадор сўз олами руҳ ва кўнгил иқлимига кўчиратган ёзувчилардан биридир.

Йирик адабиётшунос, таржимон ва ёзувчи Иброҳим Ғафуров адиб ижодий услуби, қобилияти ва имкониятларини чамалаб, ёзувчи қаламини дунёга танилган илғор модернчи санъаткорлар қалами билан солиштиради, унинг адабий қаҳрамонлари улар яратган қаҳрамонларга маънавий-руҳий жиҳатдан яқин туришини эътироф этади. Бинобарин, “Моҳият” газетасида 2008 йил 7-14 мартда босилган мақоласида ёзади: *«Ғоятда бемаънидан-бемаъни бўлиб кўринадиган ва туюладиган ҳолатлар остидан кутилмаган инсоний маъниллар — маъновийлик балкиб чиқади. Фақат бу муқаррар маъновийликни илғаб олиш, тушунчага сингдириш учун ўша қаҳрамонлар, чунончи, “Кўз қорачидаги уй” ҳикояси қаҳрамони билан ҳиссиётдош бўлиш керак»*.

Хуршид Дўстмуҳаммад истеъдоди модернистик оқимга мойиллик билан чекланиб қолмайди. Адиб мажозий-модерн оҳанглари билан анъанавий реализм, романтизм ва мистик-романтизм оҳанглари бирлаштириб юборади ва бошқа ижодкорлар услубидан тамомила фарқ қиладиган бетакрор бадиий услуб кашф этгани кўзга ташланади.

Адиб оҳорли сўз ёнида бўлиш учун куйинади, борлиги ва қаламини покиза руҳ оғушида кўришни истайди, шунинг учун ҳам одам ва олам моҳиятига янгича назар билан қараган таниқли модернчилар ҳисобланган Жеймс Жойс, Луис Борхес, Жан-Поль Сартр, Альбер Камю, Франс Кафка ижодий маҳоратини изчил ўрганиш ва ўзлаштиришга, улар эришган ютуқларга суянган ҳолда, янгича фикрлаш ва янгича бадиий-эстетик оҳанглар кашф этишга муяссар бўлади.

Хуршид Дўстмуҳаммадни модернистик ижоднинг кафкача тамойиллари ром этади, кафкача ёки камюча услубдан илҳомланган адиб тасвир моҳияти, бадиий-эстетик гўзаллик мағзи, руҳий изтироблар ва тўлғоқлар ботинига дардчил, алампнок ва қайғупарасти гуманизм мотивларини сингдиради ва бу мотивлар кўтаринкилик касб этиши — халоскор куч қиёфасига кириши учун замин яратади.

Адиб гуманизми биринчи навбатда умумбашарий ахлоқий-маънавий ва ижтимоий масалалар замирида кўринади, айни пайтда, онг ости сезимлари

билан жисмоний қувватлар, руҳий қийноқлар билан руҳий лаззатланиш моҳиятини туташтиради ва қаҳрамонлар дилида ўзига хос инқилоб рўй беришини таъминлайди, хусусан, “Маҳзуна”, “Ибн Муғанний”, “Жажман”, “Кўз қорачигидаги уй”, “Бугун эргалаб”, “Ўзим”, “Ўн биринчи эшик” каби қатор ҳикоялари, “Нигоҳ”, “Паноҳ”, “Сўроқ”, “Оромкурси” каби қиссалари ва “Бозор” романида шундай ҳолатларни кузатамиз.

Адиб мажозий-модерн, романтизм ва мистик-романтизм руҳида ёзилган “Кўз қорачигидаги уй” ҳикоясида модернистик санъаткорлар етакчиларидан бўлган Жеймс Жойс образини яратишни кўзлайди ва мақсадига эришади.

Адиб ҳикояда бутун ижодини зиддиятли кечинмалар ва фикрлар заминига курган Жеймс Жойс ҳаётдан қизиқарли воқеалар тафсилотини тасвирлашга берилмайди, аксинча, ўша санъаткор ижодий услубига хос иш тутиб, юракларни зирқиратиб юборувчи драматизмга бой кайфият яратади, аниқроғи, атиги бир лаҳза санъаткор кўнглига назар ташлайди-да, руҳий конфликтдан иборат ҳолатни талқин чигиригидан ўтказди, натижада Жеймс Жойснинг узлуксиз эврилишлар билан кечадиган гаройиб дунёсига кириб қоламиз.

“Кўз қорачигидаги уй” моҳияти нафақат Жеймс Жойс ёки Альбер Камюнинг психологик ҳикоялари, айни пайтда, Франс Кафканинг “Эврилиш” ҳикояси моҳиятига ҳамоҳандир.

Маълумки, “Эврилиш” ҳайратга молик руҳий-фалсафий конфликтга асосланган, ҳар гал ўқилганда сюжети ва пафосидан янги-янги маъно юзага қалқиб чиқади. Ҳикоя бош қаҳрамони Грегор Замза бир эрта уйқудан уйғониб, гайритабиий йўсинда, ғалати махлуқ – қирқоёққа айланиб қолади. Кутилмаган мифологик фожиа шунчаки тўлғоқ эмас, жамият психологиясини ифода этадиган кафкача рамзий қисмат – мунг ва изтиробга чулганган танҳолик белгиси эди.

“Кўз қорачигидаги уй” бош қаҳрамони Жеймс Жойс ҳаётида ҳам шунга ўхшаш мусибат – реалистик воқелик билан туташ мифологик воқеа рўй беради: гира-ширада тошойна рўпарасига келганда, мошдай кичик қорачиқлари “...катталаша-катталаша тошойна сатҳини қоплаб боради, тошойна сатҳидан ошиб деворни эгаллайди, яна-янаям катталашади”, ногоҳ шунда қорачиқлар ўз-ўзидан эмас, балки ўзи тобора улар ичига кириб бораётгани боис катталашаётганини сезади, хуллас, икки кўзи қорачиғи икки қоронғи хонага айланади.

Қадимий дунё, инсон қисмати, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий ва абадий курашга янгича ёндошиб, кўнгил ва руҳият манзаралари таҳлилини рангин ифодалаётган адиблар хусусида баҳс кетганда Тўхтамурод Рустамов билан Абдунаби Абдиевни назардан қочирмаслик лозим.

Адабиёт даргоҳи кенг: поэтик сўз билан руҳ иқлимини бирлаштира оладиган талантлар буй кўрсатаверади. Шундай истеъдод соҳибларидан бири бўлган Тўхтамурод Рустамов эълон қилган “Капалаклар ўйини” романи истиқлол даври модернистик адабиётида маълум даражада из қолдирди. Роман бадиий қуввати ва услубий йўналиши борасида қизгин мунозаралар кечгани бежиз эмас. Модернист қаламкашларни ниғилизм сари оғишда айблашга мойил айрим олимлар романни ҳатто дўппослашга тушиб кетишди. Албатта, биз романни юксак даражадаги санъат намунаси сифатида баҳолаш фикридан йироқмиз. Фақат у янгиланиш тамойилларига суяниб ёзилган, мағзига жиддий ҳаётий ҳақиқатларни сингдирган анчайин жозибали асар эканлигини таъкидлашни истаймиз.

Адиб мураккаб ҳаётнинг турли-туман қатламларига ўз кечинмалари ва қаҳрамонлари туйган изтироблар орқали кириб боришни лозим топади ва маълум даражада ниятига эришади. Фақат персонажлар дунёсини очиш ва руҳиятини ҳаққоний ва аниқ ифодалашда баъзи узилишларга йўл қўядики, бу ҳолат эстетик кўламини бирмунча торайтирган.

Янгиланиш жараёни умидли адиб Абдунаби Абдиев истеъдоди ва илҳомига алоҳида рағбат бағишлаётгани ибратлидир. Адабий танқид этиборини тортган, севги завқи, ҳижрон азобини мухтасар ва анча теран акс эттирган “Тилсим” қиссаси фикримиз далилидир. Асар архитектоник қиёфасида инсон орзу-умидлари ва армону аламлари азалий ва абадий пўртаналар тарзида ўзаро бирлашади, натижада илгари кўзга ташланмаган оҳорли ва нафис тасвирий бўёқлар



жило сочиб туради, сираси, муаллиф эстетик идеалини очишда лиризм билан бирлашган фалсафий тасвир тарзини танлайди ва кафкача йўсиндаги ёлғизлик фожиаси заминидан дардчил гуманизм мотивларини қидиради.

Қайд этиш лозимки, Назар Эшонқул, Хуршид Дўстмуҳаммад, Тўхтамурод Рустамов сингари, Абдунаби Абдиев ҳам сюжет ва композиция қўламини воқеа-ҳодисаларни узундан-узун тавсиф этиш, образлар хусусида турли маълумотлар бериш йўли билан эмас, дил қийноқларини таҳлил қилиш орқали белгилайди. Бошқача айтсак, модернчи-экзистенциалист ижодкор сифатида, моддий борлиқни сезимларни уйғотадиган кечинмалар орқали идрок этади ва бу идрок этиш йўсини услубига хос таранглик заминини яратади. Мана шунинг учун ҳам муҳаббат пайдо қилган айрилиқ туфайли ўзи билан ўзи хаёлан олишиб яшайдиган бош қаҳрамон қайғу-ҳасратини бўлишгимиз, аниқроғи, унинг вужудини ўртаётган дардга малҳам бўлгимиз келади.

Пайтдан фойдаланиб, қиссанинг баъзи ўринларида психологик таҳлил ўрнини анчайин китобий-саёз баён эгаллаганини, натижада динамика таранглиги сезиларли даражада бўшашгани, шунингдек, фалсафий мантиқ ва пафос мувозанати бир қадар бузилганини эслатиб ўтамиз.

Демак, дунёвий модерн адабиётида бўлганидек, миллий модернистик адабиёт ҳам чинакам бадиий-эстетик жозиба ва миқёс касб этиш учун машаққатли ижодий курашни давом эттирмоқда. Эндиликда янгиланиш санъати ижтимоий хизматкор бўлишни истамайди, муайян қолипларга сиғмайди, айрича кенгликларига интилади, сохта кўтаринкилик ва сунъий даъватлардан чекинади, ифодавий мукамаллик намоен этади, ҳурлик ва эркинлик имтиёзларидан озикланиш баробарида олам ранг-баранглиги, одам турмуш тарзи ва руҳияти мураккабликларини турфа хил жозибали услубда фалсафий-сурурий ва мажозий йўсинда ифодалашни зиммасига олади.

*Нилуфар ДИЛМУРОДОВА,  
тадқиқотчи*



Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини улуғлаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан ғурур ва садоқат туйғуларини шакллантириш».

## Романнинг имкониятлари

(Япон адиби Харуки Муракамининг “Шамол қўшиғини тингла” романи борасида)

Яқинда япон адиби Харуки Муракамининг “Шамол қўшиғини тингла” романини ўқиб чиқдим. (Жаҳон адабиёти, 2008, сентябрь сони.) Асарни ёш мутаржим Алишер Отабоев рус тили орқали ўгирган. Таржимоннинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон этилган “Муракамининг гаройиб матни” мақоласидан ҳам хабардорман. Унда адибнинг ҳаёти ва шу роман хусусидаги фикр-мулоҳазалар билан танишамиз. Алишер Отабоев — дадил изланаётган таржимон. Унинг мақоласида таржима қилинган роман ҳақида жиддий илмий таҳлил йўқ. Аслида бундай катта даъвони талаб этиш ўринсиз. Чунки у — таржимон, адабиётшунос олим эмас. Асар эса ҳақиқатан ҳам гаройиб. Ҳажман кичик. Миттигина романда қаҳрамонлар ва уларнинг хатти-ҳаракати, қизиқишлари, ҳаётий-маиший тасвирлар, тақдирлар, узук-юлуқ воқеалар баёни ҳаддан зиёд кўп. Тўғриси айтсам, асар сюжет ва композицияси бир қарашда айқаш-уйқашдек туюлди. Зоҳиран шундай кўринса-да, аммо Мураками катта истеъдод, ўзига хос услуб билан воқеалар, тақдирлар ва қаҳрамонларни бир ипга тиза олган. Қисқаси, Муракамининг тартибсиздек туюлган матнида ўзига яраша ички тартиб бор. Асарнинг ёзилиш услуби биз ўқиб, кўзимиз, тафаккуримиз ўрганган одатдаги анъанавий романлардан мутлақо фарқ қилади. Бу тафовут китобхонга қай даражада хуш ёқди ёки ёқмайди — буниси менга қоронғи.

Айтмоқчиманки, бу романи, умуман, Харуки Мураками романига ўхшаш бадиий таржима асарларини китобхонларга тақдим этишдан олдин, уларни мутоаллага бироз тайёрлаш керак. Сабаби, шахсан ўзим тасодифан бу янги ном, янги асар билан танишганимдан сўнг ўзимга кела олмадим, икки-уч кунгача асар моҳияти ҳақида ўйлаб юрдим. Албатта, мендан катта

авлод, катта адабиётшуносларимиз учун бу ном янги эмас. Улар адибнинг ўнлаб романларини билишса керак.

Муракамининг ушбу романи полифоник асар ҳисобланади. Чунки адиб ҳикоя қилиб бераётган ўнлаб воқеалар тагида бошқа бир маъно ётади. Ўзбеккона таърифлайдиган бўлсак, гап асардаги қоса тагидаги нимкосани топа олишда. Ўзбек китобхони айнан ўша нимкосани тўғри топа олиши даркор. Муаллиф анъанавий ёзувчилар услубига зид равишда воқеаларни баён этар экан, бирор воқеа ёки қаҳрамон тақдири, хатти-ҳаракати ҳақида ҳукм чиқармайди. Ўша воқеа асарда нима учун ҳикоя этиляпти, унинг моҳияти, тарбиявий аҳамиятини англашни китобхон зиммасига юклайди. Асарда марказий бош қаҳрамон, асарнинг охиригача ўз ҳаёти ва тақдири учун курашадиган бирорта ёрқин образ йўқ. Ажабланарли ҳол! Хўш, унда нима учун Харуки Мураками асарлари миллионлаб китобхонлар эътиборини қозонди? Юзлаб тилларга таржима этилди? Энг қизиги, Япон адабиёти ҳам қадим шарқона дунёқараш ва тафаккур асосида изчил шаклланган бўлишига қарамасдан, Харуки Мураками ўз ватани Япония ва япониялик ёшлар ҳаёти ҳақида бу қадар “гаройиб” асар яратишга қандай журъат эта олди экан, деб ўйладим. Мен бу ўринда фақатгина Муракамининг очиқ-яланғоч тасвирлар, 17-20 ёшлардаги йигит-қизларнинг жинсий ҳаётга қизиқишлари ва бу билан шуғулланишлари ҳақидаги тасвирлар-нигина назарда тутмаяпман. Умуман, романнинг гайритабиий композицион тузилиши ва кўп тармоқли сюжети ҳақида гапиряпман.

Асар қаҳрамонларидан бири Токио университетида таҳсил олади. Мутахассислиги — биолог. У дўсти Каламуш (лақоби — ҳақиқий исми асарнинг бирор ўрнида тилга олинмайди. — М.Қ.) билан

Жейнинг барида соатлаб пиво ичишади, машинада сайр қилишади, радио эшитишади, шунчаки гап-сўзлар доирасида суҳбат қуришади. Назаримда, асарда япониялик ёшлар ҳаётига доир кўплаб муаммолар кўтариб чиқилган. Биринчидан, асар қаҳрамонлари шаҳарлик ёшлар. Улар эрталабдан-кечгача бетон уйларда, барларда, қаватма-қават қилиб қуриб ташланган кўчаларда сайр қилишади. Бу ўринда ёзувчи бир томондан инсониятга тегишли глобал муаммолардан бири – урбанизация даражаси, тамаддун, фан-техниканинг кескин суръатда тезлашиши инсоннинг табиий ҳис-туйғуларига салбий таъсирини кўрсатмоқчи бўлади. Эсланг, асарда Каламуш севган қизи билан ибодатхонага чиқади. Ўша ердаги дов-дарахтлар, чирилдоқларнинг чириллаши, майин шамолнинг эсиши унинг юрагига олам-олам ҳузур бағишлайди. Табиат унинг қалбига беқиёс хотиржамлик бахш этади. Асарнинг номланиши ҳам рамзий маънода. Яъни шамол – табиий ҳодиса. Шунинг учун Мураками майин сабо эсаётган дақиқада ўз қалбинга, ҳис-туйғуларинга қулоқ сол, деяётгандек! Каламуш ёзувчи бўлишни орзу қилади. Унга кўпчилик асарларга хос бўлган ўлим, секс тасвирлари мутлақо ёқмайди. Бош қаҳрамон ҳикоясидан билиб оламизки, Каламуш бир кун келиб, ёзувчи бўлади. У ўзи орзу қилганидек, асарларида ўзи ёқтирмаган нарсаларнинг тасвири деярли учрамайди. Демак, бундан Каламуш реалист ёзувчи бўла олмаганлиги англашилади. Шу ўринда Каламуш образига тўхталиб ўтиш лозим. Абсурд адабиётининг вакили франциялик А.Камюнинг “Вабо” романида каламушлар – ўлим, фалокат, инсон бошига қулфат келтирувчи рамзий образ сифатида тасвирланган. Мураками асарида Каламуш – қаҳрамоннинг исми. Ҳатто қаҳрамоннинг ўзи ҳам нима учун, қачондан бошлаб дўстлари унга “Каламуш” лақабини беришганини билмайди. Менинг “Каламуш” образи ҳақидаги қарашларим рус ўзгачими Д.Коваленин фикридан ётгачароқ. Маълумки, каламуш ер остида, зулматда яшайди. Одамларнинг тайёр дон-дунларини ер остига, инига судраб олиб кетади. Тайёрга айёр бир маҳлук. Демак, Каламуш образи қайсидир маънода ота-онаси яратиб берган

тайёр, яхши шароитда кун кечираётган ёшларнинг рамзи. Аммо унинг тафаккури, ҳаётга, одамларга қараши ҳаминқадар. Уни сояда, зулматда қолган одам тимсоли дейиш мумкин. Фақат ейди-ичади, кияди, энг илғор техника воситаларидан фойдаланади... Мана унинг яшаш фалсафаси!

Бу роман 1979 йилда ёзилиб, нашр этилган экан. Аммо бундан ўттиз йил олдин яратилган асарда тилга олинган умминсоний глобал муаммолар ҳали ҳамон шундайлигича турибди. Назаримда, Харуки Муракаманинг бутун дунё халқлари китобхонлари орасида машҳур бўлиш сабабларидан биттасига жавоб топгандаймиз. Мураками ёзувчи сифатида танитган жиҳат айнан шунда деб ўйлайман. Айтмоқчи бўлган фикримизга қайтадиган бўлсак, бундан ўттиз йил муқаддам фан-техника бугунги кун даражасида ҳали ривожланмаган эди. 70-йилларда оддий автомат телефон, пластинка, радио, магнитофон каби техника воситалари урф бўлган бўлса, бугунга келиб, телефоннинг энг супер моделлари яратилди. Қўл телефони, ундаги юзлаб операциялар, видео-камера, клип, радио буларнинг ҳаммаси миттигина аппаратда мужас-сам. Назаримда, Мураками асарда айнан ўша техника воситаларига маҳлиё бўлиб, яшашдан асосий мақсадини, ҳаёт маънисини йўқота бошлаган инсоният фожиасини кўрсатиб берган. Айни пайтда бу масала ХХI асрнинг ҳам муҳим глобал муаммосидир. Менинчм, одамзод ривожланган техника воситаларидан фойдаланар экан, уларга кўпам маҳлиё бўлмаслиги, техника қулига айланмаслиги керак. Аксинча, инсон бу матоҳларнинг шунчаки одамзоднинг оғирини енгил қилувчи, қайсидир маънода унинг эҳтиёжларини қондирувчи восита эканлигини тўғри англаб етиши керак. Айниқса, балоғат ёшига кириб келаётган ёшларимизни ривожланган техникалар дастидан уларнинг ёшига тўғри келмайдиган маълумотлар, видеотасвирлар, фильмлар ва клиплардан сақлаб қола олмаёпмиз. Таассуфки, ёшларимиз техника воситаларини биздан кўра яхшироқ тушунади ва уддабурронлик билан ундан фойдалана олади. Мураками ўз асарида япониялик ёшлар ҳаёти мисолида айнан шу жараёнларни қаламга олади.

Асарда боши берк қўчага кириб қолган ёшлар, айниқса, қизлар тақдирига кўп ўрин берилган. Масалан, бош қаҳрамон билан бир ҳафта бирга яшаган ўн олти яшар қиз ҳаётига назар солайлик. Жудаям ачинарли. У ташландиқларни кавлаб, чиқиндилар ичидан егулик ахтаради. Шу алфозда уни бош қаҳрамон учратиб, уйига олиб келади. Аёлнинг аччиқ қисмати бизни ларзага солади. У келажакда она бўлиши, ўзидан ақлли насл қолдириши, бир чиройли оиланинг бекаси, жамиятда ўз ўрнига эга жамоатчи аёл бўлиши керак эди-ку! Бош қаҳрамон турмуши тамомила издан чиққан дайди қиз ҳаётини совуққонларча ҳикоя қила туриб, “у мен билан жинсий алоқада бўлар, эрталабдан-кечгача телевизор кўрар, кавшанар, пиво ичарди” дейди. Хўш, ким айбдор қизнинг фожиавий бу тахлит тақдирига? Жамиятми? Уни дунёга келтирган она, отами? У яшаётган ижтимоий тузум айбдорми?

Романда тўрт мучаси соғ, онги соғлом бўла туриб, ҳаётда адашган шўрпешона қизларга зид равишда оғир дардга чалинган қиз мактуби берилади. Мактубда ёзилишича, ёшгина бўлишига қарамасдан у тўшакка миҳланган, ўлимини кутиб ётибди. Унга опаси кеча-кундуз қарайди, парваришлайди. У қайси кун ва дақиқада ажал уни бу ёруғ оламдан олиб кетишини билмайди. Аммо ўлиши аниқ, Қаранки, оёқларида ўзи эркин тура олмайдиган касалманд қиз шу даражада ҳаётни севадики, у қуёш нурларида товланишни хоҳлайди, қушларнинг сайрогини эшитгиси, денгиз бўйларига чиққиси келади. Зеро, бу қаҳрамоннинг юрагида битмас-туганмас ҳаётсеварлик бор. Гўзалликни сева олиш ҳисси бор.

Ҳолбуки, ўн гулидан бир гули очилмаган ўн олти-ўн етти яшар қизлар соғлом тан ва ақлга эга бўлишига қарамасдан жаҳолат ва залолат кўчасига аллақачон кириб бўлди. Бемор синглисини авайлаб, унга яшаш, ҳаётнинг мазмуни ҳақида фалсафа сўқиётган опа ҳам яшамокда. Хўш, қай бир қизнинг ҳаёти афзалроқ?.. Кўриниб турибдики, Мураками ҳикоя қилиб берган олтига қиз тақдири бежиз романга олиб кирилмаган. Шу ўринда муаллиф радиодаги эшиттиришлар ҳақида ёза туриб, ҳиқичоқ тутиб гапирётган муҳбир-журналистни қаттиқ танқид қилиб ўтади.

Бош қаҳрамон билан Каламуш суҳбатига доир китоб мутолааси ҳақидаги гап-сўзлар ҳам асарга бежиз киритилмаганлигини ҳис этдим. Каламуш китоб ўқиб ўтирган дўстига “Нима, китоб ўқияпсанми? Нимага ўқияпсан?” деганга ўхшаш аҳмоқона савол беради. Ёзувчи китоб мутолааси, илм-фан билан шуғулланишдан кўра пиво ичиш, автомобилда сайр қилишни афзал кўрувчи ёшлар қиёфасини кўрсатади. Кўринадики, Мураками бугунги кунда бутун дунё халқларига хос бўлган маънавий инқирозни глобал муаммо сифатида очиб беради.

А.Отабоев Муракамининг “Шамол кўшигини тингла” романини кўп-қаватли бинога ўхшатади. Чиройли таъриф. Умуман полифоник, пост-модерн услубида яратилган асарларга нисбатан зўр таъриф деб ўйлайман.

Эҳтимол, бошқа бир тадқиқотчи Харуки Муракамининг ушбу асарини кутилмаган бир тарзда, бошқача таҳлил этар, мен эса бундан мутлоқо ажабланмаган бўлар эдим. Чунки роман турлича талқинларга асос бўла олади.

*Мархабо Қўчқорова,  
филология фанлари номзоди*



Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини улуғлаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан гуруҳ ва садоқат туйғуларини шакллантириш».

## Тарих қатламларига янгича нигоҳ

Назира Абдуазизова. Миллий журналистика тарихи. Икки жилдлик.  
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси.  
Тошкент – 2008.

**М**устақиллик халқимиз тафаккурида туб бурилиш ясади. Шунинг учун у тарихий ҳодисагина эмас, балки миллий қадрият мақомини эгаллади. Зотан, инсон эркинлик, озодлик ва ҳуррият орқали ўз қадр қимматини, инсонлик моҳиятини англаш ва қадрлаш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, истиқлол инсон тафаккуридаги туб бурилишлар орқали ижтимоий ҳаёт моҳиятини чуқурлаштириб юборди. Серқирра турмушимизнинг барча соҳаларини тўлақонли англаш ва ривожлантириш имконини берди. Жумладан, тарих фанининг яқин ўтмишимиздаги биқиклик, бирёқлама, саёз ва мафкуралаштирилган талабларини барбод этиб, истиқболни белгилаш ва тараққиёт учун хизмат қиладиган, инсоният тарихий тажрибасини, тамаддунлар моҳиятини, маданий бурилишлар нуқтаси ва таназуллар фожиасини аниқравшан тадқиқ этиш имконини берди. Буни кўпқиррали ижтимоий ҳаётнинг тарихий тараққиёти илдизларини, инсоният тўплаган ноёб ва қимматли тажрибаларини, бой берилган имкониятлар ва омилларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш орқали юзага келадиган истиқболни белгилаш каби юксак маънавий қудрат ва даъват намуналарида кўриш мумкин. Шу туйғайли Ўзбекистон журналистикаси тарихи, унинг тараққиёт босқичлари, ютуқлари ва камчиликларини ҳам яхлит тарихий қадрият сифатида тадқиқ этиш имконияти яратилди. Ушбу икки китобдан иборат йирик тадқиқот иши ана шу йўналишда қилинган дастлабки кенг миқёсли, муаммолар ҳар томонлама чуқур ўрганилган

тадқиқот намуналаридан ҳисобланади.

Зотан, бу тасодифий ҳодиса эмас. Чунки китоб муаллифи тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Назира Абдуазизова қирқ йилдан ортиқ ушбу мавзу доирасида тадқиқот ишларини олиб боради. Ундан ортиқ китоб ва монографиялар муаллифи. Ушбу йирик ва кенг кўламли асар эса йиллар мобайнида тўпланган илмий хулосалар мажмуаси.

Энг аввало шуни айтиш керакки, ушбу китобда илк ўзбек ноширлик ишларининг пайдо бўлиши, генезиси ва шаклланиш босқичлари, миллий матбуотнинг юзага келиши, газета ва журнал нашр этишнинг тамаддуний ҳодиса сифатидаги моҳияти, совет истибдоди шароитида ўзбек матбуотининг тажрибалари ва нуқсонлари яхлит ҳолда тадқиқ этилади. Қадимий она маконимизда дастлабки китобларнинг яратилиши, унинг ёйма ва алоҳида-алоҳида варақлардан иборат бўлгани – масалан “Авесто” ва бошқа шунга ўхшаган адабиётларнинг вужудга келиши ишончли манбалар, илмий далиллар ва қатор мутахассисларнинг асосий хулосалари орқали ўрганилади. Жумладан, Ислом оламидаги муқаддас китоб Қуръони Каримнинг яратилиши, китоб ҳолига келтирилиши ва тартибга солиниши ҳамда тизимлаштириш ҳолатлари ишончли манбаларга таянган ҳолда талқин этилади. Бу ўлкамизда қадим-қадимдан маънавиятга, маърифатга катта эътибор билан қаралганлиги ва у маданий

тараққиётнинг оламшумул ҳодисаси эканидан далолат беради.

Муаллиф айниқса XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ўзига хос тараққиёт йўлига чиқиб олган Туркистон матбуоти тарихини анча чуқур ўрганади. Жумладан, миллий журналистикамизнинг тарихий илдизларини очишга бир мунча муяссар бўлади, мустамлака Туркистонидоги расмий матбуот ва унинг ўз даврига хос бўлган ютуқлари, иллатлари ҳамда сабоқлари атрофида анча чуқур фикр юритиб, етарли хулосаларни баён этади.

Мазкур китобнинг ютуқларидан яна бири шундаки, муаллиф XX асрда юзага келган тараққиётпарвар ўзбек матбуоти, жумладан, “Тараққий”, “Самарқанд”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона” ва бошқа нашрларни сонма-сон ўрганиб чиққан. Уларни мавзу-мундарижаси нуқтаи назаридан тадқиқ этган. Шу асосда ўлкамизда илк журналистиканинг вужудга келганлиги ва шаклланиб тараққий топиб борганлиги улкан ҳодиса сифатида тадқиқот объектига айлантирилган.

Муаллиф юқорида баён нашрлардаги айрим мақолаларни, моҳияти жиҳатидан ўша давр ижтимоий-сиёсий муҳитини белгилаб берадиган асарларни китобга имкон қадар тўлароқ киритади. Уларнинг халқимиз маънавиятини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини чуқур таҳлил асосида кенг умумлаштириб беради.

Ўз навбатида мазкур материаллар:

– тадқиқотчи хулосалари ва илгари сурган ғояларига тўла, аниқ-равшан ва батафсил мисол вазифасини ўтайди;

– ушбу кимматли ва ноёб кўчирма – мисоллар, манбалар матбуот тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар учун ниҳоятда қўл келади ва ўзига хос қулайликлар яратади. Чунки бугунги кунда юқо-

рида номлари зикр этилган нашрларни топиш, уларни ўқиш тадқиқотчилар учун бир мунча қийин бўлмоқда. Кимдир бу нашрларнинг тўлиқ тахламларини топиш имкониятига эга бўлмаса, яна кимдир уларни топганда ҳам ўқиш имкониятига эга эмас.

Умуман, тарихчи олима Назира Абдуазизованинг мазкур йирик тадқиқоти кенг китобхонлар оммаси ва миллий матбуотимиз тарихи билан қизиқувчилар учун ҳам етарли даражада маълумот олиш имконини беради.

Тадқиқотнинг иккинчи китоби мустақил Ўзбекистон журналистикаси тараққиёти ва унинг ривожланиш омилларини тўла қамраб олади. Мустақиллик даврида тубдан ўзгарган, миллий истиклол ғояси асосида шаклланаётган тафаккур, янгиланаётган жамиятнинг кўзгуси сифатида майдонга чиққан миллий матбуотимизнинг дадил қадамлари чуқур тадқиқ этилганлиги мазкур жилднинг катта ютуғидир. Китобда кенг қамровли ислохотлар бевосита маънавий шаклланиш, инсоний камолот ва етуклик орқали амалга оширилаётган яхлит ва кўп қиррали ислохотлар тизими замонавий матбуотнинг бутун мазмун-моҳиятини белгилаётганига алоҳида урғу берилади. Мана шу фазилат тадқиқотнинг асосий таянч нуқтасига айланиб кетган.

Шу кунгача ўзбек матбуоти тарихига оид бир қанча китоблар, монографиялар яратилган эди. Бироқ уларнинг аксарияти Шўро мафкураси асосида дунёга келгани ва бугунги кунда ғоявий жиҳатдан илмий-маънавий қийматини йўқотганлиги маълум. Ушбу китоб эса мавзу кўламининг кенглиги, катта даврни қамраб олганиги ва теран таҳлили билан кейинги тадқиқотчиларга зарур манба бўлиб хизмат қила олади.

*Нарзулла Жўраев,  
сиёсий фанлар доктори,  
профессор.*

Сидни ШЕЛДОН

# Тақдир тегирмони

Роман

*Йигирма тўртинчи боб*

**Э**рталаб соат саккизда Мэри йиғилиш ўтказётган пайтда хонага Дороти Стоун югуриб кирди:

— Элчи хоним!.. Элчи хоним!..

Унинг ранги оқариб кетган, овози титрарди:

— Болаларингизни ўғирлашибди!

Мэри ўрнидан сапчиб туриб кетди:

— Эй, худойим-эй!

— Машинадаги сирена ишлаб кетибди. Тез орада унинг қаердалиги аниқланади. Улар узоққа кета олмайди.

Мэри йўлакдан алоқа хонасига югуриб чиқди. Пулт олдида бир неча одам турганди. Полковник Маккинни микрофон орқали ким биландир гаплашди:

— Ҳа, тушундим. Ҳозироқ элчига етказаман.

— Нима бўпти? — деди Мэри бўғилиб. — Болаларим қаерда?

— Улардан ташвишланманг, — дея полковник уни тинчлантирди. — Улардан бири беҳосдан хавф-хатар тугмачасини босибди. Сирена ва электрон узаткич ишлаб кетган. Лимузин икки квартал юрмасдан, полиция машиналари билан ўраб олинган.

Мэри бўшашиб, деворга суяниб қолди. Асаби қанчалик зўриққанини эндигина пайқади. “Нима сабабдан бу ерда яшаётган чет элликларнинг, — деб ўйлади у, — бир кунмас бир кун гиёҳванд моддалар ва ичкилик... ёки ишқий саргузаштларга берилиб кетишини тушунса бўлади”.

Кечқурун Мэри болаларнинг олдидан бир қадам ҳам жилмади. Улар билан имкон қадар кўпроқ бирга бўлишни хоҳларди. Болаларга қараб хаёл сурди: “Наҳотки, унга ҳам, жондан азиз болаларига ҳам хавф таҳдид солаётган бўлса? Бизни азоб-уқубатга дучор этмоқчи бўлганлар ким экан ўзи?” Мэри бутун вужудини даҳшатга солаётган бу саволларга жавоб топишга ожиз эди.

Уч кундан кейин Луи Дефорже уни кечки овқатга таклиф қилди. Бу гал у ўзини анча эркин ва хотиржам тутар, қалбини тирнаётган ғам-аламларга қарамай, Мэрининг кўнглини олишга ҳаракат қиларди. “Қизиқ, — деб ўйлади у, — мен унга қанчалик талпинсам, унинг кўнглида ҳам менга нисбатан шунчалик интилиш бормикан?”

“Мен шунчаки кумуш қадаҳ эмас, — дерди у ўзига ўзи, — юрагимнинг бир парчасини унга жўнатганимни англаб етдимикан?”

“Элчи хоним” деганингиз расмий туюларкан. Мэри дея қолинг”. У Луига яқинроқ бўлишни истарди. “У менга кўп нарсани қайтарди,

Охири. Боши ўтган сонларда.

ким билади, эҳтимол, ҳаётимни ҳам сақлаб қолгандир. Лекин фақат шунинг учун кўнглим унга талпинаётгани йўқ-ку!”

Улар “Интерконтиненталь” меҳмонхонанинг томидаги ресторанда овқатланишди. Луи уни уйигача кузатиб келганда Мэри ундан сўради:

— Кирмайсизми?

— Ташаккур, — деди у. — Жоним билан.

Болалар дарс қилиб ўтиришган экан. Мэри уларни Луига таништирди.

У Бетнинг ёнига келиб ундан сўради:

— Рухсат этасанми?

Луи уни қучоқлаб, бағрига босди.

— Қизларимдан бири сендан икки ёш кичик, иккинчиси эса сен билан тенгдош эди. Улар ҳам худди сенга ўхшаб гўзал бўлишларини хоҳлардим.

Бет қиқирлаб кулди.

— Миннатдорман. Қизларингиз?..

— Келинлар, яхшиси, иссиқ шоколад ичамиз, — деди Мэри дарров гапни бошқа ёққа буриб.

Улар ошхона столи атрофида шоколад ичиб, гаплашиб ўтиришди.

Луи болаларга жуда маъкул келди. Шу топда у Мэрини буткул унутгандек, бутун диққат-эътибори болаларга қаратилган эди. Луи айтиб берган фаройиб қулгили хангомаларни эшитиб, болалар қотиб-қотиб куларди. Мэри соатига қараганда, тун ярмидан оққан эди.

— Эҳ-ҳе! Сизлар аллақачон ухлаб ётган бўлишларинг керак эди-ку?!

Тим Луига қараб сўради:

— Сиз яна келасизми?

— Умид қиламиз, Тим. Бу ёғи энди ойингизга боғлиқ.

— Ойи?

Мэри Луига қараб деди:

— Албатта, яна келади.

У Луини эшиккача кузатиб қўйди. Луи Мэрининг қўлидан тутди.

— Мен учун сўз билан ифодалаб бўлмайдиган унутилмас кеча бўлди. Бирор нима дейишга тилим лол.

— Жуда хурсандман, — деди у Луининг кўзларига меҳр билан тикилиб.

Мэри унга риштасиз боғланиб қолганини бутун борлиғи билан ҳис этди.

— Хайрли кеч, Мэри.

У орқасига қайрилиб, индамай чиқиб кетди.

Эрталаб Мэри ишга келиб хонасига кирганда, яна бир деворнинг бўялганига эътибор қилди. Хонага қўлида икки идишчада қаҳва кўтариб олган Майк Слейд кириб келди.

— Хайрли тонг, — деди у қўлидаги идишчаларни столга қўяркан.

— Деворга яна нимадир ёзишибдими?

— Ҳа.

— Бу гал нима экан?

— Аҳамияти йўқ.

— Аҳамияти йўқ дейсизми? — деди Мэри жаҳли чиқиб. — Бунинг мен учун аҳамияти бор. Элчихона ўзи қандай қўриқланади? Истаган одам хонамга бемалол кириб, деворга бўлмағур гапларни ёзиб кетиши менга ёқмаяпти. Хўш, бу гал нима деб ёзишибди?

— Сўзма-сўз айтаверайми?

— Ҳа.

— “Кет ёки ўласан” деб ёзилган эди.

Мэри ҳорғинлик билан курсига ўтириб қолди.

— Қандай қилиб хонамга қўриқчиларга сездирмасдан кириб, деворга дўқ-пўписаларни ёзиб кетиш мумкинлигини балки тушунтириб берарсиз?



— Билганимда, албатта тушунтириб берардим, — деди Слейд хўрсиниб. — Қўлимиздан келган ҳамма ишни қилаяпмиз.

— Демак, “қўлингиздан келгани” етарли эмас кўринади, — деди Мэри истеҳзо билан. — Хонам кечаю кундуз қўриқланишини истайман. Тушундингизми?

— Тушундим, элчи хоним. Бу талабингизни полковник Маккиннига етказаман.

— Кўйинг, кераги йўқ. Унга ўзим айтаман.

Майк Слейд хонадан чиқиб кетганда Мэри бу ишни ким қилганини у чиндан ҳам билмасмикан, деб ўйлади.

Унинг ўзи бўлса-чи?

— Ишонинг, элчи хоним, — деди полковник Маккинни узр оҳангда. — Мен ҳам таажжубдаман. Қўриқчилар икки баробар кўпайтирилади, хонангиз кечаю кундуз қўриқланади.

Аммо полковникнинг ваъдаси унинг кўнглига таскин бермади. Бу элчихона ходимларидан бирининг иши.

Полковник Маккинни ҳам уларнинг бири эди.

Мэри қароргоҳда ташкил этилган кичкина кечага Луи Дефоржени ҳам таклиф қилди. Унда иштирок этган ўндан зиёд меҳмонлар кетиб бўлгач, Луи ундан сўради:

— Болаларнинг олдига чиқсам майлими?

— Луи, улар ухлаб қолган бўлса керак.

— Уларни уйғотмайман, — деди у. — Фақат бир қарайман, холос.

Мэри у билан бирга борди-да, эшик олдида қолиб, Луининг ухлаб ётган Тимга қараб турганини кузатиб турди. У шивирлади:

— Рўпарадагиси Бетнинг хонаси.

Мэри хона эшигини очди. Бет ёстиқни кучоқлаб ухлаб ётарди, устидаги кўрпаси тушиб кетаёзганди. Луи секингина каравотга яқинлашиб, кўрпани боланинг устига тортиб қўйди. Бир неча сония кўзини юмиб турди-да, қайрилиб хонадан чиқди.

— Нақадар ажойиб болалар, — деди у бўғиқ овозда.

Улар юзма-юз бир-бирининг кўзига тикилиб турарди. “Ахир, эртами-кечми, бу ҳол юз бериши керак эди, — дея ўйларди Мэри ичида. — Ҳеч қайсимиз буни тўхтата олмаймиз...”

Икки қалб бир-бирига талпинди.

Бехосдан Луи орқага тисарилди.

— Келиб, чакки қилдим. Ахир, нима қилаётганимни англаяпсизми? Гўё ўтмишим тикланаётгандек. — У бир неча сония ўйланиб қолди. — Ёки келажагимикан? У ёғи энди худога аён.

— Ҳаммасини тушунаман, — деди Мэри пичирлаб.

Савдо масалалари бўйича маслаҳатчи Дэвид Виктор Мэрининг хонасига кирди. Қиёфаси ташвишли эди.

— Совуқ хабар олиб келдимми деб қўрқаман. Ҳозиргина президент Ионескунинг Аргентинадан бир ярим миллион тонна маккажўхори ва Бразилиядан ярим миллион тонна соя дони сотиб олиш учун тузилган шартномага имзо чекмоқчи эканини эшитиб қолдим.

— Бу шунчалик жиддийми?

— Музокаралар деярли охирига етган. Бизни эшикдан ҳайдаб чиқаришди ҳисоб. Вашингтонга телеграмма жўнатмоқчи бўлиб тургандим. Албатта, сизнинг рухсатингиз билан, — деб қўшиб қўйди маслаҳатчи.

— Ҳозирча жўнатмай туринг, — деди Мэри. — Масаланинг ечимини топишга уриниб кўришимиз керак.

— Президент Ионеску қароридан қайтадиганлардан эмас. Ишонинг, унга айтилмаган бирорта ҳам далил қолмади.

— Бирон бир чора ўйлаб топишга уриниб кўрсак, ҳеч нима йўқотмаймиз. — У котибасини чақиртирди. — Мен зудлик билан президент Ионеску билан учрашишим зарур.

Александр Ионеску уни тушликка таклиф қилди. Саройга кириб келганда Мэрини президентнинг ўн тўрт ёшли ўгли Нику қарши олди.

— Хайрли кун, элчи хоним. — деди у. — Менинг исмим Нику. Саройга хуш келибсиз.

У баланд бўйли жингалак сочлари тим қора ёқимтойгина бола экан. Нику ўзини катталардек тутишга ҳаракат қиларди.

— Сиз ҳақингизда кўп яхши гапларни эшитганман, — деди у Мэрига.

— Жуда хурсандман, — дея жавоб берди Мэри.

— Келганингизни дадамга айтаман.

\* \* \*

Мэри Ионеску билан юзма-юз ўтиришарди. Мэри унинг рафиқасини кўргиси келиб қолди. У расмий маросимларда деярли кўринмасди.

Президентнинг кайфи борлиги ва нимадандир хурсанд экани билиниб турарди. У ҳиди ёқимсиз румин сигаретаси — “Снагов”ни тутатди.

— Эшитишимга қараганда, болалар билан айрим диққатга сазовор жойларни зиёрат қилибсиз.

— Ҳа, жаноби олийлари. Руминия ажойиб мамлакат ва бу ерда диққатга сазовор жойлар кўп.

У оғзини катта очиб ишшайди:

— Рухсат берсангиз, мамлакатимизнинг гўзал гўшаларини сизга кўрсатган бўлардим. — Унинг кўзларида шаҳвоний нафс шундоққина сезилиб турарди. — Мендан яхшироқ ҳамроҳ топа олмайсиз. Жуда кўп гаройиб нарсаларни кўрасиз.

— Бунга асло шубҳам йўқ, — деди Мэри. — Президент жаноблари, сиз билан муҳим бир масала юзасидан гаплашмоқчи эдим.

Ионеску кулиб юборишига сал қолди. У Мэрининг нима учун келганини яхши биларди. “Улар менга маккажўхори билан соясини сотмоқчи. Аммо улар кечикишди. Бу гал Америка элчиси қуруқ қўл билан қайтадиган бўлди. Афсус. Ёқимтойгина аёл эди-я!”

— Қулогим сизда, — деди президент.

— Мен сиз билан биродарлашган шаҳарлар тўғрисида гаплашмоқчиман.

Ҳайрон қолганидан Ионескунинг кўзлари пирпираб қолди:

— Кечирасиз, нима дедингиз?

— Биродарлашган шаҳарлар ҳақида. Вашингтон ва Осака, Лос-Анжелес ва Бўмбай, Вашингтон ва Бангкок...

— Тушунмадим. Биродарлашган шаҳарларнинг бизга...

— Президент жаноблари, Бухарест Американинг бирон-бир шаҳри билан биродарлашса, шуҳратингиз янада орган бўларди, деган фикр миямга келиб қолди. Президент Эллисонинг “халқ дипломатияси” дастурини қанча тилга олишса, бу ҳақда ҳам шунча гапиришади,

ёзишади. Бу иш тинчлик-тотувлик, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустақкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўларди. Шу ишга қўшган ҳиссангиз инобатга олиниб, сиз Нобел мукофоти билан тақдирлансангиз, ажабланмасдим.

Ионескунинг бояги қувноқлигидан асар ҳам қолмади. У анча вақт ўйлаб ўтирди-да, кейин Мэридан сўради:

— Қўшма Штатларда биродарлашган шаҳар? Фаройиб фикр. Хўш, бу менга қандай наф келтиради.

— Бу сиз учун асосан зўр реклама бўлади. Сиз чинакам қаҳрамонга айланасиз. Бу фикр сиздан чиққан бўлади. Америкага ташриф буюрасиз. Канзас-Сити делегацияси эса бу ерга келади.

— Канзас-Сити дейсизми?

— Бу, албатта, мисол тариқасида. Аммо сиз Нью-Йорк ёки Чикаго сингари йирик шаҳарларлардан бирини танламасангиз керак, деб ўйлайман. Канзас-Сити — Ўрта Америка. У ерда ҳам худди Руминиядагидек фермерлар яшайди. У ердаги одамлар ҳам руминлар сингари ерда ишлашни яхши кўради. Бу, президент жаноблари, буюк сиёсатчининг иши бўлади. Европадаги бирорта ҳам сиёсатчининг миясига ҳали бундай фикр келмаган.

— Масалани обдон ўйлаб кўриш керак.

— Шак-шубҳасиз.

— Канзас-Сити ва Бухарест. — У бош иргаб қўйди. Бизнинг шаҳримиз йирикроқ.

— Албатта. Бухарест биродарлар орасида катта оға бўлади.

— Тан олишим керак, бу гоё мени жуда қизиқтириб қўйди.

У бу таклиф ҳақида қанча кўп ўйласа, унга шунчалик жозибали бўлиб кўринарди. “Мен ҳамманинг оғзида бўламан. Совет айиғи ҳам темир чангалини бўшатишга мажбур бўлади”.

— Америка томони эътироз билдирмайдими?

— Асло. Мен бунга тўлиқ кафолат бераман.

Президент яна ўйга толди.

— Бу ишни қачондан бошлаб амалга ошириш мумкин?

— Сиз бу ҳақда эълон қилишингиз билан. Шундоқ ҳам сиз президент жаноблари, буюк сиёсатчисиз. Аммо бу иш обрў-эътибор ва шуҳратингизни бутун дунёга ёяди.

Ионескунинг миясига янги фикр келиб қолди:

— Биз ишимизни биродарлашган шаҳар билан савдо алоқаларни йўлга қўйишдан бошлашимиз мумкин. Бизда сотиладиган маҳсулот кўп. Айтинг-чи, Канзасда нималар етиштирилади?

— Турли-туман маҳсулотлар қаторида, — деди Мэри, — маккажўхори ва соя дони етиштирилади.

— Наҳотки, уни ишонтира олган бўлсангиз? Бу ишни қандай уддаладингиз? — ишонқирамай сўради Дэвид Виктор.

— Уни алдаб бўлмайди, — деди Мэри маслаҳатчисига. — У тулкидек айёр. Бу гоёни унга қандай тарзда етказганим унга ёқиб тушди. Хуллас, сиз шартнома тузишга киришаверинг. Ионеску телевидение орқали сўзлайдиган нутқини машқ қилаётган бўлса керак.

Стэнтон Рожерс бу янгиликдан хабар топгач, ўша заҳоти Мэрига кўнгироқ қилди.

— Сиз сеҳргар экансиз, — деди у кулиб. — Биз бундай катта буюртмадан маҳрум бўлдик, деб ўйлагандик. Бу ишни қандай уддаладингиз?

— Бунинг сири шуҳратпарастликда. Тўғрироғи, унинг шуҳратпарастлигида, — деб жавоб берди Мэри. Президент сизга тасаннолар айтиб қўйишимни илтимос қилди.

— Миннатдорлигимни унга етказсангиз, Стэн.

— Албатта, етказаман. Дарвоқе, биз у билан бир неча ҳафтага Хитойга жўнаямиз. Ёрдамим зарур бўлиб қолса, котибам орқали мен билан боғланишингиз мумкин.

— Сафарингиз беҳатар бўлсин.

Шу тариқа, кунлар ортидан кунлар, ҳафталар ортидан ҳафталар ўтди. Совуқ, изғиринли кунлардан кейин ёз келди. Жавонларга таҳланган иссиқ кийимлар ўрнини енгил ёзги либослар эгаллади.

Буэнос-Айресда айна қиш фасли. Неуса Муньес ярим тундан кейин уйига қайтди. Телефон тўхтовсиз жиринглар эди. У гўшакни кўтарди:

— Ким у?

— Мисс Муньес, — Қўшма Шталардаги гринго<sup>1</sup> қўнғироқ қилаётгани.

— Нима дейсиз?

— Фаришта билан гаплашсам бўладими?

— У йўқ, синьор. Сизга ўзи нима керак?

Назоратчи газабини босишга уринарди. Фаришта бундай аёл билан қандай яшар экан-а? Гарри Ланц ўлимидан олдин бу аёлни тасвираб беришича, у нафақат эси паст, балки ўта бадбашара эди.

— Фариштага гапларимни етказишингизни истардим.

— Бир дақиқа.

У гўшакни стол устига қўйди. Назоратчининг кутишдан бошқа иложи йўқ эди.

Ниҳоят, Неуса Муньес гўшакни яна кўтарди:

— Гапиринг.

— Фариштага айтинг, унинг учун Бухарестда иш бор.

— Будапештда?

Оббо! Бу тўнка билан гаплашишнинг сира иложи йўқ!

— Бухарестда. Мукофот — беш миллион доллар. У Бухарестда шу ойнинг охирида бўлиши зарур. Тушундингизми?

— Бир дақиқа, ёзиб олай.

У ёзиб бўлгунча Назоратчи кутиб турди.

— Беш миллион доллар учун Фаришта қанча одамни ўлдириши керак экан?

— Кўп...

Элчихона эшиги олдидаги узундан-узоқ навбат Мэрини ҳамон ташвишлантирарди. У бу масала хусусида Майк Слейд билан яна бир бор гаплашишга қарор қилди.

— Биз бу одамларнинг мамлакатдан чиқиб кетишига қандайдир ёрдам бермасак бўлмайди.

— Биз қўлимиздан келган ҳамма ишни қилдик, — деди Майк. — Ионескуга босим ўтказишга уриниб кўрдик, пул таклиф қилдик, натижа бўлмади. Уни жойидан қўзғатиш қийин. “Темир парда” Руминияни нафақат ташқаридан, балки, мамлакат ичкарасидан ҳам ўраб тургани аён ҳақиқат.

— Ҳар ҳолда, у билан бир гаплашиб кўраман.

<sup>1</sup> Г р и н г о —испанзабонли мамлакатларда америкаликларга қўйилган лақаб. (Тарж.)

— Сизга омад тиламайман.

У Дороти Стоундан учрашув ҳақида президент билан келишиб олишни илтимос қилди. Бир неча дақиқадан кейин котиба Мэрининг хонасига қайтиб кирди:

— Кечирасиз, элчи хоним. Учрашишнинг иложи йўқ.

— Бу нима деганингиз? — сўради Мэри ҳайрон бўлиб.

— Билмадим. Саройда нимадир рўй берганга ўхшайди. Ионеску ҳеч кимни кўришни истамаяпти. Саройга ҳеч кимни киритишмаяпти.

Нима рўй берган бўлиши мумкин? Эҳтимол, Ионеску бирон-бир муҳим янгиликни эълон қилмоқчидир? Қандайдир муҳим ҳодиса юз бергани аниқ. Нима бўлса ҳам, Мэри бундан хабар топиши керак.

— Дороти, — деди у котибасига, — саройдагилар билан алоқаларинг бор, шекилли?

— “Миш-миш канали”ни назарда тутаётган бўлсангиз, бор деса ҳам бўлади.

— Саройда нималар содир бўлаётганини аниқлашингни хоҳлардим...

Бир соатдан кейин Дороти қайтиб келди.

— Ҳаммасини аниқладим, — деди у. — Бу қаттиқ сир сақланмоқда.

— Нима сир сақланмоқда?

— Ионескунинг ўғли ўлим тўшагида ётган эмиш.

Мэри ҳайратдан ёқа ушлади.

— Нику? Унга нима қилибди?

— Ботулизм касалига чалинибди.

— Бухарестда эпидемия тарқалибди, демоқчимисиз?

— Йўқ. Ёдингизда бўлса, яқинда шундай эпидемия ГДРда тарқалган эди. Нику бу мамлакатда меҳмон бўлган ва у ердан консерва олиб келган. Кеча ундан еган экан.

— Ахир, ботулизмга қарши зардоб бор-ку!

— Европада бу доридан қолмабди. Сўнгги эпидемия тарқалганда, бор захиралар ишлатилган экан.

— Бу қандай кўргулик!

Дороти чиқиб кетгандан кейин Мэри оғир ўйга толди. Эҳтимол, вақт етмас, лекин ноумид — шайтон дейдилар. Унинг кўз ўнгида қувноқ Нику гавдаланди. У бор-йўғи ўн тўрт ёшда. Бетдан атиги икки ёш катта.

У ички алоқа тизими тугмачасини босиб деди:

— Дороти, Жоржия штатидаги касалликларни назорат қилиш Атланта Маркази билан мени боғла.

Беш дақиқадан кейин у марказ директори билан гаплашаётганди.

— Ҳа, элчи хоним, бизда ботулизмга қарши зардоб бор. Аммо, билишимча, Қўшма Штатларда битта ҳам касаллик қайд этилмаган.

— Қўшма Штатлардан қўнғироқ қилаётганим йўқ, — деб тушунтирди Мэри. — Бухарестдаман. Менга зудлик билан ана шу зардоб керак.

— Сизга жоним билан ёрдам берардим, — деди марказ директори, — аммо ботулизм жуда тез таъсир қилади. Унга ҳожат қолмайдими...

— Бу ёғини менга қўйиб беринг, — деди Мэри. — Зардобни тайёрлаб қўйинг. Миннатдорман.

Ўн дақиқадан кейин у ҳарбий-ҳаво кучлари генерали Ральф Зукор билан боғланди.

— Хайрли тонг, элчи хоним. Қандай ажойиб хушхабар. Рафиқам иккимиз сизнинг чинакам мухлисингизмиз.

- Генерал, менга ёрдамнинг зарур.
- Сиз учун ҳамма ишга тайёрман.
- Менга энг тез учадиган реактив самолёт керак.
- Кечирасиз, тушунмадим?
- Бухарестга зудлик билан бир дорини олиб келиш учун менга реактив самолёт керак.
- Тушунарли.
- Сиз бунинг уддасидан чиқа оласизми?
- Умуман олганда, чиқа оламан. Нима қилиш кераклигини сизга айтаман. Мудофаа вазирининг розилигини олиш керак. Баъзи бир қоғозларга имзо чекишингизга тўғри келади. Бир нусхаси менга, иккинчиси — Мудофаа вазирлигига. Биз уларни сизга жўнатамиз.
- Генерал, — дея Мэри унинг гапини бўлиб, — нима қилиш кераклигини энди мендан эшитинг. Майда-чуйда гапларни йиғиштириб, зудлик билан ўша жин ургур самолётни тайёрланг. Агарда...
- Бунинг иложи...
- Бир боланинг ҳаёти хавф остида. Бу бола — Руминия президентининг ўғли.
- Кечирасиз, мен рухсат беролмайман...
- Генерал, мабодо қандайдир қоғозга имзо чекилмагани учун бола вафот этса, умрингиз бино бўлиб кўрмаган матбуот анжумани чақиришга ваъда бераман ва журналистларга бу бола айнан сизнинг лоқайдлигингиз туфайли нобуд бўлганини айтаман.
- Оқ уйнинг рухсатисиз мен бу ишни қилишга ҳаққим йўқ. Мабодо...
- Сиз бу рухсатни оласиз! — дея Мэри унга ўдағайлади. — Зардоб Антанта аэропортида бўлади. Генерал, эсингизда бўлсин: ҳар бир дақиқа ганимат.
- У телефон гўшагини жойига қўйиб, чўқинди ва Яратгандан нажот сўради.

Генерал Ральф Зукорнинг ёрдамчиси ундан сўради:

- Тинчликми, сэр?
- Элчи қандайдир зардобни Руминияга олиб бориш учун “С-71” беришимни сўраяпти.
- У бунинг иложи йўқлигини тасаввур ҳам қилмаяпти, шекилли? — деб ёрдамчиси истехзоли тиржайиб.
- Албатта. Лекин ҳар эҳтимолга қарши эҳтиёт чорасини кўрганимиз маъқул. Мени Стэнтон Рожерс билан боғлаб кўр-чи?
- Беш дақиқадан кейин у президентнинг ташқи ишлар бўйича ёрдамчиси билан гаплашаётганди.
- Шунчаки сизни бохабар қилай дегандим. Албатта, унга рад жавоби бердим.
- Генерал, — деди Стэнтон Рожерс, — “С-71”ни ҳавога кўтариш учун сизга қанча вақт керак?
- Ўн дақиқа. Бироқ...
- Зудлик билан киришинг!

Касаллик Нику Йонескунинг асаб тизимини жароҳатлаганди. У юзи докадек оқарган ва нафас олиш аппаратига уланган ҳолда бемажол ётарди.

Хонага президент Йонеску кириб келди.

— Хўш, қандай янгилик бор?

— Жаноби олийлари, биз барча Европа мамлакатларидаги ҳамкасблар билан боғландик. Ҳеч қаерда зардоб йўқ.

— АҚШда-чи?

Доктор елкасини қисиб қўйди:

— Зардобни олиб келгунимизча... У бир муддат тўхтаб, давом этди. — Кеч бўладими, деб қўрқаман.

Ионеску каравотга яқинлашиб, ўғлининг қўлини кафтига олди. У терлаган ва жонсиз эди.

— Сен ўлмайсан!.. — деди у бўкириб. — Сен ўлмайсан!..

Қирувчи самолёт Атланта аэропортига келиб қўнганда, муз билан қопланган зардоб тайёрлаб қўйилган эди. Ўн дақиқадан кейин самолёт ҳавога қўтарилиб, Шимоли-Шарқ томон йўл олди.

“СР-71” товуш тезлигидан уч марта тезроқ учадиган энг замонавий самолёт. У Атлантика устида ҳавода қўшимча ёқилғи қуйиб олиш учунгина тезлигини бир оз секинлатди. Бухарестгача бўлган саккиз минг километрдан зиёд масофани самолёт икки ярим соатда босиб ўтди.

Полковник Маккинни уни аэропортда кутиб олди. Президент саройига олиб бориладиган йўл ҳарбий патруллар томонидан бўшатиб қўйилган эди.

Мэри ҳар ярим соатда вазиятнинг кечиши ҳақида ахборот олиб, тунни элчихонадаги хонасида ўтказди. Охирги ахборот соат олтида унга етказилди.

Полковник Маккинни қўнғироқ қилди:

— Болага зардоб қўйишди. Врачлар уни яшайди, дейишяпти.

— Эй, Яратган эгам! Ўзингга минг қатла шукр!

Орадан икки соатдан ўтгач, Мэрига кичкина мактуб билан маржон ва олмослар шодасини келтириб беришди. Мактубда “Мен ҳеч қачон бу қарзни уза олмайман. Александру Ионеску”, — деб ёзилган эди.

— Эй, худойим, — деди Дороти кўзлари ёниб, — ахир, бу камида ярим миллион доллар туради-ку!

— Эҳтимол, шундайдир, — деди Мэри пинагини бузмай. — Уни қайтариб берворинглар.

Эртасига президент уни саройга чақиртирди.

— Президент хонасида сизни кутмоқда, — деди унинг ёрдамчиси.

— Аввал Никудан хабар олсам бўладими?

— Албатта. — Ёрдамчи уни Никунинг хонасига олиб борди.

У каравотда китоб ўқиб ётарди. Мэри хонага кириши билан бошини кўтарди.

— Хайрли тонг, элчи хоним.

— Хайрли тонг, Нику.

— Мен учун қанчалик қайғурганингизни дадам гапириб берди.

Сизга чин дилдан миннатдорчилик билдирмоқчиман.

— Мен ўлишингни асло хоҳламагандим. Ким билади, эҳтимол, ҳали Бетга уйланишинг ҳам мумкин.

Нику қиқирлаб кулиб юборди:

— Унга айтинг, саройга келса, бу ҳақда у билан гаплашамиз.

\* \* \*

Президент Ионеску Мэрини пастдаги хонасида кутиб турарди.

— Совгамни қайтариб юборибсиз, — деди у дафъатан.

— Ҳа, жаноби олийлари.

У курсига ишора қилди:  
— Марҳамат, ўтиринг. — У Мэрининг юзига синчковлик билан разм солди. — Сиз нимани истайсиз?

— Боланинг ҳаёти ҳар нарсадан азиз, — деди Мэри.

— Сиз ўғлимни ўлимдан сақлаб қолдингиз. Мен олдингизда қарз...

— Сиз мендан қарздор эмассиз, жаноби олийлари.

У мушти билан столга бир урди:

— Сизнинг олдингизда қарздор бўлиб қолишни истамайман. Сизга қанча керак, айтинг!

— Бу ерда пул ҳақида гапириш мутлақо ўринсиз, — деди Мэри. — ўзимнинг ҳам болаларим бор. Шунинг учун сизнинг ҳиссиётларингизни яхши тушунаман.

У бир муддат кўзларини юмди.

— Тушунаёпсизми? Бир кори ҳол юз берганда нималар бўлиши мумкинлигини... — У гапира олмай, жимиб қолди.

— Мен унинг олдига киргандим. Кўриниши чакки эмас. — Мэри ўрнидан турди. — Агар бошқа гапингиз бўлмаса, жаноби олийлари, кетишга ижозат этсангиз. Элчихонада учрашув белгилаб қўйилган эди. — У эшик томон йўл олди.

— Шошманг!

Мэри ўтирилди.

— Демак, совғамни рад этмоқчимисиз?

— Йўқ. Ахир, тушунтирдим-ку...

Ионеску қўлини кўтарди:

— Бўпти-бўпти. — У бир сония ўйлаб турди. — Агарда кўнглингиз тубидаги орзуингизни айтиш имкони туғилганда, нимани тилаган бўлардингиз?

— Ҳеч нимани?

— Йўқ, сиз айтишга мажбурсиз! Мен талаб қиламан! Биргина тилак. Истаган нарсангизни тилашингиз мумкин.

Мэри унга тикилиб қараб турди-да, сўнгра деди:

— Мен яҳудийларнинг чел элга кетишига йўл қўймаётган барча тўсиқлар олиб ташланишини истайман.

Ионеску столни бармоқлари билан тақиллатди.

— Тушунарли. — У узоқ ўйлаб қолди. — Бўпти. Албатта, уларни чет элга чиқариб юбормасак-да, турмушини яхшилашга ҳаракат қиламиз.

Икки кундан кейин газеталарда бу ҳақда хабар босилгач, Мэрига президент Эллисоннинг ўзи кўнғироқ қилди.

— Қойил! Мана бунга иш деса бўлади! Мен у ерга элчи юбордим, деб юрсам, сиз сеҳргар бўлиб чиқдингиз.

— Шунчаки омадим чопди-да, президент жаноблари.

— Қани эди, барча элчиларимизнинг ҳам омади шундай чопиб турса. Табригимни қабул қилинг. Ишингизга қойилман.

Мэри гўшакни жойига қўйди. Юзида илиқ табассум пайдо бўлди.

— Июлгача ҳам саноқли кунлар қолди, — деди Мэрига Хэрриет Крюгер. — Илгарилари АҚШ элчиси Бухарестда яшаётган барча америкаликлар учун қабул маросимини тўртинчи июлда ўтказар эди. Агар сиз бошқа...

— Бу ажойиб фикр.

— Жуда соз. Мен унда тайёргарликни бошлаб юбораман. Байроқлар, ҳаво шарлари, оркестр, мушакбозлик.

<sup>1</sup> Тўртинчи июль — АҚШнинг Мустақиллик куни. — *Тарж.*



— Баракалла, Хэрриет.

Бу тадбирга қароргоҳ эҳтиёжларига ажратилган маблағни сарфлашга тўғри келади, аммо, нима ҳам қилардик, байрам — байрамдек ўтиши керак-да. “Уйни жуда соғиндим”, — деб ўйлади у.

Кутилмаганда Флоренс ва Дуглас Шайферлар қўнғироқ қилгани уни беҳад қувонтирди.

— Биз Римдамиз! — дея бақирарди телефонда Флоренс. — Сенинг олдинга борсак бўладими?

— Қачон келишингиз мумкин? — деди Мэри ҳаяжонини боса олмай.

— Эртага борсак қалай?

Эртасига Шайферлар ўтирган самолёт Отопени аэропортига келиб қўнганда, Мэри уларни элчихона лимузинида кутиб олди. Кучоқлаб-ўпишишнинг гўё чеки йўқдек эди.

— Кўринишинг чакки эмас, — деди Флоренс. — Заррача ўзгармабсан.

“Улар нималарни бошдан кечирганимни билганда эди”, — деб ўйлади Мэри.

Қароргоҳга кетаверишда тўрт ой олдин унинг ўзига кўрсатишган диққатга сазовор жойларни уларга кўрсатди.

— Шу ерда яшар экансан-да? — деди Флоренс денгиз пиёдаси қўриқлаб турган дарвозадан ичкарига киришганидан кейин. — Қойилман.

Мэри Шайферларга қароргоҳни кўрсатди.

— Ё худойим! — деди ҳайратланиб Флоренс. — Сузиш бассейни, рақс зали, мингта хона, ажойиб боғ!

\* \* \*

Овқат маҳали улар Жакшн-Ситидаги сўнгги янгиликларни сўзлаб беришди.

— Бир оз бўлса ҳам соғиндингми? — деб сўради Дуглас.

— Ҳа. — Шу топда Мэри уйидан қанчалик узоқлашиб кетганини англади. У ерда тинч-сокин ҳаёт, барча дўстлар ва таниш-билишлар. Бу ерда эса — таҳлика, хавф-хатар, қизил рангда деворларга ёзилган дўқ-пўписалар. Қизил ранг — зўравонлик ранги.

— Нималар ҳақида ўйлаб қолдинг? — деб сўради Флоренс.

— Нима? Шунчаки ўзим. Хаёл олиб қочди. Европага келишингизнинг боиси нима?

— Мени Римга халқаро анжуманга таклиф этишди, — деб тушунтирди Дуглас.

— Борини гапиравер — деди Флоренс.

— Очиғи, келиш ниятим йўқ эди, бироқ сендан хавотирланганимиз сабабли келишга қарор қилдик.

— Қанчалик хурсанд бўлганимни билсангиз эди?

— Сени юлдузга айланасан, деб ҳеч ўйламагандим, — деди Флоренс хўрсиниб.

— Флоренс, — деди Мэри, — мен юлдуз эмас, эличиман.

— Мен бунга айтаётганим йўқ.

— Нимани бўлмаса?

— Ўзинг билмайсанми?

— Нимани?..

— Ўтган ҳафтада “Тайм”да сенга ва болаларга бағишланган каттагина мақола чоп этилди. Умуман, сен ҳақингда газета ва

журналларда тўхтовсиз ёзишяпти. Стэнтон Рожерс барча матбуот анжуманларида сени ўрناق қилиб кўрсатади. Президентнинг ўзи сен ҳақингда гапираётган бўлса. Ишон, сен ҳақингда тинимсиз ёзишяпти.

Мэри Стэнтон Рожерснинг сўзларини эслади: “Президент сизни тарғиб этаяпти”.

— Анча вақтга келдингизми?

— Мен бу ерда умрбод қолардим-у, аммо уч кундан кейин кетишимиз керак.

— Бу ерда Эдвардсиз қандай яшаяпсан? — деб сўради Дуглас.

— Ҳозир анча яхши. Лекин кечалари у билан гаплашиб чиқаман. Ғалати-я?

— Нимаси ғалати?

— Эдвардсиз барибир қийин. Аммо на илож...

— Бирортаси билан учрашмаяпсанми? — дея ийманиб сўради Флоренс.

— Учрашаяпман, — деди Мэри кулимсираб. — Дарвоқе, у билан тушлик пайтида кўришасиз.

Луи Дефорже бир кўришдаёқ Шайферларга ёқиб қолди. Улар французларни ўзига бино кўйган гўлдайган одамлар деб ҳисобларди. Доктор эса истараси иссиқ, ёқимтой суҳбатдош бўлиб чиқди. Дуглас иккиси тиббий масалаларда узоқ суҳбатлашишди. Мэри учун бу Бухарестдаги энг бахтли кунлардан бири эди. Шу кунларда у ўзини ниҳоятда хотиржам ва эркин ҳис этди.

Соат ўн бирда Шайферлар иккинчи қаватда уларга ажратилган хонага кўтарилишди. Мэри эса пастда Луи билан ёлғиз қолишди.

— Менга дўстларинг ёқди, — деди у. — Улар билан яна кўришамиз, деган умиддаман.

— Сен ҳам уларга маъқул келдинг, чоғи. Икки кундан кейин улар Канзасга қайтишади.

— Мэри, сен кетмоқчи эмасмисан?

— Йўқ, — деди у. — Мен қоламан.

У кулимсираб деди:

— Жуда соз. — Кейин бир оз иккиланиб, кўшиб қўйди: — Дам олиш кунлари тоққа чиқмоқчи эдим. Мен билан бирга бора олсанг, ажойиб иш бўларди.

— Албатта, бораман.

Масала осонгина ҳал бўлди.

У кечаси Эдвард билан хаёлан яна суҳбатлашди: “Азизим, мен ўла-ўлгунимча сени севаман, аммо сенсиз яшашга ҳам кўникишга мажбурман. Янги ҳаётга қадам кўйиш фурсати етди. Сен ҳамиша қалбимдасан, бироқ, ёнимда эркак бўлишини истардим. Луи, албатта, сенинг ўрнингни боса олмайди. У кучли, жасоратли ва меҳр-оқибатли инсон. У менга қарийб сенчалик азиз ва қадрли. Илтижо қиламан, мени тушунгин”.

Мэри каравотга ўтириб, тунги чироқни ёқди. У анчагача қўлидаги никоҳ узугига термулиб турди-да, кейин авайлаб бармоғидан чиқариб олди.

Узук унинг учун ибтидо ва интиҳо тимсоли эди.

Мэри уч кун Шайферларга Бухарестнинг диққатга сазовор жойларини кўрсатди. Шайферларнинг сафари қариб, учиб кетишганда, у хавф-хатарларга тўла бегона юртда якка-ёлғизликнинг бутун даҳшатини яна бир бор ҳис этди.

Эрталаб Мэри Майк Слейд билан қаҳва ичиб, бўлгуси ишларни маслаҳатлашиб олишди. Муҳокама тугагач, Майк ундан сўради:

— Турли миш-мишлар юрибди.

Мэри бундан хабардор эди.

— Ионескунинг янги жазмани ҳақидами? Назаримда у...

— Йўқ. Сиз ҳақингизда миш-мишлар.

Мэри диққатини жамлади.

— Наҳотки? Қандай миш-мишлар экан?

— Сиз доктор Луи Дефорже билан тез-тез учрашиб турасиз, шекилли.

Мэрининг жон-пони чиқиб кетди.

— Сизга бунинг дахли йўқ.

— Сиз Қўшма Штатлар элчисисиз. Шу боис бу элчихонада ишлайдиганларнинг барчасига дахлдор. Мавжуд қатъий қоидаларга қўра, чет эллик фуқаролар билан алоқа боғлаш ман этилган. Доктор эса — чет эллик. Устига-устак, у душман жосуси.

Мэрининг тили айланмай қолди.

— Бўлмаган гап! Доктор Дефорже ҳақида сиз нимани ҳам билишингиз мумкин?

— Сиз у билан илк бор қандай вазиятда учрашганингизни бир эсланг, — деди Майк. — Хавфга дуч келган хоним ва қурол-яроғи ялтираб турган рицар. Бу қадим-қадимлардан қўлланиб келинаётган найранг. Ўзим ҳам уни бир неча бор қўллаганман.

— Нимани қўллаганингиз ёки қўлламаганингиз мени заррача қизиқтирмайди, — деди Мэри. — Сиз унинг тирноғига ҳам арзимайсиз. У Жазоирда террорчиларга қарши курашгани учун улар хотини ва болаларини ўлдиришган.

— Қизиқ, — деди Майк. — Унинг маълумотномаси билан танишиб чиққанман. Докторнинг ҳеч қачон хотини ҳам, фарзандлари ҳам бўлмаган.

### *Йигирма бешинчи боб*

Улар Карпат тоғига кетаверишда анъанавий услубда қурилган “Овчи” ресторанида тушлик қилишди.

— Бу ресторан овланадиган ёввойи ҳайвон ва паррандалардан тайёрланган таомлари билан машҳур, — деди Луи. — Мен сенга кийик гўштини татиб кўришни маслаҳат берардим.

— Жуда соз.

Кийик гўшти чиндан ҳам мазали экан.

Луи оқ мусаллас буюрди. Унинг ёнида Мэри ўзини жуда хотиржам ҳис этарди.

Улар бу ерга келишдан аввал шаҳарда, элчихонадан анчагина узоқ жойда учрашишди.

— Қаёққа кетаётганимизни ҳеч ким билмагани маъқул, — деди Луи. — Акс ҳолда миш-мишлардан қутулмаймиз.

“Аллақачон тарқалиб бўлган”, — деб ўйлади Мэри.

Луи бир румин оғайнисининг машинасини сўраб олди. Унинг рақам белгилари маҳаллий эди. Мэри машина рақамлари полиция учун ўзига хос нишон эканини яхши биларди. Барча дипломатик ваколатхоналар машина рақамлари ўн иккидан бошланарди.

Пешиндан кейин улар яна йўлга тушиб, деҳқонлар аравалари ва лўлиларнинг фургонларини ортда қолдириб кетишди.

Машинани бошқаришидан Луининг тажрибали ҳайдовчи экани билиниб турарди. Унинг ҳаракатларига разм солиб бораётган Мэри

Майк Слейднинг гапларини эслади: “Мен унинг маълумотномасини кўздан кечирганман. Докторнинг ҳеч қачон хотини ҳам, фарзандлари ҳам бўлмаган”.

Мэри Слейднинг гапига ишонгиси келмасди. Ички бир туйғу у ёлғон гапираяпти, дегандек бўларди. Ахир, хонасининг деворларига пўписаларни Луи ёзмагани аниқ-ку! Бу шак-шубҳасиз бошқа одамнинг иши. Мэри Луига чин дилдан ишонарди. “Болаларига қараб турганда, унинг нигоҳида Мэри пайқаган илиқ ҳис-туйғулар ясама бўлиши мумкин эмас. Бундай найранг ҳеч кимнинг қўлидан келмаса керак”.

Эман дарахтлари ортда қолиб, қайинзор ва арчазорлар бошланди.

— Бу ерларда ов зўр бўлади — деди Луи. — Бу ўрмонларда ёввойи чўчка, кийик, тоғ эчкиси ва бўриларни учратиш мумкин.

— Мен ҳеч қачон овга чиқмаганман.

— Бир кун ўзим билан олиб чиқаман.

Оппоқ қор билан қопланган тоғ чўққилари улуғвор манзара касб этган. Улар сигирлар ўтлаб юрган ям-яшил яйловлар ёнидан ўтиб боришарди. Мэрининг назарида, теварак-атрофни қоплаган кулранг тусдаги булутларга қўл узатса, етар ва у муздек темирга ёпишиб қоладиган нарсани сингари қотиб қоладигандек туюларди.

Улар гўзаллиги билан донг таратган курорт — Сиоплга етиб келишганда кун қорая бошлаганди. Луи меҳмонхонада хонани расмийлаштиргунча, Мэри машинада ўтира турди.

Кекса хизматкор уларни хонасигача кузатиб қўйди. Бу ерда каттагина меҳмонхона, ётоқхона ва ажойиб тоғ манзараси кўриниб турадиган очиқ айвон бор экан.

— Мусаввир бўлишни қанчалар хоҳлашимни билсанг эди? — деди Луи хўрсиниб.

— Ҳа, чиндан ҳайрат уйғотадиган манзара.

У Мэрига яқинлашди.

— Мен бошқа нарсани, сенинг қиёфангни чизишни назарда тутгандим.

Мэри шу топда илк учрашувга чиққан ўн етти яшар қиздек ҳаяжонланаётганини англади.

Луи уни кучоқлаб, бағрига қаттиқ босди. Мэри унинг лаблари, баданини майин эркалаётган қўлларини ҳис этиб, бутун борлигини унутди.

Мэри шунчаки кўнгилхушликни эмас, кимдир уни бағрига босиши, юпатиши, ҳимоя қилиши, ёлғизликдан қутқаришини хоҳларди. Луи унга кераклигини юракдан ҳис этди.

Кечки пайт улар очиқ айвонда овқатланишди. Луи бу ерда машҳур бўлган олча ликёри — “Неурата”ни буюрди.

Шанба куни улар осма йўл орқали тоққа кўтарилишди. У ердан қайтгач, ёпиқ ҳавзада чўмилишди, иссиқ ҳаммомда кўнгилхушлик қилишди, эр-хотин немислар билан бриж ўйнашди.

Кечқурун қишлоқ ресторанида овқатланишга қарор қилишди. Улкан залдаги каминда олов ловуллаб турар, шифтда қандиллар, деворларда ов ўлжалари осиглиқ турарди. Деразадан эса қор билан қопланган тоғ чўққиси беқиёс чиройини кўз-кўз қиларди. Ажойиб гўша, ажойиб ҳамроқ.

Икки кун кўз очиб юмгунча ўтиб кетди.

“Яна воқеликка қайтиш керак”, — деб ўйлади Мэри. Унинг учун бу хавф-хатар, таҳлика, деворларга кўрқинчли сўзлар ёзиладиган жой эди.

Руҳан яқин бўлиб қолгани сабабли, қайтаётганда уларнинг кўнгли хотиржам эди. Бухарестга яқинлашганда, Мэрининг кўзи қуёшга бўй чўзиб турган кунгабоқарларга тушди.

“Улар ҳам менга ўхшайди, — деб ўйлади у. — Мен ҳам улар сингари самога, қуёшга интиламан”.

Тим ва Бет ойисининг келишини кутиб ўтирган экан.

— Луига турмушга чиқасизми? — деб сўради Бет.

У нима деб жавоб беришини билмасди. Ўзига-ўзи бу саволни беришга қўрқарди.

— Нега индамайсиз?

— Билмадим, — деди Мэри оҳиста. — Сиз ўзингиз бунга қандай қарайсиз?

— У, албатта, дадамнинг ўрнини боса олмайди, — деди Бет. — Лекин Тим иккимиз розимиз. У бизга ёқади.

— Менга ҳам, — деди Мэри шодланиб. — Менга ҳам жуда ёқади.

Стул устидаги гулдонда ўнточа атиргул кўзни яшнатиб турарди. Ёнида кичкина мактубча ҳам бор: “Унутилмас дамлар учун ташаккур”.

Мэри мактубни ўқиб, у Ренегга ҳам гул тақдим этганмикан, деб ўйлади. Умуман, аслида Рене ва икки қизи бўлганмикан? Ҳадеб кўнглига келадиган бундай ўй-хаёллар учун Мэри ўзидан-ўзи нафратланиб кетарди. “Бундай ёлгон-яшиқ гаплар Майк Слейдга нимага керак бўлди экан?” Буни текшириб қўришнинг йўли бормикан? Шу пайт хонага сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчи ва МРБ жосуси Эдди Мальц кириб келди.

— Кўринишингиз чакки эмас, элчи хоним. Яхши дам олдингизми?

— Ҳа, миннатдорман.

Улар Фарбга қочмоқчи бўлган румин полковниги масаласини муҳокама этишди.

— У биз учун ниҳоятда қимматли маълумот манбаи бўлиши мумкин. Ҳозиргача ҳам ундан анча маълумот олишга муваффақ бўлдик. Бу масала билан шахсан ўзим шуғулланаман, бироқ, Йонескунинг газабланишига тайёр бўлишингизни истардим.

— Яхши, мистер Мальц.

У ўрнидан кўзгалди.

Мэри бехосдан миясига келган фикрга бўйсуниб, ундан сўради:

— Шошманг! Сизга илтимос билан мурожаат этсам бўладими?

— Бемалол, элчи хоним.

Мэри гапни нимадан бошласам экан, деб бир пас ўйланиб қолди.

— Бу ўртамизда қоладиган шахсий ва махфий масала.

— Бизнинг шиоримизга ўхшаб кетар экан, — деди Эдди Мальц МРБсини назарда тутиб.

— Мени доктор Луи Дефоржега алоқадор баъзи маълумотлар қизиқтиради. Уни танийсизми?

— Ҳа, у Франция элчихонасида ишлайди. У ҳақда нимани билмоқчисиз?

Бу Мэри ўйлаганидан мураккаброқ иш эди. У ўзини сотқиндек ҳис этарди.

— Мен... мен докторнинг уйлангани ва фарзандлари бўлган-бўлмаганини билмоқчиман. Сиз буни аниқлай оласизми?

— Ҳа. Жавобини йигирма тўрт соатдан кейин олсангиз бўладими?

— Ҳа, албатта.

“Луи, илтимос, мени кечир”.

Бир оздан кейин хонасига Майк Слейд кириб келди.

— Хайрли тонг.

— Хайрли тонг.

У қўлидаги қаҳва солинган идишчани Мэрининг олдига қўйди. Майкнинг қиёфасида қандайдир ўзгариш юз берган эди. Мэри айнан нималигини англамас-да, дам олиш кунларида унинг қаёққа борганини Майк биладигандек туюлди. Наҳотки, у жосусларини ҳаммаёққа қўйиб ташлаган бўлса?

Мэри қаҳвадан бир қултум ичди. У ҳар галгидек жуда мазали эди. “Унинг қойилмақом қилиб бажарадиган ягона иши шу бўлса керак”, — деб ўйлади Мэри.

— Айрим муаммолар бор, — деди Майк.

Улар Ғарбга кетмоқчи бўлган руминлар, мамлакатдаги молиявий инқироз, америкалик аскардан ҳомиладор бўлиб қолган қиз ва яна ўнлаб бошқа масалаларни муҳокама қилишди. Суҳбат якунида Майк Слейд одатдагига қараганда анча ҳориган кўринди.

— Эртага янги балет мавсумининг очилиши, — деди у. — Карино Соколи рақсга тушади.

Мэрига бу исм таниш эди. Карино дунёдаги энг машҳур раққосалардан ҳисобланарди.

— Менда чипталар бор. Агар хоҳласангиз...

— Йўқ, миннатдорман.

Мэри ўтган сафар ундан чипта олиб, қандай ҳодиса юз берганини эслади. Қолаверса, вақти ҳам зиқ. Бугун у Хитой элчихонасига кечки зиёфатга бориши, кейин қароргоҳда Луи билан учрашиши керак эди. Мэри бошқа элчихона вакиллари билан ишқий саргузаштлар мавжуд қоидаларга хилоф эканини яхши биларди. Аммо, унинг Луи билан муносабатлари шунчаки ишқий саргузашт эмасди-да.

\* \* \*

Мэри қабул зиёфатига киймоқчи бўлган қўйлагини олиб, кайфияти бузилди: оқсоч уни кимёвий тозалашга бериш ўрнига ўзи ювибди. Қўйлак расво бўлган эди.

“Мен уни бўшатаман! — деб ўйлади Мэри жаҳл билан. — Афсуски, бўлмағур қоидалар туфайли бундай қилишга ҳаққим йўқ”.

Мэри қаттиқ чарчагани, буткул ҳолдан тойганини ҳис этди. “Қани эди, бормасликнинг иложи бўлса... Уйда қолиб, тўйиб-тўйиб ухласа. Йўқ, элчи хоним, бормасангиз бўлмайди. Мамлакатингизнинг тақдири сизнинг қўлингизда”.

У хаёлар оғушига берилди. Зиёфатга бориш ўрнига у каравотга чўзилиб ётади. Хитой элчиси эса меҳмонларни кутиб, унинг келишини пойлаб туради. Ниҳоят, меҳмонларни дастурхонга таклиф этишади. Америка элчисидан ҳамон дарак йўқ. Бу атайлаб қилинган ҳаракат деб баҳоланади. Хитойнинг обрўйига путур етади. Элчи зудлик билан бу ҳақда бош вазирга ахборот беради. У эса АҚШ президентига қўнғироқ қилиб, норозилик билдиради. Президент Эллисон “Ҳеч ким элчимизни зиёфатларингизга боришга мажбур қила олмайди”, — деб бақиради. “Мен билан бундай оҳангда гаплашишга ҳеч кимга йўл қўймайман! Биз, президент жаноблари, мамлакатингизга атом бомбалари билан ҳужум қиламиз”. Шу тариқа, давлат бошлиқлари қизил тугмачаларни босади. Қирғинбарот уруш бошланиб, икки мамлакат ер юзидан ғойиб бўлади.

Мэри зўрға ўрнидан турди. Ўша ярамас зиёфатга бормасликнинг асло иложи йўқ.

Кўз ўнгидан таниш дипломатларнинг қиёфалари бирма-бир намоён бўлди. Мэри у билан бир стол атрофида ўтирган қўшнилари билан деярли гаплашмас, тезроқ уйга кетгиси келарди.

Флориан билан қароргоҳга кетаётганда, Мэри ўзича кулиб қўйди: “Қизиқ, мен бугун ядро урушини бартараф этганимдан президент хабардормикан?”

Эрталаб у ўзини ёмон ҳис этарди. Кўнгли айниб, боши қаттиқ оғрирди. Эдди Мальцнинг ташрифидан кейингина бир оз енгиллашгандек бўлди.

— Сизни қизиқтирган маълумотларни олдим, — деди у. — Доктор Луи Дефорже ўн тўрт йил никоҳда бўлган. Хотинининг исми — Рене. Ун ва ўн икки яшарли қизлари бўлган. Улар Жазоирда террорчилар қўлида вафот этган. Доктор террорчиларга қарши яширин кураш олиб борган. Сизни яна қандай маълумотлар қизиқтиради?

— Етарли, — деди Мэри енгил нафас олиб. — Ташаккур.

Эрталабки қаҳва маҳали Мэри ва Майк Слейд Америка коллежлари вакилларининг Руминияга ташрифига доир масалани муҳокама этишди.

— Улар президент Ионеску билан учрашиш ниятида бўлса керак.

— Бу масалани ҳал қилишга ҳаракат қиламан, — деди Мэри ҳолсизланиб. Унинг тили айланмай қолди.

— Сизни ҳеч нима безовта қилмаяптими?

— Мен шунчаки қаттиқ чарчаганман.

— У ҳолда сиз яна битта қаҳва ичишингиз керак. У кайфиятингизни кўтаради.

Кечга бориб Мэрининг аҳволи ёмонлашди. У Луига кўнғироқ қилиб, кечки овқатга боролмаслигини айтди. Жони оғриётгани сабабли кўзига ҳеч нима кўринмасди. Аксига олиб, Бухарестда бирорта ҳам америкалик шифокор йўқ. Касалликнинг сабабини балки Луи аниқлаб берар. Мэри “Аҳволим ёмонлашса, унга кўнғироқ қиламан”, — деган тўхтама келди.

Дороти Стоун ҳамшира орқали унга “Тайленол” таблеткаларини бериб юборди. Аммо у ҳам кор қилмади.

Мэрининг аҳволи котибасини ҳайрон қолдирди.

— Кўринишингиз яхши эмас, элчи хоним. Ётмасангиз бўлмайди.

— Ҳаммаси яхши бўлади, — деди Мэри ўзини тетик тутишга уриниб.

Иш куни унга гўё минг соатга чўзилгандек туюлди. Мэри бугун талабалар, румин зобитлари, америкалик банкир, ЮСИА (Америка ахборот агентлиги. — *Тарж.*) вакили билан учрашди, Дания элчихонасида узундан-узоқ давом этган зиёфатда иштирок этди. Ниҳоят, уйга қайтгач, ўзини каравотга ташлади.

Мэрининг иссиғи кўтарилиб, алаҳсиради. У чексиз йўлақлар бўйлаб югурар, муюлишга бурилиб, ҳар гал деворларда гўё қон билан ёзилган ёзувларга дуч келарди. Қандайдир эркак тинимсиз уни таъқиб этар, Луи пайдо бўлганда, бир тўда одам уни машинага тиқишга уринарди. Майк Слейд Луининг ортидан югуриб, “Уни ўлдилинг! Унинг оиласи йўқ!” — деб бақирарди.

Мэри кўзини очганда терга ботиб кетганди. Хона унга ҳаддан ташқари иссиқ бўлиб туюлди. Устидаги кўрпани отиб юборган эди, совуқдан даг-даг титрай бошлади. “Эй, Парвардигор! — деб ингради у. — Менга нима бўлган ўзи?”

У яна алаҳсирашдан кўрқиб, тунни бедор ўтказди.

Эрталаб ўрнидан туриб, элчихонага бориш учун бор куч ва иродаси тўплашига тўғри келди.

Майк Слейд уни кутиб турган эди. У Мэрига синчковлик билан разм солиб деди:

— Сиз бетобга ўхшайсиз. Франкфуртга бориб, у ердаги шифокоримизга кўришиб келсангиз бўлмасмикан?

— Мендан хавотир олманг. — Унинг лаблари ёрилиб, териси шилиниб қолган эди.

Майк унга қаҳва солинган идишни узатди.

— Менда савдо-сотик бўйича баъзи маълумотлар бор. Назаримда, руминларга мўлжалланганидан кўра кўпроқ галла керак бўлади. Биз мана буларни қилишга...

Мэри унинг гапларининг мазмунини англашга ҳар қанча уринмасин, Майкнинг овози унга узоқ-узоқлардан келаётгандек туюлди.

У иш кунининг охиригача бир амаллаб чидади. Луи икки марта кўнғироқ қилган экан, аммо Мэри котибасига ким бўлишидан қатъи назар, у йиғилишга кетган, деб айтиш деганди.

Кечқурун уйга қайтиб, тўшакка ётгач, иссиғи яна кўтарилди. Азойи-бадани зирқираб оғрирди. “Дарди бедавога йўлиқибман, — деб ўйлади у. — Куним битган кўринади”. Мэри бор кучини жамлаб, кўнғироқ тугмачасини босди. Ётоқхонага оқсоч Кармен кириб келди.

У Мэрини кўриб даҳшатга тушди.

— Элчи хоним! Сизга нима бўлди?

— Сабинага айт, Франция элчихонасига кўнғироқ қилсин. Менга доктор Дефорже керак...

Мэри кўзини очиб, бир неча бор пирпиратди. Унинг рўпарасида қиёфаси докторга ўхшаган иккита шарпа турарди. Луи унга яқинлашиб энгашди ва қизариб кетган юзини диққат билан кўздан кечирди.

— Ё раббим! Сенга нима бўлди? — унинг пешонаси ёнарди. — Иссиғингни ўлчаганмидинг?

— Йўқ, — деди Мэри бир оз ўзига келиб.

— Азизам, бу ҳол қанча вақтдан буён давом этапти?

— Икки-уч кун бўлди. Қандайдир вирус бўлса керак-да.

Луи унинг томир уришини текшириб кўрди: у суст ва нотекис эди.

Доктор Мэрининг юзига яқинлашиб, ҳидлади.

— Бугун саримсоқ пиёз емаганмидинг?

Мэри бошини чайқаб қўйди.

— Икки кундан буён оғзимга туз олганим йўқ.

Доктор унинг қовоқларини кўтариб кўрди.

— Ташналик сезаяпсанми?

Мэри бош ирғади.

— Оғриқ, томир тортиши, кўнгил айниши, қусиш?

Мэри жавоб бериш ўрнига ундан сўради:

— Менга нима бўлган, Луи?

— Сен баъзи саволларимга жавоб бера оласанми?

— Ҳаракат қиламан.

Луи унинг кўлидан тутди.

— Бу қачон бошланди?

— Тоғдан қайтганимиздан кейинги куни.

— Эслаб кўр: балки овқатдан кейин ўзингни ёмон ҳис эта бошлагандирсан?



Мэри бошини чайқади.

— Кун сайин аҳволим оғирлашиб борди.

— Болалар билан шу ерда нонушта қиласанми?

— Одатда, шу ерда.

— Болалар ўзини яхши ҳис этаяптими?

Мэри яна бош ирғаб қўйди.

— Тушлик-чи? Сен доимо бир жойда тушлик қиласанми?

— Йўқ. Баъзан элчихонада, баъзан ресторанларда. — Унинг овози зўрға эшитиларди.

— Балки сен доимо бир жойда овқатланарсан ёки бир хил нарса ерсан?

Мэрининг гапиришга ҳоли йўқ эди. У шу онларда докторнинг кетишини, уни тинч қўйишларини истарди. Мэри кўзини юмиб олди.

Луи унинг елкасидан ушлаб, авайлаб силкитди.

— Мэри, кўзингни оч! Гапимга қулоқ сол! — Докторнинг овозида жиддий хавотир сезиларди. — Сен доимо бир одам билан овқатланасанми?

Мэри уйқу аралаш унга тикилди. “Бу одамга мендан ўзи нима керак?”

— Йўқ. Луи бу ўзи вирусми?

Доктор чуқур хўрсинди.

— Бу вирус эмас. Сени кимдир заҳарламоқчи.

Мэри чақмоқ ургандек бўлди. У кўзини очиб сўради:

— Нима? Мен бунга ишонмайман.

Луининг кайфияти бузилиб, қовоғи осилди.

— Кимдир сени маргимуш билан заҳарламоқчи, лекин Руминияда уни топиб бўлмайди.

Бирдан Мэрининг кўнглига гулгула тушди.

— Ким... бу кимга керак бўлди экан?

Луи унинг кўлини сиқиб қўйди.

— Жонгинам, эслашга уриниб кўр. Бир одам билан бирор нарса ейиш ёки ичиш одатинг борми?

— Албатта, йўқ, — деди Мэри ижирғаниб. — Айтдим-ку сенга, мен ҳеч қачон... — Тўсатдан унинг миясига келган “Қаҳва. Майк Слейд. Қаҳвани унинг ўзи тайёрлайди”, деган фикрдан Мэри инграб юборди. — Эй, худойим! Наҳотки, бу Майк Слейд бўлса?

— Нима?

Мэрини йўтал тутиб қолди.

— Ҳар кун эрталаб Майк Слейд менга қаҳва келтиради. У ҳамиша мени кутиб туради.

Луи унга ишонқирамай қаради.

— Йўғ-е. Бу ишни Майк Слейд қилиши мумкин эмас. Сени ўлдиришдан унга нима наф бор?

— У... у мендан қутулмоқчи.

— Майли, бу ҳақда кейин гаплашамиз, — деди Луи қатъий оҳангда. — Аввал сени даволаш керак. Аслида касалхонага ётишинг керак, аммо элчихонангдаги қонун-қоидаларга биноан, бундай қила олмаймиз. Ўзим дори-дармон олиб келаман. Мен тезда қайтаман.

Мэри ётган жойида Луининг гапларини англаб етишга ҳаракат қиларди. Маргимуш. Кимдир унга маргимуш бераяпти. “Қаҳвадан яна битта ичингиз керак. У сизни тетиклаштиради. Мен ўзим тайёрлаб бераман”.

Мэри хушидан кетаёзганди, Луининг овозигина уни воқеликка қайтарди.

— Мэри!

У зўрға кўзларини очди. Луи каравот ёнида туриб, сумкасидан шприц олаётган эди.

— Яхшимисан, Луи. Келганингдан хурсандман, — деди у ҳазин овозда.

Луи унинг томирига игна санчди.

— Мен маргимушга қарши доридан укол қилдим. Эрталаб яна битта қиламиз. Мени эшитаяпсанми, Мэри?

У ухлаб қолган эди.

Доктор Дефорже унга эрталаб ва кечкурун укол қилди. Дорининг таъсири дарров сезилиб, касаллик аломатлари аста-секин йўқолди. Яна бир кундан кейин Мэри соппа-соғ эди.

Луи Мэрининг ётоқхонасидан чиқиб кетишдан олдин синчков хизматкорлар сезиб қолмаслиги учун шприцни сумкасига яширди.

Мэри гўё узоқ давом этган касалликдан сўнг оёққа тура бошлаган беморга ўхшаб анча толиққан кўринса-да, оғриқ ва ёқимсиз ҳиссиётлардан халос бўлган эди.

— Сен икки бор ҳаётимни сақлаб қолдинг.

Луи унга қизиқсиниб қаради.

— Энди ҳаётингни олмоқчи бўлган одамнинг кимлигини аниқлашимиз керак, деб ўйлайман.

— Буни қандай қилиб аниқлаш мумкин?

— Мен элчихоналардан сўраб-суриштирдим. Бирортасида ҳам маргимуш йўқ. Фақат америка элчихонаси ҳақида аниқ маълумот йўқ. Мен учун баъзи маълумотларни аниқлаб беришингни истардим. Эртага ишга бора оласанми?

— Ҳа.

— Унда элчихонадаги дорихонага кириб, ҳашаротларга қарши восита керак деб айт. Яхшиси, “Антрол”ни сўраб ол — унинг таркибида маргимуш кўп.

Мэри унга ҳайрон бўлиб тикилди.

— Уни сўрашим шартми?

— Ҳа. Бу заҳарли дори чет элдан келтирилган бўлиши керак. Тахминимча, уни фақат америка элчихонасидан топишимиз мумкин. Молиявий қоғозга имзо чекаётганингда, унга яна кимларнинг исми шарифи қайд этилганига эътибор бер.

Мэри элчихона дорихонасига олиб борадиган йўлакка бурилди. Ойнача ортида ҳамшира ўтирган экан.

— Хайрли тонг, элчи хоним. Тузалиб қолдингизми?

— Ҳа, миннатдорман.

— Сизга ёрдамим керак эмасми?

— Боғбонимиз ҳашарот кўпайиб кетибди, уларни йўқотишимиз керак деяпти. Сизда уларга қарши бирон-бир заҳарли восита, масалан, “Антрол” борми?

— Ҳа, бор. — Ҳамшира жавондан “Заҳар” деб ёзилган идишни олди. — Йилнинг бу фаслида ҳашарот пайдо бўлиши жуда ғалати-ю. — У Мэрига молия қоғозни узатди. — Илтимос, имзо чекинг. “Антрол”нинг таркибида маргимуш кўп.

Мэри олдидаги вараққа кўз ташлади. Унда фақат битта одамнинг исми шарифи қайд этилган эди.

Майк Слейд.

### Йигирма олтинчи боб

Мэри бу гапни айтмоқчи бўлиб, Луига қўнғироқ қилганида, алоқа тармоғи банд эди. Худди шу пайтда у Майк Слейд билан гаплашаётганди. Дастлаб доктор тайёрланаётган қотилликни ошкор қилиш ниятида эди. Аммо бу ишни Майк Слейд қилиши мумкинлигига сира ишонгиси келмасди. Шунинг учун ҳам Луи унга қўнғироқ қилиб, бу масалага оидинлик киритишга қарор қилди.

— Мен ҳозиргина элчингизнинг хузурида бўлдим, — деди у Майк Слейдга. — У яшайди.

— Зўр янгилик-ку! Нима, у ўлаётганмиди?

— Кимдир уни заҳарламоқчи бўлган кўринади, — деди Дефорже тусмоллаб.

— Нима ҳақда гапираяпсиз ўзи?

— Нима ҳақдалиги сизга сир бўлмаса керак, деб ўйлайман.

— Шошманг! Тагин, мендан хавфсираётган бўлманг? У ҳолда қаттиқ янглишасиз. Сиз билан ҳеч ким гапимизни эшита олмайдиган бир жойда учрашсак, нима дейсиз? Дейлик, бугун кечкурун.

— Соат нечада?

— Мен тўққизгача бандман. Тўққиздан ошганида Баняс ўрмонида учрашайлик. Сизни фаввора ёнида кутаман ва бор гапни тушунтириб бераман.

— Бўпти, — деди Дефорже иккиланиб. — Мен албатта бораман.

У гўшакни жойига қўйиб, “Бу ишни Слейд қилиши мумкин эмас”, деб ўйлади.

Мэри докторга қайта қўнғироқ қилганда, у кетиб бўлган экан. Уни қардан топиш мумкинлигини ҳеч ким билмасди.

Мэри қароргоҳда болалар билан овқатланиб ўтирарди.

— Кўринишинг яхши, ойижон, — деди Бет. — Сендан роса хавотирландик.

— Ҳа, худога шукр. Ўзимни яхши ҳис этаяпман, — деди Мэри хаёлан Луидан миннатдор бўлиб.

Майк Слейд сира унинг хаёлидан кетмасди. Унинг гаплари ҳамиша қулоғи остида жаранглаб турарди: “Мана қаҳвангиз. Мен уни ўзим тайёрлаганман”. Наҳотки, аста-секин унинг жонини олаётган одам шу бўлса!?

У бехосдан сесканиб кетди.

— Совуқ қотаяпсизми? — деб сўради Тим.

— Йўқ, азизим.

Болалари унинг қўнғилдан кечаётган гапларни билмагани маъқул. “Уларни маълум муддатга уйга жўнатсаммикан? — деб ўйлади у ўзича. — Флоренс ва Дуглас билан яшаб туришарди. Ўзим ҳам улар билан кетсаммикан?” Аммо бу унинг мағлубиятга учрагани ва Майк Слейд ёки хўжайинларининг галабасини англатарди. Бундай вазиятда фақат бир одам унга ёрдам бериши мумкин. Стэнтон Рожерс. Фақат у Майк Слейдни бир ёқлик қилиши мумкин.

“Аммо қўлимда бирон-бир далил бўлмаса, унга нима дейишим мумкин? Майк Слейд жингалак ҳар куни қаҳва билан мени меҳмон қилди дейманми?”

Тим жон куйдириб, унга бир нималар дерди:

— ... биз аввал сендан рухсат сўраймиз деб жавоб бердик.

— Кечир, азизим. Нима деяётгандинг?

— Николай келаси якшанбада табиат қўйнида дам олишга бизни таклиф қилганини айтаяпман.

— Йўқ, — деди Мэри шоша-пиша. — Мен қароргоҳдан чиқишингизни хоҳламайман.

— Унда мактаб нима бўлади? — деб сўради Бет.

Мэри нима деб жавоб қилишини билмай, иккиланиб қолди. Уларнинг бу ерда қамалиб ўтиришларини ҳам истамасди, хавф-хатарга дучор бўлишларини ҳам хоҳламасди.

— Агарда сизларни Флориан олиб борса, майли, розиман. Бошқа ҳар қандай одамнинг олиб боришига қаршиман.

Бет ажабланиб унга қаради:

— Бирор кори ҳол юз бердими, ойи?

— Йўқ-йўқ, — деди Мэри уни ишонтиришга уриниб. — Нима учун бундай деяпсан?

— Ким билади. Кўнглим алағда...

— Ойимни тинч қўйсанг-чи. Ахир, ойимнинг румин гриппига чалинганини биласан-ку.

“Қизик ибора, — деб ўйлади у. — Қачондан буён маргимуш билан заҳарлаш румин гриппи деб аталадиган бўлибди?”

— Бугун биргаликда бирорта фильм кўрсак бўлмайдими?

Мэрининг бунга тоби бўлмаса-да, болаларига етарлича эътибор беролмаётгани учун рози бўлишга қарор қилди.

— Бўпти.

— Ташаккур, элчи хоним! — дея қичқирди Тим. — Фильмни ўзим танлайман.

— Йўқ, бугун танлаш навбати меники, — деб эътироз билдирди Бет. — Балки, “Деворларга американча ёзувлар”ни кўрармиз?

“Деворларга американча ёзувлар”. Мэри ниҳоят калаванинг учини топгандек бўлди.

Мэри ярим тунда Карменга такси чақиртиришни илтимос қилди.

— Сизни Флориан олиб бориши мумкин, — деди у.

— Йўқ, такси чақиртир!

Мэрининг қаяққа йўл олганини ҳеч ким билмаслиги керак эди.

Бир неча дақиқадан кейин етиб келган таксига ўтириб, Мэри ҳайдовчига борадиган манзилни айтди:

— Илтимос, америка элчихонасига.

— У аллақачон ёпилган-ку, — деди ҳайдовчи. — У Мэрига қайрилиб, уни таниди. — Элчи хоним! Бу мен учун катта шараф! — Такси ўрнидан кўзгалди. — Газета ва журналларимизда суратларингизни кўришга муяссар бўлганман. Бизнинг буюк етакчимиз сингари сиз ҳам жуда машҳурсиз.

Элчихонада унинг румин матбуотида шуҳрат қозонгани анчадан буён муҳокама этиладиган асосий мавзулардан бири бўлиб қолган эди.

Ҳайдовчи тўхтовсиз гапириб борарди:

— Америкаликларни жуда яхши кўраман. Улар жуда меҳр-оқибатли одамлар-да. Президентингизнинг “Халқ дипломатияси” дастури ҳаммамизга наф келтиради, деб умид қиламан. Дунёдаги барча халқлар бир-бири билан тинч-тотув яшаши керак.

Унинг ҳайдовчи билан гаплашишга тоби йўқ эди.

Элчихонага яқинлашганда Мэри унга “Фақат элчининг машинаси учун” деб ёзилган тўхташ жойига ишора қилди.

— Мени шу ерда кутинг. Бир соатда қайтаман.

— Хўп бўлади, элчи хоним.

Таксининг олдига навбатчи денгиз пиёдаси яқинлашди.

— Бу ерга машина қўйиш ман этилган. — Мэрига қўзи тушиб, у билан ҳарбийчасига саломлашди. — Кечирасиз. Хайрли кеч, элчи хоним.

— Хайрли кеч.

— Сизга ёрдамим керак эмасми?

— Йўқ. Мен бир неча дақиқага хонамга кўтарилишим керак.

Мэри хонасининг чироғини ёқиб, деворга ёзилган пўписаларга кўз ташлади. Кейин Майк Слейд ўтирадиган хонага яқинлашиб, эшикни очди. Хона зим-зиё эди. У чироқни ёқиб, атрофга разм солди.

Столнинг усти бўм-бўш эди. У тортмаларни бирма-бир очиб кўра бошлади. Уларда асосан ҳар хил рисола ва бюллетенлардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Хуллас, фаррошларни қизиқтирмайдиган кераксиз қоғозлар. Наҳотки, Слейд бўёқни ўзи билан олиб юрган бўлса?

У яна бир бор тортмаларни синчиклаб кўздан кечирди. Энг пастки тортмада қўли қаттиқ бир нарсани пайпаслади. Мэри уни чиқариб олди-да, турган жойида қотиб қолди.

Бу бўёқ солинган кичкина баллон эди.

\* \* \*

Соат ўнлардан ўтганда, доктор Дефорже Баняс ўрмонидаги фаввора олдига келиб кутиб турарди. Майк Слейд ҳақида ахборот бермасдан тўғри иш қилдимми деган фикр унга тинчлик бермасди. “Йўқ, — деди у ўзига ўзи. — Аввал унинг гапларини эшитиб кўраман. Мабодо, уни асоссиз равишда айблаётган бўлсам, Слейдни соғ қўйишмайди”.

Майк Слейд бехосдан пайдо бўлди.

— Келганингиз учун ташаккур. Биз ҳозир ҳаммасига аниқлик киритамиз. Телефон орқали гаплашганимизда, кимдир миссис Эшлини заҳарламоқчи дедингизми?

— Бунга ишончим комил. Унга маргимуш беришган.

— Бу ишни мендан кўраяпсизми?

— Сиз маргимушни қаҳвага солган бўлишингиз мумкин.

— Бу гумонларингизни биронта одамга айтдингизми?

— Йўқ. Аввал сиз билан гаплашиб олиш керак деб ўйладим.

— Тўғри иш қилгансиз. — Майк қўлини чўнтагидан чиқарди. Қўлида “магнум” тўппончаси ярқираб турарди.

Луи унга қараб, бақрайиб қолди:

— Нима... нима қилмоқчисиз? Гапимни эшитинг! Бундай қилишга ҳаққингиз...

Майк Слейд тепкини босганда отилиб чиққан ўқ докторнинг кўрагини тешиб юборди.

### *Йигирма еттинчи боб*

Мэри Стэнтон Рожерс билан боғланишга уриниб, “Аквариум”да ўтирарди. Бухарестда тунги соат бир, Вашингтонда эса — кечки соат олти.

— Мистер Рожерснинг қабулхонаси.

— Мен элчи Эшлиман. Мистер Рожерснинг президент билан Хитойга кетганидан хабарим бор, аммо у билан дарҳол гаплашмасам бўлмайди. У билан қандай боғланиш мумкин?

— Кечирасиз, элчи хоним. Уларнинг борар жойлари тез-тез ўзгариб турибди. Уни қандай топиш мумкинлигини билмайман.

Мэри юраги тез ураётганини ҳис этди.

— У сизга қўнғироқ қилиши мумкинми?

— Айтишим қийин. Балки давлат департаментидаги бошқа ходим билан гаплашарсиз?

— Йўқ, — деди Мэри сўниқ овозда. — Миннатдорман.

У хонада бир ўзи ташвишли ўй-хаёлларга чўмиб ўтирарди. Бу ердаги энг замонавий асбоб-ускуна ҳам унга ёрдам бера олмайди. Майк Слейд уни ўлдирмоқчи бўлгани аниқ. Буни кимгадир айтиш керак. Лекин кимга? Бундай вазиятда у кимга ишониши мумкин? Слейднинг жинойтидан Луи Дефоржегина хабардор.

Мэри унга яна бир бор қўнғироқ қилди, аммо ҳеч ким жавоб бермади. Шу пайт Стэнтон Рожерснинг сўзлари ёдига тушди: “Агарда қандайдир ахборот фақат менинг қўлимга тушишини хоҳласангиз, коднинг ўрнига учта “Х” ҳарфини қўйсангиз, бас”.

У хонасига шошиб борди-да, Стэнтон Рожерсга телеграмма ёзди. Коднинг ўрнига учта “Х” ҳарфини ёзиб қўйди. Сейфдан кодларни олиб, телеграммани шифрлади. Ҳар ҳолда, бирор корихол юз берса, Стэнтон Рожерс айбдорни билиши мумкин.

Мэри алоқа хонасига йўл олди. У ерда МРБ жосуси Эдди Мальцага дуч келди.

— Хайрли кеч, элчи хоним.

— Хайрли кеч, — деди Мэри. — Телеграмма жўнатмоқчи эдим. Зудлик билан.

— Шахсан ўзим бу иш билан шуғулланаман.

Мэри телеграммани унинг қўлига тутқазиб, хонадан чиқиб кетди. У болаларининг олдига шошарди.

Эдди Мальц махсус кодлар ёрдамида телеграмманинг мазмунини аниқлади. Ишни тугатгач, у пешонасини тириштириб, икки марта ўқиб чиқди. Кейин телеграммани қоғозни майдалаб қирқадиган машинага ташлаб, унинг қийқим қоғозчаларга бўлиниб кетаётганини кузатиб турди.

Шундай кейин у АҚШ давлат котиби Флойд Бейкерга қўнғироқ қилди. Унинг код номи — Тор эди.

Лев Пастернакнинг Буэнос-Айресгача етаклаб келган изга тушиши учун икки ой керак бўлди. “Интеллиженс сервис” ва бошқа махфий хизматлар Грозанинг ўлдирилиши бу — Фариштанинг иши эканини аниқлаб берди. Унинг жазмани — Неуса Муньеслигини МОССАДдан (Исроилнинг махфий хизмати. — *Тарж.*) билиб олди. Барча махфий хизматлар Фариштанинг изига тушиб, йўқ қилмоқчи эди, аммо Лев Пастернак учун бу иш ҳаётининг мазмунига айланди. Гроза айнан унинг айби билан ўлдирилгани учун ўзини сира кечира олмасди. Қандай бўлса ҳам, ўч олиши керак эди.

Пастернак Неуса Муньес билан учрашиб ўтирмади. Унинг яшаш жойини аниқлагач, Фариштанинг келишини кутиб, уйни кузатувга олди. Беш кундан кейин ҳам Фариштадан дарак бўлмагач, у ҳаракат қилишга қарор қилди. Неуса Муньеснинг уйдан чиқиб кетиши билан, кулфни бузиб, ичкарига кирди. Уйнинг ҳаммаёғини тинтиб чиқди. На сурат топа олди, на бирон бир манзил.

Кийим жавонини очиб, кўзи осиглиқ турган бир талай камзулларга тушди. Ёқасидаги ёрликдан улар “Эррера” ательесига тикилганини аниқлаб, уйга қандай хотиржам кириб келган бўлса, шундай чиқиб кетди.

Эрталаб Пастернак “Эррера” ательесига йўл олди. Унинг сочлари хурпайган, кийимлари гижим, оғзидан вискининг ҳиди анқиб турарди.

Ателье бошқарувчиси афтини бужмайтириб ундан сўради:

— Хизмат, синьор?

Лев Пастернак кайфи бор одамдек беўхшов тиржайди:

— Гап шундаки, — деди у. — Очиғини айтсам, кеча жуда оширворибман. Қандайдир лотинамерикаликлар билан карта ўйнагандим. Хуллас, кайфимиз ошиб қолибди. Улардан бири — исми ёдимда қолмабди — камзулини қолдириб кетибди. — Лев қўли қалтираб, камзулни бошқарувчига узатди. — Мана бу ерида ёрлиғингизни кўриб, балки уни топишга ёрдам берарсиз деб киргандим.

У камзулни кўздан кечирди.

— Ҳа, ростдан ҳам бизда тикилган. Мижозлар қайд этилган китобдан кўришимга тўғри келади. Сизни қаердан топсам бўлади?

— Бир нима дейишим қийин, — деди Лев Пастернак гўлдираб. — Мен яна карта ўйнашга кетаяпман. Ўзингизнинг телефон рақамингизни берсангиз, кейинроқ кўнғироқ қилардим.

— Марҳамат. — Бошқарувчи унга ташриф қоғозини узатди.

— Эй, оғайни! Камзулни олиб, жуфтакни ростлаб қолмагин тагин? — деди Лев ичган одамга ўхшаб ишшайиб.

— Йўғ-е, — деди бошқарувчи аччиги чиқиб.

Лев Пастернак унинг елкасига бир туширди:

— Жуда соз. Кечқурун кўнғироқ қиламан.

Кечқурун Лев меҳмонхонадан бошқарувчига кўнғироқ қилди.

— Биз тиккан камзул эгаси, — деди у, — Х.Р.де Мендоса. У “Аурора” меҳмонхонасининг 417-хонасида яшайди.

Лев эшикни ёпиб, жавондан кейсни олди. Унинг ичидан Аргентина махфий хизматида ишлайдиган дўстидан олган 45-калибрли тўппонча — “зауер”ни чиқарди.

У тўппончанинг ўқ овозини чиқармайдиган мосламасини текшириб кўрди-да, уни кейсга солиб, жойига ётиб ухлади.

Эрталаб соат тўртда Пастернак “Аурора” меҳмонхонасининг бўм-бўш йўлагидан писиб борарди. 417-рақамли эшикка яқинлашиб, кулфнинг ичига сим тикди. Кулф очилиши билан у тўппончани қўлига олди.

Қайрилишга ҳам улгурмасиданоқ, қўшни хонанинг эшиги очилиб, бўйнига тўппонча ўқталганини ҳис этди.

— Орқамдан кузатиб юришларини сира жиним суймайди, — деди Фаришта. У тўппончанинг тепкисини босиб юборди: Лев Пастернакнинг боши бир неча бўлақларга бўлиниб кетди.

Фаришта Пастернакнинг ёлғиз ўзи ёки ким биландир келганини билмагани учун кўшимча эҳтиёткорлик чораларини кўриб қўйган эди. Унга кўнғироқ қилиб, огоҳлантириб қўйишганди. У дастлаб Пуэйрадон кўчасидаги аёллар ички кийимлари билан савдо қиладиган дўконга кирди. Бугун Неусага ҳар қанча ҳиммат қилса ҳам арзийди.

Ўн беш дақиқадан кейин у “Френкель” дўконига кириб, сумкачалар, портфеллар ва кейслар қалашиб ётган пештахтага яқинлашди.

— Мен кейс сотиб олмоқчиман. Қорасидан.

“Шератон” меҳмонхонасининг “Эль Альхибе” ресторани Буэнос-Айресдаги энг машҳур жойлардан бири эди. Фаришта бурчакдаги столга келиб ўтирди-да, кейсини ҳаммага кўринадиган жойга қўйди.

Ёнига официант келди:

— Хайрли кун.

— Илтимос, менга сабзавот келтиринг. Кетидан кўкатлар ва ловияли таом олиб келасиз. Ширинликни кейинроқ буюраман.

— Хўп бўлади.

У қўли билан официантга яқинроқ келишга ишора қилди.

— Хожатхона қаерда?

— Йўлак бўйлаб тўғрига, кейин чапга.

Фаришта ўрнидан турди-да, кейснни столда қолдириб, хожатхонага йўл олди.

Чап томонда икки эшик: бирида “DAMAS”, иккинчисида “CABALLEROS” деган ёзувлар бор. Ундан сал нарида йўлак икки тавақали эшик ортидаги буг билан тўла, шовқин-суронли ошхонага олиб борарди. Фаришта эшикни очиб, ичкарига кирди. Ошпазлар буюртмаларни тез бажаришини талаб қилиб ёрдамчиларига бақирар, тушлик маҳали бўлгани учун ошхонага официантлар тинимсиз кириб-чиқиб турар эди.

Фаришта ошхонадан ўтиб, орқа эшик орқали кимсасиз хиёбонга чиқди. Изига ҳеч ким тушмаганига ишонч ҳосил қилиш учун беш дақиқа атрофга разм солиб турди. Сўнг муюлишда такси тўхтатиб, ҳайдовчига Умберто туманидаги манзилни айтди. У ерга етиб боргач, бошқа таксига ўтирди.

— Қаёққа буюрадилар?

— Аэропортга.

Икки соатдан кейин Буэнос-Айрес гўё сеҳрли таёқчанинг ишораси билан булутлар ортида қолиб кетгач, Фаришта янги топшириқни бажариш ва унга берилган йўл-йўриқлар ҳақида бош қотира бошлади.

Демак, болалари у билан бирга ҳалок бўлиши шарт. Фариштанинг режасига кўра, улар ҳеч кимнинг ақлига сиғмаган даҳшатли ўлим топиши керак.

Фаришта унга ақл ўргатганларни жини суймасди. Ҳаваскорларгина ўз ишининг усталарига маслаҳат беради. У мийиғида кулиб қўйди. Уларнинг ҳаммаси нобуд бўлади ва бундай даҳшатли ўлимни ҳали ҳеч ким ҳатто хаёлига ҳам келтира олмаган.

Кейин у хотиржам уйқуга кетди.

Лондон аэропортида сайёҳларнинг кўплигидан Фаришта бир соат деганда меҳмонхонага етиб борди.

Вестибюлда одам гавжум эди. Хизматкор унинг юкларини кўтариб олди.

— Хонамга олиб бориб қўйинг. Мен бир оз айланиб келаман.

Фаришта уни эслаб қолмаслиги учун хизматкорга озгина чойчақа берди. У бўш лифтга кириб, бешинчи, еттинчи, тўққизинчи ва ўнинчи қаватларнинг тугмачасини босди. Мабодо, кимдир унинг изига тушган бўлса, гарангсиз қолиши аниқ.

Хизмат зинасидан пастга тушиб, яна беш дақиқадан кейин Хитроу аэропортига йўл олди.

Унинг паспортига Х.Р.де Мендоса деб ёзилган эди.

Аэропортдан у телеграмма жўнатди: “СЕШАНБА КУНИ БОРАМАН. Х.Р. ДЕ МЕНДОСА”.

Телеграмма Эдди Мальцага йўлланган эди.

Эрталаб Дороти Стоун ахборот берди:

— Сизга Стэнтон Рожерс қабулхонасидан қўнғироқ қилишяпти.

— Мен телефонни оламан, — деди Мэри қувониб. — Стэн?

Аммо котибасининг овозини эшитиб, тарвузи қўлтиғидан тушди.

— Мистер Рожерс сизга қўнғироқ қилишимни тайинлади. Айни пайтда у сиз билан боғлана олмас экан. Сизга ёрдам беришимни илтимос қилди. Агарда сиз менга...



— Йўқ. Мен шахсан унинг ўзи билан гаплашишим керак. — Мэри тушкун кайфиятини сездирмасликка интиларди.

— Бугун у билан боғланишнинг имкони бўлмас, деб кўрқаман. У бўшаши билан сизга кўнғироқ қилишини айтди.

— Миннатдорман. Унинг кўнғироғини кутаман. — Мэри гўшакни жойига қўйди. Чиндан ҳам унинг кутишдан бошқа иложи йўқ эди.

Мэри Луининг уйига кўнғироқ қилди. Ҳеч ким жавоб бермади. Франция элчихонаси билан боғланди. Ҳеч ким унинг қаердалигини билмасди.

— Илтимос, унга етказинг: келиши билан менга кўнғироқ қилсин.

— Сизга бир аёл кўнғироқ қилапти, — деди Дороти Стоун, — лекин кимлигини айтмаяпти.

— Яхши. — Мэри гўшакни кўтарди. — Алло, элчи Эшли эшитади.

Руминча талаффузда гапирадиган аёл ўзини таништирди:

— Сизни Корина Соколи безовта қилапти.

Мэри уни дарров таниди. У Руминиянинг энг таниқли балет раққосаларидан бири эди.

— Ёрдамингизга муҳтожман, — деди у йиғламсираб. — Мен Фарбга кетмоқчиман.

“Энди фақат шу етмай турувди”.

— Билмадим, сизга ёрдамим тегармикан.

Мэри мамлакатдан қочиб кетганлар ҳақида унга сўзлаб беришган гапларни эслади.

“Уларнинг аксарияти совет жосуслари. Биз эса уларнинг Фарбга кетишига кўмаклашамиз. Ёлғон-яшиқ гапларни бизга тиқиштириб, ўзимиз ҳақимизда маълумот тўплашади. Бизга олий мартабали ҳарбийлар ва олим-мутахассислар керак. Уларнинг тажрибаси ва ақл-заковатига доимо эҳтиёж бор. Жиддий асос бўлмаса, одатда, ҳеч кимга сиёсий бошпана берилмайди”.

Корина Соколи ҳўнграб йиғларди.

— Мен бу ерда узоқ қолиб кетолмайман. Илтимос, мени олиб кетинг.

“Коммунистлар бизга тузоқ кўйишга устаси фаранг бўлиб кетган. Улар дастлаб ёрдам сўраётган қочқинларни бир амаллаб бизга тиқиштиради. Элчихонага келтирилиши билан уларни ўғирлаб кетишди, деб айюҳаннос солишади. Бу эса ҳукуматнинг АҚШга қарши чора кўришига дастак бўлади”.

— Сиз қаердасиз?

У бир оз иккиланиб турди-да, кейин гапира бошлади:

— Сизга ишонишга мажбурман. Мен “Росков” меҳмон-хонасидаман. Мени олиб кетиш учун келасизми?

— Мен боролмайман, — деди Мэри. — Лекин бирорта одамни юбораман. Бу телефонга бошқа кўнғироқ қилманг. Одам боргунча кутинг. Мен...

Шу пайт эшик очилиб, хонага Майк Слейд кириб келди. Мэри кўкқанидан орқага тисарилди. Майк унга яқинлашди.

Телефонда эса Коринанинг овози эшитилиб турарди.

— Алло! Алло...

— Ким билан гаплашяпсиз?

— Доктор Дефорже билан. — Мэрининг хаёлига келган биринчи гап шу бўлди. Қўллари титраб, у телефон гўшагини жойига қўйди

“Намунча кўрқмасанг, — деб ўйлади Мэри. — Сен элчихонадасан-ку. Бу ерда унинг кўлидан ҳеч нима келмайди”.

— Доктор Дефорже билан? — деди ажабланиб Майк.

— Ҳа. У... у ҳозир бу ерга келади.

Унинг бу гапи рӯёбга чиқишини у жуда-жуда хоҳларди.

Негадир Майкнинг қиёфаси ғалати тус олди. Мэрининг столидаги лампа ёқилгани учун бўлса керак, Майкнинг сояси улкан ва кўрқинчли кўринди.

— Ўзингизни яхши ҳис этаётганингизга ишончингиз комилми?

Мэри бу одамнинг асаби темирданмикан, деб ўйлади.

— Ҳа. Мен ўзимни жуда яхши ҳис этаяпман.

У Мэрига яқинроқ келди.

— Асабингиз ишдан чиққан. Болаларни олиб, бир-икки кунга кўлга бориб келсангиз бўлмасмикан?

“У ерда мени гумдон қилиш осонроқ-да”, — деб ўйлади Мэри. Қалтироқ тутганидан у оғир-оғир нафас оларди. Шу пайт ички алоқа кўнғироғи жиринглаб қолгани унга қўл келди.

— Кечирасиз, мен ишлашим керак...

— Албатта. — Майк Слейд бир оз унга термулиб турди-да, кейин қайрилиб, хонадан чиқиб кетди.

Мэри ундан қутулганидан хурсанд бўлиб, гўшакни кўтарди.

— Алло?

Жамоатчилик билан алоқалар бўйича вакил Жерри Дэвис кўнғироқ қилаётгани:

— Элчи хоним, ишдан чалғитганим учун узр сўрайман, сиз учун нохуш хабармикан деб кўрқаман. Ҳозиргина полициядан доктор Дефорженинг ўлдирилгани ҳақида хабар олинди.

Мэрининг кўз ўнги қоронғилашди.

— Сизнинг... сизнинг ишончингиз комилми?

— Ҳа. Ёнида паспорти бор экан.

Мэрининг эски хотиралари жонланиб, у телефон орқали келган машъум хабарни эслади: “Бу шериф Манстер. Эрингиз автоҳалокатда вафот этди”. Дард-алам ва армонлари яна вужудини тилка-пора қилиб, юрак-багрини эзиб юборди.

— Бу қандай юз берибди? — деди у шивирлаб.

— Уни отиб ўлдиришибди.

— Қотилни топишибдими?

— Йўқ. Секуритате ва Франция элчихонаси қидирув ишларини олиб бормоқда.

Мэри мушаклари тошдек қотганини ҳис этиб, гўшакни жойига қўйди. Креслога ётиб, шифтга термулди. Кўзи ёриққа тушди. “Уни ямаб қўйиш керак, — деб ўйлади. — Элчихонада ёриқлар бўлиши яхши эмас”. У яна битта ёриқни кўрди. Гўё шифтнинг ҳамма ёғи ёрилиб кетгандек туюлди. Ҳа, ҳаётнинг ўзи ёриқлардан иборат. Ёвузлик ана шу ёриқлар орқали сизиб киради ва мақсад-муддаосига эришади. Мана, энди Эдвард ҳам, Луи ҳам йўқ. — Бу мусибатга Мэри дош беролмасди. У шифт юзасида яна бошқа ёриқларни излади. — Йўқ, мен бу мусибатга чидай олмайман. Энди Луининг ўлими кимга керак бўлди экан?

Бирдан миясига келган фикрдан сесканиб кетди. Бу Майк Слейднинг иши. Маргимуш билан уни заҳарламоқчи бўлганини Луи билиб қолган. Слейд гувоҳ йўқ қилинса, ҳеч ким айбини исботлаб бера олмайди, деб ўйлаётган бўлса керак. Боя Слейд унга берган саволларни эслаб, Мэри даҳшатга тушди: “Ким билан гаплашяпсиз? — Доктор Дефорже билан”. Ҳойнаҳой, гаплашаётганларида у Луининг ўлганини аниқ билган.

Мэри ҳаракат режасини миясида пишириб, кун бўйи хонасидан чиқмади. “У мени зўрлаб кетказолмайди. У мени ўлдирилмайди. Уни тўхтатиб қолишим керак!” — аҳд қилди Мэри. Бутун вужудини

эгаллаган бундай қатъият ва шижоатни у ҳеч қачон ҳис этмаганди. У ўзини ҳам, болаларини ҳам ҳимоя қилади. У Майк Слейдни йўқ қилади.

Мэри яна Стэнтон Рожерсга қўнғироқ қилди.

— Мен унга илтимосингизни етказдим, элчи хоним. Бўшаши билан у сизга қўнғироқ қилади.

У Луининг ҳалок бўлганига сира ишонгиси келмасди. Шундай меҳрибон, илтифотли одам энди ўликхонада ётса-я. “Канзасга кетганимда бу фожиа юз бермасди. Луи тирик бўларди”.

— Элчи хоним.

Дороти Стоун унга конверт узатди:

— Қўриқчи сизга бериб юборишимни илтимос қилди. Унга бир йигит ташлаб кетибди.

Конвертнинг устига “Шахсан элчига” деб ёзиб қўйилган.

У конвертни очди. Бир варақ қоғозга чиройли қилиб ёзилган гапни ўқиди:

*Қадрли элчи хоним!*

*Бу дунёдаги сўнги кунингиздан лаззатланишга шошилинг.*

*Фаришта.*

“Бу Слейднинг навбатдаги ҳийла-найранги бўлса керак, — деб ўйлади. — Аммо бу ҳийла-найранглар ҳам унга ёрдам бера олмайди. Бу ердан уни гумдон қилиш чорасини топаман”.

Полковник Маккинни мактубни диққат билан ўқиб чиқди-да, бошини чайқади:

— Бу ерда эси паст телбалар тўлиб ётибди. — У Мэрининг юзига тикилди. — Бугун янги кутубхона биноси пойдеворига дастлабки гишт қўйиш маросимида иштирокингиз режалаштирилган. Бу ташрифни бекор қилишимга...

— Йўқ, боришим шарт.

— Элчи хоним, бу жуда хатарли...

— Хавотир олманг. — У таҳдид манбаини ўзича билар ва уни баргараф этиш режасини ўйлаб қўйган эди. — Слейд қаерда?

— У Австралия элчихонасидаги учрашувда.

— Унга етказинг: мен ҳозироқ у билан гаплашмоқчиман.

— Мен билан гаплашмоқчи экансизми? — деб сўради Слейд беписандлик билан.

— Ҳа. Сизга топшириқ бор.

— Буйруғингизни эшитаман.

Унинг истеҳзоли пичинглари Мэрига тарсакидек туюларди.

— Бир одамнинг гарбга қочмоқчи бўлгани ҳақида маълумот олдим.

— Ким экан у?

Мэри унинг исмини айтмади. Чунки Слейд уни сотиб қўйишига ишончи комил эди.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Бу одамни шу ерга олиб келишингизни хоҳлайман.

Майкнинг пешонаси тиришди:

— Руминлар қўйвормоқчи бўлмаганлардан бири бўлса керак-да?

— Ҳа.

— У ҳолда бу ишимиз...

— “Росков” меҳмонхонасига боринг-да, уни бу ерга олиб келинг.

Гап тамом, вассалом.

У баҳслашмоқчи бўлди, аммо Мэрининг авзойини кўриб, индамай қўя қолди.

— Бўпти, сиз шуни хоҳлабсиз, мен бирортасини юбориб...

— Йўқ, — деди Мэри кескин оҳангда. — Шахсан ўзингиз олиб келасиз. Сиз билан яна икки киши боради.

Мэри Ганни ва яна бир денгиз пиёдасининг кўз ўнгида ҳеч нима қила олмайди деб ўйлаганди. Ҳар эҳтимолга қарши, Ганнига Майкдан кўз узмайсан деб тайинлаб қўйган эди.

Майк ҳайрон бўлиб унга қаради:

— Бугун ишларим кўп. Балки эртага...

— Мен у ерга зудлик билан боришингизни хоҳлайман. Ганни хонангизда кутиб турибди, — деди Мэри эътирозга ўрин қолдирмай.

Майк ноилож ўрнидан қўзғалди.

— Бўпти.

У кетганда Мэрининг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди.

Мэри полковник Маккиннига қўнғироқ қилди.

— Маросимга бораман.

— Мен қатъиян қаршиман. Ўзингизни хавф-хатарга қўйиб, нима қиласиз?

— Бошқа иложи йўқ. Мен мамлакатимизнинг вакилиман. Қачонгача кўрқиб-писиб юраман. Ахир, эртага одамларнинг кўзига қандай қарайман. Ундан кўра, уйга кетганим яхши эмасми? Аммо, мен, полковник, ҳозирча бундай қилиш ниятим йўқ.

### *Йигирма саккизинчи боб*

Америка кутубхонасининг пойдеворига гишт қўйиш маросими соат тўртда Александрю Сахия майдонида бўлиши керак. Соат учдаёқ майдонда одам гавжум эди. Полковник Маккинни секуритате бошлиғи полковник Истрасе билан гаплашди.

— Элчингизнинг хавфсизлигини тўлиқ таъминлашга ҳаракат қиламиз, — дея ваъда берди Истрасе.

У ваъдасининг устидан чиқди. Портловчи модда қўймасликлари учун барча машиналар майдондан чиқарилди. Теварак-атроф полициячилар томонидан ўраб олинди, бинолар томига мерганлар жойлаштирилди.

Маросим бошланишига ҳамма нарса тахт бўлди. Электроника бўйича мутахассислар ҳаммаёқни бирма-бир текшириб чиқиб, шубҳа уйғотадиган ҳеч нарса топа олмади.

Текширув якунига етгач, Истрасе полковник Маккиннига ишора қилди:

— Биз тайёрмиз.

— Жуда соз. — Полковник ёрдамчисига ўгирилди: — Элчига айтинг, ҳаммаси жойида.

Мэрини лимузингача тўрт денгиз пиёдаси кузатиб борди.

— Хайрли кун, элчи хоним, — деди Флориан оғзининг таноби қочиб. — Бу зўр кутубхона бўлади. Шундай эмасми?

— Ҳа.

Бора-боргунча Флорианнинг оғзи тинмади, аммо унинг гаплари Мэрининг қулоғига кирмасди. У Луининг кулишлари, самимий кўзлари, майин эркалашларини эслади. Руҳий изтиробларидан бир оз бўлса-да, қутулиш учун, у бор кучи билан муштларини сиқди. “Сен йиғламаслигинг керак, — деди ўзига ўзи. — Нима бўлса ҳам, йиғламаслигинг керак. Муҳаббатим ўлди, нафратгина қолди кўнглимда, холос. Бу дунёга нима бўлган ўзи?”

Лимузин майдонга кириб келганда, ундан аввал икки денгиз пиёдаси тушиб, теварак-атрофни диққат билан кўздан кечиргандан кейингина, Мэри ўтирган томондаги эшик очилди. У нутқ сўзлаши керак бўлган жойга келганда, қуролланган икки полициячи олдига, иккитаси орқасига келиб турди.

Элчини кўриб, тўпланганлар қарсак чалиб юборди. Бу ерда руминлар, америкаликлар, Бухарестда аккредитация қилинган элчихоналар вакиллари ҳозир бўлган эди. Уларнинг айримлари Мэрига таниш, аммо аксарияти нотаниш эди.

Мэри одамларга кўз югуртириб, ўйлаб қолди: “Шу топда шунча одам олдида нутқ сўзлай олармиканман? Полковник Маккинни ҳақ эди. Келиб, чакки иш қилдим”.

— Хонимлар ва жаноблар, — деди полковник Маккинни. — Ижозатингиз билан, сизларга Америка Қўшма Штатларининг элчисини таништирмоқчиман.

Майдон узра гулдурос қарсақлар янгради.

Мэри чуқур нафас олиб, гапира бошлади:

— Ташаккур...

Ушбу ҳафтадаги воқеалар шиддатли тус олгани унга нутқ тайёрлашга фурсат қолдирмаган эди. Аммо қудуқдан сув қандай сизиб чиқса, Мэрининг тилига ҳам сўзлар шундай тизилиб кела бошлади.

— Эҳтимол, бугун қилаётган ишимиз унчалик аҳамиятли эмасдир, лекин унинг мамлакатимиз ва Шарқий Европа давлатлари ўртасида барпо этилган яна бир мустақкам кўприк сифатида хизмат қилишига ишончим комил. Курилажак кутубхонада бизнинг тарихимиз билан танишасиз, эришилган ютуқ ва йўл қўйилган камчиликлардан хулосалар чиқарасиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси акс эттирилган суратларни томоша қиласиз.

Полковник Маккинни ва унинг одамлари теварак-атрофни диққат билан кузатиб турарди. Ўша мактубда “Бу дунёдаги сўнгги кунингиздан лаззатланишга шошилинг”, дейилган. Бу иблиснинг иш кунни неччида тугар экан? Олтидами? Тўққиздами? Ярим кечадами?

— Энг муҳими, — дея элчи нутқини давом эттирди, — сиз ҳақиқий Американи кашф этасиз. Унинг аслида қанақалигини юракдан ҳис этасиз.

Шу пайт майдоннинг чеккасига катта тезликда қандайдир машина кириб келди-да, тормозлари чийиллаб, йўлакча четига тўхтади. Саросимага тушиб қолган полициячилар ўзига келгунча, ҳайдовчи машинадан отилиб чиқиб, қоча бошлади. Югураётиб у чўнтагидан қандайдир мосламани чиқариб, тугмачасини босиб юборди. Машина порглаб, унинг майда бўлакчалари майдонда тўпланган одамларнинг устига келиб тушди. Яхшиямки, улардан бирортаси ҳам Мэри турган жойгача етиб келмади.

Мерган отган ўқ қочиб кетаётган одамнинг бўйнига бориб тегди. Ўлганига тўлиқ ишонч ҳосил қилиш учун у яна икки бор ўқ узди.

Майдонни тозалаш ва жасадни олиб кетиш учун полицияга бир ярим соат керак бўлди. Ўт ўчирувчилар ёнаётган машинани ўчириш билан овора эди. Мэрини лимузинга ўтқазиб, элчихонага олиб кетишди.

— Қароргоҳга бориб, бир пас дам олсангиз бўлармиди? — деди полковник. — Ахир, бундай даҳшатли воқеани кўз билан кўриш қанчалик...

— Йўқ, — деди Мэри ўжарлиги тутиб. — Элчихонага борамиз.

Чунки бировнинг эшитишидан кўрқмасдан Стэнтон Рожерсга кўнгироқ қилиши мумкин бўлга ягона жой шу эди. “Мен у билан гаплашаман, — деб ўйлади Мэри, — ёки адоий тамом бўламан”.

У ҳали ҳам ўз кўзи билан кўрган даҳшатли воқеанинг юз берганига ишонгиси келмасди. Майкнинг бу жойдан узоқда бўлганига ишончи комил бўлса-да, суиқасд барибир уюштирилди. Демак, Майк Слейд ёлғиз бир ўзи эмас.

Мэри Стэнтон Рожерснинг қўнғироқ қилишини худодан ёлвориб сўради.

Кечки соат олтида Майк Слейд Мэрининг хонасига кириб келди. Унинг авзойи бузуқ эди.

— Корина Сокилини юқоридаги хонага олиб бориб қўйиб келдим, — деди у. — Жин урсин, наҳотки, кимни олиб келиш учун юбораётганингизни олдинроқ айтиш мумкин эмасди? Сиз жиддий хатога йўл қўйдингиз. Уни қайтаришимизга тўғри келади. Чунки у Руминиянинг миллий ифтихори. Руминлар унинг мамлакатдан чиқиб кетишига ҳеч қачон йўл қўймайди. Агар...

Шу пайт хонага полковник Маккинни шошилиб кириб келди. Майкни кўриб, тўхтаб қолди.

— Унинг кимлигини аниқлашибди. У Фаришта экан. Ҳақиқий исми — Х.Р. де Мендоса.

Майк полковникка ҳайрон бўлиб тикилди.

— Нима ҳақда гаплашяпсизлар?

— Сизга айтиш ёдимдан кўтарилибди. Портлаш содир бўлганда, сиз йўқ эдингиз. Элчи хоним суиқасд уюштирилганини сизга айтмадими?

Майк хавотирланиб, Мэри қаради.

— Йўқ.

— Элчи хоним Фариштанинг огоҳлантириш мактубини олган эди. У қотилликни янги кутубхонанинг биринчи ғиштини қўйиш маросимида амалга оширмақчи бўлди. Истрасенинг одамларидан бири уни отиб ўлдирди.

Майк Мэридан кўз узмасди.

— Барча махфий хизматлар уни қўлга тушириш пайида эди, — деди полковник.

— Унинг жасади қаерда?

— Полиция маҳкамасининг ўликхонасида.

Жасад мрамор столнинг устида ётарди. У қиёфаси оддий, бурни узунчоқ, лаблари ингичка, тепакал, ўрта бўйли, ўнг қўлида нақши бор киши эди. Кийимлари ҳам ёнида турарди.

— Кўрсам бўладими?

Полициячи елка қисиб қўйди:

— Марҳамат, назаримда, ўзи ҳам қарши бўлмаса керак, — деди у кулимсираб.

Майк унинг камзулини олиб, ёрлигини кўздан кечириб, Аргентинада ишлаб чиқарилганига ишонч ҳосил қилди. Чарм пойафзали ҳам ўша ерники. Кийимлар ёнида турли мамлакатларнинг пуллари уюлиб ётарди: румин лейлари, француз франклари, инглиз фунт-стерлинглари, аргентина песолари.

Майк сержантга мурожаат этди:

— Бу одам ҳақида қандай маълумотлар бор?

— Икки кун олдин у Лондондан “Таром эйрлайнз” самолётида учиб келган. Мендос номи билан “Интерконтинентал” меҳмонхонасига жойлашган. Паспортида Аргентинадаги манзили ёзилган. Аммо, у сохта. — Полициячи жасадга разм солди: — Биласизми, халқаро миқёсдаги қотилга сира ўхшамайди.

— Ҳа, ростдан ҳам ўхшамайди, — деди Майк сержантнинг гапини маъқуллаб.

\* \* \*

Худди шу пайтда Фаришта полиция маҳкамасидан атиги икки квартал нарида америка элчисининг қароргоҳи ёнидан ўтиб кетаётганди. У қароргоҳни кўриқлаб турган денгиз пиёдаларининг диққатини тортмаслик учун ўта секин ҳам, ўзига керакли маълумотларни олиш учун тез ҳам юрмасликка ҳаракат қилар эди. Унга берилган суратлар зўр туширилган бўлса-да, Фаришта ҳаммасини шахсан ўзи синчиклаб текширишни афзал кўрарди. Қароргоҳга кириш эшиги олдида икки доberman-пинчерни бўйинбоғидан ушлаб турган костюмли одамга эътибор қилди.

Фаришта кеча майдонда кўрсатган томошасини эслаб, мийиғида кулиб қўйди. Озгина кокаин эвазига у бир гиёҳвандни ёллаб, ҳаммани чалғитмоқчи эди. Аммо, ҳали энг қизиғи олдинда... “Беш миллион доллар эвазига шундай томоша кўрсатайки, умрбод эсларидан чиқмасин. Телевидениеда буни нима дейишарди? Ҳа, спектакль. Уларга зўр спектакль кўрсатаман”.

“Мустақиллик куни қароргоҳда нишонланади, — деди унга кўнгирак қилган одам. — Рангли шарлар, денгиз пиёдалари оркестри, рақслар ва ҳоказолар”. Фаришта тиржайиб, ўзича ўйлади: “Сизларга беш миллион долларлик томоша тақдим этаман”.

Мэрининг хонасига Дороти Стоун югуриб кирди:

— Элчи хоним, тезда “Аквариум”га борар экансиз. Вашингтондан мистер Рожерс кўнгирак қилаётган экан.

— Мэри... Гапингизни тушуна олмаяпман. Тинчланинг ва гапингизни бошидан бошланг.

“Эй, худойим, — деб ўйлади Мэри, — жазавага тушган одамдек бақарибман, шекилли”. У ҳаяжонга тушганидан, тили айланмай қолаётганди. Унинг вужудини бир вақтнинг ўзида қўрқув, хотиржамлик, важоҳат эгаллаб олганди.

У энтикиб гапира бошлади:

— Кечирасиз, Стэн. Сиз телеграммани олдингизми?

— Йўқ. Телеграмма келгани йўқ. У ерда ўзи нималар бўлаяпти?

Мэри бор иродасини ишга солиб, ўзини қўлга олишга ҳаракат қиларди. У чуқур ҳўрсинди.

— Майк Слейд мени ўлдирмоқчи?

— Мэри... — деди Рожерс таажжубланиб, — бунга ишончингиз комилми?

— Худди шундай. Мен Франция элчихонасида ишлайдиган доктор Дефорже билан гаплашгандим. У менинг касаллигим маргимуш билан заҳарланиш оқибати эканини аниқлаб берди. Бу, шубҳасиз, Майкнинг иши.

Бу гал Рожерснинг овози кескин тус олди:

— Нима учун бундай деб ўйлаяпсиз?

— Луи... Доктор Дефорже касалликнинг сабабини аниқлади. Майк ҳар куни эрталаб менга қаҳва тайёрлаб, ичига маргимуш солиб берган. Кеча Луини ўлдиришди, бугун эса менга суиқасд уюштиришди.

Стэнтон Рожерс анча жимиб қолди.

Ниҳоят, у гапира бошлаганда овозидан ташвишланаётгани сезилди:

— Мэри, мен сизга муҳим савол бераман. Яхшилаб ўйлаб кўринг. Бу ишни бошқа одам ҳам қилиши мумкинмиди?

— Йўқ. У бошиданоқ мени Руминиядан кетишга мажбур қилишга интилиб келди.

— Бўпти, — деди Стэнтон Рожерс кескин оҳангда, — мен бу ҳақда президентга ахборот бераман. Биз Слейд билан шуғулланамиз. Ҳозир эса, хавфсизлик чоралари кескин кучайтирилиши шарт.

— Стэн... Якшанба куни кечқурун қароргоҳда Мустақиллик куни муносабати билан қабул маросими ўтказилади. Таклифномалар аллақачон жўнатилган. Нима деб ўйлайсиз, балки уни бекор қилганим маъкулдир?

Стэнтон Рожерс ўйланиб қолди.

— Дарвоқе, қабул маросими — яхши гоё. Сиз одамлар орасида бўласиз. Кўнглингизга гулгула солиш ниятим йўқ, аммо болаларни ёнингиздан жилдирманг. Бир дақиқага ҳам уларни эътиборсиз қолдирманг. Слейд улардан сизга қарши фойдаланиши мумкин.

Мэрини титроқ босди.

— Унга бу нимага керак, ахир?

— Билсам қани эди. Аммо, жин урсин, эртами-кечми, барибир билиб оламиз. Ҳозирча ундан узоқроқ юришга ҳаракат қилинг.

— Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин, — деди Мэри хўмрайиб.

— Мен сиз билан доимий алоқа боғлаб тураман.

Мэри гўшакни жойига қўйганда елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. “Ҳаммаси яхши бўлади, — дея ўзини ўзи юпатди. — Менга ҳам, болаларимга ҳам ҳеч нима қилишолмайди”.

Кўнғироқ чалиниши билан Эдди Мальц гўшакни кўтарди. Ким биландир ўн дақиқа гаплашди.

— Ҳаммаси вақтида етказилишини шахсан ўзим назоратга оламан, — деди у.

Фаришта гўшакни жойига қўйди.

“Бу нарсалар унга нима учун керак бўлди экан? — деб ўйлади Эдди Мальц ажабланиб. У соатига кўз ташлади. — Қирқ саккиз соат қолибди”.

Мэри билан гаплашиб бўлгач, Стэнтон Рожерс полковник Маккиннига кўнғироқ қилди:

— Билл, бу Стэнтон Рожерс.

— Ҳа, сэр. Қандай хизмат бор?

— Майк Слейдни ушлаб, қўшимча кўрсатмалар олмагунингизча, ҳибсда сақлаб туринг.

— Майк Слейдни? — деб сўради полковник ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, уни ҳибсга олмасак бўлмайди. У қуролланган бўлиши мумкин. Унинг биронта одам билан боғланишига имкон берманг.

— Хўп бўлади, сэр.

— Уни қўлга олишингиз билан менга кўнғироқ қилинг.

— Хўп бўлади, сэр.

Икки соатдан кейин Стэнтон Рожерснинг хонасидаги телефон жиринглаб қолди. У гўшакни кўтарди:

— Эшитаман.

— Полковник Маккинни безовта қиляпти.

— Слейдни ҳибсга олдингизми?

— Йўқ, сэр. Муаммо пайдо бўлди.

— Қандай муаммо экан?

— Майк Слейд ғойиб бўлган.



*Йигирма тўққизинчи боб***СОФИЯ, БОЛГАРИЯ, ШАНБА, 3 ИЮЛ**

Шарқ кўмитаси аъзолари учрашувга Просвитер кўчасидаги унча кўзга ташланмайдиган 32-уйда тўпланишди. Стол атрофида Совет Иттифоқи, Хитой, Чехославакия, Покистон, Ҳиндистон ва Малайзия вакиллари ўтиришарди.

Раис тўпланганларга мурожаат этди:

— Бизнинг ҳаракатимизга келиб қўшилган Шарқ кўмитасидаги оға ва сингилларимизга хуш келибсиз, деймиз. Сизларга ажойиб янгиликни эълон қилмоқчиман. Барча ишларимиз режа бўйича амалга оширилаяпти. Тез орада у якунига етказилади. Эртага америка элчисининг қароргоҳида асосий воқеа содир бўлади. Матбуот ва телевидениенинг иштироки таъминланган.

Код номи Кали деган одам савол берди:

— Америка элчиси ва унинг болалари нима бўлади?

— Улар ҳам юзлаб америкаликлар сингари ўлдирилади. Албатта, бундай воқеадан кейин нималар юз бериши мумкинлигини тасаввур қиламиз. Овоз беришингизни илтимос қиламан... Брахма?

— Қўшиламан.

— Вишну?

— Қўшиламан.

— Ганеша?

— Қўшиламан.

— Йима?

— Қўшиламан.

— Индра?

— Қўшиламан.

— Кришна?

— Қўшиламан.

— Рама?

— Қўшиламан.

— Кали?

— Қўшиламан.

— Бир овоздан қабул қилинди, — дея раис хулоса қилди. — Бизга ёрдам берган инсонга сизнинг номингиздан миннатдорчилик изҳор этишга рухсат берсангиз. Ташаккур. — У америкаликка ўгирилди.

— Арзимаиди, — деди Майк Слейд.

Мустақиллик кунини байрамона ўтказиш учун барча зарур нарсалар Бухарестга “Геркулес С-210” самолётида келтирилиб, америкаликларга тегишли бўлган омборга жойлаштирилди. Бу юк қутиларга солинган минглаб қизил, оқ, кўк шарлар, уларни шишириш учун гелий солинган пўлат идишлар, рангли қоғоз тангачалар, пақилдоқлар, кўкрак нишонлари, ленталар ва байроқчалардан иборат эди. Юк кечкурун соат саккизларда омборга жойлаштирилди. Икки соатдан кейин жипда “АҚШ қуролли кучлари” деб ёзилган ичига кислород солинган иккита баллон келтирилди.

Тунги соат бирда кимсасиз омборда Фаришта пайдо бўлди. Омборнинг эшиги очиқ қолдирилган эди. Фаришта баллонларга яқинлашиб, уларни яхшилаб кўздан кечирди-да, ишга киришди. У баллонлардаги гелийнинг учдан бирини қолдириб, қолганини чиқариб юборди. У ёғи энди хамирдан қил суғургандек бўлади.

Эрталабдан қароргоҳда шовқин-сурон: хизматкорлар полларни ювиш, гиламларни тозалаш, ҳаммаёқни сарамжон-саришта қилиш билан овора эди. Рақс залидан оркестр учун тахтасупа қураётган дурадгорларнинг тақ-туқи, йўлакларда чангюткичларнинг вижиллаши, ошхонадан эса идиш-товоқларнинг шарақлаши эшитилиб турарди.

\* \* \*

Пешиндан кейин соат тўртда қароргоҳнинг хизмат эшиги олдига АҚШ қуролли кучларининг юк машинаси келиб тўхтади.

— Юкхонада нима бор? — деб сўради навбатчи қўриқчи ҳайдовчидан.

— Байрам учун майда-чуйда нарсалар.

— Қани, кўрайлик-чи?

Қўриқчи юкни текшириб чиқди.

— Мана бу қутиларга нима солинган?

— Гелий солинган баллонлар, шарлар, байроқчалар.

— Қутиларни очиб кўрайлик-чи.

Ўн беш дақиқадан кейин юк машинаси қароргоҳ ҳудудига кирди. Капрал ва икки денгиз пиёдаси қутиларни тушириб, рақс залига туташ кичкина хонага ташиб боришди.

Қутиларни очиб кўраётганда, денгиз пиёдаларидан бири иккинчисига деди:

— Шарларнинг кўплигини қара! Қизиқ, буларни ким шиширар экан?

Шу пайт Эдди Мальц ҳамроҳлигида хонага комбинезон кийган бир одам кириб келди.

— Хавотир олма, — деди Эдди Мальц, — Биз техника тараққий этган замонда яшаймиз. — У ёнидаги одамга ишора қилди. — Шарларни шишириш билан мана шу киши шуғулланади. Бу полковник Маккиннининг буйруғи.

Денгиз пиёдаларидан бири комбинезонли одамга қараб пичинг қилди:

— Ишқилиб, мен шиширмасам бўлгани.

Денгиз пиёдалари чиқиб кетишди.

— Ихтиёрингизда бир соат бор, — деди Эдди Мальц. — Ишга киришинг. Ҳали қанча шарни шишириш керак.

Мальц капралга бош ирғаб, хонадан чиқиб кетди.

Капрал баллонларнинг бирига яқинлашди.

— Бунинг ичида нима бор?

— Гелий.

Капрал комбинезонли одамнинг ишини кузатиб турди. У шарлардан бирини олиб, баллоннинг учига кийгизди-да, шишириб, боғлаб қўйди. Бунга атиги бир неча сония вақт кетди.

— Қойил, — деди капрал ҳайрон бўлиб.

Мэри хонасида шошилинич телеграммаларга жавоб ёзиб ўтирарди. Шу қабул роса бош оғриқ бўлди-да! Таклиф этилган меҳмонларнинг ўзи икки юздан зиёд эди. У Майк Слейдни қабул маросимигача топиб, ҳибсга олишларига умид қилганди. Тим ва Бет доимий назорат остида. “Майк уларга қандай қилиб ёмонликни раво қўрар экан-а?” — У Майкнинг Тим ва Бет билан боладек қувониб ўйнаганини эслади. — “Худо ҳаққи, у жинни бўлса керак”.

Мэри қоғозларни сейфга қўймоқчи бўлдиб, ўрнидан туриб, қотди-қолди. Хонага Майк Слейд кириб келаётганди.

Мэри бақирмоқчи бўлиб, энди оғзини очмоқчи эди, Майк бармоғини лабига қўйди:

— Жим!

Мэри буткул саросимага тушиб қолганди. Аксига олиб, олдида ҳам ҳеч ким йўқ. Бақирай деса, овоз чиқаришга улгурмасиданоқ Майк уни ўлдириши мумкин. У қандай қилиб қўриқчиларга билдирмай ўтиб кетди экан? “Ундан қўрқаётганимни сездирмаслигим керак”, — деб ўйлади.

— Полковник Маккиннинг одамлари сизни излаяпти. Мени ўлдиришингиз мумкин, — деди Мэри, — лекин барибир бу ердан қочиб кета олмайсиз.

— Бўлмагур гапни қўйинг. Сизни мен эмас, Фаришта ўлдирмоқчи.

— Ёлгон. Фаришта ўлган. Буни ўз кўзим билан кўрдим.

— Фаришта — фавқулудда зўр тайёргарликка эга бўлган қотил. У аргентиналик. Фаришта шунчалик содда эмаски, Аргентинада тикилган кийимининг чўнтақларига аргентина песолари солиб юрса. Полиция бутунлай бошқа, сохта қотилни отиб ўлдирган.

— Мен бирорта ҳам гапингизга ишонмайман. Луи Дефоржени ўлдирган сиз. Мени заҳарламоқчи бўлган ҳам сиз. Балки, буларни инкор этарсиз.

Майк унга узоқ тикилиб турди.

— Йўқ, инкор қилмайман. Келинг, яхшиси, дўстимнинг гапларини эшитинг. — У эшикка яқинлашди. — Билл, киравер.

Хонага полковник Маккинни кириб келди.

— Элчи хоним, мана энди сиз билан гаплашиб олиш фурсати етди, деб ўйлайман.

Рақс залига туташ хоначада комбинизон кийган киши капралнинг синчков назорати остида шарларни шиширишда давом этарди.

“Одам ҳам шундай беўхшов, бадбашара бўладими? — деб ўйлади капрал. — Бунақасини ҳеч қачон кўрмагандим”.

Капрал ҳарчанд уринмасин, нима учун оқ шарлар бир баллондан, қизил шарлар бошқа баллондан, кўк шарлар учинчи баллондан шишириляётганига ақли етмасди. “Ундан кўра ҳамма шарларни битта баллондан шишириб, у тугаши билан бошқасидан фойдаланса бўлмасмиди?” — У сўрагиси келарди-ю, лекин калондимоғлиги йўл бермасди. “Шу бадбашара билан гаплашиб ўтираманми”.

Капрал рақс залига олиб борадиган очиқ эшикдан патнис кўтариб олган ва дастурхон тузатаётган хизматкорларни кўриб турарди. “Зўр кеча бўлади, чоғи”, — деди у ичида.

\* \* \*

Мэри Майк Слейд ва полковник Маккиннига қараб ўтирарди.

— Бошидан бошлай қолайлик, — деди Маккинни. — Президент инаугурация маросимидаги нутқида “темир парда” ортидаги барча мамлакатлар билан ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилиши ҳақида берган баёноти кўпгина обрўли одамлар учун худди бомба портлагандек таъсир қилди. Бизнинг ҳукуватимизда СССР, Болгария, Албания, Чехословакия ва Шарқий Европанинг бошқа давлатлари билан бундай муносабатларнинг йўлга қўйилиши оқибатида коммунистлар бизнинг мамлакатимизни барбод қилишига ишончи комил бўлган кучлар бор. “Темир парда” ортидаги давлатларда ҳам шундай коммунистлар борки, улар президентнинг дастури ўзига хос “троя оти” сифатида хизмат қилади, яъни бизнинг жосусларимизнинг у ерга киришига кенг имконият яратади, деб ҳисоблайди.

Шу тариқа, ҳар икки тарафга мансуб жуда обрӯли одамлар гуруҳи “Эркинлик ватанпарварлари” деб номланган ўта махфий ташкилотга асос солади. Уларнинг фикрича, президент режасини барбод қилишнинг ягона усули — унга қарши кескин чоралар қўллаб, фикридан қайтариш ва бундай дастурларни илгари суриш ғоясини бутунлай йўққа чиқариш.

— Лекин нима учун улар мени танлади?

— Сиз ниҳоятда муносиб номзод эдингиз, — изоҳ берди Майк. — Ҳатто жуда зўр номзод. Ўзингиз ўйлаб кўринг: Американинг бир чеккасидан келган келишган аёл ва ёқимтой болалар. Манзара тўлиқ бўлиши учун ёқимтой ит ва ёқимтой мушуккина етишмайди. Хуллас, сиз улар учун “Миссис Америка” тимсоли эдингиз. Шу боис улар, қандай бўлмасин, сизни қўлга олишга киришди. Уларнинг йўлига эрингиз тўғаноқ бўлганда, автоҳалокат уюштириб, уни ўлдиришди.

— Эй, Яратган эгам! — Майкнинг гаплари унинг юрагига ўқдек санчиларди.

— Кейин улар сизнинг турқи тароватингизни шакллантиришга киришди. Оммавий ахборот воситаларидаги барча алоқаларини ишга солиб, сиздан ҳамма танийдиган, севадиган юлдуз ясашди. Шундай қилиб, сиз халқларни тинчлик сари етаклайдиган гўзал хонимга айландингиз.

— Кейинги режалари қандай?

— Уларнинг режасига кўра, энди сиз ва болаларингиз даҳшатли ўлим топишингиз керак. Бутун дунё бундан ларзага тушиши, бирорта одамнинг миясида кескинликни юмшатиш ғояси туғилмаслиги керак.

Мэри ўтирган жойида ўзини гўё фалаж бўлиб қолган одамдек ҳис этарди.

— Эшитганларингиз умумий гаплар бўлса-да, — деди полковник Маккинни, — уларнинг мақсад-муддаоларини аниқ ифода этади. Дарвоқе, Майкнинг МРБда хизмат қилишини айтиб қўйишим керак. Эрингиз ва Марин Грозанинг ўлиmidан кейин у “Эркинлик ватанпарварлари” ташкилоти билан алоқа боғлашга муваффақ бўлди. Улар Майкни маслакдоши деб тан олди ва ҳаракатга қўшилишга таклиф этди. Биз президент билан гаплашиб, унинг розилигини олдик. У рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалардан хабардор. Сизнинг хавфсизлигингизни таъминлаш унинг доимий диққат-эътиборида. Аммо президент буни ҳеч ким билан муҳокама қила олмайди. Чунки МРБ бошлиғи Нед Тилленгаст энг юқори даражадаги идорадан махфий ахборот чиқиб кетаётгани тўғрисида президентни огоҳлантириб қўйган.

Мэрининг боши зирқираб оғрий бошлади.

— Ахир... ахир, сиз мени ўлдирмоқчи эдингиз-ку!

Майк чуқур хўрсинди:

— Аксинча, мен ҳаётингизни сақлаб қолмоқчи эдим, аммо сиз қаттиқ қаршилик қилдингиз. Мен нима қилиб бўлса ҳам, сизни ва болаларингизни хавфсизроқ жойга жўнатишга ҳаракат қилдим.

— Сиз мени заҳарлаганингиз рост-ку!

— Унинг миқдори хавфсиз эди. Мен фақат сизнинг бетоб бўлиб, Руминиядан кетишингизни хоҳлардим, холос. Врачларга тайинлаб қўйилган эди. Мен сизга бор гапни айтолмасдим. Акс ҳолда, уларни тутиб олиш учун ягона имкониятдан маҳрум бўлиб қолишимиз мумкин эди. Ҳатто, ҳозир ҳам ташкилотни ким бошқараётганини билмаймиз. У ҳеч қачон учрашувларга келмайди. Уни Назоратчи деб аташларигина бизга маълум.

— Луи-чи?

— Доктор ҳам улардан бири эди. У Фариштанинг ёрдамчиси, портловчи мосламалар бўйича мутахассис бўлган. Унинг зиммасига доимо сизнинг ёнингизда бўлиш вазифаси топширилган. Сохта ўғирлаш ҳийласини ишга солиб, ёқимтой мистер сизни қутқаради. — У Мэрининг юзига разм солди. — Сиз ўша кезларда ёлғиз ва тушқун кайфиятда бўлгансиз. Улар бундан усталик билан фойдаланган. Доктор Дефоржени шу тариқа севиб қолган аёл фақат сиз эмас.

Шу пайт Мэрининг хотирасида ҳамиша тиржайиб турадиган ҳайдовчи қиёфаси жонланди. “... бирорта ҳам румин бу ерда бахтли турмуш кечирмайди. Хорижликлар бундан истисно. Хотиним бева бўлиб қолишини хоҳламасдим”.

— Бу можароларда Флорианнинг ҳам қўли борга ўхшайди, — деди у. — Яёв кетишга мажбур қилиш учун у филдиракни атайлаб тешган.

— Биз у билан шуғулланамиз.

— Майк... Сиз нима учун Луини ўлдирдингиз?

— Бошқа иложим йўқ эди. Уларнинг режасига кўра, сиз ва болаларингиз кўпчиликнинг кўз ўнгида ҳалок бўлишингиз керак эди. Луи менинг кўмита аъзоси эканимни биларди. Сизни заҳарламоқчи бўлганимни сезиб қолгач, унда шубҳа пайдо бўлган. Сиз заҳардан ўлмаслигингиз керак эди-да. Мени ошкор қилмаслиги учун уни ўлдиришга мажбур бўлдим.

Мэри бу мураккаб бошқотирма калавасининг учини топгандек бўлди: мутлақо ишонмайдиган одами тирик қолиши учун уни заҳарлаган, севгилиси эса даҳшатли ўлимга дучор этиш учун қутқарган. “Мен қурбонликка аталган кўзичоқ бўлган эканман-да”, — деб ўйлади у. — Атрофимдаги барча нарсалар сохта бўлиб чиқди. Менга қўмак бериши мумкин бўлган ягона одам бу — Стэнтон Рожерс. Ёки у ҳам...”

— Стэнтон-чи? — деб сўради Мэри. — У...

— У доимо сизни ҳимоя қилиб келди, — деди полковник Маккинни. — Майк сизни ўлдирмоқчи бўлганини билгач, уни ҳибсга олишни менга буюрди.

Мэри Майкнинг юзига тикилди. Мэри душман деб юрган одам уни ҳимоя қилишга юборилган экан-да. Ҳаммаси унинг миясида аралаш-қуралаш бўлиб кетди.

— Луининг хотини ҳам, болалари ҳам бўлмагани ростми?

— Ҳа.

— Энди Мальцдан бунга текшириб кўришни илтимос қилганимда, у Луининг уйлангани ва икки қизи борлигини айтганди.

Майк ва полковник Маккинни бир-бирига қараб қўйди.

— У қўлга олинади, — деди Маккинни. — Мен уни Франкфуртга жўнатаман. У ерда уни ҳибсга олишади.

— Фаришта деганлари ким бўлди? — деб сўради Мэри.

— Лотинамерикалик қотил. Дунёдаги энг хатарли жиноятчи шу бўлса, ажаб эмас. Сизни ўлдириш учун кўмита унга беш миллион доллар ваъда қилган.

Мэри бу гапларни эшитиб, қулоқларига ишонмасди.

— Унинг Бухарестга келганидан хабаримиз бор, — деди Майк. — Аэропортлар, темир йўл вокзаллари, барча йўллар назорат қилинмоқда, аммо, биз унинг қиёфасини билмаймиз. Унинг ўнлаб паспортлари бор. Аммо ҳеч ким унинг ўзини кўрмаган. У билан жазмани — Неуса Муньес орқали боғланишади. Афсуски, унинг бу

ерга келишига ким кўмаклашгани, қотилликни у қандай амалга оширмақчи бўлганини аниқлай олмадим.

— Мени ўлдиришга унга нима тўсқинлик қилади?

— Биз, — деди полковник, — румин ҳукумати ёрдамида барча эҳтиёткорлик чораларини кўриб қўйганмиз. Ҳаммаси назорат остида.

— Хўш, энди нима қиламиз?

— Буни энди сиз ҳал қилишингиз керак, — дея жавоб берди Майк. — Фариштага сизни бугунги байрам пайтида ўлдириш буюрилган. Уни тутишимизга ишончим комил, аммо у ерда сиз бўлмасангиз...

— У қотилликни амалга оширмайди, демоқчисиз, шундайми?

— Бугун шундай бўлиши мумкин. Бироқ, эртами-кечми, у барибир сизни ўлдиришга уриниб кўради.

— Демак, мен хўрак бўлишим керак экан-да?

— Буни фақат ўзингиз ҳал қилишингиз керак, — деди полковник Маккинни.

“Ҳаммасини тўхтатиш мумкин, — деб ўйлади Мэри. — Болаларни олиб, Канзасга кетсам, барчаси ортда қолади. Ҳаётим яна тинч-ҳотиржам изга тушади, университетдаги машғулотларим давом этади. Ўқитувчини ўлдириш кимга керак. Фаришта мени унутади”.

— Мен болаларимни хавф остига қўя олмайман.

— Мен шундай қиламанки, — дея ваъда берди полковник, — болаларни қароргоҳдан олиб кетишади ва қаттиқ кўриқлашади.

Мэри узоқ ўйланиб қолди. Кейин Майкга қараб деди:

— Қурбонликка аталган кўзичоқ байрамона либосда бўлиши керак эмасми?

### *Ўттизинчи боб*

Элчихонада полковник Маккинни денгиз пиёдаларига кўрсатма берарди:

— Қароргоҳ Форт-Нокс<sup>1</sup> дек кўриқланиши керак. Руминлар бизга кўмаклашиб туради. Теварак-атроф аскарлар билан ўраб олинган. Рухсатномасиз бирорта ҳам одам бу ерга кира олмайди. Сиз кириб-чиқаётганларнинг рухсатномасини текширасиз. Келганларнинг барчаси металл детектори ёрдамида текширилиши шарт. Бино ва боғ полициячилар томонидан ўраб олинади. Мерганлар томга жойлаштирилади. Саволлар борми?

— Йўқ, сэр.

— Тарқалингллар.

Ҳаммаёқда байрамона шукуҳ ҳукм сурарди. Кучли прожекторлар осмонни ёритиб турар, румин полициячилари ва америкалик денгиз пиёдаларидан иборат кўриқчилар оломонни тўхтатиб туришар эди. Бир хил костюм кийиб олган секуритате айгоқчилари ҳаммаёқда изғиб юрарди. Айримларида портловчи моддани топишга ўргатилган итлар бор эди.

Қабулда кўплаб мамлакатларнинг журналистлари ва фото-мухбирлари иштирок этарди. Ичкарига киришидан олдин уларнинг ўзи ҳам, камералари ҳам синчиклаб текширилди.

— Бу ерга сичқон ҳам ўта олмайди, — дея мақтанди навбатчи зобит.

Капрал эса комбинезонли кишининг ишини назорат қилишдан зерикди. У чўнтагидан сигарет олиб тутатмоқчи бўлди.

— Сигаретни ўчириш! — дея қичқирди Фаришта.

<sup>1</sup> Ф о р т - Н о к с — АҚШ олтин захираси сақланадиган жой.

Капрал ажабланиб унга тикилди:

— Нима гап? Сиз шарларни гелий билан тўлдираяпсиз, шекилли. У ёнмайди-ку!

— Сигаретни ўчиринг! Полковник Маккинни бу ерда чекилмасин, деб буюрган.

— Жин урсин, — дея тўнғиллади капрал. У сигаретни ерга ташлаб, оёғи билан эзди.

Фаришта ёнаётган сигаретнинг учқунлари қолмадимикан деб, диққат билан ерга қаради-да, шарларни ҳар хил баллонлардан шиширишни давом эттирди.

Гелий чиндан ҳам ёнмайди, аммо бирорта ҳам баллон гелий билан тўлдирилмаган эди. Бирига — пропан, иккинчисидан — оқ фосфор, учинчисига — кислород-ацетил аралашмаси солинган эди. Фаришта баллонларда шарларнинг тепага кўтарилишигагина етадиган гелий қолдирган эди.

У оқ шарларни пропан, қизил шарларни — кислород-ацетил аралашмаси, кўк шарларни — оқ фосфор билан тўлдириди. Шарлар портлаганда оқ фосфор пропанни ёқиб, пастда турган одамларнинг устига суюлиб тушади. Вужудга келадиган мислсиз ҳарорат томоқ ва ўпкани ишдан чиқаради, портлаш тўлқини эса бутун бошли квартални ер билан яқсон қилади. Зўр томоша бўлади!

Фаришта ўрнидан туриб, шифт остида сузиб юрган ранг-баранг шарларга қараб қўйди:

— Ҳаммаси тайёр.

— Бўпти, — деди капрал, — энди меҳмонларни қувонтириш учун шарларни залга суриб чиқариш керак. — У тўрт денгиз пиёдасини чақирди: — Қани, йигитлар ёрдамлашиб юборинглар-чи.

Улардан бири залга олиб борадиган эшикни очди. Деворлар америка байроқчалари ва ленталар билан безатилган. Залнинг бошқа бурчагида оркестр учун тайёрланган тахтасупа кўриниб турарди. Ташриф буюрган меҳмонлар безалган дастурхон олдида туришарди.

— Бу ер нақадар гўзал, — деди Фаришта. “Тез орада бу зал куйган жасадларга тўлиб кетади”. — Суратга олсам, майлими?

— Бўпти, олавер. Қани, йигитлар, ишга киришамиз.

Денгиз пиёдалари хонадаги шарларни зал ичкарасига суриб, уларнинг шифтга учаётганига қараб туришарди.

— Эй, сал секинроқ, — деди Фаришта огоҳлантиргандек бўлиб.

— Ташвишланма, қимматли шарларингга бало ҳам урмайди.

Эшик бўсағасида турган Фаришта учаётган шарларга қараб тиржайди. Минглаб рангли бомбачалар. У чўнтагидан фотоаппарат чиқариб, залга кирди.

— Эй, тўхта, буёққа кириш мумкин эмас, — деди капрал унинг йўлини тўсиб.

— Қизимга эсдалик учун суратга олмоқчиман.

“Қизингни тасаввур этиш қийин эмас”, — деб ўйлади капрал.

— Яхши, фақат тезроқ бўл, — деди у.

Шу пайт залга Мэри болалари билан кириб келди. Фаришта яна тиржайди. Ҳаммаси режа бўйича кетаётганди.

Капрал бошқа томонга ўгирилганда Фаришта тезлик билан фотоаппаратни столнинг остига, кўринмайдиган жойга яшириб қўйди. Портловчи таймери бир соатга қўйилган эди. Ҳаммаси тахт бўлди. Кўриқчи унга томон кела бошлади.

— Менинг ишим тамом бўлди, — деди Фаришта.

— Сизни кузатиб қўяман, — деди кўриқчи.

— Миннатдорман.

Беш дақиқадан кейин Фаришта Александру Сахия кўчасидан юриб, қароргоҳдан узоқлашиб борарди.

Қароргоҳ атрофида ур-йиқит авжига чиққан. Полиция тобора кўпайиб бораётган оломонни тўхтатиб туришга ҳаракат қиларди. Барча уйларнинг чироқлари ёнган, қароргоҳ эса зим-зиё осмондаги чароғон юлдуздек ярақлаб турарди.

Мэри қабул бошланишидан олдин болаларни юқорига олиб борди.

— Сизлар билан кичкина оилавий йигилишимиз бор, — деди уларга. У болаларга бор гапни айтиш кераклигини тушунарди.

Болалар унга ҳайрон бўлиб қараб турарди.

— Мен сизларнинг хавф-хатардан йироқ бўлишингизни таъминлайман, — деди у. — Сизларни бу ердан олиб кетишади.

— Сиз-чи ойижон? — деб сўради Бет. — Ахир, сизни ўлдирмоқчи-ку. Биз билан кетсангиз бўлмайдими?

— Йўқ, жонгинам, бора олмайман. Акс ҳолда, биз бу одамни қўлга тушира олмаймиз.

Тим йиғлашдан бери бўлиб турарди.

— Уни тута олишмаса-чи?

— Майк Слейд албатта тутамиз деди.

Тим ва Бет бир-бирига анграйиб қолди. Уларнинг кўнглига гулгула тушган эди. Болаларининг аҳволини кўриб, Мэрининг юрагига оғриқ кирди. “Бундай синовларга дош бериш учун улар ҳали жуда ёш”.

Мэри қабул маросимига киядиган кийимини яхшилаб танлади. “Ким билади, балки кўмиш маросимига кийинаётгандирман?” — деган гап кўнглидан ўтди. У қизил шифондан тикилган узун кўйлагини, пошнаси баланд қизил туфлисини кийди. Ойнага кўз ташлади — юзлари сўниқ, қоғоқлари осилган эди.

Ўн беш дақиқадан кейин Мэри, Бет ва Тим рақс залига кириб келишди. Мэри асабийлашаётганини сездирмасликка ҳаракат қилиб, меҳмонлар билан саломлашди. У болаларига ўгирилиб, баланд овозда деди:

— Сиз ҳали уй вазифаларини бажаришингиз лозим. Хонангизга боринглар.

Уларнинг ортидан термилиб, Мэри нафаси бўғзига тиқилганини ҳис этди. “Майк Слейд ўз ишини билиб қилаяпти, деб умид қиламан”.

Орқадан эшитилган гурсиллаган овоздан Мэри сесканиб кетди. Юраги кўксидан отилиб чиқаётганини ҳис этиб, кескин бурилди. Официант патнисни тушиб юбориб, синган идишлар бўлакчаларини тараётганди. Мэри ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди. Фаришта уни қандай қилиб ўлдирмоқчи экан-а? У байрамона безатилган залга хомуш боқиб, саволига жавоб топа олмади.

Болалар залдан чиқиши билан полковник Маккинни уларни орқа эшикка олиб борди.

— Уларни элчихонага олиб боринг-да, кўз-қулоқ бўлиб тулинг, — деди у икки денгиз пиёдасига.

— Ойимга ҳеч нима қилмайдими? — деб сўради Бет.

— Ҳаммаси яхши бўлади, — деди полковник Маккинни хаёлан шундай бўлишига умид боғлаб.

Болалар кетгандан кейин Майк Слейд Мэрининг олдига келди:

— Болаларни олиб кетишди. Мен бориб яна бир бор текшириб чиқаман-да, дарров қайтаман.

— Кетманг! — деди Мэри ёлвориб. — Сизнинг олдингизда бўлишни хоҳлайман.



— Нима учун?

— Сиз ёнимда бўлсангиз, ўзимни хотиржам ҳис этаман, — дея иқрор бўлди у.

— Шундай денг? — деди Майк мийиғида кулиб. — Бўпти, юринг унда.

Мэри унга имкон борира яқинроқ туриб юриб борарди. Оркестр чалаётган муסיқага меҳмонлар рақс тушаётганди. Унинг репертуари асосан америка кўшиқлари ва бродвей музикллари куйларидан иборат эди. Рақсга тушмаётганлар хизматкорлар кумуш патнисларда келтираётган шампан виносини ичишарди. Барчанинг кайфияти кўтаринки, байрамона.

Мэри бошини кўтариб, шифт тагида сузиб юрган ранг-баранг шарларга тикилди. Нақадар гўзал манзара. “Қани эди, ўлим хавфи бўлмаса”, — деб ўйлади у. Мэрининг асаби ниҳоятда таранглашган эди. Меҳмонлардан бири шундоққина ёнидан ўтганда, худди унга захарли игна санчилаётгандек, сесканиб кетди. Наҳотки, Фаришта уни ҳамманинг кўз ўнгида отиб ташласа? Ё биқинига пичоқ тикса? Асаби дош беролмаётганидан Мэрининг боши гир-гир айланар, нафас олиши қийинлашарди. У кулиб турган қувноқ одамлар орасида ўзини ниҳоятда ёлғиз ва кимсасиз ҳис этарди. Фаришта истаган жойда бўлиши мумкин. Ким билади, балки айна пайтда унга тикилиб тургандир.

— Фаришта шу ерда деб ўйлайсизми?

— Билмадим, — деди Майк. Энг даҳшатлиси ҳам шунда. Мэрининг ташвишли қиёфасини кўриб, унга деди: — Гапимга қулоқ солинг, агарда сиз...

— Йўқ. Хўрак сифатида кераксиз, дедингиз-ку. Ахир, хўраксиз қопқон ёпилмайди.

— Худди шундай, — дея Майк унинг қўлини оҳишта сиқиб қўйди.

Уларнинг ёнига полковник Маккинни келди:

— Биз ҳаммаёқни яна бир бор текшириб чиқдик. Ҳеч нима йўқ. Очиғи, бу менга ёқмаяпти.

— Яна бир бор уриниб кўрамиз. — У тўрт денгиз пиёдасига ишора қилган эди, улар Мэрининг ёнига келиб туришди. — Мен дарров қайтаман, — дея ваъда берди Майк.

— Илтимос, тезроқ қайтинг, — деди Мэри ўтиниб.

Майк, полковник Маккинни ва икки кўриқчи иккинчи қаватдаги барча хоналарни итлар билан бирма-бир текшириб чиқишди.

— Ҳеч нима йўқ, — деди Майк.

Улар бино орқасидаги ўтиш жойини кўриқлаб турган денгиз пиёдасининг ёнига келишди:

— Бу ердан ҳеч ким кирмадимми?

— Йўқ, сэр. Ҳаммаси одатдагидек.

“Афсуски, одатдагидек эмас”, — деди Майк қовоғи уйилиб.

Улар меҳмонлар учун ажратилган хонага келишди. Эшик олдида қуролланган кўриқчи турарди. Полковникни кўриб, у ростланди-да, ҳарбийчасига саломлашди. Улар ичкарига киришди. Корина Соколи каравотда румин тилида ёзилган қандайдир китобни ўқиб ётарди. Фаришта қўйган хўрак шу эмасмикан? Балки, унга ёрдам берган ҳам шу хонимчадир?

— Байрамда қатнаша олмаётганимдан жуда афсусдаман, — деди Корина. — Роса қизиқ бўлаётгандир? Майли, китобимни ўқиб тугата қолай.

— Яхши, — деди Майк ва эшикни ёпди. — Келинлар, яна бир бор пастдаги хоналарни кўриб чиқайлик.

Улар ошхонага киришди.

— Мабодо, заҳар эмасмикан? — деб сўради полковник. — Эҳтимол, Фаришта уни заҳарламоқчидир?

Майк бошини чайқади:

— Бу усул унга тўғри келмайди. Назаримда, Фаришта жуда катта томоша кўрсатмоқчи.

— Майк, бу ерга портловчи модда олиб ўтишнинг имкони йўқ. Мутахассислар ҳар бир қарич ерни искович итлар ёрдамида текшириб чиқишди. Ҳеч нима топиша олмади. Том орқали ҳам иложи йўқ — у ерда мерганлар ўтирибди. Бу асло мумкин эмас.

— Фақат битта усул бор.

— Қандай усул?

— Билмайман, — деди Майк. — Буни фақат Фаришта биледи.

Улар яна бир бор кутубхона ва бошқа иш хоналарини текшириб чиқишди. Капрал ва икки денгиз пидаси охириги шарларни залга суриб чиқараётган хона ёнидан ўтишди.

— Зўр-а? — деди капрал.

— Нимасини айтасан.

Улар энди кета бошлаганда Майк шарларни кўриб тўхтаб қолди.

— Капрал, бу шарларни қаёқдан олиб келишган?

— АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг Франкфуртдаги базасидан, сэр.

— Мана булар-чи? — деб сўради Майк гелий солинган баллонларга ишора қилиб.

— Булар ҳам ўша ердан олиб келинган.

Майк полковник Маккиннига ўтирилди:

— Юринг, яна бир бор юқоридаги қаватни кўриб келайлик.

Улар қайрилиб кета бошлаганда капрал сўраб қолди:

— Кечирасиз, полковник. Сиз юборган одам исми шарифини ёзиб қолдиришни унутибди. Унга хизмат ҳақини ҳарбий сифатида тўлаш керакми ё фуқаро сифатида?

Полковник Маккиннининг пешонаси тиришди:

— Яна қандай одам?

— Сиз шарларни шиширишни буюрган экансиз.

— Ҳеч кимга бундай буйруқ бермаганман, — деди полковник бошини чайқаб. — Буни сизга ким айтди?

— Эдди Мальц. У айтдики...

— Эдди Мальц? Мен унга Франкфуртга жўнанг, деб буюргандим-ку.

— Бу эркакнинг кўриниши қандай эди?

— У эркак эмас, сэр, аёл эди. Кўриниши жуда галати. Семиз ва бадбашара. Юзлари чўтир.

Майк ва полковник Маккинни таажжубланиб, бир-бирига тикилди:

— Бу одам Гарри Ланц тасвирлаб берган Неуса Муньеснинг худди ўзи.

Бирдан иккови ҳам ҳаммасини тушунди.

— Эй, худойим! — дея хитоб қилди Майк. — Неуса Муньес ва Фаришта — бир одам! — У қўли билан баллонларни кўрсатиб, капралдан сўради: — Шарларни мана шундан тўлдирганмиди?

— Ҳа, сэр. Ҳатто унинг қилиғига кулгим қистади. Сигарет олиб энди тутаман десам, “ўчиринг” деб бақирса бўладими. Мен унга “гелий ёнмайди-ку” десам, у...

Майк бошини кўтариб, шифтга қаради. Шарлар! Портловчи модда шарларда!

Турганларнинг ҳаммаси шифтда сузиб юрган шарларга бақрайиб қолди.

— Соат механизмли қандайдир портлатадиган мослама қўйилган бўлиши керак. — Майк капралга қайрилиб сўради: — Бу одам қачон кетди?

— Бир соатча бўлди, сэр.

Стол остига қўйилган таймер кўрсаткичида портлашгача олти дақиқа қолган эди.

Майк саросимага тушиб, залга кўз югуртириб чиқди.

— Фаришта мосламани хоҳлаган жойга қўйган бўлиши ва у истаган пайтда ишга тушиб кетиши мумкин. Уни излашга вақтимиз йўқ.

Шу пайт уларнинг олдига Мэри келди. Майк унга хавотирланиб деди:

— Зудлик билан зални бўшатиш керак! Зудлик билан! Яхшиси, меҳмонларга буни ўзингиз айтганингиз маъқул.

Ҳамма залдан чиқиб кетиши шарт.

Мэри нима рўй берганига тушуна олмасдан Майкнинг юзига анграйиб қолди:

— Нима учун? Нима бўлди?

— Биз оғайнимизнинг ўйинчоғини топдик, — деди Майк хўмрайиб. У қўли билан шифтга ишора қилди: — Ажал уруғи —мана шу шарларда.

Мэрининг юзида даҳшат акс этганди.

— Уларни тушириш мумкинми?

— Улар мингтадан кам бўлмаса керак. Биз уларни туширгунча...

Ҳаяжондан Мэрининг томоғи қуруқшаб, овози хириллаб чиқди:

— Майк... Мен нима қилиш кераклигини биламан.

Ҳамма унга ўтирилди.

— Залнинг томи. У сурилиши мумкин.

Вазият қанчалик кескин бўлмасин, Майк ўзини қўлга олишга ҳаракат қиларди.

— У қандай сурилади?

— Электр ёқкичи бор...

— Йўқ, — деди Майк. — Чироқни ёқиб бўлмайди. Кичкина чақмоқдан улар портлаб кетиши мумкин. Қўл кучи билан суриб бўлмайдими?

— Бўлади. — Мэрининг тили аранг айланарди. — Залнинг томи қўл чиғири ёрдамида сурилади. Унинг икки томонида ушлагичлари бор. — Ҳозиргина ёнида турган Майк ва полковник аллақачон кетиб бўлганди.

Майк билан полковник Маккинни югурганча зинадан иккинчи қаватга кўтарилишди. Бир оздан кейин улар чердакка чиқиб олишди. Ёғоч нарвон шифтни тозалаш учун қўлланадиган осма ҳавозага олиб борарди. Деворнинг ёнида қўл чиғириқнинг ушлагичи қотирилган эди.

— Иккинчи ушлагич нариги томонда бўлиши керак, — деди Майк.

У пастда турган одамларга қарамасликка ҳаракат қилиб, бир дунё шарлар орасидан ўтиб, ҳавозанинг торгина тахтасига оёқ қўйди. Энди энг муҳими — мувозанатни йўқотмаслик. Аксига олиб, елвизак таъсирида шарлар унга томон сузиб кела бошлади. Шу пайт унинг бир оёғи тойиб, пастга йиқилиб кетаёзди. Сўнгги лаҳзада у тахтани ушлаб қолиб, ҳавода муаллақ осилиб қолди. Кейин бир амаллаб гавдасини ростлаб, ҳавоза устига чиқиб олди. Майкнинг юзидаги тер сел бўлиб оқарди. Авайлаб оёқ босиб, у чиғириқнинг ушлагичига етиб борди.

— Мен тайёрман, — дея қичқирди Майк полковникка. — Бошлаймизми? Секин-аста айлантирамиз. Қани, бошладик!

Майк ушлагични секин айлантира бошлади.

\* \* \*

Ҳаммаёқни шар босиб кетганидан Майк полковник Маккиннини кўрмаса-да, иккинчи чиғириқнинг гижирлашини эшитиб турарди. Аста-секин том сурилиб, осмон кўринди. Аввал бир неча, кейин борган сари кўпроқ шарлар очилган туйнук орқали зим-зиё осмонга учиб чиқа бошлади. Кўчада тўпланган оломоннинг шодон ҳайқириғи эшитилди. Портлашга эса қирқ беш сония қолган эди. Майк шарларнинг бир нечаси нимагадир илиниб қолганини кўриб қолди. Кўлини узатиб, уларга ета олмади. Торгина тахтадан бир неча қадам юриб, шарларни ташқарига чиқариб юборди.

Майк уларнинг тим қора осмонга тобора баландроқ кўтарилиб бораётганига қараб турарди.

Бирдан осмон портлади. Даҳшатли гумбурлаган овоз эшитилиб, оқ ва қизил рангли олов учқунлари тўрт томонга сочилди. Мустақиллик кунининг бундай нишонланганини ҳали ҳеч ким кўрмаган эди. Оломоннинг гулдурос қарсақлари янгради.

Майк силласи қуриганидан жойидан кўзғалишга кучи қолмаганди. Ҳаммаси тамом бўлди. Ҳаммаси ортда қолди.

Операция бир вақтда дунёнинг турли бурчакларида амалга оширилди. АҚШнинг давлат котиби Флойд Бейкер жазмани билан тўшакда ётган пайтда бирдан эшик очилиб, хонага тўрт киши кириб келди.

— Жин урсин, қандай ҳаддингиз сиғди?..

Келганлардан бири ҳужжатини чиқариб кўрсатди:

— Федерал қидирув бюроси. Сиз ҳибсга олиндингиз.

Флойд Бейкер кўзларига ишонгиси келмасди.

— Сизлар ақлдан озибсиз. Мени нимада айблашяпти?

— Хоинликда, жаноб Тор.

\* \* \*

Код номи Один бўлган генерал Оливер Брукснни ФҚБ (АҚШ Федерал Қидирув Бюроси. — *Тарж.*) Ҳибсга олганда у ўзининг клубида нонушта қилиб ўтирарди.

Флейер номи билан танилган, Британия империяси ордени соҳиби, парламент аъзоси сэр Хайдуайт қабул зиёфатида табрик сўзи айтаётганида унинг ёнига официант келди:

— Кечирасиз, сэр Алекс. Сизни икки жентльмен сўраб келибди...

Парижда Бальдр лақабли сенатор нутқ сўзлаётган пайтда ҳибсга олинди.

Нью-Дехлидаги парламент биносида Ҳиндистон миллий конгресси спикери Вишну қамоққа олинди.

Италия парламентининг депутати Тюр турк ҳаммомида қўлга олинди.

Операция давом этарди.

Мексика, Албания ва Японияда олий мартабали амалдорлар қўлга олинди. ГФР бундестаги депутати, Австрия миллий кенгаши депутати, Совет Иттифоқи Олий кенгаши Раисининг ўринбосари қамоққа олинди.

Қамалганлар орасида йирик кемасозлик компанияси президенти, касаба уюшмаларининг обрўли етакчиси, телевидениеда ваъзхонлик қиладиган руҳоний ва нефть картели бошлиғи бор эди.

Эдди Мальц қочиб кетишга уринганда отиб ўлдирилди.

ФҚБ ходимлари Пит Коннорс хонасининг эшигини бузиб киришмоқчи бўлганда, у ўз жонига қасд қилди.

\* \* \*

Мэри ва Майк Слейд “Аквариум”да бутун дунёдан келаётган хабарларни олиб ўтиришарди.

— Улар Жанубий Африка республикаси ҳукуматининг аъзоси Фрееландни қўлга олишибди. Ушланмаган фақат Назоратчи ва Неуса Муньес — Фаришта қолди, холос.

— Наҳотки, Фаришта аёл киши бўлганини ҳеч ким билмаган бўлса? — деб сўради Мэри.

— Билмаган. У ҳаммамизни лақиллатди. Гарри Ланц кўмитанинг айрим аъзоларига уни семиз ва бадбашара деб тасвирлаган.

— Ҳўш, Назоратчи деганлари ким?

— Уни ҳеч ким кўрмаган. Барча буйруқларни у телефон орқали беради. У зўр ташкилотчи. “Эркинлик ватанпарварлари” ташкилоти кичик ячейкаларга бўлингани сабабли бир гуруҳ нима билан шуғулланаётганини иккинчиси билмайди.

Фаришта газаб ўтида ёнарди. У қутурган ваҳший ҳайвонга ўхшаб қолганди. Бу гал нимадир режасининг амалга оширилишига халақит берди, аммо у яна ишга киришишга тайёр эди.

У Вашингтондаги рақамни териб, жонсиз ва руҳсиз овозда гапирди:

— Фаришта у киши ташвишланмасин, деб айтиб қўйишимни илтимос қилди. У ваъдасининг устидан чиқади. Улар кейинги гал албатта ўлади...

— Кейинги гал бўлмайди, — деди телефондаги суҳбатдош. — Бизга Фариштангнинг кераги йўқ. У ҳаваскорликка ҳам ярамас экан.

— Фаришта менга айтдики...

— Унинг гапига тупурдим. Фаришта биз учун тамом бўлган. У биздан энди бир цент ҳам олмайди. Мен ишнинг кўзини биладиган бошқа одамни ёллайман. Ўша итваччага айтиб қўй: бундан буён мени безовта қилиб юрмасин.

Суҳбатдош гўшакни қўйди.

Ярамас гринго! Ҳали ҳеч ким Фаришта билан бундай оҳангда гаплашмаган, унинг гурурини бунчалик таҳқирламаган. Сен ҳали бунинг учун жавоб берасан! Бошинг билан жавоб берасан!

“Аквариум”да телефон жиринглаб қолди. Бу Стэнтон Рожерс эди.

— Мэри! Аҳволингиз яхшими? Болалар қалай?

— Ҳаммаси жойида, Стэн.

— Яратганга шукр! Нималар бўлганини сўзлаб беринг.

— Бу Фаришта экан. Бу аёл қароргоҳни портлатмоқчи...

— Бу эркак демоқчисизми?

— Йўқ, Фаришта аёл киши экан. Унинг исми шарифи — Неуса Муньес.

Узоқ давом этган жимликдан кейин Стэнтон таажжубланиб сўради:

— Неуса Муньес? Ўша семиз, бадбашара эси паст Фаришта эканми?

Мэрининг бутун вужудини титроқ босди.

— Ҳа, Стэн, — дея олди, холос.

— Мендан бирон-бир ёрдам керак эмасми?

— Йўқ, ташаккур. Ҳозир болаларни олиб келиш учун кетаман. Кейинроқ қўнғироқ қиламан.

У гўшакни жойига қўйди. Ҳайратга тушгани юзидан сезилиб турарди.

— Нима бўлди? — деб сўради Майк.

— Сиз Гарри Ланц кўмитанинг айрим аъзоларига Неуса Муньеснинг қиёфасини тасвирлаб берганини айтган эдингиз.

— Ҳа, тўғри.

— Гап шундаки, ҳозиргина Стэнтон Рожерс уни тасвирлаб берди.

\* \* \*

Самолёт Даллес номидаги халқаро аэропортга келиб қўнди. Фаришта телефон будкасига кириб, Назоратчининг рақамини терди.

Таниш овоз жавоб берди.

— Стэнтон Рожерс эшитади.

Орадан икки кун ўтиб, Майк, полковник Маккинни ва Мэри элчихонанинг мажлис залида ўтиришарди. Электроника бўйича мутахассислар текширувни якунлаб, барча “қўнғизча”ларни йўқ қилишди.

— Ҳаммаси тўғри келади, — деди Майк, — Назоратчи бу — Стэнтон Рожерс экани ҳатто ҳаёлимизга ҳам келмаган.

— У нима учун мени ўлдирмоқчи эди? — деб сўради Мэри. — Тўғри, дастлаб у менинг номзодимга қарши бўлган. Буни ўзи менга айтган эди.

— У пайтда режаси ҳали пишиб етилмаган эди, — деди Майк. — Сизни ва болаларингизни кўргач, унга айнан керакли одам эканингизни англаб етган. Шундан кейин элчи этиб тайинланишингиз учун бор имкониятларини ишга солган. Айнан шу нарса сизни чалғитган. У кечаю кундуз сизни кузатган, матбуотда сиз ҳақингизда тўхтовсиз ёзишлари, сизни доимо керакли жойда керакли одамлар билан учрашувларингизни ҳамма кўришини таъминлаган.

Мэри елка қисиб қўйди:

— Бу унга нима учун керак бўлди экан?

— Стэнтон Рожерс Пол Эллисоннинг президент этиб сайланишини ҳазм қила олмаган. У аслида либерал бўлса-да, ўнг қанотига мансуб ўта мутаассиб аёлга уйланган. Бу аёл унга жиддий таъсир кўрсатган деб ўйлайман.

— Уни қўлга олишдимми?

— Йўқ. У гойиб бўлган. Аммо тез орада уни топишади.

Икки кундан кейин ахлат идишининг ичидан Стэнтон Рожерснинг калласини топишди. Унинг кўзлари ўйиб олинган эди.

### *Ўттиз биринчи боб*

Оқ уйдан президент Эллисон кўнғироқ қилди:

— Истеъфонгизни қабул қила олмайман.

— Кечирасиз, президент жаноблари, аммо мен...

— Мэри, бошингизга қандай синовлар тушганидан яхши хабардорман, аммо бундан буён ҳам Руминиядаги элчи вазифасини бажаришда давом этишингизни илтимос қиламан.

“Бошингизга қандай синовлар тушганидан яхши хабардорман”. Ахир, буларнинг барчасини у тасаввур қила олиши мумкинми? Бу ерга келганда у соддадил ва гўр бўлган. У ўз мамлакатининг тимсолига айланмоқчи, америкаликлар аслида ким эканини барчага намойиш этмоқчи эди. Айни шу пайтда у бировларнинг қўлида қўғирчоқ бўлиб келган экан. Президент ҳам, ҳукумат ҳам, атрофидагилар ҳам унинг ана шу соддалигидан фойдаланиб келди. У болалари билан ақл бовар қилмайдиган хавф-хатарга дучор этилди. Мэри Эдвардни ва унинг қандай ўлдирилгани, Луи ва унинг сохта такаллуфлари, Фариштанинг бутун дунёга солаётган даҳшатли таҳдидини кўз олдига келтирди.

“Энди мен ўша пайтдаги аёлга ўхшамайман, — деб ўйлади у. — Мен ҳаммага ишониб кетадиган одам эдим. Энди эса улгайдим. Анчамунча ютуқларга эришдим. Ханна Мэрфини турмадан озод қилдим. Ионеску ўглининг ҳаётини сақлаб қолдим. Руминияга қарз берилишига эришдим. Бир қанча яҳудийларнинг мушкулини осон қилдим”.

— Алло? Сиз мени эшитаяпсизми? — деб сўради президент.

— Ҳа, сэр, — деди у оромкурсида ўтириб уни кузатиб турган Майкка қараб.

— Сиз вазифангизни аёло даражада уддаладингиз, — деди президент. — Ҳаммамиз сиз билан фахрланамиз. Сиз газеталарни ўқидингизми?

Газеталар уни қизиқтирмасди.

— Сиз ўша ерда бизга кераксиз. Сиз мамлакатимизга катта ёрдам бераяпсиз.

Президент унинг жавобини кутиб турарди. Мэри эса масаланинг ижобий ва салбий жиҳатларини ўзича мушоҳада қиларди. “Мен зўр элчиман ва ҳали қўлимдан кўп иш келади”, — деган тўхтамга келди.

— Президент жаноблари, модомики, менинг бу лавозимимда қолишимни истар экансиз, Кўшма Штатларнинг Корина Соколига сиёсий бошпана беришини талаб қиламан.

— Кечирасиз, Мэри. Мен сизга бундай қила олмаслигимизни илгари тушунтирган эдим. Бу Ионескунинг жигига тегиши...

— Ҳечқиси йўқ. Мен уни яхши биламан. Ионеску сиёсий ўйинда шунчаки бир югурдак сифатида ундан фойдаланади.

— Хўш, уни қандай қилиб мамлакатдан олиб чиқиб кетмоқчисиз? — деди президент узоқ сукунатдан кейин.

— Эртага келадиган юк самолётида уни учириб юбориш мумкин.

— Бўпти. Мен бу масалани давлат департаменти билан гаплашиб кўраман. Агар бор гапингиз шу бўлса...

Мэри Майк Слейдга кўз қирини ташлади:

— Йўқ, сэр. Майк Слейднинг мен билан қолиб ишлашини истайман. У менга керак.

Майк қулимсираб, унга қараб турарди.

— Бунинг иложи йўқ, — деди президент қатъий оҳангда. — Слейд қайтиши керак. У бу ерда янги топшириқ олади.

Мэри сукут сақлаб турди.

— Биз бошқа бирор одамни сизга юборамиз, — деди президент. — Истаган одамни танлашингиз мумкин.

Мэри бир пас индамай турди.

— Майк Слейд Вашингтонда бизга керак.

Мэри яна Слейдга назар ташлади.

— Алло? Мэри? Сиз менга пўписа қилмоқчимисиз?

Мэри индамай тураверди.

Ниҳоят, президент норозилигини яширмай деди:

— Бўпти, Слейдсиз ишлолмас экансиз, у яна бир оз сиз билан ишласин.

— Ташаккур, президент жаноблари, — деди Мэри шодланиб. — Руминияда элчи бўлиб қоламан.

— Айтганингизни қилдирадиган хилидан чиқиб қолдингиз-ку, элчи хоним. Нима ҳам дердим. Сизга омад тилайман! Ва ҳар хил бало-қазолардан узоқроқ юришингизни хоҳлайман.

Мэри гўшакни жойига қўйиб, Майкка қаради.

— Сиз шу ерда қоладиган бўлдингиз. У яна менга ҳар хил бало-қазолардан узоқроқ юринг, деб айтди.

— Ҳа, президентимизнинг ҳазил-мутойибага суяги йўқ, — деди Майк. — Модомики, шу ерда қолар эканман, у ҳолда Руминия савдо вазирига тааллуқли масала хусусида гаплашиб олсак бўларди. — У Мэрининг кўзларига тикилди: — Қаҳвага қалайсиз?

## ХОТИМА

Учрашувга раислик қилаётган аёл ўрнидан турди:

— Биз қаттиқ зарбага учрадик. Аммо йўл қўйилган камчиликлар эътиборга олиниб, ташкилотимиз аввалги куч-мавқеини тиклайди. Энди овоз беришга киришамиз... Афродита?

— Қўшиламан.

— Афина?

— Қўшиламан.

— Сабилла?

— Қўшиламан.

— Селена?

— Собиқ Назоратчининг ўлганини эътиборга олиб, балки...

— Селена, илтимос, чайналмасдан гапиринг: таклифга қўшиласизми ё йўқми?

— Қўшилмайман.

— Ника?

— Қўшиламан.

— Немесида?

— Қўшиламан.

— Кўпчилик овоз билан қабул қилинди. Хонимлар, илтимос, эҳтиёткорлик чораларига риоя этишингизни сўрайман.

*Русчадан  
Баҳодир ЗОКИР  
таржимаси*

